

НУЗУР 404  
2/1

СЕВГИ ҚИССАЛАРИ

Ҳабиб Темиров

ҚОРА ҚАСР  
АСИРАСИ

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

# ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ


*Биринчи китоб*

Тошкент  
«Янги аср ашлоди»  
2006

*Минг хил қиёфада товланувчи ҳамда кунларимизга мазмун бағишловчи туйғу, шубҳасиз, муҳаббатдир. Ушбу китобдаги қаҳрамонлар ҳаёти ҳам севги туфайли таҳликалар қуршовида қолиб, тишимсиз ўзгариб боради.*

*Қўлингиздаги мазкур китоб — тасодифларга бой севги саргузаштларини қамраб олган биринчи жилд бўлиб, албатта давоми ҳам бор. Ва сизни ўз мафтункорлиги, ишқий-детектив асарлиги билан мафтун этишига нишонамиз.*

Ю 34404  
2/1



ISBN 978-9943-08-012-6

© Ҳабиб Темиров. «Қоғоз қаср аспраси», «Янги аср ақлоди»НММ, 2006 йил.

## Муаллифдан

Бу воқеани дастлаб эшитганимда, газеталарда кунора эълон қилинадиган жиноний ишлардан бирининг оддий тафсилоти, деб қараганман. Муҳаббат ва рашк фожiasi... Чиндан ҳам кейинги найтларда газеталарда бундай олди-қочди гаплар кўп босилмоқда. Илгарилар камроқ бўлгани учун кютиб, танишлик билан ўқирдик, қаттиқ таъсирланардик, ҳатто тун бўйи ухлолмай чиққан найтларимиз ҳам бўлган. Астафтурулоҳ, шаккоклик бўлмасин-у, инсон боласи худди урушга кўшиккани сингари, жиноят ва қотилликларга ҳам кўшикиб қоларкан, ҳайратланмай, ҳаяжонланмай кўяркан.

Ушбу воқеанинг диққатимни тортадиган бир жиҳати бор – бош қаҳрамони, тўғрироғи, асосий айбдори ҳамкасбим эди ва мен ўша йингит билан бир вақтлар бирга ишлаган эдим.

Айнан шу боис бироз қизиқини билди қулоқ солдим. Тафсилотлардан маълум бўлдики, воқеанинг муқаддимасига ўзим ҳам бевосита алоқадор эканман.

У найтлар ёшлар журналида ишлардим. Таҳририятимизнинг мен раҳбар бўлган мақоланавислик бўлимига ёш бир қаламкаш ишга келган бўлиб, унинг исми Субутой эди. Биз қисқароқ қилиб Субут, деймиз. Субут илгари у ер-бу ерда ишлаган, бир икки мақолалар ёзиб анча кўзга ҳам ташланган. Журналимизнинг бош муҳаррири уни менга таништираркан: «Дадил мавзуларда, дадил ёзади, янаям ўзини кўрарсиз...» деганди. Мен унинг дадиллигини биринчи куниёқ синашга қарор қилиб, ўша кунлар режалаштирилган анчайин қалтис бир мавзунини таклиф этдим.

— Хуфия ислопатхоналар ҳақида эшитганмисиз?

— Сал-пал...

— Ана шу мавзунини бир кўтарсангиз.

— Бунинг учун...

— Фириингизни тушундим. Мана бу — шаҳар ички ишлар бошқармаси, ахлоқ милицияси бўлимининг телефони. Сизга барча шарт-шароитни яратиб беради...

Муайян вақтдан сўнг журналда «Пушаймоннинг аччиқ кўз ёшлари» номли таҳлилий мақола эълон қилинган, ўша даврда фоҳишалик мавзуси илк марта кўтарилгани учун анча шов-шув бўлиб, баъзи идораларнинг ғазабига учрагандик...

Энди билсам, ҳамма гап ўша мақоладан бопланган экан. Мақола Субутнинг ҳаётини тамоман ўзгартириб юборган ва охир-оқибат қотилликка қўл уришига сабаб бўлибди...

Субут мақола босилиб чиққанидан сўнг кўп ўтмай, бошқа жойга ишга ўтиб кетганди. Сўнгра у ерда ҳам кўним тополмай қийналиб юрганини, умуман ҳаётда анчагина жиддий, мураккаб синовларга дуч келганини билардим. У билан бирга кўп ишламаган бўлсакда, менда яхши таассурот қолдирган, қобилиятли ва билимли, энг муҳими, босиқ ва мулоҳазали йиғит эканига қаноат ҳосил қилгандим. Шу бонс унинг қотиллик қилишига ишонгим келмади. Уни изладим, суриштирдим, ўзи, яна бошқа кўп одамлар билан суҳбатладим ва бу чигал масаланинг тагига етишга уридим. Шу аснода аниқлаган, кўрган, кузатган воқеаларимни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.

Ёшлар журнали мухбири Субут Сокин тахририятдан «Муҳаббат савдоси» ҳақида мақола ёзиш ташқириғини олгач, ички ишлар ходими Шавқиев ҳузурига борди.

— Ҳаммаси табиий бўлмоғи керак. Акс ҳолда мақола сунъий чиқади, — деди.

— Яхши. Мен сизга бир аёлнинг телефониини бераман. Бу аёл саъбат соҳасидаги обрўли бир идорада ишлайди. Ҳомийлари катта одамлар. Шу боис уни фонн этинга тишимиз ўтмай турибди. Зора мақолангиздан сўнг...

— Мени дабдурустдан қабул қилавермаса керак?

— Шартли ибораси бор. Бизнинг тилда «нароль» дейилади. Ўшани айтасиз.

— Хўп бўлади.

Келинишган вақтда Субут ўзига берилган телефон рақамини терди.

— Эшитаман, — деган майин овоз янгради сим ортида.

Шартли иборани айтди, боз устига кўнини вилюгдан келганини, унга ушбу «Маданиятлин хонадон»нинг маъзиллини юқори идорада ишловчи дўстларидан бири берганини ҳам қиктириб кўйди. Телефон ортидан майини овоз тиниб, бир муддат ўйлашиб қолди.

— Унақа бўлса, яхши одамга ўхшайсиз. Ҳозир қаерда турибсиз?

— «Сайёҳ» меҳмонхонасининг эшигида.

— Ўша ердан қимирламаанг. Одам боради. Дарвоқе, қапақа қилиб таниб олади?

Айтди. Бу орада милиция ходимларидан бири шахсий машинасида уни «Сайёҳ» меҳмонхонаси ёнига элтиб кўйди. Эшик қаршисида турганича, битта сигарет чекиб улгурмай ёнида ўн тўрт ёшлардаги ўсинрини пайдо бўлди.

- Зардарёлик меҳмон сизмисиз?
- Худди ўзим.
- Кетдик.

Шаҳарнинг янги қурилган мавзеларидаги бири. Кўпқаватли иморатнинг тахминан бешинчи қаватига кўтарилишди. Даҳлиз қороғи бўлгани учун хонадон рақамини илғаб олмади. Эшикни унга ҳамроҳлик қилган ўсирини очди. Одоб билан саломлашди-да, индамай эшик ёнидаги хоналардан бирига кириб кетди. Ўсирини уни даҳлизнинг тўридаги кенг, ёруғ ва жуда иннам жиҳозланган меҳмонхонага бошлаб кирди. Диван устида қирқ беш ёшлар чамасидаги хушрўй ва хушбичим аёл «Янги дунё» журиалини ўқиб ўтирарди. Субутни кўриб, жилмайиб ўрнидан турди.

- Марҳамат, ўргилай, қийналмасдан келдингизми?
- Ташаккур, онахон.
- Хафа бўлманг-ку, кўринишингиз қийлоқдан келган одамга ўхшамайди.

Субут фон бўлинидан кўрқиб, шона-пина мудофаага ўтди.

— Онажон, бизнинг Зардарё томонлар ҳам катта шаҳар бўлиб кетган, борган бўлсангиз...

— Бормаганман. Майли, ким бўлсангиз ҳам, ҳамонки келибсиз, қадамингизда гул очилсин. Қани, чойга қаранг, мен ҳозир...

У чиқиб кетди. Субут ўйлади: «Тахминимча, бу аёл ўқимишли ва маданиятли бўлган. Адабий журнал ўқиб ўтирганига қараганда, эҳтимол, ҳозир ҳам...». Нимага аёл ҳақида ўтган замон феъллида ганираётганига ўзи ҳам ҳайрон. Нима бир пайтнинг ўзида ҳам зиёли ва ҳам қўшмачи бўлиши мумкин эмасми? Билмади. Ҳарҳолда у ҳали таҳририят топириғи ва ахлоқ ҳимоячиси Шавқиевнинг шавқли огоҳлантирувчи таъсирдан қутилди олгани йўқ эди. Гарчанд ўғил бола ганини айтганда, хаёлида ёзилажак мақоланинг сюжети эмас, «Қанақа бўларкан», деган ҳаяжон оғушидаги таҳликали бир қизиқни ҳукмрон эди. Ўзингизни бемалол унинг ўрнига қўйиб кўришингиз мумкин. У илғари ғарб киноларида кўрган учун, хуфия учрашувлар маскани, кўнроқ қилиб айтганда, фоҳишахона қанақа бўлиши ҳақида муайян назарий тасаввурга эга эди, албатта. Аммо

ҳақиқийсиини бунинг устига ўзи яшаб, ишлаб турган шаҳарда-  
гисини кўришга «муяссар» бўлмаганиди. Бинобарин, унинг  
ҳаяжони ва таҳликали қизиқинини тўғри тушунгандирсиз,  
деган умиддаман...

Субут чиндан ҳам асли зардарёлик бўлиб, бизнинг шаҳар-  
даги адабиётга онд бир илм даргоҳида таҳсил кўрган, шу ат-  
рофлардан чиққан бир қиз унга ўз ихтиёри ила кўнгил қўйгач,  
аҳду паймон қилган, уйланган ва муайян маънода ичкўёвлик  
қисматини бопдан кечираётган эди.

Алвал бошда бу нотенг никоҳга ўзи ташаббускор бўлган дом-  
ла қайнонаси «Шундай катта газетанинг мухбири бўлиб ишлов-  
чи», келажоги норлоқ бу йигитнинг ақалли иккита товуқ сотиб  
олишга етмайдиган миқдорда ойлик олишига ишонмас, тўғри-  
роғи, ишонинини сира-сира истамас ва ўзини ҳамда қизини ёр  
ташланшда янглинганликда айбланидан ҳеч чарчамасди.

Хотини эса Субутни бир қадар севишда давом этар ва бу-  
нинг натижаси ўлароқ бир қиз ҳам туққан эди. Бола туғилгач,  
қайнона Субут шаънига отилаётган тошлар миқдорини икки  
ҳисса кўпайтирди. Аммо аксига олиб, Субутнинг маоши сира  
кўпаймас, асаблари эса чарчаб борарди.

Оқибат шу бўлдики, Субут қайнонанинг уйидан «Бир қиш-  
лоғимга бориб келай», деган баҳона билан чиқиб кетиб, мат-  
баатчилар ётоқхонасида яшай бошлади. Бўни қайнонадан та-  
ниқари хотини ҳам билди-ю билмасликка олди. Субут эса ҳар  
ой маошидан еб-ичинига озгина ушлаб, қолганини хотинига  
элтиб берадиган бўлди. Хотини бир-икки бор онасидан яши-  
риқча ётоқхонага келиб, Субут билан учрашиб юрди. Баттол  
кампир билиб қолиб, қизини судраб урди. Иккинчи ҳомиласи-  
ни олдиртирди ва судга ажралиш ҳақида ариза бердиртирди.  
Субут суддан келган хабарномаларни жавобсиз қолдиртириб  
юрди. Охири таҳририятга, бош муҳаррирга кўнгироқ қили-  
шиб, чақиртириб олишди. Суд бўлди. Субут «Кўйдиган хоти-  
ним йўқ» дейди. Ўйлаб кўриш учун уч ойлик сўнги муҳлат  
беришади. Субут газета таҳририятидан бўшаб, радиога ишга  
келди. Уни бу ерда ҳам тинч қўйишмади. Хуллас, у талоқ  
хатини бериб қутилади. Шундан сўнг нима бўлган-у радиодан  
ҳам кетиб, анча саргардон юрган ва ниҳоят ҳамкурс дўстлари-



дан бири уни журналга бошлаб келади. Бизлар унинг ҳали нисбатан қисқа оилавий ҳаёти бу қадар мураккаб кечганидан старлича хабардор эмасдик. Билганимизда, аҳтимол, унга бунақа қалтис мавзуда мақола ёзганини тонширмаган бўлармидик. Ҳарқалай... Яхшиси бу ёғини ўзидан эшитайлик.

Ҳаёл билан бўлиб, гўзал меҳмонхона ўртасидаги улкан стол, атрофида ўнгирача стул, иккита кресло, тўрида «Soni» телевизори, унинг остида видеомагнитофон турганини, зангори экранда ўша йиллар роса урф бўлган яллачи аёл Ойхон Ўрмонованинг бешармроқ бўлса-да, ғоят жозибали «Белинга белбоғинг борму?» номли ашуласи янграб турганини айтишни хотиридан фаромуш бўлибди. Куйи ҳам зўр:

*«Эй, шўх йигит, ростини айт  
Белинга белбоғинг борму».*

Шифтга осилган эроний қандил мусиқа оҳангига монанд нимдош, нафармон нур таратар, хонадаги муҳит алланечук сирли ва жозибали эди.

Икки табақали ойиаванд эшик оҳишта очилиб, хонага бири-кетин уч қиз кириб келди. Саломлашиб, рўнарага девор тагига териб қўйилган курсиларга тизилиб ўтиришди. Субут уларга бирма-бир разм солиб чиқди. Йўқ. Ёлғон ганирашпти. Биринчи бўлиб ингоҳи тушган малларанг қиздан кўзини узолмай қолди. Қолган иккисига ҳам балким қарагандир-у, ҳозир эсида йўқ. Аммо малларанг қизга қарагани заҳоти нимқоронғи хонада «ялт» этиб чироқ ёнгандек бўлди. Тўғрироғи, унинг ҳусни бамисоли бир шамчироқдек нафармон тусли хонага олтиранг бир равшанлик бахшида эттади.

Қизнинг ёши нари борса ўи саккизда, сочлари олтиранг, йўқ, қуёшранг бўлгани устига бир қадар жингалак, аниқроғи, тўлқинсимон эди. Мовий кўзларини у ферузага ўхшатди. Шунақа тош бор, билсангиз агар. Тобора қуюқлашиб бораётган ойдин оқиюмин эслатади. Наздида, қизнинг кўзларига тикилгани сари илиқ ғуборга чўмган оқшом қўйинига кириб бораётгандек ҳис этди ўзини. Кўзлари ҳақида бу қадар батафсил тўхтаётганига ҳайрон бўлмаг. Бу қизнинг кўзла-

ри... Дарвоқе, у исмининг Афифа эканини кейинроқ айтади. Ҳозир эса Субут унинг бутун борлиги мана шу бир жуфт кўзда аке этганини англагандек бўлди. Гарчаунд, қону кинриклариининг қунигр туеида ҳам бир мушелик бордек эди... Баҳор охирилаётган кезларидаги қирлардаги майсанинг қаҳрабо товланиб, гармесда огриниб, чайқалишига эътибор берганимисиз? Унда зумрад баҳорининг мунгли аливдоси, маъжос бир куй таралгандек бўлади. Афифанинг кинриклари ширширашига қараб, ўша танибих бенхтиёр ёдига тунди. Бу ширширанда аянчли қисматидаун ўкинчли эмас, бу қисмати англашга бўлган соддаларча уринишини илғади.

Бу уриниш унинг болаларча бешарво қимтиланган позик ва исчоғлик нафис лабларида, қандайдир ажабсизниб, енгил чимирилган нигичка қошларида, ҳар икки ёноғидаги кулгичларида ва ниҳоят ёнидаги «ҳамкасблари»ни, худди шунингдек Субутни ҳам назар-нисанд қилмаган, эҳтимол шунчаки танимагани учун бир қадар кўтарилган паяида, хуллас, бонини мағрур тутинида аке этганиди. Бу мағрурлик дастлаб аянчлидек кўринди ва Субутнинг кулгиси қистади: Ўзини атайлаб соддаликка солдиган мугамбир кимсалардаги кибр унда ҳамини кулги уйғотиб келарди. Лекин аянчли турур устидан ҳеч қачон кулган эмасди у. Билмакес бу ҳолатда қандайдир шарқона, ҳаётий фалсафа бор, деб юрарди. Бунинг устига қаринисидаги – ўемир бир қазалоқ эди. Наҳзи ўтмай англадики, унинг мағрурлигида самимият ва беғубор соддалик мужассам экан...

Эшик ёнида тикка турган онахон унинг нигоҳи Афифада қотиб қолганини кўриб, ёнидаги икки ноҳинига сўзсиз имо қилди. Улар бир зумда кўздан гоёиб бўлиниди.

— Дидингиз чакки эмас экан, қанилоқи бўлсангиз ҳам, — деди онахон. — Энг зўрини танидингиз. Аммо ўзиям яқиндагина «ни бонлади». Пархиям шунга яраша...

Онахонининг сўзлари етти қанат осмон узра учиб юрган Субутнинг хаёли ва тасавуриини ерга, реал ҳаётга қайтарди. Ногаҳон ўзининг боляги романтик фикрларидан улаиб кетди. «Нега мен оддий бир таифуруун қиз қаринисида юксак хаёлларга берилиб ўтирибман?» деган фикрга борди.

Ҳар қандай қаламқани, у хоҳ катта ёзувчи, хоҳ оддий газетанинг оддий муҳбири бўлсин, руҳий таҳлилга ва маълум да-

ражада ўз-ўзини таҳлил этинга мойил бўлади. Бундан Субут ҳам истисно эмас эди. Бинобарин, ўз ҳолатини шиддат пла таҳлил этинга киришиб, чиқарган биринчи хулосаси шу бўлдики, арзимаган сабаблар туфайли севимли хотини, фаршидидан мосуво бўлиб юргани, ёлғизлик, одамовилик уни шу кўйга солган бўлса керак. Янаям ким билади, дейсиз. Зинога майл, энг позик вазиятларда оддий бир айғирга айлангани ҳисси одамзотнинг пражиятида бор.

Бир вақтлар дарвинист бўлиб, эндиликда бени вақт намозини қилмайдиган, лекин аҳён-аҳёнда ўзи билмаган ҳолда эски гапларини такрорлаб юрадиган файласуф дўсти қизикган айтганди: «Албатта, одамзотнинг асосий қисмини Парвардигор яратган, лекин муайян қисми маймундан тарқатгани ҳам бор ган. Зиногар, шаҳватнараст кимсалар ана шу иккинчи тоифага киради».

Шу тонда ўзини бир лаҳза маймун мақомида тасаввур этди. Эти жимирлаб, баданидаги бор-йўқ туклари тиккайиб кетгандек туюлди. Уялини баробарида миёнга келган «Не, мен хизмат вазифамни ижро этаяман-ку», деган аҳмоқона, лекин нажоткор фикрдан қувониб кетди. Чиндан ҳам у бу ерга «Фаҳш оламнинг чиркин кирдикорларини аёвсиз фон этин» мақсадда келган-ку.

Ўз-ўзига шундай дея туриб, қаринисидаги соҳибжамол маллакка дадил ва поносанд назар билан қаради. Қаради-ю... гўё қудратли рақибга дуч келиб, қилич ва қалқонни чил-чил сиииб кетган мағлуб аскар мисоли унинг оёқлари остига қулади. Кўзи унинг тизаси устида ҳаяжондан биллилар-биллимас титраб турган ошноқ қўлларига тушганди. Билмади, бу қўллари ким-кимлар ушлаган ёки бу қўллари ким-кимларининг сочларини силаган, бу ҳақда ўйлангани истамасди. Истаги – ана шу қўллари қўлларига олиб, авайлабгина ушлаб ва кафтлари орасида «куҳ-куҳлаб» иситини эди. Сабаби унинг қўллари азбаройи оқ бўлгани учунми ё асабий суратда бир-бирига ишқалаётгани туфайлими, улар совқотаёттир, деган ўйга борганди. Эгнидаги пушти атиргул рангидаги ҳарир кўйлаги бениҳоя ярашган. Ҳарирлиги туфайли ичкаридан кийган оқ тусли бадани ўрни ҳам кўришиб, қоматига ажиб бир мусаффолик бағинилаб тургандек. Кўйлагининг ёқаси фарангча декольте бичимида бўлиб, бўлиқ

кўкраклар оралмигидаги билинар-билимас чизиқ ариқча атай-  
лаб кўринтириб кўйилган. Ариқчанинг юқори қисмида нўхат-  
дек холи бор...

Билмади, ҳаяжон оғунида унинг ҳусни малоҳатини қанча-  
лик аниқ-ранишан ифода эта олди. Аслида лўнда қилиб, «жуда  
гўзал эди», деб кўя қолгани маъқул эмасмиди? Ўшанда ҳар  
ким, жумладан, сиз кўз олдингизга ўзингиз дуйёда энг гўзал,  
деб ҳисоблайдиган бир аёлинингизни ёки тасаввурингиздаги ха-  
ёлий бир моҳитабонини келтирган бўлардингиз.

У Субутга деярли қарамас, ўз фикру хаёли билан банд эди.  
Шу кўйи бир неча муддат сукут солиб ўтирганларидан кейин  
ногаҳон унинг эшига вазифаси тушиб қолди, йиғитга бирров  
қараб, гуноҳқорона жилмайди. Кейин ўрнидан туриб ёнига  
келди. Димоғига анчайин қимматбаҳо атир ҳиди урилди. У боя  
қизининг малларанглигидан ўрнеми, татарми, ҳар қалай боника  
миллатдан, деб ўйлаган эди. Қалшмирмунчоқ исидан ҳусни  
жойига келди. Бунинг устига у бағоят танини ширин лаҳзада  
мулоиймигина қилиб:

— Юринг, — деди эшикка қараб.

— Хўн, — деди Субут беихтиёр ва унга эрганди.

Меҳмонхонадан чиқиб, даҳлизнинг энг тўридаги хонага  
киришди. Бу одмироқ ётоқхона бўлиб, икки кимчилик эски  
каравот кўйилган экан. Дераза пардалари зич ёшилган. Ки-  
чикроқ бир тонюйна ёнида шам шааклидаги хирагина туңчиноқ  
ёниб турибди. Афифа каравот устидаги шоҳи чойнабани оҳис-  
та йиғинтириб олди. Атлас кўрни, бахмал ёстиқлар... Худди  
келин-куёвнинг никоҳдан сўнгги илк оқномидек. Бу муқофса  
учун маъзур кўргайсиз. Шунчаки, мен хаёлимга келган фикр-  
лариим рўй-рост баён қилаяинман, холос...

Афифа атлас кўрнани оёқ томонга суриб кўйгач, унга тес-  
кари қараган кўйи индамасдан очини бонлади. Шундоққина  
ёнида, қўл узатса етгудек жойда...

Субут ҳайкалдек қотиб турар, унинг либослардан бирин-  
кетини халос бўлаётган латиф вужудига қарандан уилиб, ўнтай-  
сисиланар эди. Айни чоғда ичида ҳаяжон тўлқини, аллақандай  
ўлгача бир шайқ кучайиб келар, унинг яланғочланаётган жис-  
мидан таршайётган майин, заррин бир нур тафти вужудига  
сингиб, ҳароратини ошириб бормоқда эди.

Афифа бутуллай сечиди ва каравот устидаги тўшак узра чалқанча ётди. Кўзларини ўнг кўлининг билагига билан бекитди. У Субут томонга мутлақо қарамагани учун сечимаганини, суратдек қотиб, қарахт бўлиб турганини кўрмади.

Субут унинг яланғоч вужудини тасвирладангадан ожиз эди. Эҳтимол, рассом бўлганида бошқа гап. Аммо у рассом эмасди. Бунинг устига машҳур рассомларнинг яланғоч аёллар тасвирланган расмларга ҳам шунчаки санъат асари сифатида қараганга, гўзалликдан шунчаки маънавий завқ олинганга ўрганмаган эди. У ўна суратларни кўрганга ҳам ҳайжонланарди ва аллақандай, туншунтириб бўлмайдиган, ийўқ, ҳире интиққи, шаҳват галабни эмас, бошқача бир ҳис оғушида қолар эди. Суратдаги аёл гўзаллиги, айниқса, унинг вужуди Субутга майини бир қуйида чайқалиб турган гулларни, чўққидаги ошноқ қорини ва беноси бир яшил дилани, хуллас, болаликдан бўён яхши кўриб, ардоқлаб юрадиган манзараларни эсватар эди. Айни шу дамда жа ёнгинасидаги сурат эмас, тирик вужуд эканига ишонолмасди ва уни ҳеч нарсага ўхшатолмасди ҳам.

Бу гапларни ўқиган киши «Уйланган бир фарқандли одамнинг гапларини қара», деб масхараомуз кулини мумкин. Тўғри. Аммо ростги, севги, уйлангани, оилавий ҳаёт буларнинг ҳаммаси Субут учун бир ҳарир нарда ортида бўлгандек. Хотини ётоқхонага ҳатто туниги чироқ қўйдирмаган. Висол билари ҳамини ўжар бир зулмат оғушида кечган. Субут буздан гоҳ-гоҳ озорланарди, порқилик билдирмоқчи бўларди-ю, бироқ шарм, андинна сира йўл бермасди.

Алқисса, Субут унинг фарштанкидек оқ ва пок вужудига дол ва бемажол тикилиб қолди. Кўзларини билагига билан бекитиб ётганлиги учун мукаммал гўзаллигини тасаввур этишига қурби етмас. «Кўлинингизни кўзларингиздан олинг», деб айтганига жа ботинолмасди.

Погаҳон у фикрларини уққандек бўлди. Кўлини олиб кўз қири билан Субут томонга қаради. «Иҳ», деди порқин оҳанда тере бурилиб. Шунда унинг қоматини ён томондан бор бўйи билан кўрди. Ҳали тасаввур ётолмаётгани – мукаммал санъат асари кўз ўнгиде шундоққина намоеи бўлди. Гарчанд унинг ижирганиб, техкари ўтирилганидан кўнгли бир чимдим ранжиган бўлса-да, малоҳати қаринисидеги ҳайрат ва ҳавас устун

келди. Унинг поэтик белига «Бир жуфт оққун жонон қўллари»-га, ниҳоятда текис келинган оёқларига қараб лол бўлиб ўти-раверди. Билмади, шу тахлит яна неча сония ўтди. Бир нафът Афифа яна у томон ўтирилиб:

— Бўлақолмайсанми-и-и, — дея зорланди.

Ҳа, бу чиндан ҳам зорланган эди. Бу сохта поз-финоқ, яса-ма қаранма эмасди. Бу ўз чекига тунган шармандали бурчни тезроқ бажариб, бўйиндаги чиркин бўйинтуруқни имкон қадар тезроқ ечини ништиёқида эди. Субут буни яққол сезиб, ҳие қилиб турарди.

— Ҳозир-ҳозир, — деди овозини иложи борича насайти-ришига уришиб. — Кўнглида галаёи қилаётган қарама-қарини ўйлар, зиддиятли хоҳишларининг қайси бирига соме бўлишини билмасди. Бонда Субут ҳамонки фаҳш руҳиятини ўрганшига жазм этган экан, қанчаллик уят, қанчаллик гуноҳ, қанчаллик хавфли бўлмасин, унинг бутун икки-чикирини охирига қадар ўрганмоғим керак, деган фикр измида эди. Эҳтимол, қизин илк бор кўрибюқ, гўзаллигига маҳниё бўлган оқибатидир. Ёки елкасидаги шайтоннинг: «Сен ҳам эркаксан-ку, хонаси келиб турганда бир айрамайсанми, оинна», деган масхараомуз даъва-тига жавобан: «Э, бор-э, нима бўлса-бўлар», деган ёввойи бир истакнинг галабасимида? Ҳар ҳолда у ечининга чоғланаётган эди. Ҳатто кўйлагининг тугмаларидан бир-иккисини ечиб ҳам улгурганди. Аммо...

Хўш, уни нима тўхтатди? Қизининг ҳаддан зиёда тиниқ ва мусоффо кўринган гўзал баданими? Унда қўл теккизини мум-кин бўлмаган даражадаги илоҳий бир покисалик кўрдими? Ё акеними? Ҳали ниҳоят ён бўлишига қарамай, эҳтимол, қанча-дан-қанча қўлдан ўтган бу зоҳиран нақадар нафис ва тола, аслида эса нечоғлиқ чиркин ва ифлос вужуддан жиркандими?

Йўқ, униси ҳам, буниси ҳам эмасди. Бу ўринда бошқа, учин-чи бир тўйғу келиб келиб турар эди. Ва бу қизининг боғини билан ҳам, зоҳири билан ҳам боғлиқ эмасди. Бу унинг ўзи билан боғлиқ эди.

Ҳали шайтон алайҳидоғна елкасида ўтириб, «Сен ҳам эр-каксан-ку», деб хитоб қилганда, гарчанд Субут тақво бобиди ўзини старан даражадаги комил инсонлар қаторига қўнмаса-

да, кўксинда «Тўғри, мен ҳам эркакман-у, ammo ҳарқалай эшак эмасман-ку», деган бир сукутли ҳайқириқ отилиб чиққанди. Аслида бефаросат одамни эшакка ўхшатишларига ҳаминша қарини бўлиб келган. Зеро, буни гўшти ҳаром бўлса-да, меҳнати ҳалол заҳматкан жониворга нисбатан ноҳақлик, деб ҳисоблар эди. Ҳатто зоологидан озми-кўми хабардор бир ўқитувчи ошпази «Биласанми, нима учун эшак фаросатсизлик тимсоли ҳисобланади, чунки у жониворлар орасида ўз ошпази иргийдиган ягона ҳайвондир», деганида ҳам у бўш келмаган: «Бунақалар одамзот ичра ҳам старлича топилади», деб.

Аmmo шу тонда Субут нега ор қилди? Ҳарҳолда шуни билдики, қаринисида ўзининг аянчли тақдирига тан бериб, ожиз ва ҳимоясиз бўлиб турган «ўлжа»га ваҳшиёна ҳужум қилолмас экан. Анча кейинроқ, дўстлари билан суҳбатларда бу ҳолатнинг «Табиатан тасодифан жиисий учрашувларга» тоби йўқлиги билан изоҳланга уринди. Аёллар билан мабодо шу мавзуда сўз очилиб қолса, «Жиисий муносабатлар фақат ва фақат муҳаббат асосига қурилмоғи керак», деган бўлар эди.

Кимдир бу гапларга кулиши мумкин, албатта. Ҳире ғалабн қилган чоғда муҳаббат чекинади. Инсон маънавий юксалиш ҳақида эмас, ўзининг оддийгина эҳтиёжини қондирин ҳақида ўйлайди.

Агар гап фақат шунда бўлса, жиисий майли қондирин инсон учун шунчаки жисмоний бир ҳодиса бўлса, Парвардигор аёл зотини нега яратди? Фақат кўнайин, насал қолдирин учунми?

Субут чалғиб кетди. Гарчанд, ўша дамда ўзини айнан мана шунақа бўлар-бўлмас ўйлар билан бўлса-да чалғитишга уриниб, вақтдан ютаётган эди. Афифа ниҳоят унинг бу ерга ишрат мақсадида келган эмаслигини тушунишини ва тахминан мана бундай савол беришини кутиб турарди: «Нима истайсиз ўзи?». Ва ўша саволга нима деб жавоб бериш ҳақида ўйлаётган эди.

Худди шунақа бўлди. У ўгирилиб, қиё боқиб, шундай деб сўради. Субут эса ҳали аниқ жавобга тайёр эмасди. Шу боис:

— Мен шунчаки ишратхона ҳаётини ўрганган учун келганман. Илтимос, буни «онахон»га айтиб қўйманг.

Афифа ўриндан туриб, атлас кўрна узра қўнишиб ўтирди. Билмади, у хурсандида ёки хафамиди, ҳафсаласи бир бўлганмиди.

— Сиз хавотирланманг, мен ҳаққини тўлайман. Орамизда висол жараёни бўлиб ўтган, деб ҳисобланганингиз мумкин. Ошага ҳам шундай деб айтинг...

Афифа елка қисди. Кейин яна қиё боқиб, кутилмаганда ўзининг ширин шевасида:

— Сиз мендан йирганингизми, оға? — деб сўради.

Унга кўнглидан ўтган ўйларининг узундан-узоқ тафсилотини баёни қилишга фурсати йўқ эди. Алалхусус:

— Йўқ-йўқ, азизим, нима дейсиз. Сиз... Сиз жудаям гўзал, малоҳатли аёл... йўқ, сиз ажойиб қиз экансиз. Шунчаки мен... биринчи марта...

— Ҳарҳолда сизга ёқмадим, шундай эмасми, — деди қиз анча дадилланиб. — Аёл эркакка ёқмаса, шунақа бўларкан.

У шундай деб, ўриндан турди. Эсинга гулдор халатини кийди. Субут тутилиб-тутилиб:

— Сиз жудаям ёқдингиз. Очиғи, мен сиздақа чиройли қизни умримда учратмаганман.

— Хотинингиз йўқми?

— Бор эди... Ҳозирча бирга янамай турибмиз.

— Нега? Кетиб қолдимиз?

— Йўқ. Мен ўзим кетганимга тўғри келди.

— Шунинг учун мана бу ёқларга келиб юрган экансиз-да?

— Йўқ-йўқ. Ҳали айтдим-ку. Мен бу ерга бир мақола ёзини учун келгандим.

— Вой, қандай яхши. Унда меннинг ҳаётимни бир китоб қилиб ёзинг. «Алданган, йўқ, алданган қизнинг ҳаёти», деб.

— Сиз алданганимиз? Қандай қилиб?

— Бунинг тарихи узоқ. Аламли. Қўйинг. Яхшиси, эшитмаганимиз, ёзмаганингиз маъқул.

— Нега, уялсанми? Исмнингизни ўзгартириб ёйса, бўлади-ку, токи...

— Токи бошқаларга кулги бўлиши учунми? Қўйинг. Юринг эди. Йўқ, тўхтаг. Олдин мен чиқиб ювиниб келай. Кейин сиз борасиз. Шундай қилмасак бўлмайди. Холимни ишонтирини учун.



— Онахон холагизми?

— Ҳа. Мен келишимча счиhib туринг...

Чикиб кетди. Тезда қайтди. Субут унинг айтганини қилиб, ювингани чикди. Ҳаммом анча озода эди. Ювинган бўлди. Сочикни белига ўраб, қайтиб чиқаётганимда даҳлизда «онахон» кўринди. Шивирлаб:

— Қалай? — деб сўради.

— Зўр, — деди сир бой бермасликка ҳаракат қилиб.

— Биласизми, бу фақат юқори мартабали меҳмонларга хизмат қилади. Агар маъқул тушган бўлса, келиб туринг. Олдиндан кўнгирок қилсангиз, бас.

— Хўн бўлади. Агар йўқ демасангиз, мен у билан яна бироз... Ҳаққини тўлайман.

— Бўпти-бўпти. Бораверинг. Истасангиз тонггача қолганингиз мумкин.

— Раҳмат...

Субут хонага қайтиб кирди. Тонгга қадар мижжа қоқмай, қизининг маънос ҳикоясини тинглади.

Афифа туғилиб ўсган қишлоқ темир йўл ёқасида бўлгани учун теварак-атрофдаги манзилгоҳлар аҳли уни оддийгина қилиб «Бекат» деб аташарди. Аслида унинг бир вақтлар дарё бўйидаги серурум ерларда деҳқончилик қилиш учун келган ўрис деҳқонлари қўйган «Крестьянка» деган номи бор эди. Афифа ўзининг аجدодлари бу ерга ўрқачли тоғлар бағридан кўчиб тувинган. Асли чорвадор бўлган элат бу ерга келгач, деҳқончиликми, балиқчилик, темирчилик ва бошқа касб-ҳунарларини ўрганган. Афифанинг отаси ҳам бундан истисно эмасди ва шунинг учун уни «Уста Барот» дейишарди. Ана шу уста Барот беш боласи бирини-кетин волга етган кезларда ичкиликка ружу қўйди. Хотини Зарифа мактабда ўқитувчилик қилар, узиб-юлиб, уч-тўрт ойда бериладиган арзимаган маошга бир амаллаб рўзгор тобратарди.

Уч ўғилдан кейини туғилган Афифа мактабда яхши ўқиди. ўқиниши битказгач, курсга қатнаб, тикувчиликни ўрганди. У катта шаҳарга бориб, бирон институтда ўқиниши орзу қилар, ammo онладаги йўқчилик туфайли бу ҳақда гапирган бефойда эди. Ота-она уни жойин чиқса, узатиб юборини тарадудиди

эди. Уч акаси у ер-бу ерда ишлаб юришар, ҳали бирортаси уйланмаган. Синглиси Маҳфуза ҳам мактабни битказаётир.


Ҳаётнинг аччиқ ҳазиллари бўларкан. Афифа ниҳоят чиройли эканига қарамай, унга ҳадеганда совчи келавермади. Қайтага кўримсизроқ бўлса ҳам синглисига ориз сола бошлашди. Оиладагилар бир-иккисини қайтаринди-ю кейин ҳарна қутилганимиз, деб ўн олти ёшли Маҳфузани узатиб юборинди. Ўн еттидан ошиб, ўн саккизга қадам қўйган Афифа мунгайиб қолди. Бу орада турмуш яна ҳам қийинлашиб, икки акаси қайларгадир иш излаб кетди. Катта акасини бир амаллаб уйлантиринди. Отаси тинимсиз ичар, онаси йиғлар, Афифа эса янгаси билан чиқишолмай қийналар эди.

Ўша кунларда онасининг шаҳарлик холаваччаси, маданият соҳасида ишловчи замонавий аёл иш билан Бекатга келиб, йўл-йўлакай уларникига кирди. Ночор турмушларини кўриб ачинди. «Рўзғорга ишлат», деб Зарифага нича пул ҳам берди. Афифанинг бахти очилмаётганини эшитиб, ҳайрон бўлди. «Шундай хушрўй қиз-а», деб афсусланди. Кейин қутилмаганда Зарифага: «Шу қизнигни менга берсанг-чи, ўзим одам қилар эдим», деди. Зарифа иккиланди. У йигирма йилдан бери шаҳарда яшаб эрга ёлчимаган бу аёл Афифани бахтли қила олишига ишонмас, аммо кўнишдан боияқа чораси ҳам йўқ эди. Отага эса барибир эди. Шундай бўлса ҳам у мудом чўллаб турадиган томоғини қириб, нўнуса қилиб қўйди.

— Эҳтиёт бўласиз-да, қариндош, яна ёмон йўлга кириб кетмасин-а!

Шаҳарлик меҳмон бу нўнусага жавоб ҳам бериб ўтирмади. Ўша кунидеҳ кичкина тугунчасини қўлтиқлаган Афифани шаҳарга олиб кетди.

Асл исми Шаҳарой, маданият ва санъат соҳасига киргач, Шаҳина, деб ўзгартириб олган бу хоним ёшлик йиллари бир неча муддат раққосалик қилган, озроқ ашула ҳам айтган, шу орада уч карра эр қилиб, бирортасида муқим қололмаган бўлса-да, учаласидан уч бола кўриб, боз устига турмушини тузатиб олганди. Яъни, шаҳар марказида кичикроқ бир уй ва четроқда янги қурилган мавзеларнинг бирини анчайин кенг яна бир хонадонга эга эди. Марказдаги уйини хорижлик ишбилармон-



лардан бирига ижарага бериб, кичкина ашула ва рақс жамоасида концертмейстер деган ажабтовур лавозимда хизмат қилсада, шаҳардаги юқори доираларда номи маълум ва машҳур эди. Бунинг сабабини кимдир Шаҳина хонимнинг муҳаббат, висол ва айрилиқларга тўла бўлган яқин ўтмиши билан изоҳласа, яна биров бугунги кундаги «хайрли» фаолиятига боғлаб тушутирар эди.

Бу гаплар шунчаки, оғзига кучи етмаганларнинг ғийбати бўлиши ҳам мумкин. Одамлар ҳозир оғзи билан юрадиган бўлиб кетишган. Ўша одамлар ўтган йили Шаҳина хоним Қизил денгиз соҳилида дам олиб қайтгандан кейин, «Қизларни олиб бориб, фохинахона очган экан», деган мишмишлар ҳам тарқатишди. Албатта, буни ҳеч ким исботлай олгани йўқ.

Нафсиламрини айтганда, Шаҳина хоним табиатан муҳаббат бобида эркинлик тарафдори бўлгани учун биринчи эри — доирачи йигит билан атиги саккиз ой яшаб, ўзининг ашаддий мухлиси — бошидан кзталиқлар сочишни яхши кўрадиган қассоб йигитга иккинчи хотин бўлиб теккан (марказдаги уч хонали уй ўшанинг туҳфаси эди), қассоб шўрлик хафақон туфайли тўсатдан ўлгач, ўна кезлар эндигина танилиб келаётган ёш кинорежиссёр йигит билан турмуш қурганди. Режиссёр ўсмади. Бунинг устига зинога ружу қўйиб, Шаҳина хонимнинг соф муҳаббатини ноймол этди. Уриш, жанжал, муҳокама... Охир-оқибат режиссёр лнги мавзедаги янги хонадонини Шаҳинага қолдириб, ўзи шимолдаги инаҳарлардан бирига бош олиб кетди...

Уч болани боқиб ва бунинг устига санъат соҳасида халққа хизмат қилишдек оғир вазифа чекига тушган Шаҳина хоним қийинчиликларга мардона дон бериб яшар, ҳатто Афифа сингари бита-ярим почорларга ғамхўрлик қилишга ҳам ўзида куч ва имкон топар эди.

Афифанинг тикувчилик хунари, назандалик бобида ҳам қўли апча ширинлиги, рўзғорда инлаб чарчамаганлиги Шаҳина хоним учун айни муддао эди.

— Сени, албатта, яхши бир одамга узатаман, — деди у қизнинг бошини силаб. — Фақат садоқат билан, сидқидилдан хизмат қил.

Бу гапни у юракдан чиқариб айтган, ўзига қолса, чиндан ҳам Афифани бахтли қилиш истагида эди. Ҳатто уч-тўрт ёш катта бўлмаганида тўнғичи Ҳакималига олиб бериб, келин қилишга ҳам тайёр эди.

Аммо на иложки, ҳаётда ҳамиша ҳам одам айтганидек, ўйлаганидек бўлавермас экан. Шаҳина хонимнинг ўзидан тўрт-беш ёш кичик бўлса ҳам яқин дўстларидан бири, ташқи иқтисодий сийёсат соҳасида ишловчи бойвачча йигит Даврхон Муқимхонов навбатдаги ташрифларидан бири чоғида Шаҳина хоним билан хушбўй шотланд вискисини майдалаб ўтирар экан, Афифага кўзи тушиб, у билан қизиқиб қолди. Табиийки, хоним ширакайф бўлса-да, бу шармсиз таклифни рад этди. Муқимхонов бўш келмади. Она қаттиқ туриб олди:

— Мен бу қизнинг тақдири учун масъулман, жоним. Уни бу йўлга киргизолмайман. Менга у боламдай гап...

— Қанақа йўлга, қизиқмисиз, мен унга уйланаман. Никоҳ ўқитаман, — деди Муқимхонов вискидан хонимга тўлдириб қуяр экан.

— Кўйинг, Даврхон у сизга тўғри келмайди. Қизингиз қатори. Бунинг устига бир эмас, иккита хотинингиз бўлса...

Шаҳина хоним Муқимхоновнинг ўз хотинидан ташқари котибасига ҳам уйланиб олгани, шу биле сафоратчилик бобидаги анчагина катта мартабасидан айрилганидан ва ҳозир сердаромад бўлмаса-да, кичикроқ лавозимга тушганидан хабардор эди.

— Э, эшитмадингизми, айтмабман-да, катта хотин билан орани очиқ қилдим. Ўзига ҳовли-жой, ўғил билан қизга биттадан уй, машина қилиб бердим. Расман ажралинди-ку. Қани, олиб юборайлик. Қани-қани. А, яшанг!

— Энди ҳарқалай ёш хотинингиз бор, — деди хоним виски кайфидан бўшашиб.

— Онажон, жон она, шу қизингизга оиниқ бўлдим, йўқ деманг! Оғзингизга сиққанини бераман. Мана олдинг. Етмаса яна...

Муқимхонов чўнтагидан бир боғлам кўк қоғоз чиқариб ташлади. Шаҳина хонимнинг кўзи ўйнаб кетди. Ўзини бойвучча, деб ҳисоблаб юрган бўлса-да, бунақа катта пулни, очиги, ҳали қўлига ушламагани.

— Яна қанча? — деди у бейхотиёр пул боғламини қўлига олар экан.

Муқимхонов кулди. Вискидан инсёлаларга яна тўлдириб қўйди. Ичди. Хошимни ҳам қўярда-қўймай олдирди.

— Яна пулча! Розимсиз?

— Қани,— деди хоним кўзи сузилиб.

— Эртага олиб келаман... Аммо шу бугун ҳал бўлиши керак.

— Вой, нима дейсиз. Тун яримдан оғиб қолди-ю. Шу тонда муллани қасрдан топамиз.

— Қанақа мулла?

— Никоҳ ўқитиб оламан, дедингиз-ку.

— Албатта, ўқитаман. Эртага. Кончилар даҳасида кичик-роқ бир уйим бор. Ўшанга кўчириб олиб бориб, никоҳлайман.

— Жуда соз. Эртага ваъда қилган нулинғизини олиб келиб, қизини кўчириб олиб кетасиз. Ҳошир эса кеч бўлди, уйингизга боринг, — деди хоним уйқули кўзлари хуморланиб.

— Майли-майли, — деди Муқимхонов. — Манавини ичиб қўйлик. Ўзиям мазорбости, жойидан олиб келганман. Қани, яна биттадан...

Шаҳина хоним умри бино бўлиб бунча кўн ичмаган, бунинг устига таъсири ўткир шотланд вискисини биринчи бор татиб кўриши эди. Ғирт маст бўлди. «Хушим борида нулини жойлаштириб чиқай», деб хосхонасига кирди-ю қайтиб чиқолмади. Каравотга чўзилиб қолди. Муқимхонов бироздан сўнг ортидан кириб, хонимни еслаб-сийпалаб, розилигини олди. Хоним анчайин ёқимсиз ҳуррак ота бошлаган чоғда у ўғридек нушиб, Афифанинг оиҳона ёнидаги одмиггина хонасига кирди.

Ўша похуш оқшом тафсилотларини Афифанинг ўзидан эшитамиз.

— Мен ҳали ухламагандим. Ниманидир тикиб ўтирардим, — деди ҳикоятини давом эттириб Афифа. — Шу бонс илгакни ҳам ўтказмагандим. Кутилмаганда эшик очилиб, у кириб келди. Ўшанда номини ҳам билмасдим. Гарчанд бу одам холамининг эски танишларидан бири эканини, шу бонс тез-тез келиб туришини англаганман...

— Холангиз у пайтда қўшмачилик қилмасиди? — деб сўради Субут омонатгина ёнбонлаб. — Яъни, уйга бошқа қизларни олиб келиб...

— Олиб келарди. Уларни «дугоналарим», деб таништирар, эркакларни эса биз уларнинг эрлари, деб ўйлардик. Зиёфат, ўйин-кулиги қилиб ўтиришар, очиги, буида қанақадир бошқа маъно борлигига менинг ақлим етмаган. Гоҳида Муқимхонов ака сингари танишлари бирров келиб-кетинлар, ҳеч бири ётиб қолганини эслай олмайман. Ўша тун ҳам уйда жимлик чўккач, мен у одам кетган бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин...

У кирибоқ менга:

— Афибахон, қўрқманг, сизга озор стказмайман. Бир оғиз ганим бор, холос, — деди.

Разм солиб, англадимки, анчайин салобатли, босиқ одам. Ёни қирқлар атрофида бўлса керак. Яхши кийинган. Опноқ қимматбаҳо кўйлаги, олтин тўғнағич қадалган чиройли бўйинбоғи кишининг ҳавасини келтиради.

У мулоғимлик билан сўзлар, нукул менинг ҳаддан ортиқ чиройли, озода, назанда, қўли гул тикувчи эканим, бу гўзаллик, бундай ҳунар билан менга нопок бир уйда хизматкор бўлиб юрини сира-сира ярашмаслигини, мен ўқиним, олий маълумот олиб, яхши ишларда ишланганим кераклигини уқтирар, бу гаплар эса кўнглимдаги орзуларга мос бўлгани учун менга ёқар эди. У:

— Сиз ҳеч бўлмаганда, «Оддий Мария» сингари «Модалар уйи»ни очишингиз керак, — деди.

Мен кулдим. Айнан ўша кушлар телевизорда «Оддий Мария» деган кино кўрсатилаётган эди ва мен чиндан ҳам ўша киёга ўхшашни хаёл қилар эдим.

— Бунинг учун, албатта, сизга яхши, меҳрибон бир инсон керак, — деди.

— Тўғри айтасиз, — дедим.

— Худди ўша инсон мен бўлишим мумкин, Афибахон, — деди у яқинимга келиб.

Оғиздан ичкилик ҳиди шқагани учун ўрнимдан туриб, ўзимни орқароққа олмоқчи бўлдим. Шунда у кутилмаганда мени кучоқлаб олди. Кучоқлаш баробарида яна булбулдай сайрай кетди:

— Афифа, мен сизни бир кўришда севиб қолдим. Ҳаётда муҳаббат нималигини билмай янагандим. Мана энди ҳақиқий севишга дуч келдим...

— Хотинингиз бордир-ку, қўйнинг, уят бўлади, — дедим содалик билан.

— Хотинимга севмай уйлангандим, ажралганман. Ҳозир бўйдоқман, Афифа. Агар рози бўлсангиз, сизга уйланаман.

— Менинг ота-онам бор, ўналар билишади, — дедим унинг чангалидан чиқишга уриниб.

— Она билан гапландим. Ота-онангиз «Сиз кимга раво кўрсангиз узатинг», дейишган экан. Она рози. «Қалин пули»ни ҳам олди. Сиз агар... агар рози бўлсангиз, олтинга кўмиб ташлайман. «Оддий Мария» нима бўпти, сиз маликалардай яшайсиз, — деди бағрига маҳкамроқ босиб. — Тайёр уй-жой. Машина олиб бераман. Дипломатия институтида ўқийсиз. Чет элларда яшаймиз...

Мен унинг кучоғидан сирғалиб чиқиб, яна жойимга ўтирдим. У қаршимда, каравот устида ўтирар ва ҳамон тинмай жаврар, мен эса ногаҳон хаёлимга келган фикр билан олишардим. «Хўш, нима бўпти, уйланган, хотин қўйган бўлса. Ҳали ён йигит-ку. Келиб турган бахтдан юз ўтирма, рози бўл», дерди бир кўнглим. «Ишонма, бу одам алдаб, мақсадига эришиб, сўнгра ташлаб кетади» дерди яна бир кўнглим.

— Олинг, мана бу сизга, — деди у бўйнидаги қалин олтин занжирни ечиб менга узатар экан. — Қани бўйинингизга тақинг-чи, оҳ қандай ярашди, Афифа.

Ногоҳ болалигимдаги бир лавҳа эсимга тушди. Отам у найтлар ичмас, тониш-тутиши ҳам ёмонмасди. У мени яхши кўрар, «она қизим», деб эркалатар, шаҳарга тушса совғасиз қайтмасди. Бир гал шунақа оддийроқ бир суғъий марварид шодасини олиб келган ва: «Қани, она қизим, бўйинингга тақчи, оҳ, қандай ярашди-я», деганди. Ўша суғъий марварид отамнинг сўнги совғаси эди. Ўшандан кейин турмуш ўзгариб кетди. Отам тонганини ичадиган, наинки менга совға, уйга егулик бир парса кўтариб келишга қурби етмайдиган бўлди. Мен эса отажонимнинг беғубор дамларини, олиб келадиган совғаларини соғинар эдим. Бу соғинчнинг эса ниҳояси йўқдек туюларди. Шу боис Давр ака узатган олтин занжир кўнглимдаги позик бир торни чертиб юборди. Қаршимда отам, хув ўша навқирон йигитлик чоғидаги қадди тик, хушбичим, хуш-

фезл падарим тургандек туюлди. Беихтиёр жилмайдим. Бўйнимга тақилган олтии заижирнинг муздек тафти бениҳона хуш ёқарди. Очиғи, умримда биринчи марта олтии буюм тақиншим эди. Биласиз, қиз бола тақинчоққа ўч бўлади. Айниқса, тилло тақинчоқлар...

Давр ака тухфасининг менга маъқул келганини сездим, шекилли, қўлидаги олтин соатини ҳам ечиб узатди.

— Мана олинг, муҳаббатим чин. Бор-йўғим сизники.

— Бу эркакларнинг соати-ку, — дейман содалик билан. У кулди.

— Майли, олавериинг. Сизда тура турсин. Эртага аёлларнинг узук ва зирағи билан қўшиб олиб бераман. Хўпми?

Мен нима дейишни билмасдим. У кейин шоҳона безатилган уйи борлигини, истасам эртагаёқ номинга ўтказиб беришини айтди. Шу аснода кийимларимни ечишга киришди. Мен ожизгина қаршилик кўрсатардим, унинг кўксидан итариб ташлашга ўзимда на куч, на журъат тополмасдим. Кўнглимнинг қаеридадир «Тақдирга тап бер, пешонангда бориши кўрарсан», деган садо эшитилар, бошқа яна бир жойида «Жонингни асра, бу одам сени раво қилиб ташлаб кетади», деган овоз ҳам янграб турар, лекин мен уни эшитишни истамасдим.

Хуллас, мен ҳиссиз, ихтиёрсиз таслим бўлдим. У мақсадига етгач, кўнгли тўлди, шекилли, яна ҳам меҳрибон бўлиб қолди.

— Эртагаёқ бу ердан олиб кетаман. Энди сен меининг хотиним бўлдинг, азизим, севгим. Айт, мен сенга ёқаманми?..

Ўзининг бемаъни саволидан ўзи кулди. Чунки энди мен учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Фақат... кўнглимдаги ганиш қийналиброқ айтдим:

— Кичикроқ бўлса ҳам тўй қилиб, ота-онамни чақирсангиз...

— Албатта, чақирамиз, жоним. Албатта...

Тонг ёришиб қолганди. У чиқиб кетди. Ўша куни келмади. Эртасига ҳам. Мен холамнинг, холам менинг кўзимга қарай олмасдик. Бир ҳафта ўтгандан кейин холам ёрилди. Бошимни кўксига босиб йнглади.

— Пешонанг шўр экан, болам. Давр аканг чет элга қочиб кетибди.

— Вой... Нега қочади?



— Жинюягчи экан. Эрта-инди қамоққа олишларини билган...  
— Энди нима қиламиз...  
— Таниш дўхтирим бор. Ўшанга борайлик-чи...  
— Хуллас, холам мени таниш дўхтирга олиб бориб «даволад»и. Давр акани унутишим кераклигини, у билан бўлган воқеани ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмаслигим кераклигини тайинлади... Кейин холам мени яна сотди. Пулдор бир одам ваҳшийларча зўради. Яна дўхтирга бордим. Бу гал у мени «даволаб» бўлмаслигини айтди. Шундан сўнг мана шу уйнинг доимий «кисити» бўлиб қолдим... Айтганча, холам мени «Муқимхонов қочиб кетибди», деб алдаган экан. У аблаҳ кейин ҳам бир неча марта келди. Сурбет кулади, кечирим сўради.

«Сизни чиндан ҳам ёқтириб қолгандим. Хотиним судга берган экан. Лекин ишларим чапнасидан кетди». Яна совға-салом қилиб келди. Нима ҳам дердим. Шунисига ҳам раҳмат. Баъзи бировларга ўхшаб зўравонлик қилса, урса-сўкса нима қилардим...

— Иега милицияга хабар қилмадингиз?

— Билмасам. Аввалига ақлим етмаган. Кейин холамин аядимми... Ишқилиб, шу аҳволга тушиб қолдим.

Афифа йиғлар, аммо йиғлаб-йиғлаб чарчаган, шекилли, йиғиси ҳам алланечук ҳиссиз эди. Субут унинг нимқоронғида кўнғир тусга кирган сочларини оҳиста силди.

— Кўйинг, хафа бўлмаг.

Афифа ўқрайиб қаради. Афтидан у сохта тасалли беринлардан зада бўлиб қолган, ясама ҳамдардлик унинг ғазабини кўзғатарди. Аммо у Субутнинг таскини самимий эканини тушунди. Чехраси мулойимлашди.

— Энди кетақолинг. Фақат илтимос, ёзаингиз... Лоақал исмларини ўзгартириб ёзинг. Ишқилиб, холамга ган тегмасин. Унга бир гап бўлса, мен кўчада қоламан.

— Хотиржам бўлинг, ҳеч кимга ган тегмайди, — деди Субут. — Истамасангиз умуман ёзмаслигим ҳам мумкин. Фақат... Фақат сиз билан яна бир учрашсам, дегандим.

Афифа маъюсгина кулди.

— Қарзингизни ундириш учунми, — деб сўради.

Бу ҳазил самимий эди. Субут ҳам кулди.

— Йўқ, қарзимни тўлпин учун, — деди у. — Бу ерга қўнғироқ қилсам бўладими?

— Йўқ. Яхшиси, телефониингизни ёзиб беринг. Мен ўзим қўнғироқ қиламан.

— Қачон?

— Қачон дессангиз.

— Эртага, майлими?

— Майли. Қайси пайт?

— Соат тўрт-бешларда. Бўладими?

— Бўлади...

## 2

Субут Сокиининг журналда эълон қилинган «Пушаймонининг аччиқ кўз ёшлари» мақоласи ҳам унинг атрофида бўлган ган-сўзлар, уларни бости-бости қилиш учун Шаҳинахоним томонидан чекилган муайян азиятлар хусусида муфассал тўхталиб ўтирмадик. Бу можаронинг нировард оқибати шу бўлдики, Аффифа кўчада қолди. Йўқ, Шаҳина хоним жиянини кўчага ҳайдаган эмас, ахлоқ мириабининг тавсия ва талаби ҳамда Субутнинг маслаҳату илтижолари туфайли Аффифа ушбу «қалдрон» гўнадан бош олиб чиқиб кетди.

Энди у нима қилишни, қайга боришни билмай анча каловланди. Субут унга ётоқхонасининг манзилини ёзиб берган, кечкурун киритажани айтган. Лекин кечгача ҳали вақт узок эди. Аффифа бир хаёли қишлоққа кетворгиси келди. Бу фикридан иву заҳотиёқ қайтди. У ёқда ўзи учун маънисиз бўшлиқдан бошқа нарса кўрмади. Тўғри, омади чошиб қолса, пайти келиб отаси уни ўзига ўхшаган қашшоқ, буниинг устига қари бир бекорчига узатиши мумкин. Аммо ўша ичувчи такасалтаинг ҳам лўлинини эркаги сингари бир умр унинг ҳисобидан яшайди. Хунук ўтмишини эсига солиб, кун бермайди. Оёқлари уни «Соҳил» истироҳат боғи сари етаклади. Дарахтзорлар орасидаги тош йўлакдан оҳиста одимлаб ўй сурди.

Субутнинг таклифи астойдилмиди ёки шунчаки раҳми келиб, уидан беминнат бир маъшуқа сифатида фойдаланиб юригани ўйлагандир. Фойдаланиб бўлгач, танилаб кетади.

Бошқасини, янгироғини, ёшироғини қидиради. Афифа биледи: эркакларининг бари бир хил. Ҳатто ўзини «Энг инсон-парвар» деб ҳисобловчи Номик немли бир кинорежиссёр йиғит ҳам уни алдаган. Бошида «Сиз гўзалликда танҳосиз, мен сизни бу ердан олиб кетаман, киноюлдуз қиламан, сизни «Осиё гўзали» ташловида қатнаштираман, бир умр бирга бўламиз», деб қон-қон ваъда берган. Икки-уч мартадан сўнг қорасини кўрсатмай кетди. Кейинроқ Афифа уни телевизорда «Муҳаббат ва оила» деган кўрсатув олиб бораётганини кўриб қолди. Савги, садоқат, вафодорлик ҳақидаги чиройли гапларини эшитиб эваси қотди. Ўши ёлғончи ва шилқим одамнинг бир юмалаб ахлоқ ҳимоячисига айланиб қолганидан ҳайратга тушди.

Субутга кўнгли исмаётганининг сабаби ҳам аҳтимол эркак зотида азбаройи кўнгли қолганидан бўлса керак, деб ўйлади. Йўқ, Афифа эркаклардан буткул нафратланади, десак унчалик тўғри бўлмас. Бу қавм унга оддий бир ўлжа, тўғрироғи, тирикчилик манбаи бўлиб кўринар, кўнглида на бир ҳис, на бир туйғу уйғонар эди. Аҳён-аҳёнда у «Биринчи муҳаббатимни Даврбек ака поймол қилгани учун шундай бўлди», деган хаёлга борарди-ю, аслида ўша товламачи амалдорга исбатан кўнглида чиндан ҳам қанақадир нафис туйғу бўлганига шубҳасиди. Ёлғиз қолган кезларида «Мен ўзи муҳаббат нималигини билармидим», деган саволга жавоб излайди. Саккизинчига кўчганида акасининг синфдоши, кўнгироқ сочли Абдураззоқ немли йиғит кўзига яхши кўринган. «Шу йиғит менга хат ёза, жавоб берардим» дея ўйлаб юрган.

Бироқ Абдураззоқ унга хат ёзмади. Унинг маъноли боқишларига жавобан нуқул: «Қалайсан, қизалоқ», дейиши билан кифояланди. Кейин ўқинга кетиб қолди. Афифа уни эсидан чиқарди. Энди ўйласа, унинг Абдураззоққа бўлган туйғуси болаларча бир ҳавасдан бошқа нарса эмасди. Кейин Даврбек унинг болалик тасаввурларидан қутилмаган солда, беғубор дунёсига муттаҳамларча айёрлик билан бостириб кирди. Арзиманган бир тилла занжир, ёлғон ваъдалар эвасига уни осон ва арзон сотиб олди. Унинг ошноқ қоғоздек тоза, маъсум вужудига ўчмас бир доғ бўлиб томди. Гарчанд унинг сохта эркаклари, ютоқиб

ялаб-юлқашлари Афифага ёққандек бўларди-ю бечора қиз бу оний ҳаяжонининг қоронғу хужрадан ташқарига чиқмаслигини ички бир сезги билан идрок этиб, ҳафсаласи бир бўларди. Унинг никоҳ ўқитини, уйланиб бахтиёр қилини ҳақидаги ватдаларига ишончи ҳам қумдан қурилган уйча сингари омоқат эди...

Субут ўша тун унинг қўлини ҳам ушламади. Нуқул тикилди. Ҳавас, ҳайрат, саросимага тўла нигоҳи Афифанинг юз-кўзларига, елкалари, қўллари, оёқлари, хуллас, бутун баданига игнадек санчилар, лекин оғритмасди. Шунда Афифа илк бор бу одам одатдаги «ўлжа»лардан бири эмаслигини, бу одам унга фақат ўз ҳирсини қондириш мақсадида эмас, аллақандай бошқача, унга таниш бўлмаган ҳислар билан қараётганини ҳис этди. Дастлаб уялди. Илдам туриб, кийиниб олмақчи бўлди. Кейин аламланди. Кўнглида «Мана, кўр, мен шунақа аҳволга тушган расво бир қизман», деган бир ўжарлик билан тере ўтирилиб ётаверди. Бир қур жаҳли чиқиб: «Бўлақолмайёвизми?», деган маънода ган ҳам қилди. Гани таъсир этмагач, «Бу одам касалмикан», деган хаёлга ҳам борди. «Мен фоҳишалар ҳаётини ўрганиш, ёзиш учун келдим», деган гапини эшитгач, ногаҳон кўрқиб кетди. «Энди бутун дунёга шарманда бўламан», деб ўйлади. Гарчанд бунинг энди сира аҳамияти йўқлигини, унга олам барибир бўлиб қолганини билса-да, ота-онасининг юзи ерга қарамасин, қилди эгилмасин, деган ташвишга тушди. Исм ва манзилларини ўзгартириб ёзишнинг билгач, бироз тинчланди. Ёса-ёшин, бошқаларга сабоқ бўлар, деб ўйлади. Субут дўстона хайрлашиб, телефонини бериб кетгач, зериккан вақтларида бир-икки кўнгироқ қилди. Биринчи бор кўнгироқ қилганда Субутнинг «Эшитаман», деган майин, босиқ овозини эшитиб, исгадир ҳалжонланди. Юраги гуниллаб кетди. шонганидан йигитнинг исмини тўлиқ айтмай:

— Субут ака, сизмисиз? — деди.

— Менман, Афифа, ўзимман, ганираверинг, — деди сим ортидан Субут.

— Яхшимисиз, ассалому алайкум, — деди Афифа. Яна ҳаяжонланиб, сўзлари нойма-ной чиқди.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз қалайсиз? — деди Субут. Товушидан унинг ҳам ҳалжонланаётгани сезилди.

Ана шу сабаб бўлдимиз, улар бир-икки оғиз суҳбат билан чекланиб, хайрланишди. Иккинчи марта Афифа ўзини анча босиб олиб, анча гаплашди. Мақола нима бўлганини сўради:

— Ваъдаиғизни унутганигиз йўқми, ишқилиб? — деди.

Учинчи марта Субут «Учрашмаймизми?», деб сўради. «Майли, фақат бошқа вақт, бошқа жойда», деди Афифа...

Ўшандан кейин мақола чиқиб, Шаҳина хонимнинг хуфий сўлтани устида булутлар пайдо бўлди. Гарчанд мақолада хонимнинг манзили кўрсатилмаган бўлса-да, шаҳардаги қатор махфий исловатхоналар қаторида бу ерга ҳам миршаблар ботириб келишди.

Ўша куни кечкурун унинг ҳузурига эски ва мудом навқирон Муқимхонов келган, ўзининг ясама хушомадларини элдигина бошлаган, Афифа бундан кўнгли беҳузур бўлиб ўтирарди. Бошқа хоналардаги икки қизни «мижозлари» билан бирга дарҳол олиб кетишди. Афифанинг бахтига миршабларнинг каттаси Муқимхоновни танирган. Куюқ саломлашиб, «Окаҳон, узр, бсэюфта қилдик», деди. Кейин мулойимгина қилиб «Бу ердан тезроқ чиқиб кетганигиз маъқул» деди. Муқимхонов чўнтагидан бир ҳовуч пул чиқариб, миршаббошнинг кўйига тикди ва «Қизга ҳам гап тегмасин», деди.

Миршаббони Шаҳина хонимни стақлаб, шерикларининг ортидан чиқар экан Афифага:

— Эрта билан бу ердан қорангни ўчир! Иккинчи марта қўлимга тунсанг, ҳеч кимни юзхотир қилиб ўтирмайман, — деди...

Богнинг темир панжарали дарвозаси томондан Субут кўринди. Афифа ҳайрат ва севинч билан унинг истиқболига интилди. «Кечкурунгача сабри чидмаган», деб ўйлади ҳалжонлашиб. Аммо бу ердалигини қаёқдан билди, қандай тонди?

— Ассалом, — деди Афифа биринчи бўлиб салом беришга ҳаракат қилиб.

— Ваалайкум, — деди Субут беихтиёр Афифанинг қўлидан ушлаб. Афифанинг эти жимирлаб кетди. Умрида биринчи марта шундай бўлди, агар аданмаса. Фақат эти эмас, юраги ҳам жимирлади. Сокин бир жимирлаш, баробарида кўксига беэовталлик, гашлик ўринини енгил ҳолсизлик оғушидаги ҳаловат эгаллади. Беихтиёр «ух» тортди.

— Қандай қилиб топдингиз? — деди бўшашиб.

— Юрагим сизди. Ҳойнаҳой, шу боғда бўлсангиз керак, деб ўйладим.

— Тўғри ўйлабсиз. Бу боғ сокии. Одам сийрак. Хаёл суринга қулай...

— Нималар, деб хаёл сурдингиз?

— Энди нима бўлади, деб ўйлаб ўтирибман.

— Ўйламанг, ҳаммаси яхши бўлади. Юринг!

— Қаёққа?

— Истаган томонингизга. Хоҳласангиз, биров жойда тушлик қиламиз.

— Майли.

Боғ ёнидаги «Қовурилган жўжа» емакхонасида овқатлашиди. Афифа хушхўр помидор шарбатини маъза қилиб сибириб, иштаҳа билан овқатлади. Кейин зобитлар саройининг кионохонасида «Муҳаббат синовлари» деган мусиқали кинофильмни томоша қилишди. Фильм икки ошиқининг айрилиғи билан тугалланса-да, улар ҳали бир-бирларига еттишишлари мумкин, деган умид билан суғорилган эди. Аффанинг кўнгли ёришди.

— Кинохонада кино кўрмаганимга анча бўлгаиди, — деди у. — Маъза қилдим. Раҳмат сизга.

— Энди ҳайвонот боғига тунамиз, майлими? — деди Субут.

— Майли-майли, юринг, — деди Афифа ёш боладек қувониб. — Умримда тушмаганман...

Ҳайвонларни завқ билан томоша қилиш асносида Афифа гашланди.

— Бечораларни қафасга солиб қўйишгани яхши бўлмапти, — деди.

— Уларда онг йўқ. Қафасда эканликларини сезишмайди, — деди Субут. — Муҳими, уларга вақтида овқат беришади.

— Фақат овқат билан бахтли бўлиш қийин.

— Оббо, сиз-эй, фалсафий фикрлайсиз-а, — деди Субут. — Умуман фақат чиройли эмас, ақлли ҳам экансиз. Нега ўқингизга кирмагансиз?

— Шароит бўлмаган-да, — деди Афифа маъжосланиб.

— Ҳа-я, узр... Аммо ҳали кеч эмас.

Кеч кириб қолди. Улар Субутнинг ётоқхонасига етиб келишди. Дарбон чол дастлаб уларга маъноли тикилиб, Афифага юзланди:

— Ўн бирдан кейин қолиш мумкин эмас, биласиз-а?

— Биламиз, Ғойиб ота, — деди Субут чолнинг қўлига нул қистирар экан. Афифа уялди. Субутнинг хонаси тўққиз қаватли оилавий ётоқхонанинг бешинчи қаватида бўлиб, битта каравот, бир эски стол ва иккита омонат стул, деразасига ўнгиб кетган духоба нарда осилган ғарибона бир ҳужра эди.

— Ўтиринг, — деди Субут стулга ишора қилиб. — Мен ҳозир чой қўлман.

— Мен қўяқолай чойни...

— Йўқ. Сиз меҳмонсиз. Кейин ошхона қаердалигини ҳам билмайсиз-ку, — деди кулиб Субут. — Дарвоқе, умумий ошхона узун даҳлизнинг манави томонидаги четида. Нариги томонида ювинини хонаси. Уям умумий. Аёлларинки. Эркаклариники бир қават наstda. Агар ювинимоқчи бўлсангиз, манави сочқин олинг. Ювинасизми?

— Майли, — деди Афифа иккиланиб. Кўнглида жисмига Шаҳина хонимнинг шохона ванажсида ёнинган кирларин шу одми ётоқхонанинг умумий ҳаммомида ювиб танидан истаги бор эди.

— Юринг, бўлмаса...

Ўн дақиқадан сўнг улар стол ёнига юзма-юз ўрнаниб, чой ичишиб, суҳбатланиб ўтиришар, Афифа ҳаммомдан чиққани туфайлими, ё чой тафтиданми ёки ички бир ҳаяжонданми қизариб кетган, ҳўл сочларидан хушбўй атир совуи ҳиди анқирди. Хаёлидан ажабтовур фикрлар кечарди.

— Афифа, исмингизнинг маъносини биласизми? — деб сўради Субут.

— Йўқ, — деди Афифа ясама соддалик билан. — Нима экан?

— Ростдан ҳам билмайсизми, қўйсангиз-чи. Наҳотки, ҳеч қизиқмаган бўлсангиз?

Афифа маънос ерга қаради. «Биларкан», деб ўйлади Субут.

— Билганимдан нима наф, қайтага бошқачароқ бўлгани яхши эди. Афифа — покиза, дегани. Мен покиза эмасман, — деди қиз йиғламираб.

— Ўқинманг. Сиз покизасиз. Сиз ўз ихтиёрингиз билан кирмадингиз-ку, бу йўлга. Сизга човут солганлар ўз наҳслари-

га ботган, сизни булғамоччи бўлиб, ўзлари янада чиркинланган одамлар...

— Бу гапларининг энди фойдаси йўқ-ку. Қизлик ифратимдан, шайнимдан айрилганман. Энди мени ҳеч ким олмайди.

— Мен оламан, агар рози бўлсангиз.

Афифа ердан кўзини бирров узиб, ялт этиб Субутга қаради. Нигоҳида «Гаплари самимийми?» деган савол бор эди. Саволига жавоб тополмади.

— Кўйсангиз-чи. Сиз ҳам шу топда мақсадингизга етиш учун алдаяпсиз.

— Менинг шу топда ҳеч қанақа «мақсадим» йўқ, — деди у. — Агар «хўн» десагиз шаръий никоҳ ўқитиб, ЗАГСдан ўтиб, ҳалол қилиб оламан.

Афифа яна нигоҳини ердан олди ва Субутнинг кўзига қаради. Дастлаб хаёлидан «Кўзлари меннигина ўхшаган кўнғир экан», деган фикр ўтди. Шу фикр баробарида илгари учратган эркаклардан бирортасининг ҳам кўзига, паники кўзига, балки юзига қарамаганини эслади. Ҳатто ўша «бир одам» — уни алдаб биринчи марта бадном этган Даврбекнинг ҳам чеҳрасига тузукроқ разм солмаганди. Эҳтимол, хатоси ҳам аслида шу бўлган. Агар ўша одамнинг юз-кўзига яхшироқ қараганида, маккорлигини, рижкорлигини англаган ва алдовига учмаган бўлармиди. Ким билсин...

— Нима дейсиз, Афифа? Тўғри, мен турмуш кўрган одамман. Ёшим ҳам сиздан анча катта. Лекин сиз рози бўлсангиз, номингизни, шайнингизни оқлаб, поклаб, миибатд гард кўндирмасликка ваъда бераман.

— Хотинингиз билан нега ажрашдингиз? Болангиз бор-ку?

— Бунинг сабабини тушунтириш қийин. Чунки ўзим ҳам яхши тушунолмадим. Қизимга келсак, ундан ҳеч қачон воз кечмайман. Аммо у сиз билан бахтли турмуш кечирганимизга ҳалақит бермайди. Нима дейсиз?

— Билмасам, — деди Афифа, — ота-онамининг олдидан ўтинг...

— Албатта, ўтамиз. Иложи бўлса, келаётган дам олин қуларни борамиз бирга.

— Вой, мен уяламан. Ўзимга-ўзим совчи бўлиб боргандек бўлади...



Афифа шундай деди-ю қўрқиб кетди. «Айниб қолса-чи», деган болаларча гумон, таҳлика ўтди кўнглидан.

— Майли, мен қишлоққача бирга бораман-у... Уйга ўзингиз кирасиз.

Субут қизнинг гўллигидан жилмайди.

— Уйингизга кирмай қаерда яшириниб ўтирасиз?

— Аммамникига кираман. Анчадан бери борганим йўқ.

— Майли...

Кейин суҳбат мавзуси яна Субутнинг оиласи, собиқ хотинига кўчди. Субут Зардарёнинг узок қишлоғида туғилгани, кейин ҳаёти фақат машаққат ва заҳматдан иборат бўлганини сўзлади. Хотини ҳақида ёмон гапирмади. «Яхши аёл. Шунчаки қайнонам билан дунёқарашларимиз тўғри келмади», деб қўя қолди. Кўпроқ қизчаси ҳақида гапирди. «Агар беришса, ўзимиз тарбия қилардик», деди.

— Бермайди, барибир, — деди Афифа. — Она ҳеч қачон боласини бировнинг қўлига бермайди.

Субут хўрсинди. Кейин бу ҳақда бошиқа гапирмади. Шу туни улар икковлари ҳам мижжа қоқинмади. Субут Афифага каравотга жой солиб, ўзи ерда, дераза ёнида ётди. Хонадаги қоронғу сукунатни аҳён-аҳёндаги енгил хўрсиниш ва чуқур нафас саси бузар, Субут мунгли бир қўшиқ сингари таралаётган ана шу овозни ўйчан тинглаб етди...

Афифа эса антикар, гоҳ шодланар, шитоб туриб, ўзини Субутнинг бағрига отгиси, уни йиғлаб-йиғлаб қучгиси, ранг-ранг юз-кўзларидан ўнгиси, «халоскорим», дея эркалатгиси, сочларидан меҳр билан тортқилаб, бошини кўксига босгиси келар, лекин уялиб, ботинолмасди. Гоҳ маъюслшнар, «Нега бу мард йигитни аввалроқ учратмадим, нега пок вужудимни унга гард юқтирмасдан тонширолмадим», дея ўксинар, бўғизига аламли бир йиғи келарди.

Шу кўйи тонг отди. Субут ишхонасидан жавоб олиб, Афифа ҳамроҳлигида «совчиликка» отланди. Афифа яна бироз тихирлик қилди-ю кейин кўнди. «Бўлар ишнинг тезроқ бўлгани яхши», деб ўйлади...

Қишлоқдаги кичкинагина тўйни ўтказиб, Субут Афифани шаҳарга олиб келди. Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлар» та-

маддихонасида ўн беш-йигирма чоғли дўстлари шигирокида мўъжазгина ўтириш ҳам қилди. Бу орада ҳамкасб ўртоғи Солимуҳаммад унга ўзи яшайдиган «дом»дан ижарага бир хонали ғарибгина кулба тошиб қўйди. Келини шу ерга тушириб келишди. Афифанинг эғнидаги ошноқ ҳарир келинлик либоси унга чандон яраган. Субут одмироқ бўлса-да, хушбичим қора костюм кийган.

### 3

Алмисоқдан қолган бир сим каравот, кичик стол ва икки-уч стул, эскироқ телевизор қўйилган салқингина хонада ёлғиз қолишди.

— Салом, Афифахон, — деди Субут ўртадаги жимликни бузиш учун бошқа гап тона олмагач. Афифа эса ҳайрон бўлди. Кулди:

— Вой, эрталабдан бери биргамиз-ку. Энди салом берасизми?

— Бу куёв саломда.

— Ҳа, шушқами. Ундай бўлса, сизга мана бу келин салом.

Афифа шундай дея Субутнинг қаринсига яқин келиб, таъзим қилди. Субут кулди. Шодланди.

— Авлод-аждодимга, ота-бобою момоларимга ҳам салом беринг, — деди.

— Жоним билан, — деди Афифа ва қайта-қайта таъзим қилар экан, ногоҳ тиз чўкиб, Субутнинг оёқларини қучоқлаб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Ие, нима қилаяنسиз, Афифа, қўйсангиз-чи, қўйинг йиғламанг, — деди Субут уни қўлтиридан кўтариб. Энди... йиғламанг.

— Сиз... сиз мени... Раҳмат, Субут ака, минг раҳмат. Бир умр чўрингиз бўламан...

— Чўрим эмас, маликам бўласиз, Афифа! Ўтган кунларни упутинг, жоним, — деди Субут уни авайлабгина бағрига босар экан. Афифа қаринлик қилмади. Субутнинг вужудига чирмовуқдай, агар таъбир жонз бўлса, чирмашиб, қучоғига сингиб кетди. Шу кўйи улар анча қучоқланиб турдилар. Афифа Субутнинг ҳароратли нафасини, қайноқ лабларини гоҳ ишю-

насида, гоҳ ланоқларида, гоҳ дудоқларида ҳис этар, куйдирувчи бу тафт бутун жисмига иссиқлик уфураётгандек, тани бамисоли олов бўлиб ёнар, боши айланиб, кўзлари мастона сузилиб, беихтиёр нойма-ной сўзлар эди:

— Субут ака, акажон. Ўзимнинг халоскор акажоним. Ўргилай сиздан...

Ҳаяжон ичра тилидан, йўқ, тилидан эмас, ич-ичидан беихтиёр отилиб чиқаётган бу нойма-ной сўзлардан Афифа уялар, аммо бу уятни юрагида қачонлардан бери йиғилиб, яширишиб, қачонлардир зўр куч билан юзага чиқишга талпиниб ётган азиз ва нафис бир туйғу тўлқини кўмиб юборганди. Унинг зада жисми, озурда кўнгли шу тонда қафасдан қутилган бир қушча мисоли эди. Бинобарин, Афифа ўз руҳиятидаги бу эркинлик, бу бахтиёр парвоз шукуҳидан тамоман маст эди.

Бир-бирига яқтан бўлган икки вужуд шу тонда ёнаётган гулхани элатар, ҳар иккисининг чуқур эҳтирос, ўтли нафас билан гоҳ шивирлаб, гоҳ эгтиккиб, гоҳ ҳайқиргудек бўлиб айтётган сўзлари бу гулхани янада гуриллатар эди.

— Мени севасизми? — деб сўрарди дамба-дам Афифа.

— Севаман, бутун вужудим билан севаман, — дерди Субут қизни сон-саноксиз бўсаларга кўмиб.

— Мени ташлаб кетмайсизми? — деб сўрарди Афифа яна.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон, — дерди Субут унинг жафокан елкаларини меҳр ила силаб.

— Мен ҳам сизни севаман, Субут ака, — дерди Афифа.

— Мени ташлаб кетмайсизми? — деб сўрарди Субут.

— Ҳеч қачон, ўла-ўлгунимча сизникиман, бир умр чўрингиз бўламан, акажон, — дерди Афифа.

— Сиз мени тирилтирддингиз, — деди бироздан кейин шивирлаб Афифа. — Сиз... сеҳргар экансиз.

— Мен эса сиз ҳақингизда шунини ўйлаб тургандим, — деди Субут.

— Нега?

— Чунки бир кўринидаёқ севиб қолганман. Севгим тобора кучайиб борган. Бутун эса сизнинг сеҳрингиз борлигига амин бўлдим.

— Мен сизни... биласизми, ўша кун эмас, эртасига ёқтирдим. Ўшанда чехрангизга қарамаган эканман. Ёдимда сўзла-

рингиз ва қўларингиз қолган экан. Сўзларингизни эслаб, юзингизни ўзимча, ўзим орзу қилган тарзда тасаввур этдим. Шу йигитни яна бир кўрсам, деб умид қилдим. Кейин юзингизни кўриб, хаёлимда тасаввур қилган қиёфанинг айнан ўзи эканини англадим. Менимча, севги шу бўлса керак.

— Наҳотки, илгари ҳеч севмагансиз?

— Йўқ... Сиз...

— Мен, очиги, ёқтирганман ва шу муҳаббат, деб ўйлаганман. Энди билсам, у севги эмас экан. У шунчаки одамнинг жисмоний, руҳий эҳтиёжига бўйсунгани экан, холос. Чиннакам севги одамнинг кўзларини кўр, қулоқларини кар, тилини соқов қилиб қўяр экан. Одам фақат юраги билан кўрар, эшитар ва ганирар экан.

— Шу сўзларингизни ҳам юрагингиз билан айтгансизми?

— Ҳа.

— Ишондим...

Бу оқшом, соҳир ва фараҳбахш тун гўёки бир тутамдек туюлди. Заҳматли бу ҳаётнинг навбатдаги бир куни бошланмоқда эди...

#### 4

Алқисса...

Ҳикояни шу ерда мухтасар қилиб, воқеанинг нигтиҳосини сўзлаб қўйса бўларди. Надоматлар бўлмайким, ундай қилолмади. Зеро, шундай қилса, муҳтарам муштариининг бир қатор саволлари жавобсиз қолган бўлур эди. Бу саволлардан бири, шубҳасиз, воқеанинг фаол нигтирокчиси Даврбек Муқимхонов билан боғлиқ. Қолаверса, Даврбек муайян воқеа, ҳатто асарда шунчаки бирров кўриниб, чиқиб кетадиган одамлардан эмасди.

Гарчанд бир пайтлар унга устозин «Агар ўсаман, десанг ҳадеб кўзга таппанаверма, фақат зарур ҳолда, зарур жойда кўрин, бонқа вақт эса «фақирининг жойи панада», деб ишининг битказиб юравер», дея татлим берган. Ана шу ақидага амал қилган бу йигит ёш бўлинига қарамасдан, вилоятлардан бирида назорат соҳасида масъул вазифаларда ишлаганига улгурди. Буи-

да дорилфунуининг сиёсий иқтисод факултетини битказгани, озроқ институтда ўқитувчилик қилиб, фан номзоди даражасини олгани, рус тилини яхши билгани муҳим рол ўйнади. Собиқ Иттифоқ даврида бундай одамлар тез ўсишарди. «Пахта ишлари» тўлолинида Оврўно шимолидаги шаҳарлардан бирида малака ҳам ошириб келди. Сўнгра пойтахтдаги юқори идоралардан бирига мустаҳкам ўрнанди.

Оилавий ҳаёти ҳам дастлаб бир маромда саргузангсиз кечди. Вилоят раҳбарларидан бирининг қизига уйланган ва мансаб инланояларидан кўтарилишида ушбу ҳолатдан ҳам бир қадар истифода этганди. Ўша вилоят раҳбари «пахта ишлари» бўйича қамалиб қолгач, Даврбек хотинига, бир боласи бўлишига қарамай, жавоб берди. Турган ганки, судга ёзган ариза-сида бунига сабаб қилиб, қайиотаси қамалганини эмас, «Характерлар тўғри келмаганини» кўрсатди. Иқшларининг саволига эса «Аввал бондан унинг ифрати бутушлигига шубҳам бор эди», деган қатъийли жавобни берди. Ўша кунларда Оврўнода «Тажриба ўрганиб юргани» учун бу иш ортинча шов-шувларсиз, сиалиқ кечди. Собиқ хотини тақдирга тан бергани учун у ёқ-бу ёққа арз ҳам қилиб юрмади. Қолаверса, бечора ожиза ўша пайт онласи аъзолари билан бирга отасини қамоқдан чиқариб олиш ташвиши билан овора эди. Қайиотаси қамоқдан чиқиб, оқлашиб келган кунларда Даврбек ҳам Марказдаги сиёсий чиниқинини инҳоясига етказиб қайтган, республика пойтахтида ишга жойлашини билан биргалликда, юқоридан келган вакиллардан бирининг малласоч бева қизига уйланишига ҳам улгурганди.

Қайиотаси Даврбекнинг ўн саккизинчи қаватдаги хизматхонасига келиб, қисқагива ўнка-гина қилди. «Иложи бўлса, вақти келиб онлангизга қайтинг», дея насиҳат қилди. «Шимолдан келганлар бирибир бир кун юртларига қайтишади, сиз ҳарқалай улар билан кетмасиз?», дея бир башорат ҳам этди. Даврбек собиқ қайиотасининг бу тарздаги дадиллигидан ҳайратланган эди. Сабаби тезда аён бўлди. Қайиота ҳибеда соғлиғини йўқотиб келган экан, кўн ўтмай дунёдан ўтиб кетди.

«Бечора, башоратининг рўёбга чиққанини кўролмай кетди», деб ўйлади кейинроқ Даврбек. Чиндан ҳам келганлар қай-

тишиди. Аммо Даврбекнинг устози, вилоятдалигида уни кўтарган, Марказга «Тажриба алмашув»га жўнатган, сўнгра Тошкентга ишга жойлашишига ҳам сабаб бўлган Ермаков, кетини олдида уни яхши бир лавозимга тавсия қилиб улгурган эди. Устозининг сўнгги маслаҳати шундай бўлди: «Энди капитализм келади, капитал қилиш керак. Пул ишла. Энди пул ҳар қандай муаммони ҳал этади».

Устозининг маслаҳати билан Даврбек ўрис хотинини ҳам талоқ қилди. Тўғрироғи, ожизаси «Отамнинг юртига кетайлик», деганида «Отамдан қолган далаларни танилаб кетолмайман», деди гуноҳқорона жилмайиб. Хотини мовий кўзларини жавдиратиб, малла сочларини кузининг совуқ шамолларида парнион этиб кетди. Табиатан кўли очиқ бўлган Даврбек ўрис хотинига бир қизалоқ ва кейинги икки-уч йил миёнасида ортирилган бор-йўқ молу давлатини кўшқўллаб тошширди. «Агар замон тескари айланиб кетса, ортингдан бораман», деган мавҳум, лекин умидбахш ваъдани ҳам берди. Аммо хаёлида бошқа гаплар бор эди шу тонда. Устозининг ҳазил аралаш айтган сўзлари унга тишлик бермаётганди. Силёсат плюс муҳаббат баробар ҳокимият, деганди устози сўнгги суҳбатлари чоғида. «Бу оддий арифметика. Буни ёдиндан чиқарма».

Бу маслаҳатининг мағзини чаққан Даврбек иккинчи хотини биян ажраллини қонуан расмийлаштириб, уни омон-эсон жўнатиб юборгач, паспортини янгилади. Кейин эса кибор доиралардан ўзига муносиб янги бир завжа ахтаринга киришди. Унча узоқ бўлмаган машаққатли изланишлардан кейин шаҳарлик таниқли тужжорлардан бирининг икки болали бир бева қизини тонди. Бу қиз Даврбекдан атиги икки ёш катта бўлса ҳам кўҳлик, эриарвар жувон экан. Отасининг саъй-ҳаракатлари или у пойтахтга яқин вилоятда бир печа дўкон, ошхона, сартарошхона ва ҳатто кўҳна бир ҳаммомга ҳам эга экан.

— Ҳаммаси майин-ку, аммо ҳаммомга на ҳожат бор эди? — деб сўради танишгиларидан анча кейин Даврбек ҳазил аралани.

Жувон ҳам ҳазилканан экан:

— Гуноҳдаримизни бот-бот юзиб туриш учун, — деб яшвоб берди.

Даврбек ўша лаҳзада бу ҳазилнинг тагида қанақа зил бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган экан...

Зили кейин чиқди. «Сарват» ресторанида янги қайнотаси қилиб берган ҳашаматли тўйдан сўнг уч ойлар ўтгач, вилоятга қилган хизмат сафаридан кеч қайтган Даврбек қайнотасининг шаҳар четидаги муҳташам чорбоғларидан биринга тонгда борди ва завжан муҳтарамасининг хобхонасида ёшгина талаба йиғишга дуч келди.

— Бу менинг шогирдим, — деди хотини хотиржамлик билан. — Яна рашк қилиб юрманг. Ёш бола-ку.

Ҳар бир эрақакка хос бўлган ғурур, деб аталмиш анчайини ўжар туйғу туфайли, хотинига бир-икки кун тўмтайиб қараб юрди. Кейин кўнди. «Эҳтимол, чиндан ҳам шогирдидир. Ўғли тенги-ку», деб ўйлади. Қайнотасига индамай қўя қолди. Бунинг устига қайнотаси ўша кушларда унга қизиқ бир таклиф билан мурожаат эттанди.

— Сиз позик жойда ишлайсиз. Шу бонс шаҳар четидаги чорбоғ билан кифоляниб юринишигиз яхши эмас. Мен «катталар» янайдиган «Пахтачи» мавзесидан янги бир ҳовли-жой қурдирганман, ўшанга кўчинлар. Кейин мадавн «ГАЗ-31» мошини ҳам ярашмай қолти. «Мерс» қилсак ваҳима бўлиб кетар-ку, ҳарқалай «БМВ»нинг бениничи моделида юрганишигиз маъқул.

Даврбек қуллуқ қилди. Аммо «Пахтачи»даги қасерга кўчганларидан кейин бир ҳафта ўтмаёқ хотинининг янги «шогирди»га дуч келиб, дарду дунёси қоронғу бўлиб кетди. У бойвуччасининг «чан»га юра бошлаганига энди буткул ишонди. Ким билсин, бу касалга у анча аввал чалинган бўлиши ҳам мумкин. Лекин буни лоақал яширинча, Даврбекка сездирмасдан қилиши мумкин эди-ку. Бушчалик ошқора сурбетлик қилишнинг нима ҳожати бор эди. Даврбекка айини ана шуниси алам қилди. Сал учини чиқарган эди, хотини бобиллаб берди:

— Вой, ўзиниғиз мингтадан қолган бир сарқитсензу гаширган гашиғизни қаранг-а!

Даврбек индаёй олмади. Гарчанд паспорти «тоза» бўлса ҳам, хотини унинг сермуҳаббат ўтмишидан яхши хабардорлигини биларди.

— Сиз ҳарқалай менинг кимлигимни, қасерда ишлашимни унутманг, — деди босиқлик билан.

— Отамнинг пули бўлмаса, ҳеч кимсиз.

— Мен шу даражага отангизнинг қиммати билан эринган эмасман-ку.

— Юрувдингиз меҳмонхонада яшаб, чорингизни судраб. «Номи улуг, супраси қуруқ».

Хотини нишонга урганди. Чиндан ҳам унга уйланган пайтда идорасидан берилган беш хонали уйни ажралиш жараёнида хотинига берган ва у шимолдаги шаҳарлардан бирига алмаштириб кетгани учун ўзи вазирликлардан бирининг меҳмонхонасида яшаб юрганди.

— Керак бўлса, — деб қўшимча қилди хотини, — ишлаб турган ишингиздан ҳам айрилиб қолишингиз мумкин, агар отам суяб турмаса...

Бу очиқча таҳдид эди. Даврбек кўрқди. «Кини балога қолурми, ўз ихтиёри билан», деган сатрларни инчирлаб ўқиди. Дарвоқе, у анча зиёли, адабиёт ва санъатдан хабардор, гўзаллик ва нафосатни севгувчи одам эди. Ана шу хислати туфайли Шаҳина хоним билан танишган бўлса, ажаб эмас. Ҳарҳолда у Шаҳина хоним дарбон бўлмиш «Муҳаббат манзилига» хотинига аччиқ қилиб келиб қолмаганди. Бу анча илгарироқ бошланган. Биринчи хотинидан ажралиб, пойтахтта келиб, ҳали муваққат бўйдоқлик гаштини суриб юрган кезларида бир ҳуқуқшунос дўсти таништирганди «она» билан. Ўрунбурунлик Марусяга уйлангач, бир муддат оёғини тийди-ю «Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас», деганларидек, яна мунгазам қатнай бошладди. Ва кунларининг бирида Афифага дуч келди. Дафъатан «Бу хотини томонидан таҳқирланган бадбахт каминага тақдирнинг туҳфаси», деган хаёлга борди. Бахтдан боши осмонга етди. Афифа — бу чинакам мўъжиза эди. Афифа — малюҳат ва гўзалликда тенги йўқ бир нари, ҳуен маликаси эди. У бир гунча эди. Даврбек ийиб, эриб кетди. Зеро, у хотинидан жабр кўриб, худди шундай бир покиза гулнинг ҳидига чанқоқ эди. Афифани бағрига босар экан, одамлиги ҳам энга тушиб, бўйнидаги ношойиста заифдан, «Агар керак бўлса, мансабдан ҳам, молу давлатдан ҳам воз кечиб, ҳаётини қайтадан бошлайман», деган фикрга борди. Шундай қилинга ўзимда журъат ва жасорат тона оламан, деб ўйлади. «Мен ҳам одамман-ку», деди ўзича хаёлан хитоб қилиб. Афифага бисотидаги энг азиз, энг



нафис сўзларини на қўлида тақиб юрган, яхши кўрган соатини тухфа қилиб юборди. Аммо...

Висол лаззатидан маст бўлиб, Афифага берган ваъдасини бажариш шахди билан юрган кунларида қайнотаси чақириб қолди. Шундан сал олдинроқ у хотинига яхшиликча ажрала-сан, деган мазмуида ярми ҳазил, ярим чин гап қилганди. Ҳой-наҳой, хотини бу гапни дарҳол отасига етказган бўлса керак. Унинг қовоғидан қор ёғар, кўйиб берса, Даврбекни тириклай ютиб юборгудек эди. Лекин гапни босиқлик билан бошлади:

— Қувви пайғамбарлар ҳам сийланган, — дейди ота-боболаримиз. Мен бу ҳикматли мақолга амал қилиб юрибман. Қўлимдан келган ёрдамни аяётганим йўқ. Бироқ... сиз ҳам, дўстим, кўрсатилаётган ҳурматга лойиқ бўлиб, иззатингизни билиб юринг, маъқулми?

Даврбек бу учрашувни кутган ва унга тайёргарлик кўра бошлаганди. Фақат бу қадар тез бўлади, деб ўйламаганди. Шу бонс биринчи дағдағадан кейиноқ саросимага тушди.

— Мен ўзим, сиз билан қизингиз ҳақида бир гаиланимоқчи бўлиб юргандим.

— Биламан, қизим сал эрқароқ, тантиқроқ. Лекин эркак киши хотинини, керак бўлса, уриб-сўкиб, йўлга солиб олиши керак, дарров жириллвб ҳезалаклик қилмасдан...

Даврбекнинг қони қайнаб кетди:

— Нима қилибман, ҳезалаклик қилиб? Оғзингизга қараб гапиринг.

— Иелюватхонага танда кўйиб, ҳар учраган фоҳишага уй-ланаман, деб юриш ҳезалаклик эмасми? Эй, сен эркакмисан ўзи? Хотинини ҳам, ўйнашини ҳам рози қилиб юрмайсанми, кўкракни кўтариб. Бигта жалаб менинг қизимдан аяло бўлиб қолдимми?

— У сиз айтаётгандақа эмас. У тоза қиз, — деди Даврбек Афифанинг пок номини ҳимоя қилишига ўзида мардона журъат сезиб. Бу эса қайнотасининг ғазабини янада алапгалайтиб юборди.

— Шунақами, ўша фоҳиша менинг қизимдан тозароқми? Хўп, майли, у тоза экан. Сен-чи? Сен тозамисан? Сен...

Қайнота гапини охирига етказмади. Вазоҳат ва таҳдид билан Даврбекнинг тумшуги ёнида мушт дўлайтирди. Эҳтимол, ур-

моқчи бўлди. Аммо... урмади. Ҳазабини енгди. Яна босиқлик билан ганирди.

— Агар қизим ёмон бўлса, ўлдириб ташла! Кейин билганингни қиласан. Лекин билиб қўй. Тирик ажратмайман. Эҳ, сени қара-ю, бошинга қўнган бахт қушини ҳайдаб, яна чориқ судрамоқчимисан? Мен сени денутат қиламан, министр қиламан, деб юрсаму...

Қайнотанинг сўнги сўзлари титраб чиқди. Маъюсланди. Даврбекнинг унга раҳми келди. Шундай қудратли одам қизига кучи етмай, аламини меидаи олаяпти, деб ўйлади. Мен унга обрў учун керакман. Қизининг шўхликларига чидаб юрсам, ҳеч нарсаи алмайди. Эҳтимол, чиндан ҳам денутат қилади. Лекин қизидан ажралсам, соғ кўймайди...

Хуллас, у кўрқди. Балки кўрқув бир баҳонаю аслида қайнотаси ваъда қилаётган янада юксак мартаба умиди уни шанидан туширгандир. Ҳарқалай у висол онларидаги ҳаяжон туфайли қилган аҳдини бажаришга нишмай туриш кераклигини тушунди. Қалбида Афифага нисбатан муҳаббат нечоғлик жўш ураётган бўлмасин, соғинччи, ҳижрон азобини енгди.

«Сағъат қурбон талаб қилур». Ҳозирча муҳаббатни сиёсат сағъати йўлида қурбон қилиб турмасак бўлмас, деган хулосага келди. Шу тахлит орадан анча вақт ўтиб кетди.

## 5

Куз кунларидан бири. Афифа бозордан қайтаётган эди. Кўнгли ғашроқ. Субут яна ишини ўзгартирмоқчи. Аввалги хотини таҳририятга қатнайвериб, бозор қилди. Бунинг устига унинг бир-икки мақоласи юзасидан бош муҳаррир қаттиқ ғап эшитиб, Субутни четлатиш пайига тушди. Субут маонини настрок бўлса ҳам янги очилган кичикроқ гажеталардан бирига ўтмоқчи. «Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Бу – эркин газета. Уни ҳамма ўқийди. Нусхаси кундан-кун ошиб боради, ойлик ҳам шунга яраши ортади», деб орзу қилади. Аффеуски, фақат орзу билан яшаш қийин. Турмушлари пачор. Ижара пулини зўрға тўлаианалити. Афифа сиргдан ҳуқуқшуносликка ўқишга кирди. Бунга ҳам пул керак. Ҳали ишга жойлашолгани йўқ. Тулюв кунини Шаҳина хонимини учратди. Бейхтиёр уникида ўтказган

аерикарли, аммо тўқ-тўкис кулларни эслади. Хоним унга раҳми келиб, жиндай кўз ёши қилди.

— Нега бунақа озиб кетдинг. Усти-бошингга қара! Бу нима юриш? Эриниң оти ўчени, агар шунақа хотин қиладиган бўлса, — деди. Кейин юнатди:

— Майили, чидаб тур-чи, яхши бўлиб кетар. Ахир, эринг кимсан, журналист! Келажакги порлюк! Айтганча, узоқланиб кетма, бориб тур. Менин уйим — сенин уйиңг. Хўйми? Тортирма! Эгни-бошинг тўзиб қонти. Киргини, бир-иккита тор келиб қолган кўйшакларим бор. Олиб кетасан.

Афифа аламланди. Орланди. Наҳотки, менин бу кишиниң эскисени кишиндан бонқа чорам бўлмаса, деб ўйлади. Кейин ўзига тасалли берди. Ахир, шармандалик гирдобидан қутулдим, севимли эрим бор, энди ҳаётимиз аста-секин изга тушиб кетади, деди. Ўзига берган тасаллиси ҳарчанд чиройли бўлмасин, ожиз эканини тап олмасликка уринарди. Уринган сари ўз аҳволидан порозилик ҳисси юзага қалқиб чиқаверар, нега унақа, нега бунақа, деган ўйлар азоблииверарди.

Ана шу ўйлар бугун бозордан келатганида яна янгилаанган ва маъносиниң сабаби ҳам шундан эди.

Бекатта бориш учун катта йўлни кесиб ўтаётганида қонқора зулукдек чиройли бир машина сигнал берди. Ўгирилди. Кўзларига нишонмади. Бу — Даврбек эди. Даврбек машинасини йўл четига олиб, дарҳол туниди. Шошиб бетўхтов ёнига келди.

— Салом алайкум, Афифахон!

— Салом, — деди ўкинч ил афсус ила «уф» тортиб Афифа. Хаёлида «Нега шу тоида бу одамни учратдим?» деган надомат бор эди.

— Сиз мени ёлгончи, бевафо, деб айблаб юрган бўлсангиз керак, — деди Даврбек гуноҳкорона.

— Йўқ, йўқ, — деди шошиб Афифа, — умуман бу ҳақда ўйлаганим йўқ.

Даврбек маънос кулди:

— Наҳотки, умуман ўйламаган, эсламаган бўлсангиз?

— Ўйлаганим, элаганим билан нима фойда? Ўтгани ўтди.

Энди эрга тегдим.

— Эшитдим. Машҳур одамга тегибсиз.

Афифа қувониб кетди:

— Сиз танийсизми, у кишини?

— Ҳ, Субут Соқни, деган журналистин ким танимайди? У жуда машҳур одам. Уни «СС» ҳам дейишади, ҳазиллашиб. Қаламидан қон томади.

— Шунақами? — деди Афифа ҳайратини яширолмаганди. — Бўлмаса...

— «Бўлмаса, нега ҳеч касаси оқармайди», демоқчимисиз? Бунга ўзи айбдор. Ҳолбуки, у каттақон бир газетанинг бош муҳаррири бўлиши, ҳатто мана биз билан бирга юқори идораларда ишлаши мумкин эди. У бўлса, айрим ғаламие кимсалар таъсирига тушиб, сохта ҳақиқат кетидан қувиб юрибди.

— Қанақа ҳақиқат? — тушунай сўради Афифа.

— Ёлғон ҳақиқат. У киши ўзини ҳаммадан ақлли, деб ўйлайди. Оқимга қарши сузмоқчи бўлади. Майли, кўяверинг. Ўзингиз қалайсиз? Қийналмаянесизми, ниқилиб?

— Йўқ, нега эди. Ҳаммаси яхши, — деди Афифа.

— Агар йўқ, демасангиз уйингизгача элтиб кўярдим, — деди Даврбек машинасига ишора қилиб. Афифа қизиқсиниб машина томонга қаради-ю иккиланди.

— Уят-ку, бегона эркак билан машинада... мен эрлик аёл бўлсам...

Даврбек ниманидир ўйлади, шекилли, ўзи ҳам фикридан қайтди:

— Майли, ноқулай бўлса... Лекин мана буни олинг, — у таширифома узатди, — бирор ёрдам керак бўлса, тортинмай қўнғироқ қилинг. Хўнми?

— Хўн, — деди Афифа бу қутилмаган учрашувни тезроқ якувлани естагида. Даврбекнинг машинаси бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Афифа чиройли таширифомани кўздан кенирар экан, бир хаёли «Ташлаб юборини керак», деб ўйлади. Яхшиси... Субут акамга бериб, ўзи танилаб юборар. Шундай қилганим яхши...

Кечкурун Субутта таширифомани узатар экан, қўниб қўйди:

— Бу одам сизни яхши билар экан...

Субут Афифанинг алдангани билан боғлиқ воқеадан хабардор бўлгани учун ғазабини яшириб ўтирмади:

— Бу ифлос кимса қайси юз билан сизга ташрифнома беради, Афифа? Сиз-чи, ўзингиз, қанақа қилиб унинг ташрифномасини кўлингизга унлашингиз, қолаверса у билан саломлашиниингиз, гаплашиниингиз мумкин? Юзига тупуриб, бурилиб кетмайсизми? Сизни қарап-у!

Шунақа деб, у ташрифномани ахлат челагига улоқтирди. Кейин жавдираб турган Афифага ўйчан тикилиб, юмшоқ, насихат оҳангида гапини давом эттирди:

— У жирканч одам. Афифа, уни узоқдан кўриб қолсангиз ҳам, етти маҳалла наридан ўтиб кетинг. Илтимос, хўними? Азизим, ахир тушунинг, у сизни бадном этган, номусингизни ноймол қилган фосиқ бир кимса. Сиз эса, сиз менинг тоза гулимсиз. Бу гулга яна гўнпашиа айланишмасин, тушундингизми?

— Тушундим, — деди Афифа. — Кўйинг, ўша одам ҳақида гаплашмайлик. Ишингиз нима бўлди?

— Бўладиганга ўхшаяпти. Дарвоқе, янги очилган газетага сизни ҳам ишга олишади. Гапланиб кўйдим.

— Вой, мен нима иш қиламан?

— Котиба бўласиз. Бош муҳаррир аёл киши. Менга ҳурмати баланд. Қолаверса, бир жойда инласак яхши-ку. Тўғрими?

— Тўғри. Майли, сиз нима десангиз шу-да...

Эртасига эрталаб Субут ва Афифа янги очилган «Сўз» ҳафталик газетаси таҳририятида иш бошлашди. Жамоа унча катта эмас: етти-саккиз кишидан иборат эди. Муҳаррир ўрта ёшларда бўлиб, илгари давлат идораларида ишлаган, анча босиқ, мулоҳазали, аммо журъатли аёл экан. Субут шарҳловчи вазифасида ишлар, ҳар сонда анчайин инов-шувли мақолалар билан чиқиб турар эди. Навбатдаги сонлардан бирида унинг «Коррупция илдизи қаерда?» номли мақоласи босилди. Бир ҳафтадан кейин газета чиқиндан тўхтади.

Бундан сал олдинроқ...

Даврбек Афифа билан хайрлашиб машинасига ўтирар экан: «Чўчитиб юбормаганим яхши бўлди», деб ўйлади. Унинг мўлжалича, Афифа почор турмушга кўпиколмай, Субутдан совиши ва ўзи Даврбекни излани керак. «Шундай пайт келади. Эртага бўлмаса, илдин...» Аффанинг эри билан бир жойда ишла-

Ўтганини эшитгач, «Сўз» газетасининг бош муҳаррири бўлмин «онахон»дан ҳол-аҳвол сўрани баҳонасида бир-икки кўнгироқ қилди. Табиийки, гўнакни қабулхонада ўтирадиган Афифа олди. Даврбек атай ўзини танитмай, онани сўради. «Қани, танирмикан, таниганини сездирармикан», деб пойлади. Афифа ё чиндана танимади, ё таниса ҳам сездирмади. Даврбекнинг тоқати тоқ бўлди. «Бирон баҳона тошиб, таҳририятга ўтиш керак», деб ўйлади. Баҳона тез тонилди. Иқтисод институтида ишловчи дўсти ҳузурига келиб: «Бир мақола бор, шуни янги очилган «Сўз» газетасида чиқариш керак. Муҳарририга бир оғиз айтиб қўйсанг-чи», деб илтимос қилди. Даврбек мақолани ўқиб чиқди. Мақола расмий донралар манфаатини кўзлаб, анчайин ишонarli қилиб ёзилган экан.

— Иккаламизнинг имзоимиз билан чиқса, қандай бўлади?  
— деди Даврбек.

— Майли, яхши бўлади, — деди дўсти қувониб. — Сенинг имзонинг мақоланинг салобатини оширади.

— Ундай бўлса, мен ўзим таҳририятга кириб, бош муҳаррирга бериб келаман. Сен шундан қолма!

— Раҳмат, дўстим!..

Даврбек таҳририятга кўнгироқ қилиб ўтирмай, тикка кириб борди. Бахтига муҳаррир аёл йўқ экан. Бу ҳол унга Афифа билан бирмунча бемалол суҳбатлашиш имконини яратганди. Афифа таомилга кўра чой қуйиб узатди. Қабулхонадаги юмшоқ ўришдиққа ястаниб олган Даврбек билагидаги қимматбаҳо «Ролекс» соатини, ўнг қўлининг шаҳодат бармоғидаги қора марварид кўли узугини атай кўз-кўз қилиб, ниёлани ишонмасдан олди.

— Афифа, тунов кунин мавридин бўлмагани учун айта олмадим. Сиз ҳаминша қалбимдасиз. Сиз... мен дунёда кўз очиб кўрган энг биринчи ва сўнгги бокира юкиза фарингасиз. Мен эсам, сизнинг олдингида гуноҳқорман. Мен сизнинг ишончингизга, ўзимнинг эса биринчи ва сўнгги муҳаббатимга эришолмадим. Сабаби кўрқоқлик, ожизлик қилдим. Мен... мен сиз томонингиздан берилажак ҳар қандай жазога лойиқ ва тайёрман...

Даврбекнинг овози титраб кетди. Зотан у бу гапларни чиндан ҳам самимий, юрагидан чиқариб айтган эди. Афифа

бунга ишонди. Чунки Субут билан Даврбек ҳақида суҳбатланганларида Субут ғалати бир гапни айтган эди: «Даврбек сизни чиндан ҳам севган бўлиши мумкин. Бироқ ўша кезларда у шўрлик ўзининг қандай аҳволда, қандай кучлар чангалида эканини тузукроқ англаб етмаган...» «Катта бир давлат идорасида ишларди-ку ўша найтда ҳам», дея эътироз билдирмоқчи бўлганди Афифа. «Ҳамма гап шунда-да, у бечора мен давлат идорасида ишлаймай, қўлим узун деб ўйлаган. Ҳолбуки Даврбекнинг аялчи қисматига ачинмоғимиз керак».

Афифа ўша суҳбатни эслаб, Даврбекнинг муңли иқрорини тинглаб, юраги сал юмшади.

— Қўйверинг, мен сизни кечириб юборганман. Аслида ўшанда сиз бўлмасангиз бонқа биров бўларди Сизнинг ўриниңизда. Сиз ҳарқалай одамгарчиликни биладиган одам экансиз.

Бу гапдан Даврбекнинг руҳи кўтарилиб, кайфияти яхшиланди. Дадиллашди.

— Ростини айтсам, Афифа, сизни ҳалиям қаттиқ севаман. Ҳеч кимни бунчалик севаганман. Биладман, эриңиз бор. Ҳойнаҳой, уни яхши кўрсангиз керак. Мардлик қилгани, сизни қутқаргани учун, очини, мен ҳам уни жуда ҳурмат қиламан. Худди шунинг учун турмушларингизга аралашмасликка, халал бермасликка аҳд этганман. Майли. Тинч бўлсангиз, бўлди. Аммо у сизни бир гирдобдан қутқариб, иккинчи бир гирдобга таплагани менга алам қўлаяпти...

— Нега унақа делсиз? Турмушимиз яхши...

— Ўзингизни бахтиёр қилиб кўрсатингизга уринманг, Афифа. Биладман. Қашшоқ яшаётганларингиздан, ижарама-ижара сарсон бўлиб юрганнингиздан, бунинг устига Субутнинг аввалги хотини нуқул уйингизга келиб, жанжал кўтарини, сизни ҳадеб ҳақорат қилишиндан хабарим бор.

Даврбек Афифанинг шусиз ҳам оғриб турган ярасига туз сенган эди. Бахтиёр кўзига ёш келди. Даврбек унга далда берган бўлди:

— Қўйинг, хафа бўлманг. Ростини гап, ўзимнинг аҳволим ҳам сизникидан яхши эмас. Бир қарашда бахтли ва тўқис ҳаёт кечираётганга ўхшайман. Аммо илдизига қарасангиз, алдов, ҳақорат, камситиш... Қафасдаги қушга ўхшайман. Олтин қафасдаги қуш...

Афифанинг унга чинакам раҳми келди.

— Э, бор-э, деб кетворсангиз бўлмайдимиз? — деди Афифа. Ичиди «менга ўхшаб», демоқчи бўлди-ю айтмади.

— Кетмоқчи эдим. Лекин кеткмайман. Ё қаматиб, ё ўлдиртириб юборишади. Мен улар учун бир напшадай гап...

Афифа унга нима деб тасалли беришни билмади. Орага покулай жимлик чўкди. Бундан фойдаланган Даврбек ички чўптагидан аввал тайёрлаб келган конвертни чиқариб узатди.

— Мана буни олиб қўйинг, Афифа, арзмаган ёрдам. Илтимос, йўқ деманг. Чин юрагимдан, самимий. Сиз билан ҳеч бўлмаса ака-сингил бўлиб қолайлик. Ака сингилсизга ёрдам қилишга ҳақли-ку...

— Вой, қўйсангиз-чи, — деди Афифа астойдил. — Уят бўлади. Нима деб оламан буни?

Аmmo Даврбек қўярда-қўймай тутқазди. Сўнгра энди бу ерда ўтирини ортиқчалигини тушуниб, хатжилдга солинган мақолани узатди:

— Мана буни эса муҳаррирга бериб қўйинг. Шахсан ўзим олиб келганимни айтинг. Мен яна кўнғирроқ қиларман. Хайр!..

— Хайр! — деди Афифа ва қаринсизда стол устида ётган конвертдан кўзини олиб қочиб, бир зум лол туриб қолди. Анчадан сўнг конвертни бенарволик билан олиб, тортмага ташлади. Яна бир зумдан сўнг секин тортмани очиб, конверт ичига кўз югуртирди. Беш дона кўк қоғоз. «Беш юз доллар!». Бу — бир дунё пул-ку! Субут акасига нима деб айтади? Тунов куни ташрифиомага ўхшатиб, йиртиб, улоқтирмасмикан? Нега олди-а? Нега ҳам олди шуни? Керакмас, деб ортидан чониб, тутқазиб юбормади? Шу кўйи бир неча сония афсус ва ўкинч оғушида ўтирди. Кутилмаганда ичидан бегона бир сядо келди: «Хўш, нима бўпти? Ўзи берди-ку. Бир пайтлар қилган гуноҳининг эвазига жарима тўласа, нима бўпти. Ҳозир айрим аёллар очикчасига тап сотиб, кун кўраёттир-ку. Сендан у «Яна мен билан юр», демаянти-ку. «Ака-сингил бўлайлик», деди. Балким чиндан ҳам нияти холисдир. Бугунги қийин шаронгда одамлар бир-бирини қўллаб турса, бунинг нима айби бор? Бировлар етимхонага садақа қилади. Яна кимлардир камбағалга қайишади. Даврбек самимий гапирди. «Ўзимнинг аҳволим ҳам



сизшикидан яхши эмас», деди. Ичкуёв – иткуёв бўлиб, хотинининг илдооларига чидаб юргани рост. Буни Субут акаси сўзлаб берган. Дарвоқе, Субут акасига бу пул ҳақида илдаммай қўя қолгани маъқул. Билмай қўя қолсин. Билса-чи? Даврбек совға қилган соат билан тилла занжирини сотиб, рўзгорга ишлатганида илдамди-ку. Қўй, бу пул — ҳаром, демади-ку... Бу долларларни алмаштириб олса, йиллик ижара пулига, яна анча нарсага стади...»

Шу ўйлар оғушида у кунин кеч қилди. Ишдан қайтаётиб, юз долларни сўмга алмаштириб олди. Бир сумка пул бўлди. Бозордан ул-бул егулик харид қилди. Уйга ўзи хоҳламаган ҳолда яхши кайфият билан кириб келди...

## 6

Даврбек ҳам ўша кунин уйга аъло кайфият билан қайтди. У мақсадига эринганини – Афифа билан орасидаги жарликка янги кўприк қуриш бошланганлигини сезар ва вужудида бу кўприкни тезроқ битказиш керак, деган иштиёқ алангаланар эди. Ана шу иштиёқ таъсирида у ишдаги нохушликларини унутди. Дарвоқе, аксига олиб, ўша нохушликларининг сабабчиси ҳам маълум даражада Афифанинг эри Субут эди...

Алчагина олдин марказий газеталардан бирида унинг имзо-си билан «Мансабнинг нархи неча пул?» номли бир фельетон босилганди. Унда вилоятларда юриб, айрим мансабнараст лақмаларга «Юқори лавозимларга тайинлаттираман», деб катта миқдорда пул олган бир фирибгар аёл ҳақида ҳикоя қилганди. Аёл узок муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Сал кейин афлу умумий бўлиб, қамоқдан қутилган. Ўша аёл тунов кунин дабдурустдан Даврбекка қўнироқ қилиб қолди. Даврбек у аёл билан шахсан учрашмаган бўлса ҳам айрим ҳамкасблари орқали танирди. Юраги шуев этди.

— Акахон, ҳорманг, яхши юрибсизми? – деди аёл ва сурбетларча мақсадга кўчди. – Бир учрашиб, ҳисоб-китоб қилиб олсак...

— Қанақа ҳисоб-китоб, мен сизни танимайман-ку?! Ҳизиллашайисизми? Кимсиз ўзи?

Аёл Даврбекнинг олдига келиб-кетиб юрадиган вилоятлик бир йигитнинг помини тилга олди. Ўша йигит яқинда автомобил ҳалокати туфайли оламдан ўтган эди.

— Ўлимидан олдин менга бир хат ёзиб берган. Шунга кўра, сиздан анчагина оладиган омонатим бор. Агар тонсангиз, тилхатни тегишли жойларга тоншираман. Эҳтимол, газетада бос-тирсам ҳам бўлар. Хўш, учрашамизми? Ёки вақтингиз йўқми? Дарвоқе, менинг фикримча, ўша йигитнинг ўлими ҳам тасодифий бўлмаса керак?..

Даврбек кўрқиб кетди. Бу аёл қаёқдаги гапларни айтиб, тўхмат қилишдан ҳам тоймайди.

— Мени ҳам тасодифий автомобил ҳалокатига учратмасликлари учун тилхатнинг асл нусхасини ишончли жойга бекитганман. Менга бир кори-ҳол бўлса, тегишли одамлар тегишли жойларга етказишади.

— Кечқурун соат еттида «Кўзгу» кинотеатри ёнида кутиб туринг, — деди Даврбек ганни калта қилиш учун. — Дарвоқе, сизни кўрмаганман-ку, қандай танийман?

— Ўзим тонаман сизни. Айтилган вақтда келсангиз бас...

Даврбек карахт аҳволда ўйланиб қолди. Ўша марҳум йигитга бир-икки марта ёрдам қилган эди. Лекин ишнинг бунақа тарафга айланишини билмаганди. Наҳотки, ўша йигит ўз хатида Даврбекнинг помини тилга олиб...

Ҳалжон оғунида кинотеатр қаринисига илгарироқ борди. Панароқда туриб, асабий тарзда чекди. Бетоқат бўлиб у ён-бу ён юрди. Бир маҳал унинг ёнгинасига қон-қора «Оре!» машинаси келиб тўхтаб, ундан башанг кийинган, ёш ва чиройли бир аёл тушди. Даврбек «Наҳотки, бу ўша «она» бўлса?» деб ўйлади. Машина сал нарига бориб турди. Аёл Даврбек томон юрди.

— Ассалому алайкум, Даврбек ака! Мен сизга қўнғироқ қилган ўша жафокани, ноҳақ қурбон бўлган аёлман. Исмим Зулайҳо!

— Яхши, — деди Даврбек ҳалжонини босинга уришиб.

— Мана бу хатни бир ўқиб, кейин фикрингизни айтсангиз.

Куз кунини бир тутам бўлгани учун теваракка қоронғи тушиб қолганди. Даврбек хатни олиб, чўнтагига солди.

— Натижасини эртага, шу вақтда, шу ерда айтсангиз хурсанд бўлардим. Хайр! Эртага кўришгунча, — деди аёл ва машина томон юриб кетди.

Даврбек ишхонага қайтиб келиб, эшикни ичкаридан бекитиб олди. Тенадаги қандилни ўчириб, стол устидаги чироқчани ёқди. Кейин хатни чўнтагидан олиб, ҳаяжон ва титроқ билан ўқишга тутинди. Бу хатнинг иккинчи нусхаси эди.

«Муҳтарам, Зулайҳо опа!

Аввало, сиздан узр сўрайман. Биргаликдаги фаолиятимиз учун жабрни ёлғиз ўзингиз тортдингиз. Ҳеч кимни соғмаганингиз учун эса сизга улуғ одамлар помидан ташаккурлар билдираман. Сизнинг мард аёл эканингизни билардик. Шу босдан ҳам тез орада, соғ-омон қутилиб чиқдингиз. Шубҳасиз, оз бўлса-да, чеккан азиятингиз учун мукофот ва рағбатга сазовор бўласиз.

Муҳтарам она! Ўзингиз яхши танийдиган «мижозлар»дан бир-иккиси менга келиб «Омонатни қайтармасанг, ёмон бўлади» деб таҳдид қилишди. Уларга менинг номимни бекор айтибсиз. Майли энди. Бўлар иш бўлибди. Сиздан илтимос. Улар билан ўзингиз яна бир карра гаплашиб, сал кўнгилларини тинчлштирсангиз. Ахир, менга иншонмасе, сизга иншоншар. Қолаверса, шунча найт, шунча ишларни ҳал қилиб келганмиз-ку.

Сиз яна мендан шубҳаланиб юрманг. Мен худди келишганимиздек, иш тутганман. Омонатлар белгиланган йўналиш бўйича тегишли одамларга етказилган. Дарвоқе, майли, келинг, Сизга очиқроқ айтақолай. Омонат Даврбек акада эди. Мен у кишига бир-икки учрадим. У киши омонатни қайтаролмаслигини, белгиланган йўналиш бўйича тошшириб юборганини айтаяпти. Лекин қўл қовуштириб ўтирганим йўқ, деди. Масала ҳал бўлишини ваъда бераяпти. Лекин мижозлар сабрсизлик қилишаяпти. Уларни ҳам тушунса бўлади. Миқдор каттароқ. Аслида мен Сизга бу хатни ёзмаслигим, Даврбек акадек ҳурматли инсоннинг номини овикор қилмаслигим керак эди. Лекин миқдор катта ва менга хавф икки томондан ҳам келиши мумкин. Шу босе ҳар эҳтимолга қарши билиб қўйганингиз маъқул...»

«Аблаҳ! Сотибди-да, — деб ўйлади Даврбек. — У «мижозлар»дан қўрққан. Қўрқини ҳам бежиз эмас экан. Уни ўшалар тиичитишган бўлса керак. Энди «она» менга таҳдид қилаётти. Демак, менга ҳам хавф икки томондан... Онаинг талаби қанақа экан? Қанақа бўларди. Катта миқдорда пул сўрайди. Шайтажчи! Қанча сўраркин?..»

Уйга қандай борди, ичига нима кирди, туши ва эртаси куни қандай ўтказди, эсида йўқ. Миёсида фақат икки хил ўй. Қанча сўрайди? Бериш керакми ё йўқ? Бермаса унга қанақа хавф таҳдид солади? Қайнотасига айтсинми? У хавфдан асрай олармикан?

Хуллас, кечки еттида кечаги жойга борган пайтида асаблари қақшаб, ниҳоятда толиққан бир аҳволда эди. «Она» гаши чўзиб ўтирмади:

— Омонатни қайтариш керак!

— Қанча?

«Она» тилга олган рақам Даврбек мўлжаллаганидан анча кам эди. Сал енгил тортди. Она сизди ва изоҳ берди:

— Биладан, сизнинг айбиғиз йўқ. Сиз ҳам бировларга ишонмакисиз. Шунинг учун мен «мижозлар»ни ярмисига кўндирдим. Буниги устига битта одам қурбон бўлиб кетди. Ўша ҳолатни ҳам ҳисобга олдик. У йиғитнинг онасига ўзим қарашиб турибман. Хуллас, айтилган миқдорни бутун, кечи билан эртага тўғрилаб бериш керак.

— Яхши, эртага шу вақтда, шу ерда, — деди гаши қисқа қилиб Даврбек.

Улар бу гал анча хушмуомалалик билан хайрлашди...

Даврбек эртаси куни айтилган миқдордаги «омонат»ни аёлга қайтариб берди ва кўнглида минбаъд бу кимсанинг башарасини кўрмасликка олт ичиб, хайрланди. Она ҳам буни тушунди, шекилли, қувноқлик билан деди:

— Ҳозирча дўконни бекитиб турамиз-да, энди-а? Агар яна очилса, беҳабар қолмайлик!..

Сўнгги киноя йўл-йўлакай Даврбекнинг миёсини пармалади. «Дўконни мутлақо бекитиб ташлаш керак. Аммо у ҳолда хотинидан ё қайнотасидан сўранига тўғри келади. Бу жа итнинг итялоққа суяк ташлашларини сўраб, думини лиқиллатишга ўхшаган гап... Падарига минг лаънат бу пулниги!..»

Даврбек, ҳар не қилса ҳам, омади кулган йиғит эди. Она билан «хисоб-китоб» қилинган куннинг эртасига бозор яқинида Афифага дуч келди. Уйга келган ҳам эдики, қайнотаси чақиртирди. «Оббо, бу қари тулки яна бирон нарсани сездими?» деб ўйлади у юраги шувиллаб.

Қайнотаси бу гал очиқ чеҳра билан кутиб олди. Қучоқлашиб кўришди.

— Эшитишимча, сиз уйдан сира пул олмас экансиз, — деди бироздан сўнг. — Аслида мен қизимнинг номига олиб берган дўконлар Сизга ҳам қарангли-ку. Фойдасига ҳам тенг шериксиз. Ё у бермаянтими?..

Қайнота ўзининг «бермаянтими», деган сўздан напъга қилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Кейин давом этди:

— Майли, хотишлар сал очкўзроқ бўлади? Сиз нарво қилманг. Мана буни олиб кўйинг. Катта давраларда юрасиз. Меҳмонларингиз бор. Баъзан каттароқ харажатлар тортинга тўғри келади.

У шундай деб, столи тортмасидан икки боғлам пул олиб, Даврбекка узатди. «Кўяверинг, керак эмас», деганига қармай, зўрлаб қўлига тутқазди. Даврбек ноилож «Раҳмат», деб чўнтагига солди. Шу аснода «Хайриятки, қайнотам менинг ишдаги «бизнес»имдан бехабар экан» деб ўйлади. Қайнотаси эса худди унинг фикрини ўқийтандек кўшиб кўйди:

— Лекин ишда пора-мора олиб, қўлингизни ҳаром қилиб юрманг. Сиз ўсадиган йиғитсиз. Бизга сизнинг обрўйингиз керак. Пулни эса, қанча керак бўлса, мана биз берамиз. Тортинмай сўрайверинг. Хўпми?

— Хўн, — деди Даврбек юраги гуниллаб.

Шундан сўнг қайнота-куёв узоқ суҳбат қуришди. Суҳбатнинг мавзуси ғоят кенг қамровли бўлгани учун муфассал тўхталиб ўтирмай, баънимизни мухтасар қиламиз.

Қайнотасининг сўнги тоншириғи Даврбекнинг миясига қаттиқ ўрнашди ва шу баҳонада дарҳол Афифани эланига сабаб бўлди.

— Субут Сокин, деган бир мухбир бор экан, танийсизми? — деб сўради қайнотаси ва тасдиқ жавобини олгач, куёвига буюрди. — Ўша йиғит билан бир суҳбат қуришг. Унга бизга хиз-

мат қилишни таклиф этмоқчимиз. Агар рози бўлса, менга бир учраштираю.

— Хўн бўлади, — деди Даврбек ва хизмат нималигини сўраб ўтирмади. «Тижорат мавзусида биронта мақола ёздирмоқчидир-да», деб аҳамият бермади.

Қайтаётганида «Афифанинг ийқадами пок ва қутлуғ. Уни биринчи бор учратганимда лавозимим ошганиди. Бу гал эса яхши тушим бўлди», деб ўйлади ва учраганда унга, албатта, тўрт-беш танга ҳада қилишни дилига тутди. «Қўли очиқнинг кўнгли очиқ», деди ўзига-ўзи. Бу ақидани ҳеч қачон унутмаслиги керак.

## 7

Субут «Коррунциянинг илдири қаерда?» номли мақоласида аввалги «Мансабининг нархи неча пул?» номли мақоласини яна батафсил эслаган ва «Айрим инок кимсалар каламуш сингари давлат идораларига ҳам жойлашиб олган, уларни тониб, ҳаққоний жазога тортмоқ керак», деган сўзларни ҳам ёзган эди. Мақолада яна шундай жумлалар бор эди: «Жинояткор гуруҳлар ўз одамларини давлат ва ҳокимият идораларига жойлаштиришига уринмоқдалар ва баъзан бунга эришмоқдалар ҳам».

Мақола турли бўғинларда турли эътироҳларга сабаб бўлди ва газетани гарчи ҳеч ким очиқча тазйиқ ўтказган бўлмасида, «Моддий аҳволи имкон бермагани учун» бир муддат чиқиндан тўхтаб қолди. Муҳаррир:

— Муассисимиз «Ўз газетам ўзимнинг оёғимга болта урадиган бўлса, унинг менга нима кераги бор» деяпти, — деди.

— Келинг, у ҳолда муассисдан воз кечайлик, — деди Субут.

— Қанақасига?

— Ўзимиз муассисе бўлайлик.

— Қандай қилиб?

— Оддий. Қайта рўйхатдан ўтамиз.

— Қани бунга пул? Сизда борми?

Субут кулди. Ҳазил қилмоқчи бўлди:

— Менда бўлмаса, сизда бор. Шунча йил катта ишларда ишлагансиз-ку.

Муҳаррир астойдил хафа бўлди.

— Демак, сиз мени ҳам мақолаангиз қахрамоиларидан, деб ҳисоблар экансиз-да? Ҳайф сизга! Мен сизга ишониб ўзимни шунча ғурбатларга гирифтор қилиб юрсаму...

Субут ҳазиллашганини тушунтирмоқчи бўлди:

— Она, кечиринг, мен ҳазиллашмоқчи эдим. Сиз белиҳоя ҳалол, виждонли инсонсиз. Сизнинг ўрнингизда бошқа муҳаррир бўлганда бу мақола ҳеч қачон чиқмасди...

Аслида муҳаррир мақолани чиқаришда иккиланганди. Субут унга «Обрўйингиз ошиб, яна каттароқ ишларга кўтарилиб кетасиз», деб тасалли берганди. Айни пайтда «сизга фақат тижоратчиларнинг жиноятга алоқадор қисми эътироз билдириши мумкин, шундан қўрқмасангиз бас», дея огоҳлантирган ҳам эди. Ўшанда онанинг марднинг тутиб:

— Мен давлат ва халқ хизматидаги одамман. Қанақадир савдогарлардан қўрқмайман, босаверинг, — деганди.

Она у ёқ-бу ёққа чониб, тапба-тазарру қилиб, муассиснинг кўнглига йўл топди. Газета чиқадиган бўлди. Аммо Субут таҳририятдан кетиши лозимлиги шарт қилиб қўйилди. Ўзи шусиз ҳам Субутнинг алами ичида эди. Уч кун олдин она «Эр-хотин бир жойда ишлаши поқулай, келиш ариза ёзиб, уйда ўтира турсин, бошқа бирон таҳририятга ўтказамиз», деб Афифани бўшатиб юборганди. Энди навбат ўзига келибди. Бу қанақа бедодлик бўлди. Эътироз билдирди. Онага ишга олаётганингизда бунақа келишмагандик, дея ўнка-гина қилди. Аслида ган онада эмаслигини, у шунчаки, номга қўйилганини тушуниб турар, бироқ она ҳарқалай сиёсат майдонидан чиққан-ку, олдий кўғирчоқ родини бажаришга кўнмаса керак, деб ўйларди. Не афсуски, унга ҳам қийин. Онанинг ўтинчли нигоҳига дош беролмаган Субут дарҳол хонасига чиқиб, ариза ёзди. Аризага кўл қўйган ҳам эдики, телефон жиринглади:

— Салом, дўстим Субут, мен, Даврбек Муқимхоновман.

— Яхши, эшитаман, — деди саломга алиқ олинини ҳам унутган Субут. У Муқимхоновни орқаваротдан билса ҳам, сира ганланмаганди.

— Сиз билан бир учрашсак, дегандим...

— Қайси масалада?

- Иш масаласида.
- Менга иш таклиф этмоқчимисиз?
- Шунга яқинроқ...

Субут иккиланди. Ҳайрон бўлди. Бу менинг ишдан бўшаётганимни қардан билди, деб ўйлади. Ё она айтдимикан? Бу одам нега менга гамхўрлик кўрсатмоқда?..

— Агар маъқул десангиз, ярим соатдан кейин менинг хонамда учрашсак. Пастга, миршабларга тайинлаб қўяман.

— Майли, — деди бўшаниб Субут. Ҳозир «Чўкаётган одам хасга-ёнишди», деган алфозда бўлгани учун Муқимхоновга ишбатаи ғойибона нафратини бир чеккага қўйиб туришга қарор қилди. Аризани муҳаррар ўринбосарига қолдириб, чиқиб кетди. Айтилган вақтда Муқимхоновнинг ҳузурда ҳозир бўлди.

Даврбек уни очик чеҳри билан кутиб олди. Ҳол-аҳқи сўрашгач, дарҳол мақсадга ўтди. Қайнотажнинг исми-шарифини айтиб:

- Танийсизми? — деб сўради.
- Эшитганман, анча бообрў, тадбиркор одам, дейишди.
- У киши сиз билан яқинроқ танишини истагида.
- Мақсад?

— Мақсад у кишига қарашли кўптармоқли компания фаолиятини тарғиб этувчи мақолалар тайёрлаш...

— Мен реклама тайёрлаш билан шуғулланмайман-ку.

— Гап реклама ҳақида эмас. Янаям у киши ўзлари яхшироқ тушунтирадилар-ку, гап жиддий мақолалар ҳақида боради.

— Майли, у ҳолда бир гаплашиб кўрайлик. Фақат... Мен ҳозир ишсизман. Бугун «Сўз» таҳририятидан кетказилди. Бу ҳолатнинг танишув иштиғиқага таъсири бўлмасмикан?

— Таъсири бўлмайди. Аммо танишув муваффақиятли яқунланса, сиз жойингизда ўз ишингизни ҳам бемалол давом эттираверасиз. Мен бунга кафилман.

— «Сўз» газетасининг муассиси анча қудратли одам, унга анча-мунчаларнинг тиши ўтмас-ов.

— Ундаи ҳам қудратлироқлар бор. Хотиржам бўлинг. Ҳамма гап сиз бугун учрашмак суҳбатдонингиз билан тил тана олишингизга боғлиқ.

— Бугун учрашини шартми?

— «Бугунги ишш эртлага қўйма», дейдилар. Кечқурун у кишининг чорбоғларига борамиз. Соат етти яримда пастга кутаман.



Муқимхоновнинг охири сўзлари буйруқ оҳангида чиққанлиги Субутга малол келди. Сизмаганга олди.

— Бўпти, етти яримда ксламан, — деб чиқиб кетинга отланди.

— Яна бир оғиз ганим бор, — деди Муқимхонов уни тўхта-тиб. Кейин ўрнидан туриб, қил очиқ эшикни зичлаб ёнди. Субутнинг қаршисига келиб ўтирди. — Сизга мен ҳақимда ҳой-наҳой ганиришган бўлса керак. Аффифа...

— Субут-қизарди. Ҳаяжонланди.

— Сал-нал, — деди наст овозда ва ўзини ўнглаб Муқимхоновнинг кўзига савол назари билан тик қаради. Муқимхонов бир зум саросималаниб қолди. Бироз чайналиб, пойма-пой ган бошлади.

— Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Хато, адашин... Аммо менинг ниятим чиндан ҳам холис бўлган. Менга бу ҳақда ганириш жудаям ноқулай. Муайян сабаблар бўлиб... Хуллас, мен амалга оширишга улгурмаган эзгу ишни сиз бажардингиз. Бу билан ҳақиқий эркакнинг ишини қилгансиз. Мен энди Аффифага бир сингил, деб қарайман. Сиз эса, қиёматлик укам-дайсиз. Бошқа фикрларга борманг.

— Бу гапларнинг нима кераги бор? — деди Субут энцисотиб. — Сиз мени иш юзасидан чақирдингиз. Биз иш ҳақида гаплашишимиз керак.

— Ҳарҳолда, билиб қўйинг, сизнинг оилангизга соф ният билан қарайман, демоқчийдим.

— Агар шу ганингиз самимий бўлса, раҳмат.

— Мени тўғри тушунганингиз учун сизга раҳмат. Демак, етти яримда настда кўришамиз-а? Ҳозирча, хайр бўлмаса.

Агар рухсат этсангиз, кечқурун чорбоғда бўлган суҳбат тафсилотини бир бошдан муфассал ёзиб ўтирмайлик-да, айрим ўринларига тўхталайлик. Алалоқибат шу бўлдики, Субут ўзига билдирилган таклифга жавобан «Менга ўйлаб кўриш учун фурсат керак», деб хушлашди. Суҳбатдош арқонини узун ташлайдиган одам эмасми, уни шоширмади.

— Ўйлаб бўлганингиздан кейин кўнғироқ қиларсиз, — деб таширифномасини узатди.

— Сиз ҳам менинг таклифимни яна бир карра ўйлаб кўринг, — деди Субут.

Мезбоннинг қовоғи уйилди. Чунки у Субутнинг «Сўз» газетасини сотиб олиш ёки шунга ўхшаш хусусий бир газета очиш керак, ана шунда сиз айтган ишларини қилиш мумкин», деганида бу таклифни кескин инкор этган ва «Мен «Сўз»нинг эгаси билан шиддиятга бормоқчи эмасман, ўзимиз газета очилишимизга ҳали эртароқ, ҳозирча шонмай туриш керак», деганди. Шу боис илдамди. Ўгирилиб ичкарига кириб кетди. Субут эса ўн ўйлаб тонган ҳазиломуз таклиф тагида жуда катта зил борлигини англаб, дафъатан қувониб кетди.

Нафсиламбирини айтганда, «Сўз» газетасига Субут ўзининг йиллар давомида тўнлаган тажрибаси, кучи, иқтидорини аямай сарфлаган, шу боис, бу газета қоронғи тунда чарақлаган Зухро юлдузи сингари тез эътиборга тулган, нуфузи ошган эди. Бинобарин, Субут унга бамисоли фарзандидек қарар, ундан кўнгил узолмаётганди. Иккинчи томондан уни бошқа катта ваъдалар билан ишга олиниб, дўни салгина тор келган заҳоти кераксиз тош сингари йўл четига улоқтирилгани алам қилаётган эди. «Барибир шу фикрда қаттиқ туриш керак. Ростдан ҳам қудратли бўлса, қудратини кўрсатсин».

Субут яна шунинг англадики, мезбон унинг қимга хизмат қилаётганлигини аниқроқ билиш учун таклиф этган. Имо-ишора билан шу ҳақда гап қилди. Субут ҳеч қандай гуруҳнинг буюртмасини бажармаганини сўнгги мақоласини ҳам ўз ҳолича, ўз танаббуси билан ёзганини эшитгач, «Дон Кихот», деб кулиб қўйди. «Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим», деди. Субут билдики, мезбон ҳузурига чақириндан олдин у ҳақда старини маълумотга эга бўлган.

Сўнгра мезбон сўнгги мақола ҳақида анча жиддий мулоҳаза билдирди. «Умумий мулоҳазалардан иборат бўлиб қолибди, агар аниқ далиллар келтирилганда яхши бўларди, — деди. — Бунақа умумий, тахминий ёзилган мақолалар айни чоғда ҳалол меҳнат қилаётган тadbиркорлар шаънига ҳам соя солади», деб қўшимча қилди.

— Икмида коррупция илдиз отаётганлигини, унга қарши курашини кераклиги айни ҳақиқат. Бунга аниқ далилларни истаганча келтириш мумкин. Лоақал раҳбарларимизнинг маърузаларини, расмий ахборотномаларни ўқиб кўриш kifоя. Мен

ана шу ҳодисанинг ижтимоий илдизини топишга таҳлил этишга уринганман, холос. Ҳалиям андиша билан ёзганман, — деди Субут ички ҳаяжон билан. — Бўлмаса...

— Бўлмаса нима қилардингиз? — деди мезбон пописандроқ оҳангда.

Бу Субутнинг газабини кўзгатди. Аммо ўзини босди. Кўнглига келган: «Бўлмаса сизни мисол қилиб келтирган бўлардим», деган гапни айтмади. Мезбоннинг саволини жавобсиз қолдирди. Мезбон унинг кўзига савол оҳангида бир зум тикилиб тургач, юмшади.

— Мен сизга ҳамкорликни таклиф этмоқчиман. Эшитдим. Яна ишдан бўшабсиз (Субут: «Дарров қаёқдан эшита қолди экан?» деб ўйлади). Келинг, бирга ишлайлик. Яхши маош тўлаймиз. Қиладиган ишингиз ҳам улча қийин эмас, газеталарга корпорациямиз фаолиятини ҳақида мақолалар ёзиб турасиз. Тўғри, бизда реклама хизмати бор. Лекин очиги, мен унинг ишидан қониқмайман. Биз жиддий иш қиляемиз. Бинобарин, бу ҳақда жиддий, таҳлилий мақолалар ёзини керак.

— Вазифанинг номи нима бўлади? — деб сўради Субут.

— Ўзингиз истаган ном билан атанг. Хоҳласангиз «Ахборот бўйича маслаҳатчи» ёки «Матбуот котиби» дейишимиз мумкин. Мудом ёнимда юрасиз, чет элларга борасиз... Мен ўз ҳаётим ҳақида бир китоб ёзини мўлжаллаётирман. Агар сизга ўхшаган қалами ўткир ижодкор ёрдам берса, китоб ёмон чиқмайди, деб ўйлайман.

— Яхши таклиф, — деди Субут. — Бироқ мен эшлай олма-сам керак. Мен фақат таҳририятда ишланга, ўнандаям эркинроқ юришга ўрганган одамман.

— Бизда ҳам эркин бўласиз.

Субут кулди.

— Сиз айтган вазифада эркин бўлишнинг мангикан иложи йўқ. Дарвоқе, агар маъқул тонсангиз, бир таклифим бор...

Кейин у таклифини айтди.

## 8

Субут бир ҳафтача уйдан чиқмай ётди. Аффифа кунора бозорга чиқар, тўлиб-тошиб келар, Субут «Пулни қаердан оламансан?» деб сўрашга ботинолмас, юраги эса ниманидир сезар, шу

сезги баробарида ўзидан-ўзи жирканар, бироқ Афифага нисбатан на ёмон бир гап, на ёмон бир ўйни раво кўргиси келмасди. У ашвалига Афифа «илгариги» ҳаёти мобайнида тўйлаган бисотларини сотиб, рўзгорга ишлатаяпти», деб ўзини ишонтиришга зўр бериб уринарди-ю, бир оғиз «Ҳой, нулли қаердан олаясан?» деб сўранга юраги бетламасди. «Ҳечқиси йўқ, бу қийинчиликлар ўтиб кетади», дея ўзига тасалли берарди.

Афифа «Холамдан бироз қарз кўтардим» дегач, сал тинчланди-ю, лекин юрагининг ганлиги ёзилмади. «Ўзимам биронтасидан беш-ўн тапга қарз сўрасаммикан», деб ўйлади. Танишлари, дўстлари кўн-ку. Нима деб ўйланади? «Ўл-е, ҳолинг шу экан-ку», дейишмайдимиз? Шусиз ҳам кўнчилигга «Келин кўрарга чақирмайсизми?» деб масхара қилиб юришибди. Орқаваротдан кулшаяпти. Субут бундай муносабатга олдиндан тайёр бўлгани учун масхарага эътибор қилмас, фақат иши юришмаётганидан асабийланишарди.

Сикилиб ўтирган кунларининг бирида «Турмуш» газетаси таҳририятида кўнғироқ қилиб қолишди. «Ишга таклиф қилинмоқчи, шекилли» деб қувониб кетди у. Ёмон газета эмас. Илгариги муҳаррири Соҳиб Турғунон газетасининг обрўйини анча кўтарган эди. Кейингиси Ўктам Маҳмуд юқори идораларда ишлаган қуруқроқ одам бўлсам, ҳарқалай, газетасининг мавқеини тушурмасликка ҳаракат қилаяпти. Ишласа бўлади. Аммо...

Ўктам Маҳмуд билан илгари ҳам бир-икки бор суҳбатлашининг тўғри келгани. Ўша кезлар у матбуот бошқармасининг масъул ходими эди. Субутин «дўстона» мулоқотга таклиф этиб, «ўсадиган йиғитсиз, замона зайлига қараб ижод қилинг», деган мазмунда маслаҳат берган. Субут ҳеч наржа демасдан чиқиб кетган. Шу боис бир томондан озгина ҳайрон ҳам бўлди. «Ўша одам мендек «типратикан» журналистни ишга олгани мантиққа тўғри келмайди-ку», деб ўйлади...

Бежиз ўйламаган экан. Ўктам Маҳмуд уни сал бошқачароқ мақсадда таклиф этибди. Олдига таниш дастхат билан ёзилган узундан-узоқ бир мактубни қўйди.

«Ҳурматли таҳририят!

Мен бундан бир неча йиллар олдин катта умидлар билан Субут Сокин деган журналистга турмушга чиққан эдим. Авва-

лига турмушимиз яхши кечди. Бир фарзанд кўрдик. Афсуски, нуздан сўнг Субут акамининг қадам олишлари ўзгариб қолди. Топган иуларини машаатга сарфлаб, оиламиздан баракани учирди. Охир-оқибат исловатхонадан бир фоҳишани тоииб, ўша билан юриб, турмушимизни бузиб юборди...

Ҳалоллик, адолат ва ҳақиқат ҳақида оғиз кўниртириб ёзиб, ўзи эса буниинг тескарисини қилиб, оиласини зор қақшатиб, фарзандини хор этиб юрган бундай иккиюкламачи, тили бошқа-ю, дили боиқа қаламканини фонн этиб ёздиган, шармандасини чиқарадиган бирор мард журналист борми?..»

— Тўғри савол кўйибди, — деди киноя билан Субут хатни ўқиб тугатар экан, — борми шунақа мард?

Бу киноя Ўктам Маҳмуднинг иззат-иафсига тегди. Афтидан у Субут: «Ака, масалани чигаллантирмай, яхшилик билан ҳал қилайлик», қабилида ялииса керак, деб кутган эди.

— Албатта, бор. Истаганча топилади. Оилани бузганингииз етмагандай, фарзандингизга алимент ҳам тўламас экансиз, — деди у Субутнинг бўйнидаги айбини аниқ далиллар билан исеботлаб қўйиш мақсадида.

— Ҳа, кейинги ойда ишлаганим йўқ. Эшитган бўлсангиз керак.

— Иилаш керак, дўстим, тентираб юрмасдан. Оила, фарзанд олдидаги бурчдан ташқари, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурчимизни унутмаслигимиз керак. Мураккаб ўтин даврида яшайлиимиз. Бу биздан фидойиликни, ҳалолликни ва приципиалликни талаб этади. Гулдай оилани ташлаб, сингил табиатли аёлга уйланиб олганингииз ҳеч бир қолиига сиғмайди...

— Енгил табиатли эмас, аданган, алданган бир қизни тўғри йўлга солиш, буниинг учун нуқул таъна-даином эштиб, ҳақорат ва мазахларга чидаб юриш фидойилик эмасми? — деди кесатиб Субут. — Ахир, буям тарбиявий аҳамиятга эга-ку!

— Сиз аввал ўзингиз тўғри йўлга туиш илнинг, ука, — деди Ўктам Маҳмуд.

Субутнинг эисаси қотди.

— Мени чақириндан мақсадингиз ишма? — деди Ўктам Маҳмуднинг юзига тик қараб.

— Йигитларимиз уибу мактуб асосида бир мақола тайёрлашаётган экан. Мен сизни илгаридан билганим, яхши бир қалам

соҳиби, деб ҳисоблаганим учуи, олдингиздан ўтайлик, дедим. Балким хатойингизни тушуниб, тўғри йўлга тушиб оларсиз, деб ўйладим...

— Мен ўзимни тўғри йўлдан бораяпман, деб ҳисоблайман.

— Ҳарҳолда яна бир марта чуқурроқ ўйлаб кўринг. Нафақат оилавий ҳаётингиз, балки меҳнат фаолиятингиз қанақа бўлиши лозимлиги, кимлар билан бирга бўлишингиз хусусида фикр юргизинг... Мақолани ҳозирча тўхтатиб туришим мумкин...

— Тўхтатишининг сира ҳожати йўқ, — деди жаҳл билан Субут. — Қандай яшаш, ким билан бирга бўлишни ўзим ҳал қилишга ақлим етади.

— Шунақами?

— Шунақа!

— Унда биздан хафа бўлмайсиз, деган умиддаман.

— Асло!..

Уч-тўрт кундан сўнг мақола босилиб чиқди. Сарлавҳаси даҳшатли эди: «Тубанлик». Мазмуни ундан ҳам даҳшатли. Ҷумладан, шундай гаплар бор эди:

«Субут Сокин, шубҳасиз, каттагина истеъдод соҳиби. Унинг анча кучли асарлари бор. Аммо ҳаёти, инсонлар билан муносабатини кузатар экансан, ногоҳ ўйлаб қоласанки, бу истеъдодни унга Худо берганми ёки Шайтон? Зеро, ҳар қандай буюк истеъдод эзгуликка эмас, ёвузликка, қабоҳатга хизмат қиладиган бўлса, ундай истеъдодни раҳмоний истеъдод эмас, шайтоний истеъдод, деб аташ жоиз бўлади...»

Субут Сокин бутунги ҳаётимизнинг фақат чиркин қора нуқталаринигина кўради. Ва ўз бахтини ҳам ана шу чиркин жойлардан излайди. Оиласи ва фарзандидан воз кечиб, «тунгги каналак»лардан бирига уйланиб олганлиги ҳам бу фикрнинг ёрқин далилидир...»

Мақола «Хўй, энди айтинг-чи, озод ва эркин мамлакатимизнинг озод ва эркин қаламкашлари сафида бундай тубан кимсаларга ўрин бормикан?» деб тугалланар эди.

Субут аччиқлаймади. У мақоланинг тахминан шундай мазмунида бўлишини кутганди. Энди мени бирорта таҳририятга нинга олишмайди, деб ўйлади. Ҳарқалай, мақола мушлалфи «истеъдодли» эканимни тан олибди-ку, дея ўзига аччиқ тасал-

ли берди. Фақат, Муқимхоновнинг қайнотаси бу мақолани ўқиб, таклифини қайтариб олмасмикан, деган фикрга борди. Гарчанд, ҳали у ўша таклифга рози бўлишга қарор қилган эмасди. Энди «Рози бўлиш керак, «шайтоний истеъдод»ни шайтон хизматиغا камарбаста этмоқ керак», деган хулосага келди.

Муқимхоновга қўнғироқ қилиб:

— Отахонингизга айтинг, мен розиман, — деди.

Муқимхонов мақолани ўқиган экан.

— Ноҳақлик бўлибди, судга беринг, — деди.

— Сулланиб юргим келмайди. Яхшиси, ишини қилайлик, — деди.

— Отахонимиз ҳозир хорижий сафарга кетганлар, — деди Муқимхонов. — Қайтиб келганлари замон айтаман.

— Мақола туфайли у киши фикрларини ўзгартирмасмикинлар?

Муқимхонов исгадир кулди. Бу кулгунинг сабабини Субут кейинроқ англайди. Ҳозирча эса нитиқлик билан жавоб кутди.

— Парво қилманг. У киши — реалист одам. Кўлида буидан баттарлар ҳам инлаб юрибди...

Субут «буидан баттарлар» деган гапга оғриниб улгурмади. Муқимхонов дарров изоҳ берди:

— Қамалиб чиққан, мингта дордан қочганлар ҳам бор.

Субут ҳазил қилди:

— Мен ҳали мингта дордан қочинишга улгурмадим.

Муқимхонов ҳазил билан давом эттирди:

— Ҳали ёнсаз-ку, улгурасиз...

— Жавобини қачон айтасиз?

— Ўн-ўн беш кундан кейин...

Ўн-ўн беш кун эмас, бир ой ўтди ҳамки, жавоб бўлмади.

## 9

Афифа Шаҳна хонимнинг «Аҳволидан хабар олгани» қадрдон гўнага бориб, оғзи очилиб қолди. Уй лигидан таъмирланган, янада қимматбаҳо мебеллар, кўзини ўйнатувчи шоҳона гиламлару идини-товоқлар биши жиҳозланган. Бир найтлар Афифага қарашли бўлган кичкина хона ҳам зўр. Италияча

каровот устида ғоят нафис пуштиранг чойшаб. Шифтда бежприм қандил, деворда қайсидир машхур рассомнинг яланғоч аёл тасвирланган сурати. Нок шаклидаги зумрад рангли тунги чироқ. Хуллас, кўз ўнгидаги манзара Шаҳина хоним исмига монанд тарзда яшаётганлигини равшан англатиб турарди.

— Рўнарадаги уч хонали уйни ҳам сотиб олдим,— деди хоним.

— Юр, униям кўр.

Бу уй хонимнинг ўзиникидан ҳам зўр экан. Оврўпо услубида таъмирланиб, болягидан ҳам гўзалроқ жиҳозланган.

— Хорижликларга ижарага бериб турибман, — деди хоним.—Яхши тўлашалипти.

— Қанақа ижара, ойликми? — деб сўради Афифа соддалик билан.

— Йўқ, кунлик, — деди хоним қувлик билан жилмайиб. — Биласан-ку, менга ойлиги эмас, кунлиги муҳим.

Афифа хонимнинг нимага жилмайганини тушуvingандек бўлди.

— Миршаблар безовта қилишмаяптими?

— Миршабда томоқ йўқми, жонгинам. Ўзинг қалайсан, ҳали бўйинида йўқми? Шошилма! Келинчак бўлиб янаям очилиб кетибсан. Эринг қалай? Иншалаяптими? Бўшанти, деб эшитгандим. Уйда ўтирибди? Ўлени, бу эркак халқи. Дармоед! Ну ничего, сенга бир гап айтаман. Агар хўн десанг. Ҳалиги Даврбек акани бор эди-ку. Ўша келиб туради ҳалиям. Қайси бир кун «Она ростини айтсам, Афифадан бошқа биронтаси кўзимга кўринмайди», деб қолди. Хоҳласанг, айтаман, бир учраш...

Афифа индамади. Ўйланди.

— У яхши одам, ташлаб қўймайди.

— Ташлаб қўймагани нуми, деди Афифа кутилмаганида алам билан. — Бузиб қўйиб, қочворганди-ку.

— Шунақа бўлиб қолган экан. Менга тушуvingирди. Ҳозирги хотишпалам кўнгли йўқ. Фақат сени дейди.

— Мен эримни яхши кўраман, хола. Камбағал бўлсам... шаънимни оқлаб иншоҳига олди.

— Мен сенга ундай ажрал дейтганим йўқ-ку. Биламан, яхши йиғит. Лекин ҳаётда омади чоинмаган-да. Даврбек билан онда-сонда шу ерда учрашиб турсанг, у билиб ўтирибдими? Билган-



даям... Даврбекининг қўли узун. Унгаям ёрдами тегини мумки. Агар истаса бир зумда яхши ишга жойлаб қўяди.

— Сиз мени... шунинг учун чақиртирган экансиз-да, — деди ўнкалаган оҳангда Афифа, — қўйинг-э...

— Ўзинг биласан, болам. Мен сени ўйлайман. Беш кунлик дунё ўтади-кстади. Эрта индин бола-чақа кўнайса, тўрт-беш танга пул керак бўлади. Ҳаёт оғирлашиб кетди, қўзим. Мен ҳам ўлганимнинг кунидан қилиб юрибман бу ишларни. Йўқса, керакмиди шу... Дунна-дуруст маданият ходими эдим... Ўйлаб кўр. Ота-онангдан хабар олдингми?

— Боролганим йўқ.

— Боришнинг ўзи бўладими. Бир дунё сарф-харажат керак.

— Хола, мен энди борай.

— Вой, қасққа борасан, бугун қоласан-да. Ганлашиб ётамиз.

— Уйга айтганим йўқ.

— Телефон қил.

— Бошқа сафар келарман.

— Қачон?

Афифа Шаҳина хонимнинг астойдил қистовидан билдики, ганларини охиригача айтиб тугатмаган. У Даврбекка «ганлашиб кўндираман», деб айтганга ўхшайди.

— Индин, — деди Афифа.

— Келақол, бир ош қилиб яйраб ўтираммиз. Эрингниям ола кел.

— Майли, — деди Афифа гани калта қилиб.

Кўчага чиққанидан кейин яна ўйладики, холаси уни Даврбекининг қўлига қайтариб тонширмагунча тинчимайдиганга ўхшайди. Унинг қўлига қайтиб тушиш эса... тамом, деган сўз. Субут акасидан айрилиб қолади. Яна ёлғизлик ва шармандаликни бўйинга олиш керак. Шармандалик, уят... одамларнинг юзига қандай қарайди.

Одамлар... нима одамлар? Кийимингта, тагингдаги машинага, эгаллаган лавозимингга қараб муомала қилишади. Ана, холаси, шаҳарда номи чиққан... Лекин ҳеч ким уни шарманда, деб сазойи қилаётгани йўқ-ку. Қайтага... амалдорлардан тортиб, миршабларгача «она-она» деб устида ўлиб қолишади.

Унинг хизмати ҳаммага керак. Эртага қариб қолса ҳам сондан чиқмайди. Оқ рўмол ўраб, отинойи бўлиб олади. Яшаини ундан ўрганиш керак.

Афифа ўз фикрларидан ўзи кўрқиб кетди. Нималар деяман, деб ўйлади. Ахир, Субут акамнинг ортидан чиқиб кетаётганимда «У уйга энди қадам босмайман» деб, қасам ичмаганмидим. Субут акам кўзимда дунёдаги энг хушрўй, энг ёқимли, энг мард эркак бўлиб кўринмаганмиди.

—Никоҳ кечасида унинг бағрида симобдай эриб оқмаганмиди. Ҳаётнинг энг олий лаззати севган одамнингнинг қулоғида эркаланиш эканлигини англамаганмиди.

Афифа ҳали-ҳамон Субутни интиқ ва интизор бир севги билан севади. Унга қўнган, ойга қарагандек, жудаям юксак, жудаям муқаддас ва тоза бир ҳилқатта қараган сингари қарайди. Оқшом чўкиб, хоб вақти яқинлашгани сари юраги дук-дук уради, ҳаяжонланади. Хулди бириинчи бор висол кечасига бораётган келинчак сингари вужуди ширин бир энтикишдан титраб туради. Ҳар тун унинг учун эртақлардаги сингари сеҳрли олам, бамисоли фирдавсул маъво бўлиб туюлади. Лекин...

Тонг отиб, турмушнинг навбатдаги нохуш ва уқубатли ташвишлари бонланган заҳоти тушқун кайфиятга берилади. Фарибона понунта палласида «Мен сажда қилаётган илоҳа шу одамми», деган шаккок бир фикр пайдо бўлиб, Субутнинг ҳорғин ва гамгин чеҳрасига асабий нигоҳ ташлайди. «Нега тўрт мучаси соғ эркак бўлатуриб, бир рўзгорни тўкисе қилиб қўйолмайди, нега Даврбекдай бўлолмайди», деб ўйлайди. Баъзида ҳатто «Мен бу одамнинг нимасига бунчалик сиғинаман, севгисингами, меҳр билан кучиб, эркалашларигами, эҳтимол, аввалги хотинини ҳам шундай эркалаган, тунда бахтиёр этиб, кундузи хор қилиб қўйгани учун ажралиб кетгандир», деган хаёлларга боради. Ахир, аёл фақат тўшак учун яралмаган-ку. У ҳам одамдай яшаши, ўйнаб-кулиши, яхши еб-ичиб, яхши кийиниб, қариндош-уруғ кўзида, меҳмондорчиликларда яйраб юриши керак эмасми...

Шу хаёллар билан уйга оёғи тортиб-тортмай кириб келганида Субут мук тушиб, газета ўқиб ўтирар эди.

— Мен яна танқид қилиб ёзишибди, — деди у ясама жилмайиб. — Тунов куни «Турмуш»да уринган эди. Энди ўзимнинг қадрдон «Сўз»имда ясашибди. Хайрият, бу сафар сал юмшоқроқ. Қаранг-а, бутун бир шаҳар матбуотининг менадан бошқа ташвиши йўқ. Бу кетишда мен тезда миллий қаҳрамон бўлишим мумкин. Шунини ўйлаб хурсанд бўлиб ўтирибман. — Лекин кўзларидан хафалиги шундоққинна сезилиб турар эди.

— Майли, ҳечқиси йўқ. Яқинда яхши ишга ўтаман. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Сўнгра Даврбекнинг қайнотаси ўз кўнма корхонасига ишга таклиф этганини ўйлаб кўриб, розилик беринга аҳд қилганини айтди.

— Қачон ишга тушсиз, — деди Афифа хаёлида «Даврбекнинг қайнотасидан бошқа одам йўқмикан ишга таклиф этадиган», деган фикр ўтиб.

— Ул жаноб ҳозир хорижда экаилар. Келган заҳоти ҳузурига бориб, ишини бошлаб юборамиз...

Афифанинг гаш кўнгли сал ёришгаидек бўлди. Кўнма корхона ҳарҳолда газета эмас-ку. Яхшироқ маош беринса керак. Овқат пиширди. Таомдан сўнг ювиниб-тараниб эрининг ёнига кирди. Субутнинг ҳам кайфияти анча яхшиланган, телевизорда аллақандай кинони кўриб ўтирган экан. Хонани фаранги атир ҳиди тутди. Афифа эркаланиб эрига суйкалди. Субут унинг хушбўй сочларини ҳидлаб, бағрига босди. Узоқ ўнди. Қулоқларига «Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, жоним, сизни хорижларга саёҳатларга олиб бораман, олтинун жавоҳирларга кўмаман», дея шивирлади. Субут Афифа ҳам аксари аёллар сингари зеб-зийнатга ўч эканини билар, бироқ ҳозирча улар ҳақида ваъда берини билан чегараланишга мажбур эди.

«Аёл қулоқлари билан севади», деганлари ҳақ ган. Афифа қандай эриди, сеvimли ёрига бўсалар ҳади этди, кучогига сингиб кетди...

Бу тун унинг сезгилари ўзинга яна ҳам ўткир ва позик, кучли ва айни чоғда нафис туюлди. Гўё бу охириги тун. Гўё эрта тонгда ҳаммаси тугайдигандек...

Даврбек ўзида йўқ хурсанд эди. Бугун унинг учун янги ҳаёт бошланади. Уч кун аввал таниш судьянинг ёрдамида никоҳини ими-жимиди бекор қилиб, наспортига навбатдаги бўйдоқлик муҳрини бостириб олди. Қайнотаси қизидан халос қилгани етмагандек, бир халта пул ҳам берди.

— Бир умрлик қадрдон бўлиб қоламиз, — деди у хайрлана туриб.

— Қизимдан хафа бўлманг. Хорижда беш-олти йил яшасин, анча ақли жойига тушиб қайтади.

— Ўзингиз-чи, қанча янамоқчисиз... у ёқда, — деди Даврбек, кун кеча «соҳиб қудрат» бўлиб, унга тарсаки туширишдан тап тортмаган, бугун эса қаринишида мўлтираб турган қадрдон, эди эса «собиқ» қайнотасига нонисид назар ташлаб.

— Мен... тезда қайтаман. Ишларни йўлга қўйиб...

Даврбек бу гапга унча ишонмаса ҳам ганини чўзиб ўтирмади. Тезроқ хайр-хўш қилди.

Кеча шаптажчи аёл билан охириги ҳисоб-китобини қилиб, «яраш битими»га имзо чекилди. Демак, ишлар жойида бўлади. Кечга ақни Шаҳина хоним қўйғироқ қилиб, яна бир хушхабарин айтди:

— Эртага кечкурун Афифа келади. Кириб ўтсин!

— Майли. Ганландингизми, сал-нал майли борми?

— Бор, сал иккиланиб турибди. Эринг билан кел, дедим. Агар эри билан келса, ҳали ишимаган, бир ўзи келса, демак тайёр.

— Шонманг-шошманг, айтганча эри менга кеча қўйғироқ қилувди. Иш масаласида.

— Унақа бўлса... ишга жойланг. Зудлик билан бирон ишга командировкага жўнатиб юборинг.

— Э яшанг, онахон, ақлингизга қойил. Аммо бир кунда ишга қабул қилиб, ўша заҳоти сафарга жўнатиш... бироз қийин масала-да!

— Йўлини тонинг-да, қўзим, шундай оддий ишнинг йўлини тонамасангиз, катта бир идорада нима қилиб ўтирибсиз?

— Бўпти, ҳаракат қилиб кўраман. Лекин сиз ўзингизга тегишли масалада жавоб берасиз.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин...

Кейин Зоҳидий кўнғироқ қилди. Бу одам Даврбекнинг ёрдамида унинг қайнотасига тегишли мулкларнинг анчагина қисмини арзон-гаров сотиб олган, энди «ширинкома» ҳақида муфассал суҳбатлашни учун учрашув тайинлашни илтимос қилмоқда эди.

— Сиз шошилманг,— деди Даврбек. — Мен ўзим икки-уч кун миёнасида хабар қиламан.

— Минг бор узр, биродарни азизим. Бизнес шундай бир ишки, унда дўстлар орасидаги ҳисоб-китоб мумкин қадар тезроқ аниқлаштирилмоғи мақсадга мувофиқдир. Мен мард ва қўли очиқ инсонман. Бунинг устига ҳозир эришган муваффақиятимиз таъсирида ийиб турибман. Алҳол, инсон хом сут эмган, бир-икки кун ўтиб кетиб, сахийлигимнинг миқдори камайиб кетишидан кўрқаман. Бу — ҳазил. Аммо халқимизда «Темирни қизигида бос», деган нақл бор. Келинг, бугунги ишни эртага қўймайлик. Қолаверса... шартнома шартига қўшимча сизга бир «сюрриз» бор эди...

— Бўпти. Бугун кечқурун...

— Ҳузурингизга ўтайми?

— Йўқ, ёу ерда кўринмаганингиз маъқул.

— Унда... ўзингиз билган қадрдон чорбоғда бир чуқум ош буюрсам... Неччида келасиз?

— Саккиз-саккиз яримларда.

— Келишдик.

Даврбек айтилган вақтга етиб борди. Куни кеча қайнотасига тегишли муҳташам дала-ҳовлида бутун ўзгача манзара, ўзга одамлар... Даврбекнинг мудроқ виждони бир инграб қўйганидек бўлди. Хотинига эмас, қайнотасига салгина ачингандай бўлди. Қўнолроқ бўлсаям ёмон одам эмасди. Мамлакат, халқ учун яхши ишлар қилиши мумкини эди.

Айб ўзида. Муштни эмас, каллани ишлатиши керак эди. Ҳалиям... у Даврбекдан бир умр миннатдор бўлиб юриши керак. Салгина арзон, демаса, сармоясининг ҳаммасини сотиб, пулни тегишли жойларга жойлаб, омон-эсон, силлиққина четга чиқиб кетди.

Даврбек бўлмаганда, ким билади ул зот қанақа аҳволга тушар эди...

— Қадамларига ҳасанот,— деди Зоҳидий меҳмоннинг истиқболига пешаов чиқар экан. Кучоқлашиб кўришишди.

— Қани меҳмонхонага марҳамат.

Ҳашаматли меҳмонхонада дабдабали дастурхон тузалган бўлиб, унинг атрофига ятти иккита курси қўйилган эди. Юзма-юз ўтиришди. Бир нисла чойдан сўнг, кетма-кет сархил таомлар тортилди. Анвойи мевалар, мазали ва шифобахш шарбатлар ташувул этилди. Сўнгра хушбўй «Навапа» синараси чекилди.

— Энди ншдан гаплашсак, — деди Даврбек.

— Буюрингиз, — деди Зоҳидий ёнида шай турган мулозим йиғитга. Йиғит зум ўтмай қора чарм «дипломат»ни кўтариб келди. Мезбон нимчасининг чўнтагидан бежирим калит олиб, қулфини очди. Лиқ тўла «кўк» боғламларни тезгина санаб чиқди. Кейин «дипломат» қонқоғини ёймай Даврбекка узатди:

— Айтилган миқдор. Санаб кўрасизми?

— Албатта, — деди Даврбек. — «Тоғиб олсанг ҳам санш ол», дейишган.

Шошилмасдан санади. Боғламлардан бирини бузиб, ичини текширди. Кўнгли тўлди.

— Яхши, — деди Зоҳидийга қараб. — Ҳаммаси жойида. Энди бизга жавоб... Дарвоқе, аллақанақа «сюрприз» ҳақида гаширганмидингиз? !

— Бале! Абдий дўстлигимиз рамзи сифатида сизга ушбу чорбоғни ҳам ҳади! Эгсам, деган бир фикри ожизим бор эди. Кўлимни қайтармасангиз. Ҳарҳолда ўрганган жойингиз.

— Мен бу ҳадини қабул қилолмайман. Биринчидан, агар буни олсам, собиқ қайнотам ўз инқиролида менниг кўлим бор, деб ўйлаши мумкин. Иккинчидан, биласиз, нозик жойда ишлайман...

— Оббо, камтарин биродарим-эй! Ахир, буни ўз номингизга расмийлаштирингиз шарт эмас-ку! Ака-укалар бордир.

— Барибир сезилиб қолади. Ундан ташқари, бугун ака-укага ишонадиган замони, биласиз-ку.

— Аслида мен сизга бир зовут ҳади этмоғим лозим эди. Ишингиз нозиклигини билиб шу кичик совға билан чегараланмоққа жазм қилгандим. Шуншям олмасангиз, мени хафа қиласиз, бек ҳазратлари!

Даврбек бир зум ўйлаб тургач, миясига қандайдир фикр келиб, розилик билдирди:

— Майли. Совғангизни қабул қиламан. Муайян муддатдан сўнг мен айтган бир... одам номига олди-сотди қилиб, расмийлаштириб берасиз.

— Миннатдорман! Бошимни кўкка етказдингиз...

Даврбек қора «дишломат»ни олиб, шаҳар марказидаги, собиқ қайиотаси қаноти остидаги бахтиёр ҳаётидан ёдгор бўлиб қолган муҳташам уйига омон-эсон етиб келиб, кейинги ойларида биричи бор сокин ва ширин уйқуга кетди.

## II

Афифа эрталабки нонунгтадан сўнг Субутга холасининг таклифи ҳақида гап очинга оғиз жуфтлади-ю айтолмади. Бироздан сўнг айтарман, деб ишга чалғиди. Шу орада Субут чақириб қолди:

— Ҳозиргина табиат муҳофазаси уюшмасидан кўнгироқ қилиниб, Оролбўйи ҳудудига уюштирилаётган экспедицияга таклиф этишди. Туркум мақолалар ёзиш керак экан. Ҳарна, озроқ бўлсаям қалам ҳақи ишлаб оласиз, дейишди. Поезд кечки бешда жўнарган.

Афифа «Айтмаганим яхши бўлган экан, барибир бормасди, энди ўзим ҳам бормай кўяқоламан», деб ўйлади. Субут тушликдан сўнг «Йўл-йўлакай кўмигага ҳам кириб ўтаман», деб чиқиб кетгач, юраги ҳанриқди. «Ваъда бергандим-ку, бормасам хафа бўлмасмикан», деб ўйлай бошлади. Борса нима бўлгун, бегона жой эмас-ку...

Йўқ, бориш мумкин эмас. Субут акаси билса, хафа бўлади. Яхшиси, кўчага чиқиб бир нас айланиб келади.

Шу фикрда кўчага чиқди. Бир-икки дўконларга кирди. Бозорча яқинида «Мария Магдалена» деган янги аёл кийимлари магазини очилибди. Ҳаммаси италияники, зўр кийимлар. Афифа бир-иккитасини кўздан кечирди. Сўнгги модала тикилган. Лекин роса қиммат. Қанийди, шулардан бир сидра олиб, гулдай яшнаб юрса. Пул бўлса-ку мановилардан олиб... Субутни ҳам кўзини ёндирган бўларди. «Наҳотки энди

бу ҳаётдан чувринди бўлиб ўтиб кетсам. Анови олифта, сатанг аёллардан қасрим кам. Даврбек бергаи пул ҳам чирт-пирт бўлиб, сарфланиб кетди. Афифа топсам қайтариб берман, шу одамнинг олдида тилим қисик бўлиб юрмасин», деб мўлжаллаганди. Қаёқда? Топганлари қоринларига етмаяпти. Холасидан беш-тўрт сўм сўраб турсамикан? Кеча борганида бир оғиз жуфтлади-ю айтолмади. Ўзиям «Кўйлак берман» деган ганини эсидан чиқарган, шекилли, индамади. Ё бугун борса берармикан? Пул-чи? Пул берадими?.. Бориш керак!..

Оёқлари бехтиёр ўша томонга етаклади.

Холаси ошнинг тагини солдириб, кутиб ўтирган экан. Севинч билан бағрига босди. Меҳмонхонага бошлади. Антиқа дастурхон тузибди. Ананаседан-баиангача, кивидан-мангогача кўйибди. Қизил балик билан қора икрами айтмайсизми?..

— Вой, шунча иарсани менга қўйдингизми? — деди солда севинч билан Афифа.

— Ҳа-да, болажоним, сенга бўлмай, кимга бўларди? Арзийсан. Бегона эмассан-ку. Ўзимам анчадан бери би-ир яйраб ўтирганим йўқ. Манови ичимликларни қара: шотланд вискиси, колумбия текиласи, франциянинг «Наполеон» коняги. Буларнинг ҳар бири мундайроқ одамнинг икки ойлик маошига келади. Яшагандан кейин яйраб яшаш керак-да!

Хоним чор қирра пишани очиб, қадаҳларга қаҳрабо тусли хушрўй ичимликдан қўйди.

— Қани вискидан олайлик! Учрашганимиз учун. Ол-ол! Манови «Моцарт» шоколадини газак қил! Моцарт кимлигини эшитганмисан?

— Бастакор, шекилли, — деди Афифа виски тўла қадаҳни димоғига яқинлаштирар экан. Ўткир, аммо хушбўй ҳиддан бони айланиб кетди.

— Баласан! Санжнинг чакки эмас. Қани ол! Аслида сен бой-бадавлат, кибор оқлаши гулшатидиган қиз эдинг-у қисмат экан, яшн-гоёқ бир мухбирнинг тагида хор бўлиб юрибсан-да. Майли, ол!

Холасининг сўнгги гаплари сиқилиб турган ярасига туз бўлиб сенилди. Афифа кўзини чирт юмиб вискини ичиб юборди. Ичига ўт тушгандек кўйдириб кетди. Дарҳол сархуш бўлди. Буюк



бастакор суврати чизилган қоғозни очиб, битта шоколадни оғзига солди.

— Жуфт қилайлик, кейин ошинг гуручини солдирамыз, — деди хоним қадаҳларни лия тўлдирар экан.

— Холажон, меига қўйманг, маст бўлиб қолдим, — деди Афифа кўзи сузилиб.

— Қўйсаиң-чи, бир қадаҳга дарров маст бўладими одам. Бу ичимлик аёлининг гўзаллигига гўзаллик қўшади. Қани ол! Сенинг бахтииң учун! Ҳаётда омадинг келиши учун! Чиройли-чиройли фарзандлар кўришинг-учун!

Афифа бундай тилак учун ичмаслик мумкин эмаслигини англаб, қадаҳни қўлига олди. Ўзини мажбурлаб синқорди. Зум ўтмай енгил тортганини, кайфияти яхшиланиб, кулгиси келатганини сизди.

— Чиндан ҳам зўр ичимлик экан, — деди холасига меҳр билан боқиб. — Раҳмат сизга, холажон! Келинг, бир қучоқлаб ўпай!

— Ҳозир-ҳозир, шонма, ҳали роса ўпишамиз, — деди хоним соатига қараб. Кейин ошхона томонга юзланди.

— Ҳой, Зеби, гуручини сол!

Шу лаҳзада эшик кўнғироғи жиринглади. Хоним дик этиб ўрнидан туриб, эшик очгани кетди. Бир печа сониядан сўнг Даврбек Муқимхоновни бошлаб кирди. Афифа сархуш бўлса ҳам юраги «шув» этганини сизди. Беихтиёр «Вой» деб, ўрнидан турди.

— Ие-ис, қимирламанг, безовта бўлманг, — деди Даврбек. — Сизларга халақит бериб қўйдим, шекилли. Индан бугун барвақтроқ чиқиб, уйга кетаётгандим. Йўл-йўлакай онамизни бир кўриб ўтай, деб киргандим.

— Қадамингиз бош устига, азизим! — деди хоним.

— Қани тўрға ўтинг. Бизлар хола-жиани би-ир дардлашайлик, дегандик. Келганингиз яхши бўлди. Сиз ҳам бегона эмасиз. Афифа билан кўринмаганларингизга ҳам юз йил бўлгандир?

— Шундоқ-шундоқ! — деди Даврбек тўрдаги курсига ўтирар экан. — Аммо ноқулайроқ бўлди-да, бостириб кирганим. А, Афифахон?

— Йў-ўқ. Имага энди. Хуш келибсиз,— деди Афифа тик турганча чой қуйиб узатар экан.

— Ҳой, чойни қўлтур, мановиндан олсинлар. Кечикканлари учун жарима солиб, катта ниёлага қуямиз, — деди хоним вискидан узатар экан.

— Ис, буёғи қандоқ бўлди. Мен рулда эдим-ку.

— Қўйсангиз-чи, сизни ким тўхтатарди. Қолаверса, ёнингизда икки аёл олиб турса-ю эркак бўлиб...

— Афифахон олаётган бўлсалар, унда оламиниз,— деди Даврбек.

— Мен энди ичмайин, хола...

— Вой, қизиқмисан, шундай ҳурматли меҳмон билан ичмайсанми, мени уялтирма, болам. Ол-ол! Мен ҳозир ошни суздираман!

Учинчи қадахдан кейин Афифа ўзини қушдай эркин ҳис этди. Яна ҳам қувноқланди. Даврбекнинг юзига дадилроқ разм солди. Ярашиқли костюмга, қордек ошноқ кўйлагига, олтин тўгноғичли тўқ қизил бўйинбоғига, билагидаги чиройли соатига, чан қўлининг шаҳодат бармоғидаги никоҳ узугига ҳавас билан қаради.

— Узукни... чан қўлингизга тақибсизми? Кеншойим...

— Эшитмабсиз-да? Ажраниб кетдик-ку.

— Ис, нега?

— Сиз қаргаган экансиз, шекилли. Турмушимиз бўлмади.

— Вой, нега қаргайман, — деди Афифа жилмайиб. — Қаргаганим йўқ.

— Қарганингиз йўқми? Лекин ростини айтсам, қарганига ҳақингиз бор. Сизнинг олдингизда бир умр гуноҳкорман. Шу гуноҳни ювиш учун энди тоқ ўтинга аҳд қилдим.

— Қўйинг, унақа деманг. Мен сиздан хафа эмасман.

— Ростданми? Дўст бўлиб қоламизми умрбод.

— Дўстмиз-ку. Ёрдам қилдингиз...

— Қўйсангиз-чи, Афифа арзимаган нарсасиз. Агар истасангиз, ҳаётим сизники...

Ош сузилиб, суҳбат узилди. Хоним «Ошнинг тагида қолсин», деб қўярда-қўймай, яна бир қадахдан қуйди. Афифа ширакайф бўлди. Ондан тузук сўзламади. Кўзларини шифтдаги чақноқ қандилга тикиб, сархуш ўй сурди. Қўлоқларида Даврбекнинг «Истасангиз ҳаётим сизники», деган сўзлари такрор-

такрор янграб турар, хаёлидан «Бу одам аслида ёмон одам эмас, ўшанда... менга уйланишни хоҳлаганди-ю, хотинининг жанжал чиқаришидан қўрқиб, уйланолмаганди. Мана энди, ажралибди, боши очиқ...», деган фикрлар ўтарди.

Шу тахлит у хонимнинг секингина чиқиб кетганини ҳам, Даврбек ўридан туриб ёнига келиб ўтирганини ҳам англамай қолди. Билагида несик кафт ҳароратини сезгач, сал-пал ўзига келди. Ялт этиб, ўтирган жойга қаради. Йўқ. Эшик берк. Қўлини тортмоқчи бўлди. Лекин бу хоҳиш қўлига етиб бормадди. Даврбек унинг момикдек ошпоқ билагини оҳиста, меҳр билан силар ва шинирлаб бетўхтов ганирарди:

— Афифа, азизим. Умримда битта одамни севдим. Қаттиқ севдим. Ўша одам — Сиз! Шунинг учун хотинимдан ажралдим. Менга сиздан бонка ҳеч ким, ҳеч бир аёл керак эмас...

Даврбек шундай дейиш баробарида Афифанинг позик белидан кучоқлаб ўзига тортди. Юз-кўзларидан ўша бошлади.

— Вой, эрим бор-ку... Уят эмасми...

— Севинганлар учун бунинг уяти йўқ, Афифа. Сиз ҳам... мени яхши кўрасиз-ку. Шундай эмасми?

Афифа нидамади. Заифгина қаршилик кўрсатар, ичкилик татъириданми, Даврбекнинг кучовидан суғурилиб чиқишга ҳоли етмасди. Даврбек эса, борган сари авжланар, несик нафаси билан зўр бериб, Афифанинг дудоқларини изларди.

Шу бир печа дақиқа давомида Афифанинг кўз ўнгидан нималар ўтганини, кўнглида қандай ўй-хаёллар кечганини шарҳлаб ўтириш шартмикан?

Ўзи бир марта ҳаётда қоқилган, кейин имонли бир инсон муруввати туфайли юзи ёруғ бўлган ёни аёл яна такроран зино ботқоғи сари ўз ихтиёри билан қадам ташлаши ақлга сиғадими? Бунга инонса бўладими? Ҳамонки, фақш ботқоғига бўлган чиркин меҳрдан қутилолмаган экан, уни ўша ботқоқдан суғуриб олиб, юниб-тараб ўтиришининг ҳожати бормиди? Нега Афифа қасамини бузди? Нега яна бу ифлос хонадонга ўз оғи билан юриб келди. Наҳотки, бунинг турмуш, хешу ақраболлик муносабатлари ҳосиласи, дея оддий ва жўн изохлаш мумкин бўлса? Нега шундай бўлди? Наҳотки, «Ўрганган кўнгил ўртакса қўймас», деган нақл ҳаминша тўғри ва унда ҳеч қандай негисно йўқ? Афи-

фанниг ўрнида бошқа аёл бўлганида нима қиларди, деган саволлар жонизми? Эҳтимол, бу сатрларни ўқиётганда кимдандир шундай саволлар туғилгандир. Дастлаб, биз ҳам шу каби саволлар қарнишида лол қолдик. Ва англадикки, бу саволларини жавобини ҳикоямизни бондан-охир ўқиб бўлгачгина тоини мумкин дидир.

— Келинг, яна ичамиз, — деди кутилмаганда Афифа.

— Майли, — деди Даврбек уни қучоғидан бўшатиб, ишгани қўлга олар экан. — Юрнинг, анови диванга ёзиллиниброқ ўтирайлик.

Афифа гандираклар ўрнидан кўзгалди.

— Мен ҳозир келаман, — деб деворга, эник кесакиенга суяниб, даҳлизга чиқди. Ошхонага қаради. Хизматкор аёл ҳам, хоним ҳам қаёққадир ғойиб бўлишган. Хонадон сув қуйгандек жим-жит. Ҳаммомга кириб, юзини ювмоқчи бўлди. Муздай сув сал ўзига келтирди. Қайтиб чиққанида Даврбек қўлида ишпа ва қадаҳлар билан даҳлизда кутиб турарди. Афифа меҳмонхонага кирмоқчи бўлди. Даврбек эиники гавдаси билан тўсиб, елкаси билан уни ётоқхона сари оҳиета итарди.

— Юрнинг, мана бу ёққа. Ўзингиз яшаган хонага. Эсингиздами, шу хонада учраганимиз?..

— Афифа индамади. Хонага кириб йиқилиб кетмаслиги учун каровот устига ўтирди. Даврбек қадаҳ узатди.

— Олинг!

— Қўйинг, ичмайлик шунини, майлими, — деди Афифа ялинган оҳангда. — Энди сал ўзимга келдим.

— Даврбек қадаҳларини тумбочка устига қўйиб, яна Афифанинг ёнига ўтирди. Белидан қўлини ўтқазиб, ўзига тортиди...

— Сизга... бир совга қилмоқчиман, — деди у Афифанинг нафис қўлоқларидан ўнар экан.

— Нима совга, — деб сўради Афифа.

— Ҳозир... ҳозир айтаман, — деди Даврбек на унинг кийимларини бирма-бир сеча бошлади. Афифа азбаройи қизиққанидан айтарлик қаршилик қилмас, нигоҳларини Даврбеканинг эҳтиросдан қизариб, сузилиб кетган кўзларига тикиб, жавоб кутарди. Даврбек уни буткул ечинтиргач, ўзи ҳам ечишиб, кўрига кирар экан сирли қилиб ишвиради:

— Данғиллама ҳовли. Эртақлардаги сингари бир қаср... Фақат «Сизни яхши кўраман», деб айтсангиз кифоя.

Афифанинг кўз ўнгида киполарда кўрган ноҳона сарой гандаланди. Инсонгиси келмади. «Қани у ёғи нима бўларкан», дея секин шивирлади:

— Сизни яхши кўришимни билардингиз-ку. Ўзингиз ташлаб кетдингиз-да.

— Энди сира-сира ташлаб кетмайман. Айтинг, «Яхши кўраман», дег.

— Яхши кўраман...

Афифа шундай деди-ю «Нима бало, чиндан ҳам яхши кўраман, шекилли», деб ўйлади. Даврбекнинг ўничлари, бутун бадани бўйлаб сирғалаётган юмшоқ ва иссиқ қўли хуш ёқаётганди. Гавдаси ҳам аввалги биринчи мартадаги сингари қўнол ва ёқимсиз эмас, худди азалдан танишдек туюларди. Қисқаси Афифа ўзида Даврбекка нисбатан майл сезди. Бу майл, аслида, шу тонда, «Ҳовли совға қиламан», деганидан сўнг пайдо бўлиб қолган эмасди. Бу майл ҳатто боя ичкилик таъсиридан сархуш бўлгани учун кучоқлатгани, ўнгиргани таъсирида уйғонган ҳам эмасди. Бу майл... назарида хув ўша куни, ишхонада Даврбек қўярда-қўймай нул ташлаб кетган чоғда туғилганди, деса тўғрироқ бўлар. Эҳтимол, ўшанда бу майл, роса қийналган аёлни кутилмаганда пайдо бўлган нажоткор, халоскор инсонга мишпатдорлиги шаклида юзгага келган бўлгани мумкин ва агар Даврбек ўшандан кейин кўринмай кета қолганида Афифа бу майлни егиниши мумкин эди. Бироқ...

«Менга бир чимдимгина бўлса ҳам яхшилик қилган одамларга ўн ҳисса яхшилик қилиб қайтаришни хоҳлайман», деганди у никоҳ кечасида Субут акасининг бағрида ётаркан. «Сиз менга бир умрга арзиғулик яхшилик қилдингиз. Шунинг учун ўла-ўлгушимча чўрингиз бўлишга тайёрман».

Ўшанда у худди шу баҳона билан холасидан воз кечолмаслигини, устига-устак яна Даврбекнинг тузоғига тушишини билганмиди? Янаям ким билади, дейсиз. Ҳарҳолда у шу лаҳзада Даврбекнинг оғунида роҳатланиб, тўлғанар экан, кўнглидан «Бу одам — яхши одам, бу одам менга мудом яхшилик қилиб келяпти, чунки мени яхши кўради, шунинг учун мен ҳам яхши кўришим шарт», деган фикр ўтар

ва шу фикр баробарида инон-ихтиёрини Даврбекка тои-ширган эди...

— Айтинг, қанақа ҳовли, — деди у Даврбек кучоғидан бўшат-гач, чуқур ва ширин «уф» тортиб.

— Шаҳар четида бир ажойиб дала-ҳовли бор. Ўшани сиз-нинг номингизга олиб бераман. Маликалардай роҳат қилиб яшайсиз.

— Бунинг учун менга қандай шарт қўясиз?

— Ҳеч қанақа шартим йўқ. Мени севсангиз, бир умр севги-лим бўлсангиз бас.

— Субут акам-чи?..

— Субут акангиздан ажралишга тўғри келади.

— Сиз уйланасизми, кейин?

— Албатта!

— Унақада ҳовлини ўзингизнинг номингизга олаверсангиз бўлмайдими?

— Бўлмайди. Ган-сўз кўнаяди.

— Мен... Субут акамдан қандай ажраламан? У одам менга жуда азиз...

— Афффа, Субут чиндан ҳам яхши одам. У билан дўст бўлиб қоламиз. Лекин сиз ундан ажрлмасангиз бўлмайди. Эҳтимол, дарҳол эмас, бир-икки ойдан кейин. Бу орада мен уни ишга жойлаб қўяман. Аслида, бугундан ишга жойлашди, деб ҳисоб-ласак ҳам бўлади. Табиатшунослик уюшмаси матбуот хизмати таркибида Орол бўйига жўнатдик-ку.

— Ие, ҳали сиз жўнатганмидингиз?

— Ҳа, бугун сизни нима бўлсаям кўриним керак эди. Шу-нинг учун кеча кун бўйи эрингизга иш изладим. Табиатшунослар уюшмасида ўрин бор экан. Раиси аввал тихирлик қилди. «Қувгинди» журналист-ку, ололмайман, деди. Ниҳоят кўнди. Орол масаласида бир-иккита ижобий мақола ёзганидан кейин маош тайинлайди.

— Ҳовлини... у киниға нима, деб айтаман.

— Бўёғини ўйлаб, келиниб қўйдим. «Холамники, менинг номимға олалиғи», деб айттинг.

— Барибир эртами-кечми, билиб олади-ку.

— Унгача ажраласиз. Унгаям шу йўл маъқул. Оиласи билан ярашсин. Боласи бор... Обруйи ҳам тикланади.

— Ҳаммасини ўйлаб, пишитиб, ҳал қилиб қўйибсиз-да. Қаллангиз зўр, — деди Афифа ўнкаланган оҳангда. — Менинг обрўйим-чи?

— Сиз хафа бўлманг, Афифа. Сизнинг обрўйингиз ундан ҳам баланд бўлади. Ўқинни битқазганингиздан сўнг судьяликка ишга жойлайман. Мен сизни олий табақа хонимлари сафига олиб кираман. Бойвучча бўлиб, зарга кўмилиб юрасиз...

Бу гаплар Афифага мойдек ёқди. Даврбекнинг бошини кўксига босиб, сочларини силади. Шу тахлит улар тонгга қадар ишрат ва суҳбат ила машғул бўлишди.

## 12

Субутнинг яна омади келмади. Орол муаммоси ҳақидаги мақоласини биронта газета босмади. Уюшма раҳбари хафа бўлди.

— Тирноқ остидан кир қидирмай, қилинаётган ижобий ишлар ҳақида ёзинг, деб айтгандим-ку, — деди.

— Ҳалиям ижобий қилиб ёздим. Гум қилиб юборилган миллион-миллион пуллар ҳақида лом-мим деганим йўқ. Бир-иккита муаммоларни санаб ўтдим, холюс, — деди у елкасини қисиб.

— Қўйсангиз-чи...

Субут уюшмадан ҳафсаласи нир бўлиб чиқиб, қадрдон хиёбонда кечгача тентираб юрди. Хаёллارга берилди. Бу хиёбон унинг энг масрур ва энг маҳзун лаҳзаларига бирдек гувоҳ. У не не эврилишларга шоҳид бўлган бу кўҳна маскандаги теган сукунатдан ҳаловат тонар эди. «Сукунат — абадият, сукунат — ҳикмат» қабилидаги фалсафий хулосалар чиқарар ва гоҳ-гоҳида «Нега мен бу ҳикматни тушунаману сукунат сақлангани ўрганолмайман-а» деб ёзғирарди. «Сукунат — бу қудрат!» деган фикр келди хаёлига. Сукут сақламоқ учун кучли бўлмоқ керак. У кучли бўлолмади. У шафқатсиз бўлолмади. Турмушнинг оддий машманалари қаршисида ожизлик қилмоқда. Ҳолбуки, сукутли ва сокин бўлишни бир умр орзу қилади. «Сокин», деган тахаллусни ҳам шу мақсадда танлаган. Аммо сокин бўлолмади. Энди сокин бўламан, тинч ва жим яшайман, деб турганида...

Муқимхонунинг қайнотаси хорижга қочиб кетганидан Субутнинг хабари йўқ эди. «Эрта-индин чақириб қолар», деб

кутиб юргаиди. Бугун эшитди. Эшитиб ҳайрон қолди. Қизиқ. Нима бўлди экан? Жуда тез ривожланган эди. Бир неча қўшма корхоналар, тижорат дўкоиларининг катта тизими, данғилла-ма ҳовли-жойлар... Миниминларга кўра, ҳаммасини сотиб, бир кечада бутун оиласи билан ғойиб бўлибди. «Муқимхоинов нима қилади энди? Ҳойнаҳой бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқиб қолган бўлса керак. Муқимхоинов – мангу барҳаёт кимса. Утда ёнмайди, сувда чўкмайди, бамисоли ўлмас Канчей!»

Кейин эшитиб тушундики, янглишмаган экан: Муқимхоинов қайнотаси қочиндан илгарирок хотинини талоқ қилиб улгурган экан. Субут унинг қайнотасига бироз ачиди. «Оғзи ошга етганда бурни қонагани яхши бўлмагги. Янашам ким билади, балки айнан бурнини қонандан асраш учун хайр маъзури насиҳат қилгандир. Унинг бурнига кимнинг иши бор экан».

Куни кеча кўлини қайга узатса етадиган, беҳисоб молу давлат соҳиби, қудратли бир корчалон одамга бирдангина сичқоннинг иши минг танга бўлиб қолса-я! Бу ниманинг аломати? Замон ўзгараяптими? Шундай бўлса, мен — жамият ҳаётининг бамисоли барометри ҳисоблангани «журналист жаиоблари» буни нега сезмай қолдим? Гўё ҳаммаси жойида эди-ку. Бўрилар тўқ, кўйлар соғ-омон. Баъзи менга ўхшаган сурувидан адашганларини ҳисобга олмаганда... Ёки бу мафиянинг таъсир доираларини таланишни «оқибатимикин»? Йўқ-е, бизда қанақа мафия бўлсин. Шунчаки... Қайнота ҳазратлари ўз доирасидагилардан кимларгадир ёқмай қолган бўлиши мумкин. Ҳа, худди шундай! Субут буни сўнгги суҳбатда сал-нал тушушгандай бўлувди. Ўшанда ҳаяжонланиб кетган Субут «Сизнинг имкониётларингиз катта, энди ўз матбуотингизга ота бўлишингиз керак», деганида суҳбатдошининг ҳукмфармо чеҳрасида қўрқув аломати зоҳир бўлган. «Кўйсангиз-чи, ўзи шусиз ҳам... баъзи бировларнинг кўришга кўзи йўқ», деб гапининг ярми ичида қолиб кетган.

«Ҳа, шунчаки қудратли одамлар синиб кетаётган бир пайтда Субут ўқиниб ўтирмаса ҳам бўлади. Тўғри, ўқинишдан фойда йўқ. Лекин янаш керак. Янаш учуи эса нул керак. Ишламасанг, ким нул беради. Афисанинг хонимдан олаётган қарзига қанча янаш мумкин. Қарзини қайтарин ҳам керак. Субут,



ўша куни таклифига дарҳол рози бўлақолмабман-да, биргаланиб хорижга кетворардим», деб ўйлади. Олиб кетармиди? Бошига урармиди, ўзи икки оёғи бир этикка тиқилиб турганда. «Ўзим кетсам-чи?» деб ўйлади. Қадққа? Қадққа бўлсам. Ахир, шунича одам кетаяпти-ку. Лоақал мардикорлик қиларди. Ё кўча сулуварди...

Бу ҳақда илгари ҳам кўп ўйлаган. Аммо у кетолмаслигини билди. Умри бино бўлиб, бирорта хорижий мамлакатта бормаган. «Сафар — дар Ватан, хилват — дар анжуман», деб изоҳлайди ўзининг аҳволини. Аслида бу хоҳинг-ирода билан эмас, имконият билан боғлиқ ҳолат бўлса керак. У мудом қўл учиди тирикчилик қилиб ўсди, ўқиди, ишлади. Шунинг учун бўлса керак, табиатан ўтроқ бўлиб қолди. Йўқса, аждодлари кўчманчи ўтганини, отаси яқин-яқингача «Бобомдан қолган» деб, кигизли ўтовни асраб юрганини билди. Ё қишлоққа кетсамикан? Отасидан қолган ўша кигиз ўтовни даштга тикиб чўпонлик қилса-чи? Қани унга кўй? Бир вақтлар икки юз минтагача кўйи бўлган «Қорақум» ширкати бугун иари-бериси беш минтага етмайдиган сурувларини ҳам маонига тарқатиб соб қилибди-ку. Баҳорда қишлоғига бориб, яйловларини айланиб, хувиллаб ётган кўра-кўтонларини кўриб йиғламоқдан бери бўлиб қолди. Аксари одамлар дарё бўйларига, ғалла, пахта экиладиган хўжаликларга кўчиб кетиб қолишибди. Қурғоқчилик. Дарахлар қақнаб ётибди. Ўқитувчилик қиладиган икки укаси маон ололмай, ўзини бозорга урган...

Ё бозорга чиқсинми? Отанг бозор, онанг бозор, дейишган ахир. Бугун кечаги академикдан тортиб, собиқ назиргача бозорда ўралашади. Сабаби — тирикчилик. Лекин бозорга чиқинг учун ҳам салгина укув, озгина сармоя керак. Субутда на уинси, на буинси бор. Нима қилиш керак? Нимси қилиш керак?..

Ўжавоб тонилмади. Боши қотди. Уйга келиб, Афифани яхши кайфиятда кўриб, сал кўнгли ёришиди. Кеча, аввал куни у «Хотиним атайлаб, ўзини қувюк қилиб кўрсатапти, аслида унинг ҳам тоқати тоқ бўлган», деб ўйлаганди. Бугун яна хувичақчақ кўриб, бироз тинчланди-ю зум ўтмай кўнглига шубҳа тушди. «Яна холасининг ёнига борганга ўхшайди. Нега ўша ёққа сер-

қатнов бўлиб қолди? Борма дегандим-ку? Яна қарз олган. Бу қарзларни қачон қайтаради? Қанақа қилиб? Яна...» Ҳатта гал Афифа «Холам энди тўғри яшайпти. Уйларининг ижарасидан тушган пул етиб ортади», деб уни тинчлантиришга уринган. Лекин Субут барибир ўша аёлнинг олдиди тили қисқ бўлишини истамасди...

— Холам бир ҳовли сотиб олмақчи экан, ўшани меннинг номимга расмийлаштирамоқчи. Нима дейсиз? — деб сўради Афифа дастурхон ёзар экан. — Ҳозирча ўша ерда янаб турсак ҳам бўларкан...

— Қанақа ҳовли, қаерда экан, — қизиқсинди Субут ва «Бу аёл ижара пулига қанақа қилиб ҳовли олади», деган ўйга борди.

— Шаҳар четиди. Марказга унчалик узоқ эмас, деяпти.

— Ўзининг номига олавермайдими?

— Ўзининг иккига уйи бор, яқинда ёнидаги уйни ҳам олиб, чет элликларга ижарага берган-ку. Ноқулай бўлади, деяпти.

— Хўп, деяверайлик. Ижара пули тўлаш ҳам иярт эмас. Ўзимнинг номимда бўлса, истаганча туравериш мумкин, дарров чиқариб юборолмайди. Уй олгандан кейин чиқиб кетаверамиз. Майлими?

— Ихтиёрингиз. Лекин... барибир у аёлни ёқтирмайман.

— Сизга у билан бирга яшанг, деганган йўқ-ку деч ким... Лекин ҳовлини зўр, деб мақтаяпти.

Субут нидамади. Афифа буни ризоллик аломати, деб тушунди ва Субутга овқат сулиб бериб, телефонга ёпишди. «Биз розимиз. Эртага паспортимни олиб ўтаман», деди. Субут иштаҳасиз овқатланар экан, хотинининг ҳаракатларини синчковлик билан кузатар, «Шаҳина хонимнинг бу саховати тагида бирон ган йўқмикан», деб ўйларди. Хонимни ҳуқуқ идоралари чапғалидан омон-эсон чиқиб кетганини эшитди. Ҳарқалай «тарбиявий тадбирлар» ўз самарасини берган, шекилли, хонимни хотин-қизлар уюшмасининг телевизорда кўрсатилган бир анжуманида ҳайъат таркибида ўтирганини кўрди. «Энди отинийн бўлибдилар-да», деб кулиб қўйди. Шундан бироз тинчланиб, Афифанинг у билан борди-келдиенга монелик қилмаётган бўлса ҳам, умуман олганда, ҳазм этолмасди. «Иниқилиб, яна бир каромат кўрсатиб қўймасини-да», деб хавфсирар эди.

Овқатдан сўнг бироз дам олгач, бир тўда газеталарни стол устига ёйиб, «бошқотирма» тузишга киришди. Кеча «88» деган кўнгилочар газетада «Энг яхши бошқотирмалар, кроссвордлар, сканшордлар, жумбоқлар учун тайлов эълон қилинганини» ўқиди. Яхши пул тўлашаркан. Қани, бир уриниб кўрсин-чи, тирикчиликнинг айби йўқ-ку...

— Мен сизга айтсам, бугун аҳолининг катта қисми бошқотирма счини билан банд, — деганди ҳамкасбларидан бири бир куни.

— Чунки газеталаримизда шундан қизиқроқ нарсанинг ўзи йўқ...

— Бошқотирма ечиш учун ҳам савод керак-ку, — деди Субут.

— Тўғри, агар бошқотирма саводли одамлар томонидан тузилган бўлса. Лекин бизнинг бошқотирмалар жўн ва оддий. Саволлари «Алифбонинг биринчи ҳарфи, осмондан ёғадиган нарса» қабилида. Қарангки, биттасида «Осмондан ёғадиган нарса. Уч ҳарфдан иборат» деб савол қўйилган экан. Дўкончи оншам, «тош», «нон», «мой», деб ўйлашиб ўтирибди-я...

Ўша суҳбатни элаб, Субутнинг кулгиси қистади. Турк адиби Азиз Несипнинг шу мазмунидаги бир ҳикояси ёдига тушди. Афифага ҳазиллашигиси келди.

— Афифа, бошқотирма тузаётгандим, қани ёрдамлашиб юборинг,— деди.

— Майли, сўранг,— деди Афифа.

— Инсонда бўлади. Баъзан йўқолиб қолишни ҳам мумкин. Икки ҳарфдан иборат. Нима у? Топнинг-чи!

Афифа ўйлади.

— Икки ҳарф дейсизми?.. Вой, уят сўз эмасми? Йўқолиб ҳам қоларканми? Билмадим-а... Тондим! «От» бўлса керак.

— От ҳам йўқоладими? Сиз исмин айтаясизми ёки минадиган отинми?

— Минадиган оти-да!..

— Ҳа, шундай демайсизми, мен «Ор» деб ўйлаган эканман... Кейин кулди. Жиддий тортди. «Ҳажвада синаб кўрсамчи, ўзимни», деб ўйлади. Бир вақтлар, талабалигимда пародиялар тўқирдим. Мисал ҳам машқ қилгандим. «Эзон масаллари тўғрисида курсини ҳам ёзганман...» Йўқ, яхшиси, ҳозирча бошқотирма тузиб туришга тўғри келади.

Ярим тунгача ўтириб бошқотирмани битказди. Хобхонага кирди, бир муддат тунги чироқда Аффанинг ухлашини томо-

ша қилиб турди. Усти очилиб қолибди. Уйқудаги гўзал... Тангри менига мана шундай бетакрор хусн маликасини туҳфа этгани учун машаққатли сиповларга дучор қилмаяптимикин. Узини, соддадил қишлоқи қизин ҳам бу қадар бебаҳо маллоҳат билан сийлаб, кейин... азоблар қатърига ташлагани-чи? Имтиҳонми? Шундақ имтиҳонларга лойиқмиди, муштипар, ожиз ва чорасиз бу аёл? Сенинг қўлинига тушгани бир имтиҳондан қутулиб, иккинчисига дуч келгани эмасми?..

Шаҳина хонимнинг нима мақсадда ҳовли олгани-ю нима мақсадда Афифанинг номига олиётганини тушунинга уриди. Бу янги тузоқ эмасми? Ё шунчаки ўйлаб ўтиришига арзимайдиган оддий бир олди-сотдими? Ҳарҳолда, хоним Афифани яна қаноти остига олишга, қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилаётгани аниқ. Нега?

Шу тонда кўнкари эсига тушди. Афифани кўнкарига танланган улоққа, ўзини эса шу улоқни тасодифан қўлга киритгани аммо маррагача олиб боринга қурби етмай турган чавандозга ўхшатди: «Отим ориқ, манзилнига етолмайман...» Кейин ўзига далда берди: «Бўнашма оғайни, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Шундай гўзал аёлни бор, эрта-нидди бемалол янайдингани жой чиқиб турибди. Амал-тақал қилиб, мундайроқ биринга жойлашиб олсанг, бўлди, янайверсан».

Афифанинг қўлига кирди. Ёқимли ҳароратдан эштикиб, эҳтироси жўш урди. Авайлаб бағрига олди. Афифа хумор кўзларини очиб:

— Соат неччи бўлди, тонг отмадими? — деб сўради.

— Тонггача ҳали бир умр бор, — деди Субут шоирона завқ билан. Афифа эркаланларига етарли даражада шавқ билан жавоб бермаётганидан бироз ажабланди-ю, буни хаёли эртанги олди-сотди билан банд эканлигидан, деб ўйлади.

## 13

Шаҳина хоним севинчдан ўзини қўйишига жой тополмас, бир гапириб ўн кулар, «Барақа тонсини, Даврбек, мана буни ҳақиқий мард эркак, деса бўлади», дея нуқул алқар, «Мартабаси буни ҳам юқори бўлса, сояси бизга ҳам тегади», деб умид қиларди.

— Онахон, Афифани ортингча гап-сўздан асраш учун сўрагиларга ҳовлини мен олаяман, деб турасиз, — деди Даврбек.

— Ҳозир кимнинг иши бор, укажон. Ким ҳам сўрарди?..

— Эри сўраши мумкин.

— Эри барибир эртами-кечми билиб қолмайдими?

— Ҳозирча билиб қолмаслиги керак. Билиб қолгунча Афифани ундан ажратиб юборасиз.

— Вой ўргилай, укажон, бу осон бўлмас. Афифа эрининг устида ўлиб қолади-ку. Муҳаббати кучли.

— Сусайтирасиз-да! Мафкуравийи иш олиб борнинг. Сизин... шу умидда хотин-қизлар уюшмасига аъзо қилиб қўйдикми? Қани энди маҳоратингизни кўрсатинг. Агар ишни қойил қилсангиз, сизни «хурсанд» қиламан.

— Иншоолло, айтганингиз келсин...

Кейин Даврбек хонимга олди-сотдини расмийлаштириш борасида нима қилиш кераклигини тушунтирди.

— Афифани уёқ-буйёққа судраб юрманг. Фақат нотарнусга, қўл қўядиган найтда борсин.

Хоним бу гапдан кейин кеча тузган режасини бироз ўзгартирди. Ҳовлини кўришга Афифани ҳам, Субутни ҳам олиб бормади. Ўзи тезда бориб, Зоҳидийнинг ҳуқуқшунос гуманитарси билан биринчи солин нотарнусда учрашишга келишиб қайтди.

Белгиланган соатда нотарнус идорасида учрашишди. Афифа Субут билан келди. Субут Афифага:

— Олаётган жойингизни, лоақал бир бориб кўрмадингиз ҳам, — деб турган чоғи хоним кесатди:

— Совга қилинган отнинг тишини кўринмайди. Кўришга ҳали улгуради.

— Субут илдамани. Хужжатлар расмийлаштириб бўлингач, хоним Субутга гўё «бормисан-йўқмисан», демасдан Афифага қараб:

— Энди кўрсанг бўлади. Истасанг шу бугуноқ кўчиб ўт. Мана калит, — деди ва салмоғи бир килога келадиган калитлар шодасини узатди.

Бу муомала Субутга сал малол келди. Ярми ҳазил-ярми чин қилиб:

— Биз ҳам борсак бўладими? — деб сўради.

— Албатта, эрисиз-ку,— деди она яна кесатиб.

Субут табиатан хушфезъл, одатда кулиб гапирадиган хонимнинг ўзига нега бу таразда муомала қилаётганини эски хафагарчилик туфайли, деб англади ва нидамай кўя қолди.

— Бизлар қаердалигини ҳам билмаймиз-ку, холажон. Ўзингиз бирга олиб бормайсизми?

— Майли, куёвтўра битта такси ушласинлар, бўлмасам...

Такси бир зумда элтиб кўйди. Шаҳина хоним данғиллама иморатнинг жимжимадор оқ ёғоч дарвозасига калит солар экан, Субут:

— Ие, бу... таниш жойлар-ку,— деб юборди.

Ичкарига киришгач, Субут ҳайрат ва хавотир ичра чорбоғ ўртасида туриб қолди. Хола-жили икки қаватли маҳобатли иморатнинг мармар зиналаридан чиқиб, эман ёғочидан ишланган икки табақали эшигини очиб, улкан даҳлизга киришди. Бўйи ўттиз, эни ўн метрча келадиган даҳлиз шифтнинг баландлиги ҳам олти-етти метр келади. Шифтда иккита катта қандил осилган. Чиройли паркет узра чўғдек туркман гилами тўналган. Ёғоч зина иккинчи қаватга олиб чиқади. Пастда тўртта, юқорида тўртта кенг хоналар бўлиб, улар турли рангларга бўялган, ҳар бирининг алоҳида ҳаммоми, ҳожатхонаси бор. Ҳар қаватда биттадан меҳмонхона ва ошхона. Хоналарнинг барчаси рангига мос жиҳозланган. Ҳатто биринчи қаватдаги каттакон даҳлизда ҳам юмшоқ ўриндиқлару курсилар, кенг экранли телевизор кўйилган. Деворда машҳур мусаввирларнинг турли суратлари осилдиқ...

Афифа «Наҳотки, мен шу ҳашаматли қасрда яшасам-а», деб энтикар, ҳаяжошлар, бу манзара тушида эмас, ўнгида гавдаланаётганига ишонгани келмасди.

Шона-ниша ҳовлига чиқиб, Субутни чақирди:

— Ичкарини кўрмайсизми, юринг!

— Ҳали кўрармиз,— деди Субут чорбоғ ўртасидаги фавворадан кўзини узмай.

— Танқари ҳам ажойиб экан-ку,— деди Афифа фаввора атрофидаги тартиб билан экилган атиргулларга, куз бўлишига қарамай зумраддек яшнаб турган майсазор узра салобат солган олтин япроқли дарахтларга ҳавас билан тикилар экан.

— Ажойиб, жудаям ажойиб,— деди Субут.

— Фақат... мухтарам холаминиз бу «Назмий сарой»ни қанақа нулга олганлигига ақлим етмай турибди...

Шу он хоним ичкаридан чиқиб, Субутнинг гани узилиб қолди. Онанинг чехрасида ҳам сирли бир ҳайрат ва саросима зоҳир эди. Афтидан унинг ўзи ҳам бу чорбоғни бошда обдан кўздан кечиролмаган, мана энди бошдан-оёқ томоша қилиб, лол қолганини яширолмас эди.

— Бундай азим кошонани бизга бериб, ўзингиз паҳардаги кичик бир хонадонда янанингиз адолатданми? — деб сўради Субут кўнглидаги сирли саволга жавоб излаб. Хоним ийиб кетган эмасми, дарров ўзини ўнглаб олди.

— Ўзим ҳам шундай, деб ўйлаб турибман. Лекин... Сизлар тура-туришлар. Аслида мен бу ерни келгусида хорижий дипломатларга, каттароқ бизнесменларга яхши нарҳда ижарага мўлжаллагандим. Анча-мунча қарз кўтаришга ҳам тўғри келди.

Бу гап Субутнинг кўнглидан шубҳаларни аритгандек бўлди. Афифага қараб кўйди-да:

— Бизга қиш ўртасида тўсатдан бўнатишлар, деб қолмай-сизми ишқилиб?

Афифа ўзини гўлликка солиб, кўзларини жовдиратганча холасига қаради. Хоним Субутнинг ушбу афсонага энди тамоман лаққа тушганидан қувониб кетгани ёки «Шўринг курсин, сен ялангоёқнинг», дея масхара қилмоқчи бўлгани, ҳарқалай яйраб кулди.

— Йўқ-йўқ! Хотиржам бўлаверишлар. Холажоним ўзини жондан азиз жияшини ҳеч қачон кўчада қолдирмайди.

— Раҳмат сизга, холажон, — деди Афифа уни кучоқлаб, юзидан ўнар экан. Хоним худди шундай миннатдорчилик сўзларини эшитиш илинжида Субутга тикилди. Буни тушунган Субутнинг ҳам:

— Миннатдоримиз. Яхши кушларингизга қайтарайлик, — дейишдан ўзга чораси қолмади.

— Мени кузатиб кўйишлар, такен кутиб қолди. Сизлар бугун мазза қилиб ётишлар. Майда-чуйдаларингизни эрта-индин олиб келсаларингиз ҳам бўлади. Бу ерда ҳамма нарса бор. Озиқ-овқат дўкони ҳам яқин экан.

— Хўн бўлади, холажон, — деди Афифа.

Хоним кетди. Афифа Субутнинг қўлидан ушлаб ичкарига бошлади...

Улар хоналарни бирма-бир айланиб кўришди.

— Қайси бирини танлайсиз? — деб сўради Афифа.

— Нима фарқи бор, ҳаммаси ўзинизники-ку, навбати билан ҳаммасида бирма-бир ливайверамиз-да, — кулди Субут. Афифа унга хавфсираб қараб қўйди.

— Менга қизил рангли хона ёқди. Чўғдай. Худди келинчакнинг хонасига ўхшайди. Чимилдикдан бошқа ҳамма нарса бор, — деди Афифа негадир хўрсиниб. — Юринг ўни ёққа...

— Хоҳласангиз чимилдиқ ҳам осамиз, — деркан Субут унинг қўлидан ушлаб, қизил хонага бошлади.

— Ҳожати йўқ, — деди Афифа кулмсираб, — келинлигим қоптими.

— Келинлигингиз энди бошланади-да, жоним, — деди Субут уни бағрига босар экан.

Афифа қаршилик қилмади. Ичидан янгича бир шавқ отилиб чиқди-ю беихтиёр кўзлари намланиб:

— Сизин... Сизни жудаям яхши кўраман, — деди.

— Мен ҳам, Афифа, мен ҳам...

Улар унсиз счининиб, аман ёғочидан ясалган кенг, юмшоқ каровот устидаги қирмизи чойшабни сидириб ташлашди-да, хушбўй нарқув кўрна орасига киришди...

## 14

Эрталаб Субут озиқ-овқат дўконини излиб, кўчага чиқди. Дўкон шундоққина муюлишда бўлиб, ҳали очилмаган экан. Субут кўчанинг сал нарисидан бошланувчи дала сари юрди. Бир томон ўрмон, яна бир томонда симбағозга кўтарилган ва тоққа қадар чўзилган узумзорлар. Сал берироқда — шаҳарга элтувчи йўл теварагида олмайор боғлар. Хуллас, теварак-атроф яшиллик. Шаҳар дарахтларини аллақачон заъфарон тусга бўяган куз гўё бу ерга ҳали стиб келолмагандек, келган бўлсам ўз ҳукмининг ўтказолмаётгандек. Аслида муҳташам саройлардан ташкил топган бу «Чорбоғлар ширкати» тенадан, хув



наридаги тоғлар устидан қаралса, зангор денгиз ўртасидаги мўъжаз оролни эслатади.

Лича нарида, тоғларга яқинроқда боқиқа «ороллар» – катта – кичик оддий қишлоқлар ҳам кўзга алас-алас ташланади. Узоқ-да бўлгани учуни, қанақадир настқам ва ғарибона кўринади. Гуваладан қурилган деворлар, нахса уйлар, томига баланд қилиб, ғўзаноями ё жўхори ноями уюлган бостирмалар. Кўчани чапгитиб, тоққа ўрлаётган сигирлар ортида кичкинагина (болалар бўлса керак) одамлар...

Изига қайтиб, нари-бериси иккита кўчадан иборат қишлоқчани (бу ерни қишлоқ дейиш жоизми) бир зумда айланиб чиқди. Ҳовлилар сидирға икки қаватли ва ташқи кўришидананоқ бадавлат одамларга тегишли экани билиниб турибди. «Дворяшлар уяси». Аксариятининг деворларига мармардан жило берилган.

«Бизникига қора мармарни кўпроқ ишлатишибди. Ошпоқ би-полар ичра қон-қора, лекни чиройли бўлиб, ажралиб турибди. Бамисоли қора қаср. Ажойиб ном. «Қора қаср!» Ана шу қора қасрда биз яшаймиз! Қўйсанг-чи, бировишки-ку, деди ички оякз. Нега энди расман бу қасрнинг соҳибаси — менинг хоти-ним. Демак, қонунан ярми меники...»

«Ол-а, иштаханг ёмон эмас-ку. Ахир эгаси «бўшат» деган кунни бўшатиб беришга мажбурсан-ку!»

«Бўшатиб бўлман!..»

Дўкон очилди. Субут егуликлар олиб қайтиб келганида Афифа чой дамлаб ўтирган экан. Нопунта қилишди.

— Бу «қора қаср»га хизматкор бўлмаса, ўзингиз эилашингиз қийин, — деди Субут.

— Нега энди «қора қаср»? — ажабланиб сўради Афифа.

— Деворларига қараиғ, қора мармар кўн ишлатилган. Ўзи-ям... ҳар биттаси... битта бойвуччанинғ қабрини бszашга бе-малол етади.

— Яхши ганлардан ганирсангиз-чи, эрталабдан...

— Қабрлар ҳақидаги ган ёмон ганми? Дарвоқе, бу қишлоқ-нинг қабристонни қерда экан, айландим-у кўрмадим? Ҳали қурилмаган, тўғрироғи бу ерда ҳали ҳеч ким ўлмагандир. Ўлма-сайм керак. Буцади жаннатмонанд масканда яшаган одам ўлиши

мумкинми? Мабодо ўлсаям... қинлоқдаги қабристонда ётишга рози бўлмасалар керак. Ҳойнаҳой ўзларига шаҳарнинг Марказий майдонларидан жой олиб қўйинган.

— Нега бойларни ёмон кўрасиз? Эртага худо ярлақаб, ўзингиз бойиб кетсангиз, нима бўлади. Бу гапларингизни унутиб, ўзингиз ҳам Чигатойдан жой олишга ҳаракат қилиб қолмай-сизми?

— Менга қабристонинг ҳам, қабрнинг ҳам кераги йўқ. Мен ўлсам ... «Агар ўлсам, менинг жисмим қаро туфроқдан ахтарманг. Яшарман аҳли ориф қалбини мангу макон айлаб...»

— Қўйинг, ўлимдан гапланмайлик.

— Тўғри айтасиз, шундай қасрда яшаб ўлимдан гапириб ўтирсак уят. Энди бугунги фаровон турмуш ва келажак ҳақида гаплашамиз. Мана, бир печта бошқотирма туздим. Бугун шаҳарга тушиб, таҳририятларга тоншираман. Ҳар куни камид биттадан тузсам, бир ойда ўттизга бўлади. Ҳар бирига ўн беш мингдан тўлашса, тўрт юз эллик миш. Қарийб ярим миллион! Ёмон эмас-а?

— Вой, ростданми? Ушақда мен ишламай уйда ўтирсам бўлади-ку.

— Албатта-да! Қоровул, хизматкор ёллаймиз. Сиз «Қора қаср»нинг ошпоқ маликаси бўлиб уйда ўтирасиз. Мен кетдим!

— Яхши бординг!..

## 15

Кушлар ўтди. Бу орада Субут машина кира қилиб, шаҳардаги уйда қолган кўч-кўронини дала-ҳошлага таниди. «Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр», деганларидек анча овора бўлди. Ҳаво совиб қолган. Ҳайҳотдек бинонинг иситиш тизимини ишлатиш учун уста чақирди. Газ босими настрок эжан, уни созланди. Анча чиқим бўлди. Ҳали бу катта иморатнинг харажатлари тобора катталаниб боришини у тушунар, «Нима қилиб бўлса ҳам, дурустроқ ҳақ тўлайдиган нинга ўтиш керак» деб ўйлар, шомдан тонгача ўтириб, бемаъни мангулот – кроссворд тузгани етмагандек, кун бўйи таҳририятлардан изғиб иш қилди-рарди.

Нажот қутилмаганда келди. Аслида тасодиф қонуният ҳосиласи, дейдилар. Ҳарқалай нима бўлгандаям, роса вақтида юз берди ўша тасодиф.

Биринчи қор ёққан кун эди... Субут хатжилдини қўлтиқлаб шаҳарга келди.

Таҳририят биноси олдида Субутнинг нигоҳи кўзлари олазарак бўлиб турган бир йигитга тушди. Илгари қасрдадир кўрган-дек. Ким экан? Кийинишидан тижоратчига ўхшади. Қасрда кўрган? Қачон?..

— Ассалому алайкум, Субут-ака, — деди йигит унга яқинлашиб.

— Ваалейкум, — деди Субут.

— Биз танишмизми?

— Четроққа чиқайлик, — деди йигит ва хиёбон сари юрди. Субут эрганди. Ҳаво анча совуқ. Холироқ жойга ўтнингач, йигит тик туриб ган бошлади.

— Сиз мени илгари тоғамникида, аниқроғи кечадан бошлаб ўзингиз яшаётган дала ҳовлида кўргансиз.

— Ҳа-а, — деди Субут, — эладим. Демак сиз ўша кишининг жияни экансиз-да?

— Шунақа.

— Тоғангизни қаёқлардан сўраймиз энди? Мен тушунмадим. Қутилмаганда ғойиб бўлди. Режалар, мўлжаллар катта эди-ку?..

— Шунақа бўлиб қолди. Қутилмаганда... Тоғам айрим одамлар билан чиқина олмади. Уни аввал зимдан, кейин ошкора таъқиб этиш бошланди. Вақтида қочмаса, у ёғи ёмон бўлар эди.

— Ҳозир қасрда у киши... Агар сир бўлмаса? Соғ-омонми?

— Қўявернинг, бунинг аҳамияти йўқ. У киши соғ-саломат. Сизга кўндан-кўн салом айтди. Дарвоқе... Сизга билдирган таклифлари ҳамон ўз кучида экан. Агар рози бўлсангиз?

Субут кулди. Ҳазил қилди:

— Яъни мен ҳам у кишининг ортларидан бориним керакми? Қаранг-а, кўнглимга келувди, «Нега бирга қочмадим», деб.

— Қочиш шарт эмас. Ҳозирча...

— Аҳ-а, демак, шу ерда туриб, у кишининг манфаатларини ҳимоя қилишим керак. Яъни қуввидаги доҳийнинг хуфя айғоқчиси...

— Ошириб юбордингиз. Биз айғоқчи бўлиб, дестганимиз йўқ. Виждонингиз амри билан, ҳақиқатни ёзинг.

— Қайси ҳақиқатни?

— Тоғамни қочинга мажбур этган бир сабаб ҳақида.

— Буни ёзини шартми? Ҳаммаси аниқ-ку.

— Имаси аниқ? Хўш, сиз бу ҳақда нима биласиз?

— Тоғангиз поқонуний инлар билан шуғулланган. Сир очилиб қолиши аниқ бўлгач...

— Жудаям унақа эмас.

— Қанақа?

— У кишини... сотишмоқчи, қурбон қилишмоқчи бўлишди. Аммо худога шукрки, бу ини қўлларидан келмади. Тоғам узокни кўрадингиз одам. Ҳаммасини олдиндан билиб, вақтинча ҳижрат этишни маъқул тоиди. Насиб этса, ҳаммаси жойига тушгач, қайтиб келади. Ўшанда сиз таклиф этган инлар ҳам амалга ошади.

— Яхши, мен нима ҳақда ёзиним кераклигини аниқроқ қилиб тушутиринг.

— Бу унчалик қийин масала эмас. Битта кичиккина фирма фаолиятини яхшилаб ўрганиб, бор ҳақиқатни ёзиб чиқиш керак, холос.

— Қанақа фирма экан?

— Сиз унинг номини ҳатто эшитмаган бўлишингиз керак: «Фуар Интернейшл».

— Тўғри эшитмаган эканман. Бу фирма сизларга панд берганми? Менинг қўлим билан жазоламоқчимисизлар?

— Қўйсангиз-чи, бировни жазолаш ҳуқуқи бизга ҳам, сизга ҳам берилмаган. Бу — қонуний, суднинг вазифаси. Лйтганман-ку, Сиз бор ҳақиқатни ёзиндан қўрқмасангиз, бас. Бу билан бизга эмас, адолатга хизмат қилган бўласиз.

— Эгаси ким, ўша фирманинг?

— Ўрганиш асносида билиб олаверасиз. Қўрқманг, у сиз ўйлаганчалик машхур одам эмас. Майда бир савдогар...

— Бу осон эмас, айрим позик идораларга, хуллас, анча харажат қилинга, чиқимга тўғри келади.

— Биламан. Харажатдан қочмаймиз.

Субут ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Ўз оёғи билан келиб турган омаддан юз ўгирсинми? Бировнинг тагини кавлаи хавфли иш. Лекин ҳозирги ҳаётда ханфсиз иш борми ўзи? Камбағалчилик, очлик жонга тегди-ку. «Ўладиган хўкиз болтадан тоймас». Бир таваккал қилиш керак...

— Бўпти. Розиман.

— Мана бу «аванс», — деди йигит, теваракка алаглаб олгач, қоғозга ўралган бир боғлам пул узатди.

— Бу унчалик кўн эмас. Ҳозирча ишлатиб туринг. Етмаса яна бераман. Асосий «Қалам ҳақи»ни мақола тайёр бўлгандан кейин оласиз.

— Мақолани қаерда чиқармоқчисизлар?

— У ёғига ишингиз бўлмасин. Сиз мақолани зўр қилиб ёзингда, ҳаққингини олаверинг.

— Қанча?

— Беш минг «кўк»идан. Етадимми? Агар мақола биз айтгандек чиқса... кўшимча мукофоти ҳам бўлади.

— «Ўлма энагим, арна ейсан», денг.

— Унақамас. Хотиржам бўлинг. Мен пулнинг ҳаммасини олдиндан бериб қўйишим ҳам мумкин. Сизга ишонаман. Лекин сиз олмайсиз-ку. Шундай эмасми?

— Тўғри, аввал ишни қилайлик.

— Яхши. Мана бу қоғозда эса менинг қўл телефоним ёзилган. Исталган нойтда кўнғироқ қилсангиз, гаплашаверамиз. Аммо... Биз сизга ишондик. Тоғам сизни сўзининг устидан чиқадиган «Мард йигит» деб айтган.

— Хотиржам бўлинг. Хайр!..

Йигит кетди. Субут чўнтагини зилдай қилиб турган пул ўрамини кўрқа-ниса найпаслаб, бекат сари юрди. Такси ушлаб уйга жўнади. Ҳовлига киргач, дарюзани беркитиб, чўнтагидан боғламни чиқарди. Қоғоз ўрамини очди. Юрагидаги хавотир ўрнини афсус ва ўкинч эгаллади. «Мана, сен ўзингни сотдинг. Энди сен пулдор бир корчалоннинг қўлида оддий кўтирчоқсан. Унинг айтганини қилишинг, қон-қора бўлсам, оқ, деб исботлашинг керак. Балким чиндан ҳам у оқдир. Аммо ҳамонки қора бўлиб, қочиб кетган экан, уни оқлаш осон эмас».

«Сен бу пулни иорага олаётганинг йўқ-ку. Сен бу пулни ҳаётингни ханф остига қўйиб бажарадиган ишинг учун олаянсан. Қўрқма, иккиланма, ишга кириш...»

Афифа пешвоз чиқди. Дарров қайтганига ҳайрон бўлди. «Иш топдим», деганини эшитиб, севиниб кетди. «Қанақа иш?», деб сўради. Субут индамади, кейин:

— Мана, олинг! Қарзларингиздан қутулинг.

Афифа анчагина пулни кўриб, ҳайрон бўлди:

— Вой, доллар-ку! Нима бало... бирон жойдан...

— Қўрқманг, ўғирлаганим йўқ. Бир каттакон фирма ҳақида китоб ёзиш керак экан. Қалам ҳақининг бир қисmini олдиндан беришди. Энди ишим сал юринадиганга ўхшайди.

— Айтганингиз келсин... — деди Афифа ўйчан... — Айтганча, Сизга... Муқимхонов кўнгироқ қилганди.

— Нима? Муқимхонов? Бу ернинг телефони қачон биларкан? Ҳа-я... Дарвоқе, телефоннинг рақамини ўзгартириш керак. Хўш, нима гани бор экан?

— Билмасам. Бир учрашганим керак, — деди.

— Ким билан? Ҳа-я, мен билан... Қачон?

— Эртага вақт тониб кирсин, деди. Телефонини берди. Бориндан аввал кўнгироқ қилар экансиз.

— Шунақами?.. Мақсади нима экан?

— Иш масаласида, — деди.

— Аҳ-а, омад бир келса қўша-қўша келади. Кетганда ҳам... Майли, борсам-борай. Сизга яна нима, деди.

— Бошқа ҳеч нарса...

— Афифа кўзимга қаранг. Мен Сизга «У одамдан узоқроқ юринг», деганман. Эсингизда-л?

— Эсимда...

— Ростини айтинг, Сизга ган отдим, йўқми?

Афифа чайналди, ранги аввал оқарди, кейин қизарди. Лаблари биллиар-биллимас титради. Ҳаяжонланди. Афтидан анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган ганини айтиш маврида келганини сизди.

— У киши менга... ҳалиям яхши кўришини... агар сиздаш ажралсам... уйданажагини айтди... Хотинимдан ажралганман, деди.

— Нима?..

Субутнинг нафаси бўзига тиқилди. Бошига қон тебди.

- Сиз-чи? Сиз нима дедингиз?
- Мен... «Мени тинч кўйини», дедим.
- Шу гани... чини юракдан айтдингизми? Яхшилаб ўйлаб кўриб жавоб бердингизми?
- Нимасини ўйлаб ўтираман. Ростини айтдим...
- Афифа йиғлаб юборди. Субут уни юнатиб, бағрига босди.
- Кўйини, хафа бўлмаг. Сизда гуноҳ йўқ. Мен эртага у одам билан яхшилаб гапланаман. Бизни тинч кўйсини.

## 16

Даврбек Субутини важдат билан кириб келганига қараб, «Нима бўлди, бирои нарсани сездимки», деб ўйлади. Хушмуомалалик билан сўраниб, ўтиришига таклиф қилди.

— Йўқ, мен тикка туравераман. Нима ганингиз борлигини айтиш. Вақтим зиқ,— деди Субут.

— Қасққа шошласиз, нинда эмассиз-ку,— деди эисаси қотиб Даврбек. — Мен Сизни нин масаласида чақиргандим. Янги чиқаётган газетига тавсия этмоқчиман, агар рози бўлсангиз.

— Ҳожати йўқ, ака, фамхўрлигингиз учун раҳмат! Умуман, Сиздан шгтимос, мен ҳақимда ҳам, хотиним ҳақида ҳам фамхўрликни бас қилсангиз. Дунна-дурует одамен-ку, нега Афифани ўз ҳолига кўймайсиз?

— Чунки... яхши кўраман, — деди Даврбек томдан тараша тушгандек.

— Яхши кўрсангиз вақтида уни шарманда қилмасдан уйланиш керак эди. Энди, турмушга чиқиб, тинчгина яшаб юрганда ақлингиз кирдими? Эрлик хотинга шилқимлик қилинганга уялмайсизми?

— Уялама. Мени тўғри тушуниш. Келиш, эркакчасига гаплашайлик. Мен... Сиздан яширича у билан хушторлик қилиб юришни нстамайман. У Сизни яхши кўрмайди. Тушунинг ахир. У сизга... қилган яхшилигингиз учун меҳр кўйган ҳолос...

- Сизни-чи, сизни яхши кўрадим?
- Ҳа!
- Буни нима билан исботлайсиз?

— Иёботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сиз унинг жавобини беришингиз керак. Оилангизга қайтинг. Болалингизга оталик қилинг. Сиз Афифа билан бахтли бўлолмайсиз.

— Сиз-чи? Сиз бахтли бўласизми?

— Мени қўйверинг. Сиз ҳарқалай ёнроқсиз. Мен жам, Афифанинг олдидаги гуноҳимни ювмасам, дунёдан армон билан кетаман.

— Нақадар таъсирчан, баландпарвоз сўзлар! Шунчалик виждонли экансиз, Афифа номусен топталиб, бошқаларга оёқости бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрганда қаерда юрувдингиз?

— Ўтган нинга саловот. Энг муҳими, мен қилган хатоимни тап олиб, уни тузатиш ҳаракатидаман. Ана шу нарса кўнгилга таскин беради...

Субут кутилмаганда кулиб юборди:

— Қизиқ, гоёт қизиқ!.. Эшитган одам кулиб, ичаги узилса керак. Каттақон амалдор ҳузурига чақирса-ю «Хотинингни қўй, мен оламан», деб ўтирса... Кино-ку бу! Жинни-нинни эмасми-сиз мабодо!

— Мен такрор айтаман. Сиздан ажратмасдан туриб ҳам хунторлик қилиб юришим мумкин эди. Лекин мен виждонли, эркак одамман. Шунинг учун тушунасиз, деган мақсадда гапириб ўтирибман. Тушунмасангиз, ўзингиз биласиз. Ҳарҳолда бир ўйлаб кўринг.

Субут жиддийланди. Ўйланди. Маънос тортди. Босиқлик билан гапирди:

— Буни... Афифанинг ўзи ҳал қилсин. Агар мендан чиқиб, Сизга тегаман, деса, унинг йўлини тўсолмайман, албатта.

— Ҳа, яшанг, манови ўғил бола ган бўлди. Иккимиз ҳам тушунган маданиятли одамлармиз. Маданиятли йўл тутганимиз керак.

— Бўйити, мен шу бугуноқ Афифа билан гаплашаман. Аслида... кеча шу ҳақда ган бўлувди. Майли, яна бир гаплашайлик. Лекин... Сиз... ўзингиз айтмоқчи, виждонли, маданиятли одам, номардлик қилмайсиз, деган умиддаман. Яъни...

— Тушундим. Афифа нима деса, шунга қараб уни қиламиз. Дарвоқе, уни масаласида ҳам қизиққонлик қилманг. Агар рози



бўлганиз, мен ҳозирроқ телефон қиламан. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз билан душман эмас, дўст бўлиб қолишни истайман.

— Раҳмат. Мен ҳозирча эркин ижодкор бўлиб юрмоқчиман. Зарур бўлса, айтарман...

Субут чиқиб кетди. Даврбек сизил тин олди. Жанжал чиқиб кетмасмикан, деб хавотир олганди. Шунинг учун ҳам Субут билан кўчада эмас, идорасида суҳбатлашининга қарор қилганди. Ҳаммаси силлиқ кўчганидан хурсанд бўлди. Аффифага кўнғироқ қилиб: «Ташлашдим, энди ҳаммаси сизга боғлиқ бўлиб қолди. Иккиланманг. Дадил ҳал қилинг», деди. Аффифа энийтилар-энийтилмас «Хўп», деди.

Даврбек гўшакни қўйиб, ишга тутинди. Қайларгадир кўнғироқ қилди. Қанақади қоғозларни қайгадир олиб чиқиб, қўл қўйдириб келди. «Ҳаммаси ҳал бўлди», деди у мамнуният билан. Кейин оромкуресига ятаниб, қимматбаҳо «Барклай» сигаретасини тутатди. Ўй сурди. Ўй сурган кесаларда унинг бироз ўз-ўзини таҳлил этин билан шуғулланадиган одати ҳам бор эди.

«Менга нима бўляпти ўзи, нимага бунча ёнишиб олдим ўша фоҳишага. Изимда печача-печача онаси ўнмаганлари сочини тараб ўтирибди-ку. Ўн олти ёшлисига уйланиб олсам бўлмай-дими? Нега бунга ёнишиб олдим? Фахшти. Бир кўшиқ бор-ку. «Мени шайдо қиладурғон, бу кўнгулдур, бу кўнгул. Хору расно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул». Кўнғил иши экан-да! «Подшоҳнинг ишқи қурбақага тушганмиш». Ажабо! Ё анани маккор холаси... иссиқ-совуқми, дуомни, бир бало қилдимки-ки? Хўп, эртага Субутдан талоғини олиб, мана, марҳамат. Энди уйланинг, деса... дабдуретдан уйлана оладими? Обрўли идорада ишласа... Хўжайинлар нима дейишади? Одам қургандай бир бузуққа уйландингми, дейилмайдими? Тўхта-тўхта ўзинг ейдиган ошга тунурма! Қанақасига бузуқ бўлсин? Шаръий никоҳда юрган бир ёш, соҳибжамол аёл-ку. Гўзалликда тенги йўқ. Ёнишда юрса юргудек. Кўрган одамнинг ҳаваси кетади. Хўжайинлар ҳам... Аффифани кўрганларидан сўнг... «Тўғри қилибсан», дейишлари турган ган. Бита-яримгасининг оғзидан сув оқини ҳам тайин...

Афифа ҳамон тўлғанади. Кеча Субут Даврбекнинг олдидан келиб, масалани кўндаланг қўйди. «Агар Муқимхоновни дейдиган бўлсанг, очигини айт, мен ҳозироқ чиқиб кетаман», деди. Афифа йиғлаб ялинди. «Мен сизни яхши кўраман», деди. «Унақа бўлса, нега у билан яна... учраниб юрибсан», деди Субут. Бу гапга асоси бормиди-йўқмиди, Афифа билолмади. Эҳтимол, Даврбек айтгандир. Шу боис «Учраниганим йўқ», дедилмади. «Ўзи ҳеч қўймаянти», деди, кўз ёшини оқизиб. Субутнинг қаҳри келди. «Қанақа қатъиятсиз аёлсан, бетинга тунуриб ҳайдаб юбормайсанми? Ёки тилинг қисикми?». Афифа ана шу саволга жавоб беролмади. Жавобни Субутнинг ўзи берди: «Биламан, у билан учраниб, кўнгилхушлик қилиб юрибсан. Пуллари ҳам ўша берган бўлса керак. Шунақа эмасми? Заррача помусинг, виждонинг бўлса, ростини айт!»

Афифа ҳайкалдек қотиб қолган, бироқ нарса дейинга мажолни етмасди. Кўзидан милт-милт ёш оқар, лаблари «Кечиринг, кечиринг», деб пичирларди, холос. Субут бўйнига осилган Афифаны илк бор силтаб ташлади. Илк бор унга оғир гапирди: «Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас экан-да», деди. Сўнгра нимадир эсига тушгандек, юмшади. «Майли, ростини айтсанг, кечираман, учранидингми, йўқми», деб сўради. Афифа ҳозир ростини айтишим керакми, йўқми, деб иккиланди. Холасининг айтган гапларини эслади: «Замонавий аёлни кўни билан битта эри, битта ўйнаши бўлиши керак, кўзичоғим. Шундай қилиш керакки, ҳар иккиси ҳам шод ва бахтиёр бўлсин. Аммо ўйнашнинг борлигини эринг зинҳор сезмаслиги керак. Бошинга қилич келганда ҳам бўйнингга олма...» Нима қилмоқ керак? Субут бераётган саволининг жавобини тахминан бўлса-да, билади. Фақат ундан тасдиқлатиб олмоқчи. Шунинг учун ростини айтганими? Ҳаммасини айтганими? Шундай деса Субут ҳозироқ чиқиб кетгани аниқ. Шунда Даврбек мақсадига етади.

Лекин... Лекин Даврбекнинг ўзига уйланишини ҳечам ақлига сиғиролмасди. Ички бир овоз унга «Сени барибир шаръий никоҳига олмайди, бонингни очиб қўяди-да ўйнаш қилиб юри-

варади», деб айтаётгандек. Шунинг учун унинг Субутдан воз кечгиси келмасди. Бу ҳақда кўп ўйлаб кўрди. Ҳарчанд ўзини Субутдан айри, Даврбекнинг ёнида тасаввур этишга уриди. Эпилолмади. Хаёлида гўё Субут унга Оллоҳ томонидан берилган туҳфадек, уни фалокатдан сақлаб турган халоскордек туюлар, ундан ажралиб қолса, яна чуқур жарликка қулаб кетадигандек туюларди. Айни наътда чандон уринмасини Даврбекдан ҳам қаттиқ нафратланолмас, унинг севгисини, унинг савоатли меҳрини ҳам инкор этолмасди.

Шу лаҳзада бир вақтлар холасиникида бўлган суҳбат чоғида айтилган ҳазил гап эсга тушиди. Ўшанда холасининг яқин дугоналаридан бири: «Қаранг-а, эркаклар инкифта-учталаб хотин олишини мумкинну биз шўрлик аёллар биттагина эрга қаноат қилиб яшашимиз керак эмиш. Қаншйди иложини тонсангиз камиди учта эр қилсанг. Бири билан бозорга, инкинчисин билан театрга, учинчисин билан ресторанга борсанг...» деб кулганди.

Ҳазил гапини эслаб, юрагидаги кўркун, таҳлика салгина чекингандек бўлди. «Майли, ростини айтман, – деди у. – Бир марта учрандик. Ўшанда сиз сафарга кетган кунин, холаминикида...»

Бироз сукут қилиб, кейин кўниб кўйди: Холамининг ёнида суҳбатландик, холос... Ўшанда ганирган гапини боя айтдим: «Эрингдан ажралсанг, сенга уйланаман», деганди. Бугун телефонда яна шунини такрорлади... Қарзга олган пулларимдан хотиржам бўлнинг. Уларини чиндан ҳам холамдан олганман. Ишонмасангиз сўранг. Ҳоқли холаминики, буни ўзингиз ҳам биласиз-ку? Муқимхонов мутлақо бегона бир эрлик аёлга ҳоқли олиб бериб қўлдими? Шунга биров ишонадими? Холаминики эганига ишонмасангиз, юринг, кетамиз, аввалги ижарамизга бориб тураверамиз...

«Муқимхонов сиздан ажралиб, менга тегишга рози бўлди, дегинти-ку». «Айтаваради-да».

Субут «Бир хотинининг макри қирқ туяга юк бўлишин» ҳақидаги нақлдин минг марта эшитган, «Минг бир кеча» эртақларидаги айёр жувошлар кирдикормари хусусида ўқиган ва қолаверса, ўзини руҳишуосликдан анча-мунча хабардор, деб ҳисоблаб юарди. Шуларини эслаб, Афифанинг кўзига қаттиқ тикилди. Ёлғон ганираётганингни илғай олмади.

«Майли, – деди бўшашиб, – Муқимхонов ўзи катта лавозимда ишласаям жиннироқ одамга ўхшайди. Шизофреник. Эҳтимол, орамзини бузиш учун атайлаб шу мавзуда гап қўзгандир. Мен ишондим. Лекин айтиб қўяй. Агар бояги гаплар ёлгон чиқиб, ўша одам билан дои олишганингни эшитсам, унинг, сениям соғ қўймайман. Ҳалиям кеч эмас, ҳозир «Субут ака, сиз билан яшамайман, ўша одамни дейман», десанг, оқ фотиҳа билан жавобингни бераман. Ёниг, деган — номард.

«Яна бонидан бонлайсиз-а, йўқ, дедим-ку. Йўқ, Сизни, фақат сизни дейман. Сизни менга худо юборган».

Субут уни бағрига босди. Кейин негадир: «Мен билан яшаш қийин бўлади», деди «Чидайман», деди Афифа. Мана ҳаммаси аста-секин яхшиланяпти-ку. «Яхшилангани сари қийинлашиб боради, – деди Субут. Мени ҳатто ўлдириб юборишлари ҳам мумкин...» «Қўйсангиз-чи!...»

Шунда Субут бирдан қўнгли бузилиб, кўзида ёш филтиллади. «Агар менга бир нарса бўлса-ю, бева қолсанг ҳам Муқимхоновга тегмайман, деб ойт ич!» «Яхши ният қилсангиз-чи, қўйинг унақа гапларни». «Йўқ, агар мени чиндан ҳам севсанг ойт ичасан!» «Хўп ичдим». «Нима деб ичдинг?» «Куи кўрмай ўлай!» «Яхши, энди буткул ишондим...»

Бугун эрталаб наҳарга жўнар экан Афифага тайинлади: «Дарвожани ҳеч кимга очманг. Мен қалтироқ бир ишга қўл урганман...»

Кечаги даҳанаки муҳорабадан сўнгги «Сулҳ оқишони» нақадар майин на ёқимли бўлгани учун Афифа аъю кайфиятда эди. Бу гандан бироз таҳликага тушди. «Даврбек билан орани очиқ қиламан, деб жанжаллашиб қолса, у ҳовли ҳақидаги «сир»ни очиб қўйса нима бўлади», деб ўйлади. Холасига сим қоқди. Имо-шюра билан кечаги муҳокамадан хабардор қилди. Боргани айтди. Холаси аввалига бобиллаб кетди. «Патта экансан, шу гадейваччага бунча ёнишмасанг, кетаман, деган бўлса кавушини тўғрилаб юбормайсанми? Севги эмиш. Севгиси қуриб кетсин. Севги қорин тўйғазадими? Пул оикелдими? Қасрдан олибди? Китоб ёзади? Китобнинг нули нима бўларди, эртага тугайди. Даврбекники тугамайди. Даврбек қозонинг бониди. Олишига ишонмайсан? Олмаса, олмас! Ҳовли-жойни поминига ёзиб қўйди-ку. Энди шартини бажарини керак-да, болам!

Майли, Даврбек билан ўзим гапланаман. У — сабрли одам. Чидайди. Сен дийдорига тўймай, эрингдан бугун воз кечолмаётган бўлсанг... ҳали-замон тўясан, кўнглингга ҳам уради. Лекин Даврбек сим қоқса, хафа қилма, жон қизим. У билан орани бузмай тур...»

Афифа сим қоққанига пушаймон қилди. Холаси бундан бошқа нима ҳам дерди. Ўзи ҳал қилиши керак. Қаниқа ҳал қилсин? Нима деб, ҳал қилади? Боши оғриб кетди. Яхшиси, ҳаммаси шундайлигича тура турсин. Тақдирнинг ўзи бир томонга бошқарар...

## 18

Субут «Янги ши»га боши билан шўнғиб кетди. Бу ғоят қизиқ, сирли, аини пайтда ўта хавfli ши эди. Мақолага маълумот тўнлан асносида у кўз кўриб — қулоқ эшитмаган ҳодисаларга дуч кела бошлади...

Аслида ҳам у Муқимхоновнинг қайиотаси бўлмиш «Қочоқ тадбиркор»нинг қисматида жуда катта бир сир борлигини анча аввалдан, «буюртма»ни олишдан илгарироқ тахмин қиларди. Чунки, табиатан жуда серғайрат, қатъиятли, довиорак ва анча айёр бўлган, тадбиркорлик ва тижорат бобида мамлакатда биринчилар қаторида ши бошлаб, тезда катта натижаларга эринган, шунинг самараси ўлароқ, Муқимхоновдек масъул шахсни куёв қилиш шарафига мулссар кўрилган бу одамнинг хонумони бир зумда барбод бўлгани, бир кечада оғини қўлга олиб, хорижга қочгани шуни равшан аниқлаб турарди. «Бунда бир даҳшатли сир бор», деб ўйларди Субут. Касбий қизиқини ана шу сирнинг тагига етишга ундар, бироқ илгари бунга журъати ҳам, имкони ҳам йўқ эди. «Буюртма»ни олгач, таваккал қилишга қарор қилди. Аввалига «Нега ўйламай-иктмай дарҳол розилик бериб юбордим ё катта пул кўзимни қамаштирдими», деб афеус чеккандек ҳам бўлди. Чунки гап кўрқинида эмас, касби нуқтаи назаридан буюртмасиз, виждон ва адолат ҳаққи-хурмати қилини керак бўлган ишни бировнинг катта миқдордаги пули эвазига бажаришга тўғри келаётгани ёқмай турарди. «Бунда, албатта, бир томонни оқлаш учун иккинчи

томонни қоралаш, ҳатто айрим маълумотларни яшириш, бузиб кўрсатишга тўғри келиши мумкин. Ган манфаатлар кураши ҳақида бормоқда».

Яна бир кўнгли: «Хўш, ўш тadbиркор аслида ҳақ, бегуноҳ бўлса-чи? У ҳолда сен виждонингга хилоф иш қилмайсан, балки ҳақни қарор тоғтириш учун курашган бўласан-ку!..»

Дарвоқе, Афифа билан ўтказилган «муҳокама»дан сўнг у дала-ҳовлини олди-сотди ҳужжатларини обдан текширди. Туман уй-жой идораси, нотариус ва бошқа жойлардан зимдан суриштириб кўрди. Муқимхонов билан боғлиқ шубҳасини тасдиқловчи бирон-бир маълумот тонолмади. Дала-ҳовли нойтахтда ҳали яқиндан бери иш бошлаган, илгари асосан вилоятларда фаолият олиб борган «Зоҳидий» ширкати томонидан сотиб олинган, кўн ўтмай Шаҳина хонимга сотилган. Ҳужжатлар қонуний. Албатта, у дала-ҳовлининг ҳақиқий баҳоси ҳужжатлар кўрсатилганига нисбатан юқори эканини билар. Шаҳина хоним буни ўз нулига олганига шубҳа қилар, бироқ қўлида қуруқ гумондан бошқа ҳеч нарса йўқлиги учун аламини ичига ютишга мажбур эди. «Калаванинг учи Зоҳидийда!» Суриштирувларидан чиқарган дастлабки салмоқли хулосаси шу бўлди. Қизиғи шуидаки, «tadbиркор» сирини ўрганиш «Фуар» фирмаси бораси атрофидаги текширувларининг биринчи хулосаси ҳам айнан шу учта сўздан иборат бўлди. Чунки «Фуар» ҳам Зоҳидийга тегишли экан. Дарҳол «жиян»га кўнғироқ қилиб, учрашув тайинлади.

Улар шаҳар чеккасидаги хилватроқ емакхоналардан биринида учрашди.

— Бугун батафсил суҳбатлашамиз, — деди Субут. — Бир неча саволларим бор. Дарвоқе, ҳужжатларни олиб келдингизми?

— Ҳа, — деди жиян қўлидаги қалин қора хат жилдин кўрсатиб.

— Бўлмаса, тоғангизнинг шаҳар четдаги дала-ҳовлисини Зоҳидий жанобларига қанчага сотгансизлар?

Бу саволни эшитиб, жияннинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Янаги! Чиндан ҳам зўр журналист экансиз. Биринчи учрашувимизда, эсингизда бўлса, «Яқинда бир ган бўлиб, биз ундан шубҳаланиб қолдик», деган гаини айтувдим. Сиз «Қа-

нақа шубха», деб сўрамадингиз. Ўшанда мен сизнинг бу гапга эътибор бермаганингиздан «Унчалик зўр эмас экан», деган фикрга борувдим. Энди аюгладимки, Сиз ишин айнан ўша шубҳани ўрганишдан бошлабсиз.

— Қанақа шубҳа?

— Гап шундаки, тоғамнинг дала-ҳовлиси Зоҳидийга сотилган эмас. Оддийроқ бир домла кишига, иархидан анча арзонга сотилган. Орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас, Зоҳидий ўша одамдан уч барабар қимматроқ иархга сотиб олган...

— Зоҳидий билан тоғангиз илгаридан танишмиди?

— Ҳа, аввалдан бирга ишлаган, у тоғамни «Устоз», деб биларди.

Тоғам унинг пойтахтда иш очишига кўмаклашган.

— Муқимхонов билан тоғангиз қандай танишган?

— Даврбек ака хориж билан боғлиқ ишларимизда ёрдам бериб юрарди. Кейин яқинроқ танишди. Куёв бўлди. Лекни...

— Нимага бунчалик тез ажралиб кетишди. Бу «тоғангиз»нинг қочиши билангина боғлиқ бўлмаса керак.

— Ростини айтганда, тоғамнинг қизи эрқароқ ўсан. У Муқимхоновни яхши кўрмасди. Отаси мажбурлаб берган. Иккови шусиз ҳам келишмай юрарди. Ажралиш икки томоннинг бирваракай танаббуси билан амалга оширилган.

— Муқимхонов Зоҳидий билан қачон танишганини билмайсизми?

— Биладан. Уйланаётганда, тўй кун танишган. Ўша кунлар Зоҳидий пойтахтга яқиндагина келган, ҳали уй-жой ҳам олмаганиди. Кейин тоғамнинг дала-ҳовлиси яқиндан ҳашаматли бир иморат солди.

— Қанақа иморат? Кўриниши қанақа?

— Борганда эътибор қилган бўлишингиз керак. Ўша шаҳарчадаги энг балаид уч қаватли иморат.

— Э-э, шошманг, қизил гранитдан, кўчанинг адоғида... Муҳташам қизил сарой.

— Ўша. Тоғам ҳазил қилганиди: «Сен қишлоқдан келган бўлсанг ҳам, мендан ўзинг», деб.

— Демак, ўзининг дағиллама саройи бўлатуриб, тоғангиз сотиб кетган дала-ҳовлини бошқа бировдан ўта қиммат нархда сотиб олгани сизларда шубҳа уйғотган. Шундайми?

— Чунки айрим ақли тумтоқ бизнесчилар буидай ҳаракати билан «Мен уни маҳв этдим, қароргоҳини забт қилдим», деган маънони англатмоқчи бўладилар...

— Шубҳамиз фақат дала-ҳовли билан боғлиқ эмас. Мана бу панкадаги ҳужжатларни ўрганиш пайтида яна айрим нарсаларни билиб оласиз. Лекин чиндан ҳовлини олиндан мақсадди, Сиз өйтгандақа маънони англатиши мумкин.

— Аҳ-а, мабодо мен сизга Зоҳидий ўша ҳовлини яқинда бир аёлга арзон-гаровга пуллаб юборганини айтсам бу нима маънони англатишини изоҳлаб бероласизми?

— Ие, сотибдими? — деди «Жиян» ва ўйлаиб қолди. — Ким экан ўша аёл?..

— Бизнинг бир танишимиз. Демак, бу масалага оидилик киритиш мен учун ҳам жуда-жуда зарур экан. Энди менга ҳужжатларни беришг.

Жиян қора хатжилдни узатди.

— Ҳаммаси шу ерда. Кўриб чиқинг. Яна бир қисмини... Мен сизга етказаман. Аммо эҳтиёт бўлинг, хўини?

— Албатта, албатта! Хайр, — деди Субут хаёлида «Яна озроқ пул сўрасам бўларди», деб ўйлади-ю сўрай олмади. Ҳолбуки, шу тоида пул роса керак бўлиб турганди...

Укаси ўилчасини суинат қилаётган экан. Ҳам тўйга айтиб, ҳам озроқ пул сўраб келибди.

— Ака, ўзингизникими шу уй? — деб сўради.

— Бировники, ижарада турибмиз.

Укаси ниюнқирамади. Шундай уйни биров ижарага бериб қўярмиди, деб ўйлади.

— Тўйга, албатта, бораман, ука, — деди Субут. — Лекин хафа бўлма, ҳозир пулдан сал қисилиброқ турибман. Қарз қилиб тур. Тонсам олиб борарман.

— Майли, ака, қўяверинг. Ҳозир кимга осон. Ўзим ҳам ундан-бундан қарз қилиб ўтказиб юборайлик, қарзини қутилармиз...

Ака-ука анча маҳалгача суҳбат қуришди.

Укаси «Турмуш» газетасида чиққан мақолаини ўқиган экан.

— Татъир қилмадимми? — деб сўради.

— Шусиз ҳам инсиз бўлсам, нимагаям татъир қиларди, — деди Субут.



— Ҳарҳолда ишласангиз яхши бўларди-да...

— Ишлаймиз, насиб этса.

Субут укасига настки қаватдаги хоналардан бирига жой қилиб берди.

— Ака, зўр экан, бу жой, ижара бўлсаям,—деди хайрлаша-  
ётиб укаси. — Кутамиз. Янгамниям олиб бориинг. Жияниин...  
қизчангизиниям, агар иложи бўлса... Қон-қариношларини  
кўриб, танишиб келади. Айтганча, хабар олиб турибсизми?

— Ҳа, оида-сонда...

— Ташлаб қўймаиғ, ака, томирида қонимиз бор...

Субут сал эисаси қотиб, бош ирғаб қўйди. Укаси ўқитувчи-  
лигига боради. Ақл ўргатишга мойилроқ.

Уч-тўрт таиғасини қоқиштириб, тўйдан бир кун олдин қини-  
лоққа жўнади. Афифани олиб бормади.

— Энди бу уйни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Бир ўзингиз  
қўрқмайсизми, — деб сўради. Кейин яна ўзи тасалли берди:

— Дарвозани тамбалаб, хотиржам ётаверинг, бу қалъага  
қуш ҳам учиб киролмайди. Деворларнинг баландлигини қараиғ.

— Хотиржам бўлинг, қўрқмайман, — деди Афифа.

— Эртага қайтасизми?

— Индин. Эртага маслаҳат оини ва қозои қураи. Индин на-  
ҳорга ош берилади. Пешинларда тутаса, қайтавераман.

Субут кетди. Автобусда кун ботишга қараб, қуёшнинг изи-  
дан борар экан, бўм-бўш, ҳорғин далаларга қараб ўй сурди.  
Чўл куз қўйнида. Пахтаси йиғиштириб олинган найкаллар  
қорамтир қўнғир тусда. Яккам-дуккам дарахтлардан барглар  
тўкилади. Ҳавода мезонлар учиб юрибди...

Тўйхонага келиб ҳайрон бўлди. Одам гавжум. Укаси гу-  
ноҳкорона изоҳ берди:

— Сал тезлаштириб юбордик. Маслаҳат оини, сабзи тўғраи,  
қозои қураини битта қилиб, эртага эрталаб ош берворадиган  
бўлдик. Харажати камроқ-да.

Субут тўёнасини узатди. Укаси мамнун жўлмаийиб, уни давриа-  
га бошлади. Қаринош-уруғ, қўни-қўшини шу ерда. Субутни дав-  
ранинги тўрига ўтқазинди. Илгари хўжалиқда ҳосилот, ўлбоши  
бўлиб юрган, ҳозир фермерлик қилаётган сипқдоши Доинёр ко-  
сагуллиқ қилаётган экан. Пиёлаши тўлдириб ароқ узатди:

— Қани, дўстим, бир нарса денг.

— Мен нима дейман, тўй эгасининг акаси бўлсам... Меҳмонлар гапирсин.

— Энг катта меҳмон ўзингиз-да, жўра! Сиз қишлоғимизнинг фахри, мамлакатга танилган ижодкорсиз.

Субут қисқа гапириб, пиёлани бўшатди. Анчадан бери ичмай юргани учунми, ароқ тез таъсир қилди. Қулфи дили очилиб, қишлоқдошлари билан бирма-бир сўрашди.

Синфдошидан:

— Қалай, фермерлик зўрми? — деб сўради.

Дониёр оғзидаги овқатни ютиб бўлиб, саволга савол билан жавоб қайтарди:

— Сиз ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

— Мен умуман олганда, яхши, деб ўйлайман. Лекин бу иш ҳали янги бўлгани учун қийинчиликлар ҳам бор, биламан.

— Билсангиз, нега шуларни ёзмайсиз?

— Нимани ёзай?

— Фермер ўз меҳнатиининг маҳсулига ўзи хўжайин эмаслигини, топширган ғалласининг, пахтасиининг нулини йиллаб ололмай юриши ҳақида ёзинг.

— Бу ҳақда кўп ёзиляпти-ку, вақтинчалик муаммолар-да.

— Қишлоқ амалдорлари ерфурушлик билан шуғулланаётгани, шунинг учун ерни фермер ниқоби остида асосан бойваччалару оғзи катталар бўлиб олаётгани, бечора деҳқону чорвадор ёлланма батракка айланаётгани, бош олиб чиқиб кетаётгани-чи, буям вақтинчалик муаммоми?

— Энди, дўстим, ҳаётда бунақа гаплар бўлади. Бундан ваҳимага тушиб, оҳ-ноҳ қилиб, дод солишининг фойдаси йўқ. Унинг ўрнига тadbиркорлик, ишбилармонлик қилиб, пул топиш, бойлик орттириш керак. Давлат қонунлар чиқариб, ҳаммага тенг имконият яратаяпти. Энди илгаридақа «Берсанг ейман, урсанг ўламап», деб ётмасдан, слиб-югуриш керак.

— Демак, энди бир-биримизни гажишимиз керак экан-да, Субутбой, — дея гап қўшди кексароқ мактаб ўқитувчиси. Мактабда тарихда дарс берган бу одамнинг асли исми Худойназар бўлгану, кейин коммунистик партия сафига қабул қилиш арафасида Пенназарга айланган. Истеъмолда анчайин кам учровчи бу исми эшитган қабул ҳайъатининг раиси ҳайрон бўлган

экан: «Бунинг маъноси нима?», деб. Шунда ёш ўқитувчи дадиллик билан: «Лениназар — Ленин назар солган, деган маънони англатади. Зеро, мен — Ленин назар солган Озод Шарқ фарзандиман», деб жавоб берган ва қарсақлар остида комфирка сафига кириб кетган экан. Муҳтарам Лениназар домланинг бир қизи ва суннат қилинмаган икки ўғли бўлиб, уларнинг исмлари ҳам оталарининг мустақкам эътиқоди ҳосиласи эди: Инесса, Марён ва Владилси. Тили унчалик келинмагани учун Инессани — Ойниса, Марэни — Мардон, Владилени — Валижон деб кетишган. Кейинроқ улар суннат масаласини ҳал этолмаган бўлишса-да, замона зайли билан янги исмларни ҳужжатли қилиб расмийлаштириб олинди. Домланинг ўзи эса, уялдими ё қўрқдимми ҳарқалай Худойназар исмига қайтмади. Аммо невараларининг исмларини Темур, Улутбек, Чингизхон, Ўтузхон қўйиб, янги тарих саҳифаларини яратишга ўз ҳиссасини қўнди. Айтишларича, Темур Мардонович Лениназарон, деган бир невараси ҳозир Оксфорд университетиде ўқийтган экан.

Субут домлани мот қилиш учун гани айни шу нуқтага бурли:

— Йўқ, домла, унчалик эмас. Агар шунақа бўлганда, Сизнинг неваранингиз капитализмнинг ашаддий ўчоғи бўлган Англияда ўқини уёқда турсин, Тўйтсенадан нарига ҳам ўтолмасди.

Домла барибир бўш кетмади. Капитализм, Империализм, инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилиниши, бойлар бойиб, камбағаллар эса қашшоқлашиб кетаверини ҳақида анча гапирди.

— Август Бебель айтган: «Ҳар қандай бизнес — бу фирибгарликдир». Фирибгарлик қилмасдан, Маркс айтган кўшимча қийматни ўзлаштирмасдан туриб, ҳеч қанақа тадбиркор бойлик орттиролмайдди, — ден хулоса ясади у ўз сўзига.

— Домла, Сизни илгари ҳам ҳурмат қилардим. Бугун эса ҳурматим янада ошди, — деди Субут мунозарарга чек қўйини учун. Сиз коммунистик эътиқодингизга содиқсиз. Бунинг учун ҳеч ким тазкиб қилмайди. Чунки биз демократик, ҳуқуқий жамият қурашимиз.

— Сиз бунинг эътиқодига ишонманг, — деди тўсатдан ёнида ўтирган чўққи соқолли киши кулимсираб. Афтидан у домланинг тенкур уяфати эди.

— Ҳаммаси ёлғон. Агар чин коммунист бўлса, нега бизларга қўшилиб намоз ўқийди? Намоз ўқигани-ку, майли. Унақада нега ароқ ичади? Буники ҳаммаси аралаш.

— Жим ўтир-э галварс, қачон ароқ ичибман?

Ўтирганлар кулишди. Ёшлардан бири ҳазилни давом эттирди:

— Домла, Чингизхон босмачи бўлган-ку, нега неварангизга унинг исмини қўйдингиз?

— Сен саводсиз қабқдан тушунардинг, — деди домла энциклопедиядан. — Мен Чингизхонни эмас, ёзувчи Чингиз Айтматовнинг исмини қўйганман. Унга бу ҳақда хат ҳам ёзгандим, — бир қирғизча қалшоқни совға қилиб юборган.

— Домламыз ижтимоий фаол нисон, — деди Доинёр. — У кишининг қаранлари сал эскироғу, лекин нияти ижобий. У кишини адолат бўлсин, деҳқон қийналмасин, дейдилар-да! Шунақама, домла?

— Шунақа. Мен жамингда кескин табақаланиш бўлишига қаршиман. Аслини олганда ҳукуратимиз раҳбарияти ҳам шундай делити. Лекин атрофдаги айрим нафси бузуқлар чўнтак қаншайтирини, сандиқ тўлдириши билан овора. Мен бу ҳақдаги фикрларимни бир-икки газеталарга ёздим, босилмади. Бунақа ганларни босолмайсенлар-да, а?

— Сен тўғрилаб ёз-да, ошина, — деди чўққи соқол улфати. — Сен фақат ойлик ошсин, пенсия ошсин, деб ёзсан. Ўзингни ўйлайсан.

— Менинг пенсиям ошса, сеникчам ошади-ку галварс, — деди яна домла. Субут Ленназар амаки айрим сўзларни кўн такрорлашига эътибор берди. «Бу ўқитувчилик касри», деб қўйди.

— Ана шу йўлда курашиндан толманг, — деди Субут. Ҳақиқат ва адолат учун кураш ҳеч қачон осон бўлмаган...

Маслаҳат у қадар дабдабали бўлмаса-да, ҳарқалай фиқоладагидек ўтди. Қишлоқнинг бир-икки бекорчилари ичиб олиб, фикрлашганини ҳисобга олганда икки соатга қолмай уй-уйига тарқалиб кетди.

Субут наҳорги ош бериб бўлингач, автобусда шаҳарга қайтди. Орқа ўриндикдаги бир ўспирин кўзига иссиқ кўринди.

Қасрда, қачон учратгайман, деб ўйлади. «Ие, шошма-шошма, кеча келатганимда кўргандим. Ўша автобусда эди. Бугун яна бирга қайтапти. Тасодифми бу? Ё кузатишянтими? Ваҳима қилмасанг-чи, сенинг нимагни кузатиди? Жа-а, бир давлат аҳамиятига молик иш қилинсанмики... Тўхта-тўхта, бу болани бир гал шаҳарда ҳам кўргандекман. Ўшанда ўзини танитмасликка уриниб, кепкасини бостириб кийиб олганди».

Таваккал қилиб, орқасига ўтирилди-да ўспиринни ганга солди. Ўспирин соддагина экан, бу ёққа бир курсдошининг тўйига келибди. Субут «Курсдошининг исми нима?», деб сўради. Йигит айтди. Қишлоқ катта. Субут эслолмади. Бўлса бордир, деди. Йигитдан беҳуда шубҳаландим, деб ўзини койиди. Аммо йигитнинг кийими талабаларникига ўхшаган эмас, анчайин қимматбаҳо эди. «Эҳтимол, бойвачча талабалардандир. Бойвачча бўлса, автобусда юрдими?»

Ногаҳон миясига кеча кечқурун маслаҳат ошидаги мунозарада айтилган бир гап урилди. «Тоғ ортидан гиёҳванд моддалар олиб келиб, шаҳарлик наркокуръерларга сотиб юрган, ёшлардан бир нечасини органга ушлаб бердик», деб мақтанганди «Қишлоқ посбони». Сўнгра у ўзининг хушёрлиги туфайли қишлоқ «Ваҳобийлик оқимига маисуб» кишилардан буткул халос бўлганини гапирган ва суҳбат бонқа мавзуларга бурилиб кетганди.

«Бу ўша наркокуръерлардан бўлмасин тағин», деб ўйлади Субут. Кела-келгунча минг хил фаразу тахминлар қилавериб, боши оғриб кетди. Ҳолбуки унинг шубҳаси бежиз эмасди...

## 19

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Кунлардан бир куни Субут эрталабки понунта чоғида Асифага қараб хотиржамлик билан:

— Шаҳардан уй тондим. Ўшанга кўчамиз, — деди.

Асифа «Нега, қачон бу ер-чи?» деб сўрамади. Субутнинг кейинги кунлардаги муомаласи ташқаридаги об-ҳаводек эди. Қуёш кулиб турибди-ю изғирин терини тешади. Асифа «Нега индамайпти, нега саволу сўроққа тутмайпти, демак ҳаммасини

билади, саволу сўроққа ҳожат йўқ», деб ўйлади. Уидоқ бўлса нега «Ажрашамиз» демалипти? «Кўчамиз», деган гапидан кейин бироз тушунгандек бўлди. Агар «Мен-қоламан», деса тамом. Ажралиб кетишади. Субут Афифадан шу гапни кутаётгандек эди. Лекин у бир оғиз индамади: — Майли, — дея олди холос. Субут бир оз ўйлаб тургач, гапининг двомини айтди.

— Бугун холангизга бориб айтинг. Ҳовлини сизнинг бўйингиздан соқит қилсин.

— Тушундингизми?

Афифа индамасдан бош иради.

— Кечкурун келаман, ишларим бор, — деди Субут чиқиб кетар экан.

Аммо ўша кун кечкурун у келмади. Эртасига ҳам. Афифа хавотир олиб, нима қилишни, эрини қасрдан излашни билмасди. Холасига қўнғироқ қилди. У «Тез ёрдам» га қўнғироқ қилиб кўришни маслаҳат берди. «Эҳтимол, тоби қочиб, касалхонага тушгандир», деди хоним. «Тез ёрдам»дан натижа чиқмагач, милициядан сўрашга мажбур бўлди. Улар ҳам тайинли бир жағоб беришолмади.

— Унақа одам шаҳарнинг бирорта ҳам бўлинмасида рўйхатга олинмаган. Ҳали икки кун ўтибди-ку, келиб қолар. Агар келмаса, яшаш жойингизга яқин милиция бўлимига ёзма аризи беришингизга тўғри келади...

Нима қилиш керак? Ким ёрдам беради? Даврбекми? Наҳотки бундан бошқа чора бўлмаса?

Ҳозир иккиланиб ўтирадиган пайт эмасди. Даврбекка сиз қоқди. Жойида экан. Тасалли берди.

— Хавотир олманг, у тегирмонга ташласа бутун чиқадиган йиғит. Юргангир бирон жойда...

— Бунақа одати йўқ эди, ҳеч бир... сўраб-суриштиринг, шитимос..

— Хўн! Албатта сўрайман. Ислаимиз. Милицияни оёққа тургимиз, — деди Даврбек. — Сиз кайфиятингизни бузманг... Мен натижасини қўнғироқ қилиб айтаман.

Хуфтон маҳали дарвоза қўнғироғи жиринглади. Афифа кўрқди. Ким бўлди? Дераздан нардани суриб, кўча томонга қаради. Иккита машина. Ёнида тўрт-беш чоғли одам. Икки

киши милиция кийимида. «Ҳойнаҳой бир хабар келтиришган», деб ўйлади. Шошиб чиқиб дарвозани очди. Тўрт киши кирди. Фукаро кийимидаги ўрта ёшли киши чўнтагидан қизил гувоҳнома чиқарди:

— Биз милицияданмиз. Субут Туробов шу ерда яшайдими?

— Ҳа, — деди Афифа ҳаяжондан антикиб, — ўзлари икки кундан бери йўқ.

— Ўзлари соғ-саломат, хавотир олманг, бир иш юзасидан вақтинча ушлаб турибмиз. Рухсат дегани: ўйларингизни бир кундан кечирсак. Мана бу — тинтув қилиш ҳақидаги рухсатнома.

Афифанинг дами ичига тушиб, тили айланмай қолди. Дўноқсиз бир суратда тинтувчиларни ичкарига бошлади.

— Бу ҳовлини яқинда сотиб олибсизлар-да, — деди гувоҳнома кўрсатган одам.

— Ҳа, — деди Афифа «Бу ҳовли бизники эмас», деб айтгани керакми-йўқми, деб ўйлади. Иккиланди.

— Чакки эмас, — деди илжайиб милиция кийимидаги ёшроқ ходим. Ўзиям бирон миллион доллар турса керак.

Афифа инамасди... бироздан сўнг ўзини ўнглаб:

— Нима гуноҳ қилибди? Қачон қамалди? — деб сўради.

— Анча миқдордаги гиёҳванд модда топишган у кишидан, — деди гувоҳнома кўрсатган қора чарм камзулли киши. — Айтгани, у кишининг гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши ёки олиб-сотиб юришидан хабарингиз бўлмаганми?

— Йў-ўқ, — деди Афифа — У киши... унақа ишлар қилмасди-ку.

— Ким билсин, дейсиз. Балким, кимдир йўлдан ургандир. Алдагандир... Камзулли киши уни анча саволга тутди. Қанақадир қоғозга қўл қўйдирди. Тинтув ярим кечагача давом этди. Тинтувчилар қидирган нарсаларини топишолмади, шекилли, анча асабийланишди. Бир-икки қоғозларни олишиб, тинтувни тугатишди. Гувоҳнома кўрсатган одам узр сўраган бўлди:

— Безовта қилганимиз учун кечиринг. Хизматчилик Хўжайинингиздан хавотир олманг. У киши дастлабки тергов ҳибхонасида. Яқин кунларда қўнғироқ қилиб қолаё керак. Мана бу меннинг телефоним. Агар бирон зарурат бўлса, қўнғироқ қилинг. Хайр!..

Афифа уларни кузатиб, дарвозани ёпди-да, айвонда ҳолсиз ўтириб қолди. Шу кўйи анча ўтирди. Юрагига қил сизмас, ҳунграб йиғлагиси келарди ю йиғлолмасди.

Дарвозанин тақрорий қўнғироғи уни ҳушига келтирди: «Яна қайтиб келиндими», деб ўйлади. «Ким у?» деб сўради. «Мен, ошакерини... деган таниш овоз эшитилди. «Даврбек! Ўрим тунда қаёққа қилиб юрибди?»

Истари истамас дарвоза дарчасини очди. Даврбек ичкарига кириб, дарчани зичлаб бекитди. Саломлашди.

— Мен... айтгани келувдим... Қамалган экан.

— Эшитдим. Келиб, уйни ҳам тинтиб кетишди.

— Нима тошишди?

— Ҳеч нарса.

— Хайрият. Шу билан зора айби енгиллашса. Айтганча... ҳовли гўғрисида ҳам сўрашдими?

— Сўранди?

— Нима дедингиз?

— Нима дейиш керак эди, — деди энсаеси қотиб Афифа. — Ростини айтдим.

— Қанақа ростини, — деб сўради сабрсизлик билан Даврбек. Афифа тушунидики, Муқимхоновни айнан шу саволнинг жавоби безовта қилгани учун чоғиб келган.

— Ҳовли меиники, унинг эримга ҳеч қанақа тегишли жойи йўқ, — дедим.

— Кейин-чи?

— Кейин... «Қанақа нулга олдингиз», деб сўради.

— Сиз-чи?

— «Бадавлат бир ошнғим совға қилган», дедим.

— Қўйсангиз-чи, ростини айтинг. Афифа, илгимос.

— Қўрқманг, юрагингиз ёрилмасин. Қариндошларимдан қарз олганман, дедим.

— Раҳмат, азизим, — деди Даврбек бироз тинчланиб. — Бу яхшилигингизни унутмайман. Мен қўрққанам йўқ. Шунчаки, ортиқча гап-сўз бўлмасин, дейман-да. Лекин бу масала билан ҳали яна қизиқишлари мумкин. Сиз «Ўзимнинг ҳам йиғиб юрган нулларим бор эди, етмаганини қарз кўтарганман», деб тураверинг. Мен ҳолангизни ҳам огоҳлантириб қўяман. Қарз берганман, деб айтади.



— Субут ака нима бўлади энди, — деб сўради Аффифа.

— Субут энди беш-олти йил қамалса керак. Гиёҳданд модда ярим килоча чиқибди сумкасида.

— Қасрдан олган экан? Яна мелисанинг ўзлари ташлаб... туҳмат қилинаётган эмасмикан?

— Кимнинг қасди бўлиши мумкин? Ўз ҳолича юрган бир журналист бўлса... Дарвоқе, кейинги пайт нима ишлар билан шуғулланаётганди? Бирон шубҳали алоқасини сезганингиз йўқми? Қасрга борди, ким билан учрашди?

— Мен қаёқдан билай?

— Майли, кўяперинг, энди гуноҳсиз бўлса, чиқади. Бўлмаса... ўтириб келадида, уч-тўрт йил. Сиз кўчада қолганингиз йўқ-ку.

Аффифа «ялт» этиб, Даврбекнинг юзига қаради.

— Яна... сиз ушлатиб берганингиз йўқми, ишқилиб?..

— Қизиқмисиз, Аффифа, нима деяпсиз? Менинг шундан бошқа ишим йўқми.

— Билмасам... У киши ҳақиқатпарвар одам-ку. Бунақа жиноятлардан ҳазар қиларди.

— Ким билсин, дейсиз. Ишсизлик... Ҳаёт мажбур қилган бўлиши мумкин. Мен бир-икки ишларга жойламоқчи эдим, сизнинг ҳурматингизга. Ўзи хоҳламади. Ор қилдимн...

— Бир одам ҳақида китоб ёзаман, яхши ҳақ тўлайди, деганди...

— Ким экан ўша одам?

— Билмадим... Сиз ёрдам беролмайсизми, у кишига?

— Майли... Сиз учун... унинг жазосини енгиллаштиришга ҳаракат қилиб кўраман... қўлимдан келганча. Энди, бир чой ичсак... Қорним жудаям оч.

— Мен ҳозир, — деди Аффифа ва ошхонага кириб чой кўйди...

Кейин овқатланишга ўтиринди. Даврбек курси устига счиб кўйилган камзулининг чўптагидан кичкинагина ясси шишани олиб, исиёлаларга ичимлик кўйди. «Йўқ» дейишига қарамай, Аффифага ҳам мажбурлаб ичирди. Сўнгра унинг кўлидан тортиб ётоқхона сари судради. Аффифа қаршилик кўрсатар, «Ахир... уят-ку, ҳеч қурса бугун қилмайлик, шу гуноҳни», деб ялинар, йиғлар, аммо Даврбек сира бўш келмасди. Уни каровотта бо-

сиб, мажбуран ечинтиринга киринди. Тугмаларини узиб, ёқаларини йиртиб юборди. «Ташвишланманг, янгисини, зўрини олиб бераман», деди ҳансираб. Афифа бундай ҳайвоний қўполликдан жаҳди чиқиб кетди. Бор кучи билан қаршилик қилди. Тирпоқларини, тишларини, тиззаю оёқларини ишига солиб ҳимояланди. Даврбек бундан бадтар жазивага тушиб, унинг юзига шана-лоқ тортиб юборди. Бу билан ҳам қаноатланмай, пешонасига зарб билан мушт туширди. Афифанинг кўзидан ўт чақнаб кетди. Каровот устига ҳушсиз йиқилди. Қутуриб кетган Даврбек унинг устидаги кийимларини юлқилаб, йиртиб ташлади. Шу аснода «Яхшиликни билмаган ионкўр, ифлос, қажжиқ», деб сўқди. Муроднинг ҳосил қилгач, юминаб «Азизим, Афифа, кўзингизни очинг», дея уни ҳушига келтиришга ҳаракат қилди. Афифа ўзига келиб, кишини ўтирди ва юм-юм йиғелади. Даврбек ҳарчанд уриниб, уни овутолмагач, саҳар қоронғисидан чиқиб кетди.

## 20

Дастлабки тергов ҳибхонасининг икки кишилик авахтасида ўтирган Субут юз берган воқеани бир бондан, совуққонлик билан хотирлаш ва таҳлил этинга уринар экан, хондошанчайини кекса одам ҳамдардлик билан сўз қотди:

— Нима бўлди, ўғлим? Қандай қилиб, тушиб қолдингиз бу ерга?

Субут дастлабки тергов ҳибхоналаридаги «тасодифий» ҳамхоналарнинг акарили айғоқчилар бўлиши ҳақида илгари кўп эшитганди. Шу бонс саволга савол билан жавоб берди:

— Аввал ўзларидан эшитсак...

— Мени... бир англашишмювчилик туфайли қамашган. Бугун ё эртага қўйворилади, жигарим. Шунинг учун уйга, дўст-биродарларга бирон хат-хабар стказини керак бўлса, тортирманг. Бундай шийтда одам-одамга маъна беришни керак.

— Жуда соз, — деди Субут ҳамхонасининг айғоқчи эканига тўла ишонч ҳосил қилиб ва сўз оҳангини «Қария»нинг гапирини услубига мослаб. — Унда сизга битта муҳим ва ўта махфий иттимос бўлади.

— Хўш-хўш, — деди «Қария» бутун вужуди қулоққа айлашиб.

— Лекин бу хавфли илтимос, — деди Субут уни «огоҳлан-тирган» бўлиб. Кўркмайсизми?

— Хотиржам бўлинг, қадрдоним, мен эҳтиёткор одамман.

— Ундай бўлса, яхши экан. Сиз озодликка чиққанингиз заҳоти тўнна-тўғри «Фуар», деган фирмага борасиз. Манзили — марказда. «Хиёбон кўчаси, 17.» Эслаб қолдингизми? Демак, ўша ерга бориб, фирма раҳбари, муҳтарам, Абдуҳалим Зоҳидий жанобларига учраб айтингки, Субут Сокин исмли жондан азиз биродарингиз бир аблаҳ кимсанинг туҳмати туфайли қамоққа олинган, лекин Субут Сокин ўша аблаҳнинг кирди-корлари ҳақида етарли маълумотларни тўилаб, иншончи жойга беркигичинга улгурган экан, агар яқин кулар ичида чиқариб олмасангиз, ўша маълумотлар тегинли жойларга етказилар экан, деб айтинг.

— Сизни қаматган киши ўша Зоҳидий жанобларими? — деб сўради «Қария».

— Бунисени билмадим, — деди Субут «қария»нинг «зийрак»лигидан кулиб. — Ҳарқалай... Зоҳидий қудратли одам. Иста-са, оқлатиб, чиқартириб юбориши мумкин-да.

— Э, йў-ўқ, — деди «Қария», — Сиз агар унга шайтаж қилмоқчи бўлсангиз, бу нинга мен аралангирмаганингиз маъқул. Бу — чиндан ҳам хавфли иш.

— Мана, кўрдингизми, савоб иш қиламан, дейсизу кўлингиздан келмайди-да, — деди Субут фикриниб. — Аслида бу ерга тунишимга ҳам сизга ўхшаган бир «халис» одамнинг «савоб иши» сабаб бўлди.

— Кўйинг, шаккоклик қилманг, ука, — деди «Қария» анча бўшашиб, — савоб йўлида қилинган ишдан ҳам одам қамаладими?

— Тўғри айтасиз, ўша одамда аслида гуноҳ йўқ. У ҳам Сизга ўхшаб кимнингдир илтимосини бажарган, холос.

— Тушутириброқ гапиринг, агар сир бўлмаса.

— Нимаси сир бўларди. Кўчада бир нотаниш одам учраб, «Мана буни адолатпарвар халис бир киши сизга бериб кўйишимни сўради, бу ерда Сизни қизиқтирадиган ҳужжатлар бор экан», деб елим халтага солинган қоғозлар бериб кетди. Очиб кўраман, дегунимча ғойиб бўлди. Милиция ходимлари пойлаб

туришган экан, келиб ушлашди. Елим халтада ярим килоча геронн бор экан. Тамом. Бор ган шу.

— Айтмадингизми, «Биров бериб кетди», деб.

— Айтишга-ку айтдим. Аммо бунга улар ишюншмалыгтида. Эҳтимол, ўша нокас ўзларининг одамидир.

— Йўғ-е, бизнинг милиция бунақа ножоиз ишлар билан шуғулланмаса керак.

— Мен ҳам шундай, деб ўйлайман, — кулди Субут. Кейин жиддийлашиб, ўйланиб деди:

— Ростдан ҳам, Зоҳидийнинг одамлари милицияни ҳам алдаб, бу ишга аралаштирган бўлиши мумкин. Ҳарҳолда, агар шундай бўлса, мен илгаридан кўриб қўйган бир чора... натижасини бериши мумкин. Аксинча бўлса, фойдасиз.

— Қанақа чора кўргандингиз, — деди ясама эътиборезлик билан «Қария».

— Буни ҳозирча айтолмайман... Ҳарқалай, сиз мабодо тасодифан, Зоҳидий ёки унинг одамларидан бирортасини кўриб қолсангиз, айтинг. Мен барибир оқланиб чиқаман. Ўшанда уларга ёмон бўлади. Жудаям ёмон бўлади.

— Зоҳидийни қудратли одам, деярсиз-ку. Унга кучингиз стармикни?

— Ўзимники етмаса... Зўрдан ҳам зўрроқлар бор, отам...

Авахта энинги шарақлаб очилди. Субутни терговга олиб чиқишди...

## 21

Даврбек Муқимхонов бирон марта ўзидан ташаббус кўрсатиб, Зоҳидийга қўнғироқ қилган эмасди. Бугун шундай қилишга тўғри келди. Зеро, бунинг кечиктириб бўлмайдиган сабаби бор эди.

Унинг «Холроқ жойда учрашайлик» деганига жавобан Зоҳидий «Дала-ҳонлимга келаверинг, қипи, одам сийрак, ким кўриб ўтирибди» деди. «Майли, кечқурун ўтаман», деди Даврбек ва хаёлида учрашув тугагач, Афифанинг ҳузурига кириб, «Яраш оши»ни ишчиришни мўлжаллади.

Шом қоронғисида шаҳарчага кириб борар экан, «Чиндан ҳам қинда хилват жой — бу», деб ўйлади. Зоҳидийнинг уч

қаватли қизил конюнаси сиртдан қора совуқда жуижикиб тургайдек кўрипса ҳам, ичкарида баайин баҳор эди. «Қишки боғ» деб аталувчи кеиг, баланд ва ёруғ ойпаvand айвон ичи иссиқ, теvarакда деразалар ёнида ўсиб ётган лиму, нальма, шамшод дарахтларидан анвоёи ҳидлар таралади. Ўртада икки кишилик тўкин дастурхон тузалган.

— Аввал мана бу винодан ичамиз, — деди салом-алиқдан сўнг Зоҳидий. — Фараигистондан Сизга атаб махсус олиб келтирдим. Айтишларича, Шарль Де Голь фақат мана шунақасидан ичган экан.

— Дидингизга гап йўқ, Абдуҳалим ака, — Даврбек. — Инлашни ҳам, яшашни ҳам сиздан ўрганиш керак.

— Учаликмас, тақсир, ўзларининг мадад ва рағбатлари бўлмаса, бизнинг хонумонимиз бир нул.

— Ана шу гапингизга борман-да, айрим калтабин корчалонлар чўнтагига беш тапга нул кирса, босар-тусарини билмай унутиб кўйишадди.

— Ундайларнинг ҳолига вой.

— Дарвоқе, эивитдингизми, «Ҳамқишплогингиз» бўлмиш ижодкор дўстимиз бир ножўя иш қилиб қамалиб қолибди.

— Сал-пал қулоғимга чалингандай бўлди. Лекин нега, нима учун, суриштирганим йўқ. Биласиз-ку, мен бунақа нарсаларга қизиқмайман.

— Сиз-ку, қизиқмайсиз, лекин унинг охириги найтларда... сизнинг фаолиятингиз билан қаттиқ қизиқиб қолганини ҳойнаҳой... билсангиз керак.

— Шунақа эканми... Қдранг-а... Мен бир бандан ожиз, оддий тадбиркор бўлсам. Нимамга қизиқар экан бунчалик?

— Абдуҳалим ака, — деди Даврбек ўнкалаган оҳангда, — ўзингизни соддаликка соласиз-а? Ахир, бизлар яқин, сирдош одамлармиз-ку. Мен билан бир оғиз маслаҳатлашмабсиз-да... Арининг уясига чўп суқиш шартмиди... бошқа силлиқроқ усуллар ҳам бор-ку.

Зоҳидий жилмайди.

— Даврбек, азиз биродарим, Сиз жудаям раҳмдил одамсиз. Бу оддий одам учун бебаҳо фазилат. Бироқ ҳокимият вакили учун бу фазилат қусур ҳисобланади. Ўзинга, улгайишга хала-

қит беради. Агар менинг ожиз маслаҳатимга қулоқ солсангиз, бу қусурдан қутулмоғингиз керак. Аслида апави аёлга кўшиб бу ифлос исковуч кўшпақни, қўнол гапим учун узр сўрайман, бундай тоза кошонага киргазиб қўйганингизга тушунолмадим. Яна бир карра узр сўрайман. Ит семирса, эгасини қонади. Ул нобакор сиз учун ҳам тобора хавфли бўлиб бораётганини биллиб қолдим. Ўзингиз сезмадингизми?

Зоҳидийнинг насихат, гамхўрлик оҳангидаги ўлка-гинаси Даврбекка валенсѣматнинг койини бўлиб эшитилди ва бироз малол келди. Шу боис сал баладдан келиб ганирди.

— Эҳ, акам-эй, Сиз ўйлайсизки, бизлар шундай иозик идораларда... қўл қовуштириб, оғзимизни очиб, анқовланиб ўтирибмизми? Ўша «нобакор»ингизни матбуотдан четлаштиригунча озмуича азият чекдимми? Билсангиз, агар ўнаининг аламига яхнинггина битта газетани ёниб юборинга ҳам тўғри келди. Ҳамма гап шундаки, тақдирнинг бематни бир тасодифи туфайли менга қарашли бир аёл унинг ихтиёрига ўтиб қолган. Шу боис уни анвал индан силлиққина қилиб четлаштирини, сўнгра аёлдан қонуний ажратиб, нировардида, пойтахтдан чиқариб юборинини мўлжаллаётгандим. Сиз бўлса, уни... Энди узоқ вақт сасиб юради.

— Сасиб қайга борарди.

— Афжуски, унинг «саслиғини» ҳидланга тайёр доирлар бор... Улар сизни ҳам, иложини топса мени ҳам еб-ютинини истатади.

— Агар бир кўча безорининг қамалини ишпачалик мураккаб муаммолар келтириб чиқарадиган бўлса... Мазкур кўргайсиз. Мен бу томонларини ўйламабман.

— Майли, қўяверинг энди, бўлари шу бўлибди. Эҳтимол, аиа шу ҳолатдан самарали фойдаланиш имконини топармиз. Айтинг-чи, дала-ҳовлининг сотилини билан боғлиқ ҳужжатлар пухта эдимми?

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Ҳаммаси жойида. Соҳибжамол асиранингизга уни она сутидай ҳалол қилиб берганмиз. Аммо... рағжимасангиз бир гап айтардим.

— Хўш-хўш...

— Ўша аёл чиндан ҳам гўзал экин. Дидингизга қойил. Аммо... Сиз унга уйланмасангиз керак ҳарқалай?

— Нима эди?

— Демокчиманки, мен қиёматлик акангиз сифатида сизни ҳали бундан ҳам юқори мартабаларда кўришни орзу қиламан. Шу йўлда етса, молим, етмаса, жонимни-да харж қилишга тайёрман. Бинобарин, тўғри тушунинг, Сиз тагли-тугли бир онладан қиз олмаганингиз керак. Нечоғлиқ париваш бўлмасин, бу балчиқда ўсган гулдан воз кечмоғингиз керак.

— Ўзингиз ҳам ошиқ бўлиб қолмадингизми мобо, — кулимпраб сўради Даврбек.

— Ошиқ бўлса, арзийдиган даражада гўзал. Аммо...

— Бу қадар улуғлаб, қимматбаҳо кошонани тухфа этиш керак эмасди, демокчимисиз? Дала-ҳовлига ичингиз ачидими?

— Асло, асло! Бу ҳовлини ўзим танаббус кўрсатиб, чин юрагимдан Сизга тақдим этганман. У — Сизиники. Хоҳланг сoting, хоҳланг бузиб танланг, ихтиёрингиз. Бироқ... катта лавозимларга лойиқ, келажаги порлоқ бир йигитнинг, буни устига бўйдоқ кишининг келиб чиқини нотайин бир аёл билан очиқ-ошкора муомала қилиб юрини ножоиз демокчиман... Сиз ҳозир фақат ўсин ҳақида ўйлашингиз керак.

— Кўнглингизнинг яқинлигини қаранг, ўзим ҳам шу тўғрида ўйлаб юргандим. Аслини сўрасангиз... таширфимнинг бонеси ҳам... Хулиас, яқинда туманимизда юқори бир лавозим бўнади. Шунга маънавий маслаҳат ва моддий мададингиз керак.

— Баракалла! Мана энди буни ҳақиқий эркакча мулоқот деса бўлади. Ганини нундан бонилмайсизми? Қанақа инн? Қанча билан ҳал бўларкан?..

Зоҳидий Даврбекнинг узундан-узоқ кириш сўз билан бошланиб, эгалланини лозим бўлган масъул лавозимнинг мамлакатда бизнес ва тadbиркорликни, ички ва ташқи савдони ривожлантиришдаги беқиёс аҳамиятини муфассал исботланга қаратилган ёрқин нутқини сабр қилиб эшитди. Нотиқ ўз сўзининг хулосасида агар у мазкур лавозимни эгалласа, Зоҳидийнинг фирмалари бир неча вилоятдаги ишлаб чиқариш, ички ва ташқи савдонни тўласинча ўз назорати остига олиши муқаррар эканлиги ҳақидаги аниқ-равшан маълумотлар ва рақам-

ларни келтирди. Англашилдики, эртага кўриладиган мўмай ва мутгасил даромад қоншда ҳозир сарфланадиган арзимас миқдордаги маблағ – денгиздан томчи, холос.

Даврбек тилга олган «арзимас маблағ»даги поллар миқдори бармоқлар сонидан салгина кўн эди. Шу боис, Зоҳидий бир муддат ўйланиб қолди. «Масалани ҳал қилувчи томон ишончлими, ишқилиб», деб такрор сўради.

— У киши билан биринчи марта иш қилаётган эмасман. Унлаган жойини кесадиган «коикрет» одам, — деди Даврбек.

— Ундай бўлса яхши, — деди Зоҳидий кайфияти анча насайганлигини сездирмасликка уришиб. — Бу маблағни-ку сарфлашга сарфлаймиз. Аммо ҳарқалай, биласиз, бу тижорат аҳлида «кафолат» деган бир гап бор.

— Менинг эркакча сўзим кафолат бўлолмаса... Сиз менга ишюмас экансиз-да! — деди Даврбек ўпкалаб. Бундан Зоҳидий кулди. Ичидаги иккиланишини енгди. Қувноқ гапирди:

— Ҳай-ҳай! Нима деярсиз? Сизга мен ўзимга ишонгандан кўнроқ ишюаман-ку. Бунга неча марта қапоат ҳосил қилганман-ку. Шунчаки сўрадим. Кўнглингизга олмиш. Айтган маблағингиз эртага нешингача тайёр бўлади.

Даврбек яйраб кетди. Зоҳидийни жон-жаҳди билан бағрига босди. Юзларидан «чўли-чўли» ўнди. Елкасига бошшини кўйиб «Сиз менинг отамсиз, отамдан ҳам азиз ишонсиз», деб ишвирлади. Шу ишвирлаш баробарида кўнгли юмшаб кўзидан икки қатра ёш ҳам чиқди. Ишвирланиши давом эттириб: «Мен ҳам сиздан ҳеч нарсени, керик бўлса, жонимни ҳам аямайман», деб юборди. Бундан эса, найт пойлаб турган Зоҳидий бағоят усталлик билан фойдаланиб қолишга уриди. Кулиб:

— Шу гапингиз ростми? — деб сўради.

— Худо ҳаққи! Қасам ичайми? — деди.

Даврбек бошнини валлишъматининг елкасидан олиб, кўзларига тик қаради.

— Қизикмисиз, укажоним, қасамнинг нима кераги бор? Ҳозирча биттагина илтимосимни бажарсангиз бас...

— Қанақа илтимос экан, кўлимдан келса...

— Кўлингиздан келади, — деди Зоҳидий овозини насайтириб. — Фақат... Хафагарчилик бўлмасин...



— Хафа бўлган номард, айтинг, — деди Даврбек юраги шувиллаб.

— Анави.. Соҳибжамолни... бизга бир оқиномга ҳади эсангиз...

Даврбек сувга тушиб кетган мушукдек нафаси чиқмай қолди. Ҳйланди, каловланди, ичида қарама-қарши туйғулар тўқнашди. Ахийри, у туйғуларнинг қайси биридир тақдирга тап берди. Даврбек кўзлаётган курсисини эгаллаш учун, бундан ортиқроқ шарт бўлса ҳам бажаринишга тайёр эди. Шу бонс бу «илтимос» нақадар ҳақоратли туюлса ҳам сир бой бермади. Ҳзини ўнглаб, қадаҳга қуйилган винони кўлга олар экан, ясама фожиаали овозда хитоб қилди:

— Буни Шарль Де Голь ичган, дегандингизми? Ҳша Шарль Де Голь айтганми ё бошқасими «Сиёсат ва муҳаббат баҳсида, муқаррар иккинчиси қурбон бўлади», деб. Олинг, ака! Олинг, Ҳша соҳибжамол сиздан айлансин!

Сиёсат, тижорат ва муҳаббат мавзусидаги бу мулоқот ана шу нуқтада ниҳоясига етди.

## 22

Субут ёнроқ терговчи қаршисида ўтирар экан, ҳалиям хотиржам эди. Бу хотиржамлик бонси ҳибсини нафақат киноларда, балки иши давомида хизмат юзасидан амалда ҳам кўн марта кўргани, маҳбуслару терговчилар билан иеча бор суҳбат қуриб, кўзи иингани учунгина эмасди. Бунинг бошқа қизиқ бир сабаби ҳам бор эди. «Фуар» фирмаси фаолияти билан қизиқа бошлаганидан кейин орадан кўн ўтмай унга ёш бир йингит учраган, аввалига яхши гаплар ганириб, «Бу бефойда машгулотни бас қилиш лозимлигини» маслаҳат берган. Субут рози бўлмагач, ҳали ёзилмаган мақола учун анчагина миқдорда «қалам ҳақи» таклиф этган, унга ҳам кўнмагач, «шоҳини қайириб қўйишлари мумкин»лигини айтиб таҳдид қилганди. «Майли, — деганди Субут, — пенонада борини кўрарми». Сўнгга уйга келиб анча ўйлаган, ишма қилишлари мумкинлиги хусусида тахминну фаразларини таҳлил этганди.

«Битта мақола учун ўлдириб юборишмаса керак. Янаям ким билади. Қайси йили прокуратуранинг ёш терговчиси тик оёқдан

ғойиб бўлди. Айтишларича, оддий жинойт ишлардан бирини тергов қилаётиб корчалолардан бирининг катта миқдордаги «ўмарин»ларига дуч келиб қолган ва уни қамоққа олишга ҳозирланаётган экан. Мен терговчи эмасман-ку. Қолаверса, Зоҳидий ҳам ҳали бутун бонли бир одамни ўлдириб юборадиган даражадаги қудратли шахе эмас. Кечагина вилоятлардан бери келолмай юрган ўртача бир тижоратчи. Лекин... Унинг пойтахтта келибоқ, ўзининг энг яқин ҳамкори, ҳатто устози бўлган бир одамни эиндан маҳв этгани унинг «Келажаги норлоқ» эканлигини кўрсатиб турибди. Тўғри, Зоҳидий бу амалиётни бевосита ўзи бонқармаган. Лекин шу қадар усталик билан ин тутганки, кун кеча шаҳарнинг устуларидан бириман, деб юрган одам бир кечада тахта-ўқлогини йиғинтириб ғойиб бўлишдан бошқа чора тонолмаган. Субутнинг суриштирувлари давомнда маълум бўлдики, қўшни давлатдан транзит қилиниб, Голландияга жўнатилаётган бир неча вагон юк орасида катта миқдордаги гиёҳванд моддалар тонолади... Хуллас, Зоҳидийнинг «Усто»и фақат қочиб жон сақлаш мумкинлиги аён бўлиб қолади. «Жилин»нинг айтишича, ўша «юк» аслида атайлаб уюштирилган «ўйин» ҳосиласи ва бу ўйиннинг асосий ташкилотчиларидан бири Зоҳидийдир. Айни пайтда «Жилин» Зоҳидийнинг «Панжасига панжа урмоқ» анча хавфли эканлиги ҳақида огоҳлантирганди. Дастлаб унга унчалик эътибор бермаган Субут телефон орқили қилинган такрорий таҳдиддан сўнг калласи ишлаб қолди...

«Муҳтарам жаноб прокурор!

Ушбу мактубни муҳим бир иш юзасидан журналист текшируви ўтказаятган пайтда ёзинга мажбур бўлдим. Чунки суриштирув жараёнида таҳдид ва қўрқитишларга дуч келмоқдаман. Агар яқин кунларда мен «Гиёҳванд модда, террорчилик гуруҳига аъзолик тўғрисидаги ҳужжатлар ёхуд ўқотар қуроллар сақлаш, сотиш, тарқатишда айбланиб» қамоққа туниб қолам, бунига ҳолисона ва қонуи ёндошиб, туҳматчиларни ҳаққоний жазолашингизни сўрайман. Мабодо... Яна ҳам жиддийроқ кор-ҳол юз берса, мен суриштирув давомнда тўнлаган маълумотлар ва шу асосда ёзган мақолани сизга келтириб берилади. Сизнинг профессионал қатъиятлингизга ва инсоний ҳалоллигингизга инюнаман.

Ҳурмат билан Субут Сокии.

P.S. Ушбу мактубнинг нусхасини ҳар аҳтимолга қарши «Эл садоси», «Гартиб» газеталари таҳририятлари бои муҳаррирларига юборилди.

Имзо».

Субут мактубни уч нусхада кўчириб, алоҳида конвертларга солди ва манзилни ёзиб, эрталаб шаҳар марказидаги почта қутиларига ташлади...

Терговчининг дастлабки сўроқлари чоғида мактублар ҳақида айтсамми-йўқми, деб анча ўйланди. У ўзига иисбатан уюштириладингн тухмат бу қадар тез ва анчайин жўн бўлишини кутмаганди. «Аҳтимол бу муқаддимасидир. Шу бонс ҳозирча, индамай туриш керакмикан...»

Терговчи Субутнинг ушбу елим хатжилднинг нотаниш бир киши бериб кетгани ҳақидаги ганиши индамай эшитди. Кейин бепарво оҳангда:

— Кўчада учраган одам кўлингизга нарса тутқазса, олаверасизми? — деб сўради.

— Бу тухмат усталнк билан уюштирилган, — деди Субут. — Ган шундаки, мен бир мақола юзасидан маълумот тўплаётгандим. Илгарироқ бир танишимдан шунга алоқадор баъзи ҳужжатлар олганман. Бу одам менга бу қоғозларни ҳам ўша танишим бериб юборганини айтди. Ҳақиқатан ҳам ўша танишим менга бир кун олдин кечкурун кўнғироқ қилиб, шонилинчда сафарга кетаётганини, кўлидаги янги маълумотларни ишончли одам орқали етказинини айтганди...

— Тушунадим... Демак, ўша «Ишончли одам» амалда ишончсиз бўлиб чиққан, шундайми?

— Йўқ, ундай эмас. Бу одам сал илгарироқ келган... Демак, булар танишим билан бўлган суҳбатнинг мазмунидан хабардор бўлишган.

— Ўша танишингиз ҳаммасини тасдиқлай оладими? У ким, қаерда ҳозир?

— У одам — чет элга сафарга кетган. Келади. Лекин... Уни... ростини айтсам исми-шарифини сўрамаганман.

— Ана ҳоло! Таниш бўлар эмингу исми-шарифини билмас эминсиз... Қизиқ-ку, шонр ака!..

Одатда ҳуқуқшунос халқи матбуотга, адабиётга анчайин яқин, мофил, ҳатто ишқибоз бўлади. Бахтга қарши буниси истисно экан. Субут аввал бошдан ўзини журналист, мухбир, деб таништирган бўлишига қарамасдан, терговчи унга нуқул «Шоир ака», деб анчайин масхариомуз оҳангда мурожаат этар ва бу билан асабини қитиқларди. Устига-устак мана шу гани яна ҳам ошиб тушди:

— Шоир халқи ичкиликка муқкасидан кетишини яхши билардим. Аммо нашавандини биринчи учратим. Одатда улар камбағал бўлишади. Висонинг ҳам арюнини ичишади. Сиз... олдин бир хатжилдининг орасида ропша-роса ярим кило тоза геронини жойлштириб, яна ўзингизни соддаликка соласиз-а! Янаш шаронтингиз ҳам шоирларникидан анчагина фарқ қилди. Бунақа муҳташам дала-ҳовли унча-мунча миллионерларда ҳам йўқ ...

— У дала-ҳовли мешки эмас...

— Кимники? Хотинингизникими? Хотинингиз кимники бўлмаса?

Субут қизариб кетди. Ҳаяжонланди.

— Ҳовли... хотинимнинг холасиники... Ўзи ҳам айтган бўлиши керак.

— Айтганим-айтмаганим, биламиз бунақа ўйинларини, шоир ака! «Ҳовли холамники, машина тоғамники» деган фокусларини кўн учратганимиз. Текшириб кўрдик. Хотинингизнинг холаси, муҳтарам Шаҳиншаники, аниқроғи, Шаҳар Маткаримовна яқин орада ҳовли сотиб олмаган. Бунинг ўзиям тасдиқлади. Қолаверса, ҳошир муҳими бу эмас. Муҳими ярим кило геронини қандай қилиб кутша-кундуз кунини қўлтингизда пайдо бўлиб қолди? Ана шундан гапланайлик...

Субут бу терговчига ган уқтириб бўлмаселигини тунди. «Шундай бўлгач, прокурорга ёзган хатим ҳақида унга гапириб ўтиришнинг нафи бормикан», деб ўйлади. Ишонмаса-чи, «Бунинг ҳам ўзинг атайлаб қилгансан», деса-чи?

— Боринг, хонаинизга бориб, танингизга яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳаммасини ўз ихтиёрингиз билан бўйинингизга олиб, терговга кўмаклашсангиз, гуноҳингиз енгилланади, — деди терговчи.

Субут қўлини орқасига қовуштириб, назоратчининг олдига туниди... Уни энди бошиқа камерага қамашди. Буниси анча кенг, олти кишилик экан. Субут янги шароит, янги ҳамхоналар билан танишиб улгурганича, беш-олти кун ўтиб кетди.

Бу орада дастлабки муҳлатлар битиб, Субутга айб эълон қилинди. Терговчининг бошиқа муҳимроқ яна бир терговчи бор экан. Асосан ўша «ини» билан шуғулланар, Субутни эса икки-уч кунда бир чақириб, «Қалай, шонр ака, ижодлар бўлаётими», деб сўраб қўяр, кулар, аччиқлалар, узундан-узоқ насихат қилиб, ҳаммасини яхшиликча бўйинга олсин кераклигини уқтирар эди.

Субут бир сафар «Мен прокурор номига бир хат ёзгандим», дея ган бошлаган эди у кулоқ ҳам солмади. «Менга деса ўнта хат ёзмайсизми», деди. Кейин кутилмаганда столни муштлади:

— Факт на лицо-ку! Нимага бошини қотирасан, ў, тарана! Барибир кетасан, ўн йил! Ўжарлик қилмай бўйинингга ол-да, бориб ётавер судгача мазза қилиб!

Субут ҳибсининг биринчи кунини суҳбатлашган ҳамхонасини эслади. «Ўшанга айтарли эътибор қилмабман-да. Зоҳидийга бир хат ёзиб, бериб юборини керак экан. Ҳайтовур ганларимини етказган бўлса керак. Энди Зоҳидийдан бир нажот. «Ўжар»чи, у қайтиб келдимикан? Келган бўлса, шима чора қиларди? Улардан ёрдам кутини бефойда. Нажот – Зоҳидийдан! Унинг бу ишлардан мақсади ўз шаънини сақлаш бўлса, Субутнинг таҳдидига жавоб бериши керак. Агар...

Наҳотки прокуратурага ёзилган хат беиз кетди. Таҳририятлар-чи? Муҳаррир яхши одам-у кўрқоқроқ. Бунақа жанжаллардан узоқроқ юринини маъқул кўрган бўлиши мумкин. Бироқ «Тартиб» газетасиники анча дадил йиғит. Наҳот хатини олгач, ҳеч бўлмаса бир суринтириб кўрмайди.

Субут ўйларининг охирига етмасди.

## 23

Савқин табиий бор парса дейдилар. Субут Соқини ҳибехонада ўз мактубларини тақдирини ҳақида ўй суратган лаҳзаларда «Матбуот уйи»да жойлашган иккита пуфузли газета бонини муҳаррирлари ҳукумат телефони орқали ғалати бир маззуда музокара

юритмоқда эдилар. Суҳбатнинг баёни қўйидагича: «Гартиб» газетаси муҳаррири «Садо» раҳбарига сим қоқди.

— Салом ва табрикларимни қабул қилгайсиз, фельетон зўр чиқибди.

— «Қалам учидagi заҳар»ми?

— Балли! Офарини! Ўзиям... тешиб қўйибсиз, акашон!

— Энди... мен сизга айтсам, бу фельетонни беришдан олдин анча кун мулоҳаза қилдим. Ҳарқалай... Собиқ бўлсам... ҳамкасбимиз-да! Аммо адибларимиздан бири зўр гап айтган. Ижодкор халқи битлаган пайтда битини ҳам одамларнинг кўз ўнгиди ўлдиради, деб. Қолаверса, ибратли бир ўрис нақли ҳам бор: ўзингникини ур, токи ўзгалар кўрқсин!

— Сиз ўзи Субут Сокинин илгари яхши бишармидитиз?

— Билганда қандоқ! Бир мақоласини босиб бошим балоларга қолиб кетганди. Кейинроқ унинг бир мақоласи касрига бутун бошли бир газета ёнилиб кетган, эинитгандир-сиз?

— Эинитгандим. «Коррупциянинг илдизи қасрда», деб номланарди, адашмасам. Ўқиганман!

— Худди ўзи! Уша мақолада «Айрим бош муҳаррирлар ҳам пора эвазига булортма мақолалар чош этади», деган жумлалар ҳам бор эди. Эсингиздами?

— Эсимда... Ишқилиб... «Қалам учидagi заҳар»ни ҳам айрим оғзига кучи етмаганлар ўшанақа мақолалардан, деб юришмасмикан, ишқилиб?

— Ие, укашон, бу нима деганингиз? Ўйлаб гапираяисизми? «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», деган халқ мақоли бор-а! Биласизми?

— Билишга-ку биламан, лекин қўлимда Субут Сокинининг бир мактуби турибди. Ҳозир олдим. Шапкатли почтачиларимизнинг марҳамати туфайли атиги бир ҳафта кечикиб келибди. Бу хатнинг бир нуехаси Сизга аталган. Эҳтимол кечикиб Сизга ҳам вақтида етиб бормаган. Олмадингизми?

— Қанақа мактуб экан? Нима дейди?

— Мактубни Сокин қамалишидан бир кун олдин жўнатган. Унда ўзига нисбатан таҳдид қилинаётгани, туҳмат қилиб қаматишлари мумкинлиги ҳақида ёзган...

— Йўқ-йўқ. Мен унақа хат олганим йўқ. Олганимдаям дарҳол ишонишга шошилмаган бўлардим...

— Мен ҳам ишонишга шошилаётганим йўқ. Лекин хатининг биринчи нухаси прокурор жаноблари номига юборилган. Ҳозир у киши менга қўнғироқ қилиб, бу хат ҳақида фикримни сўради. Ҳойнаҳой Сизга ҳам қўнғироқ қилиб қолади.

— Нима фикр билдирдингиз?

— Мен «Чиндан ҳам тўхмат уқштирилган бўлиши мумкин», дедим. Шунақа дедиму кейин фельетонни кўрдим. Энди ўйланиб ўтирибман. Фельетонда ҳаммасини ишончли қилиб ёзибсизлар...

— Энди ука, биз фақат фактларга асосланганмиз. «Фактлар ўжар бўлади», дейди инглиз мақоли.

— Тўғри-куя. Аммо ҳали суд бўлмасдан бериб юборилиши... сал ғалати.

— Нимаси ғалати экан, нимаси ғалати? Тўғри, суд ҳукми чиқмагунча «Айбсизлик презумпцияси» бор. Лекин бу ерда «факт на лицо», деганларидек ҳаммаси исботланган. Майда нашафуршушлардан бири «Гиеҳванд молдаларни муттасил шу одамдан кўтара олиб, майдалаб сотардим», деб кўрсатма берган. Умуман Субут Сокинининг героин савдоси билан муғтазам инуғуллаганини билвосита исботловчи бошқа далиллар ҳам бор: яқингинада хотинининг номига данғиллама ҳовли-жой сотиб олган. Ўзингиз ўйланг: ишсиз юрган бир қаламкаш «дворянлар уяси»дан бир неча ўн миллионга баҳоланадиган қаср харид қилиши бу ўзи бўладиган иш эмас-ку? Фельетонни диққат билан ўқидингизми?

— Ўқидим, ўқидим... Хуллас, нима деб маслиҳат берасиз? Прокурорга қўнғироқ қилиб «Мен адашган эканман, у одам тўхмат қурбони эмас, чинакам жиноятчи», деб айтайми?

— Билмадим, билмадим, ука! Виждонингиз садосига қулоқ тутинг. Менга қўнғироқ қилса, «Фельетондаги гаплар тамоман тўғри», деб айтаман. Сизга маълумот берган терговчига юз фоиз ишонамиз, дейман.

— Раҳмат Сизга!

— Саломат бўлинг!..

Проккурорга «Садо» муҳаррири ўзи сим қоқди. «Аллақандай хатнинг мавжудлиги жиддий газетада чиққан жиддий ма-

қолани йўққа чиқаришга асос бўлмаслиги»ни тушунтиришга киришди. Прокурор босиқлик билан койишди.

— Подадан олдин чағ чиқариш керак эмас эди, жаноб муҳаррир, — деди. — Гаи бир томондан инсон тақдир ҳақида, иккинчи томондан прокуратуранинг маъни ҳақида бораётир. Мен мухбирингизга маълумот берган ходимимизни терговдан четлатдим.

— Кечирасиз, дўстим, — деди бош муҳаррир бўш келмай. — Биз подадан олдин чағ чиқарганимиз йўқ. Биз факт ҳақида, содир бўлган ҳодиса ҳақида ахборот бердик, холос. Биз Субут Сокии — жиноятчи, деб ҳукм чиқарганимиз йўқ. Биз у жиноят қилишда айбланаяпти, деган хабарни тарқатдик, холос. Бунинг қонуи қоидага зид келадиган жойи йўқ. Агар Сиз Субут Сокиининг жиноят қилмаганини исботлаш олмаганига у у оқлаиса, марҳамат, биз бу ҳақда ҳам хабар берамиз. «Ошиқоналик — тараққиёт гарови» деган улуғ арбоблардан бири. Инч бир ҳолатини эътиборга олишингизни сўрайман. Биз Субут Сокиини ўз қавмимизни, яъни ҳамкасбимиз, деб ўтирмадик, баъзи биронларга ўхшаб. Биз учун ҳақиқат ҳамма нарсадан устун. Суқрот домли айтганларки, «Афлотун меннинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан устунроқдир!»

Прокурор гапшуносликда бу одамга бас келолмаслигини тушуниб, суҳбатга якун ясади.

— Ҳақиқат биз учун ҳам муҳим, домла, шунинг учун бу ишни энг тажрибали терговчилардан бирига топширдик. Сизга эса, маъмули суҳбатингиз учун ташаккур!

## 24

Қин зантига ола бошлади. Қор устига қор ёғар, тоғ тарафдан аччиқ изғирин эсар, шу боис иситини тизими нақадар мукамал бўлишига қарамай, ҳанамамли «Қор сарой» сопуқ. Афифа кичикроқ хоналардан бирида, камин қаршида овқатларини оловга тоблаб, ион қавшаб ўтирибди. Бозорга тушиб, улбул харид қилиш ва овқат тайёрлашга хуши ҳам, пули ҳам йўқ. Ўзининг бундай аҳволига гоҳ кулгиси, гоҳ йиғлагиси келади. Сўнгги пулларини харж қилиб, Субутга есиқ ички кий-



им, жун найшоқ олди. Назоратчи орқали хат билан киритди. Ишқилиб, етиб борган бўлсин.

Даврбек бир ҳафта буруи хорижий сифарга кетган. Жўнаш олдидан қўнғироқ қилиб «Учрашамиз, бораман» деди. Афифа Даврбекнинг ўша кунги ҳайвонсифат қилиғини эслаб юрагига қил сизмай турган бўлса ҳам «Майли», деди. Сабаби, келса Субут ҳақида бир дарак сўрайман, деб ўйлади. Кун бўйи Даврбек билан бўлажак мулоқот режасини тузди. «Нима бўлса ҳам Субут акамни қутқаришим керак. Агар бунинг учун ундан айрилиб, Даврбекнинг никоҳсиз хотинига айлаишига тўғри келса ҳам. Даврбек мени никоҳига олмаслиги тайин. Чунки яқинда қўнни аёллардан бири қизиқ гап айтди: «Эшитдингизми, Даврбек Муқимхонов яна кўтарилибди. Яқинда қайсидир бир каттаконининг бева қизига уйланаётган эмиш». Афифа учун бу хабар дастлаб нажот садоси бўлиб туюлди. Энди мени тинч қўй, деб ўйлади. «Бу Даврбек акамга нуқул катталарнинг бева қизлари тайёр турир экан-да», деб ўзинча кулиб ҳам қўйди. Бироздан сўнг негацир аччиқлана бошлади. «Тайини борми ўзи бу одамнинг» деб ўйлади. Яна ўйладикки, Даврбек яна неча бор, қанақа каттаконнинг қизига уйланмасин, барибир Афифани ўз ҳолига қўймайди... Ҳозирча... шунақа бўлгани яхши эмасми? Шундан фойдаланиб, Субутни қутқарини мумкин. «Агар Субут акамни оқлаб берсангиз, буткул Сизникиман», деб айтди унга. Ва шу шартни бажарса... Афифа Субутдан талоғини олади. Чунки унга хиёнат қилиб янашани истамайди. Майли, Афифа яна эрсиз қолсин, яна сизил аёл номини олсин, ҳарқалай Субут қутулиб чиқади-ку. Терговчининг айтишича, иш судгача бора унга ўн беш йил берилиши мумкин экан... Шу тонда Субутни ҳимоя қиладиган, унинг учун елиб-югурадиган бирор одам йўқ-ку, Афифадан бошқа. Афифанинг қўлидан эса фақат ўзини қурбон қилиш келади, холос...

Даврбек ўша кун келмади. Кечроқ сим қоқиб, шонилнинг жўнашга тўғри келганини айтиб, узр сўради. «Айбимни па охириги учрашувдаги гуноҳимни ажойиб совға олиб келиш билан ювамани, кутинг», деди.

Бугун у келиши керак. Афифа бир хаёли «Холамдан иул олиб, дастурхон тузасамми, деб ўйлади. Фикридан қайтди.

«Имога маҳтал экан», деб ўйламасин. Келсини-чи, бир гап бўлар...

Қоронғу тушган чоғда дарвоза кўнгироғи чалинди. Афифа тушиб очди. Даврбек қимматбаҳо иоча иўстинга ўралган, бошида ярақлаган қундуз телнак, қўлида каттақои жомадон билан турар эди. Ичкари кирибоқ Афифани бағрига босди. Қувноқлик билан кўшиқ хиргойи қилди: «Айб этмангиз, дўстлар, мана галди, деб. Бир ёр савдосина душтимда галдим».

— Мен келишингизга дастурхон ҳам тузай олганим йўқ, — деди Афифа уни юқорига бошлар экан.

— Ҳеч нарса шарт эмас, ҳаммасини ўзим олиб келганман, — деди Даврбек меҳмонхонага киргач, жомадонига шпюра қилиб. — Мана буни очинг-да, шоҳона дастурхон ясагинг. Ай-тганча, мана бу Сизга.

У шундай деб, чўнтагидан нафис бир олтин занжир чиқарди.

— Қани, бўйингизга тақиб олинг-чи... Энди ойнага қаранг. Миср маликаси Клеопатранинг ўзи бўлдингиз-қолдингиз...

Жомадон антиқа егуликлар, ширилигу ичимликлар билан лик тўла эди. Афифа дастурхон тузатди. Чой дамлаб келди. Даврбек ансельени ва мандаринлардан, колбаса ва дудланган гўшт, балиқлардан паррак қилиб кесди, шоколад ўрамини очди. Қадахларга қизғин-кўнғир ичимлик куйди.

— Қани, соғ-саломат учрашганимиз учун.

Ўзи ичди. Афифанинг иккилашиб турганини кўриб, яна қистади.

— Олинг, олинг! Дарвоқе, «у ёқдан» нима хабарлар бор.

— Сиз билсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Мен бутун келдим-ку. Ҳали суриштиришга улгурганим йўқ эди. Майли, Сиз буни олинг, бироздан сўнг кўнғирюк қилиб, ҳаммасини аниқлаймиз.

Афифа ўйлаган гапларини айтиш мавриди келганини сезиб, секин Даврбекнинг ёнига ўтирди.

— Даврбек ака, Сизга айтадиган муҳим гапим бор...

— Хўш-хўш, — деди Даврбек гўшт чайнанида давом этиб.

— Менга... «Субутдан айрил, буткул ўзиминки бўл», деб айтган гапингиз ёдингиздами?

Даврбек луқмасини ютди-ю, унга бироз қараб, бироз хавотир билан тикилиб қолди.

— Албатта... Албатта, кейин манови ишлар бўлиб кетиб, Сизга қайта эслатганим йўқ эди.

У «манови ишлар», деганда ўзиникишими ё Субутнинг ишлариними, қайсисини назарда тутганини ўзи ҳам англамади.

— Ўша ганингиз ҳалиям кучидами?

— Албатта, — деди Даврбек энди бироз чайналиб. — Хўш?

— Агар кучида бўлса, бугун мен қатъий қарор қилдим. Субут акамдан ажралишга.

— Э, яшанг, мапа буни ақлли одамнинг гани, деса бўлади, — деб юборди Даврбек.

— Фақат... бугун ё эрта эмас. Субут акамни қамоқдан чиқарган кунингиз... Шундай қилсак, номардлик бўлмайди.

Даврбек бу ганининг мағзини чақиш учун бир муддат ўйлашиб қолди. Ногаҳон тушундики, бу ганининг моҳияти унинг Зоҳидийга берган «ваъда»сини тезроқ амалга оширишида ҳам қўл келиши мумкин. Ўша кун у Зоҳидийга «Мен розимаи, фақат ишчилмайсиз. Ўзим сизга пишириб, лаганга солиб бераман», деб айтган эди.

— Майли-ку... лекии... Субутни қамоқдан бугун-эрта чиқариб бўлмайди-ёв.

— Сизнинг қўлингиздан келади, — деди Афифа чўрт кесиб. — Астойдил киришсангиз ҳарқандай ишин қиласиз. Мамлакатнинг бир томоини ушлаб турибсиз...

— Унчалик бўлганмас ҳали, — деди кулиб Даврбек ака.

— Ҳали бўлмаса, эрта-индин бўлади. Яна бир каттанинг қизига уйлаимоқчи бўлиб юрган экаиш-ку, — деди Афифа аразлаган оҳангда. — Буёқда менга бунақа дейсиз-у...

— Ҳали хом ган у, Афифа. Мен ўзим ҳам яқинда эшитдим, — деди яна кулиб Даврбек. — Катта бир одам бизнинг бошлиққа ўзича лутф этган экан: «Даврбек сўққабош экан, эри ўлган синглимга уйланса ёмон бўлмасди, икки ёртини бир бутун қилардик», деб. Мен ҳали розилик берганим йўқ. Мабодо розилик берганимда ҳам, Афифа, қалбим ҳам, вужудим ҳам мудом Сизники бўлиб қолади.

— Раҳмат, шунақа... садоқатли муҳаббатингиз учун, — деди Афифа. — Лекин шу гапингиз рост бўлса, чиндан ҳам севсангиз... Мен айтган шартин бажарасиз...

Даврбек яна бир қадаҳ отиб, овқат чайнаб, ўзинча қувноқ хиргойи қилди. «Этик ечмай сув кечайми, жонгинам шартингни айт. Истасанг ойга учайми, жонгинам, шартингни айт...»

Овқатланиб бўлгач, жиддий тортди. Ўрнидан туриб, Афифага яқинланди.

— Майли, Сиз учун жонимни ҳам аямайман. Фақат ҳозир... шу тонда муаммолардан гапирмайлик, илтимос. Узоқ-узоқлардан соғиниб-соғиниб келганман. Юринг, мана бу ёққа...

— Совуқ хоналар, — деди Афифа ўзини нима деб ҳимоя қилишни билмай.

— Совуқ бўлса, эҳтирос олови билан қиздириб юборамиз!..

Даврбек шундай дея Афифага илоидай чирманди. Афифанинг таслим бўлишдан ўзга чораси йўқ эди...

Эҳтироси сўниб, калласи анча жойинга келиб қолган Даврбек Афифага «Ваъда беринга шонилмадимми», деб ўйлади. Субутни қамоқдан чиқариш унинг қўлидан келармикан? Келиннга-ку келар, бироқ Даврбек бу қалтис, матбуотга чиқиб, ошкор бўлиб кетган инга сираям аралашғиси йўқ эди. «Шошма-шошма», деди у бирдан калласи ишлаб, Зоҳидийга берилган ваъда билан Афифанинг илтимосини бирлаштириши керак! Аммо Афифага буни қандай айтиши мумкин. «Қўшмачи, номард», демайдимми? Хафа бўлиб, юзига қарамай кетмайдимми? Қарамай қаёққа борарди? Биринчи мартамас-ку...

Айтди. Афифа ўрнидан сакраб туриб кетди. Йиғлади. Даврбек юнатди. «Фақат бир марта учрашасиз. Шунчаки суҳбат. У бир чол одам-ку. Аёлнинг билагидан тузукроқ ушлашга ҳам ярамайди. Тушунинг. Шундай қилмасак бўлмайди. Мен Субутни ўзим чиқараман. Фақат у одамнинг роҳилиги керак».

«Прокурорми у?» деб сўради Афифа. «Ундан ҳам баттар», деди Даврбек. Фақат бир марта. Бу сир орамизда қолади. Майлими?

Афифанинг яна рози бўлишдан бошқа чораси йўқ эди. Субутни чиқаришга аҳд қилдимми, энди орқага қийтиб бўлмас эди. Ҳарқалай у шундай деб ўйларди.

Янги терговчи авылга шиддат билан ишга киришти. Субутни бир ҳафтаининг ичида ҳар куни икки, уч мартадан гоҳ лрим тунгача, гоҳ эрта саҳарлаб сўроқ қилди. Буни масаланин оддий тарзда қўйди. Савол қисқа ва оддий:

— Героинин кимдан қандай мақсадда олгансиз? Шерикларингиз кимлар?

— Яна такрорлайман. Мени ушлаб берини учун атайлаб уюштирилган тухмат бу!

Савол такрорланаверди. Жапов ҳам. Терговчи хуноб бўлди. Жаҳли чиқди. Субутни «онаинги», деб сўқди. Субут индамади. Индаса калтаклашларини сезиб турарди. Аламни ичига ютди. Барибир калтаклашди. Оғзи-бурини қонга белаб, совуқ як-кахонага тиқинди. «Бўйинингга олмагунингча шу аҳвол», деди «тажрибали» терговчи. «Майиб бўлмайини, ўшамини совуқ урмасини, десанг бўйинингга ол. Шеригингизни айт!»

Азоб жонидан ўтди. Туни билан дийдираб, аъзойи баданни қақшаб чиқди. Нима қилиш керак? Бўйинга оленими? Нима деб олади? Кимни «шеригим» леб ушлаб беради. «Жиян»ними? Нега шу тонда у эсига тушиди. Наҳотки эширмаган, наҳотки бирон чора изламалити? Зоҳидийга ганини етказинганмики? Нима дедийки? Эҳтимол, ҳали умид бордир? Прокурорга ёзган хати ҳам изенз кетди. Нега? Яна қанча чидан мумкин? Афифанин аҳвали нима кечди? Ҳойнаҳой холаси яна атрофида гирдиканалак бўлаётган, Муқимхоновга қўннин чорасини излиб юрган бўлса керак... Хола, Муқимхонов, Зоҳидий... Уларининг орасида қандайдир сирли боғланни бор. Ҳовлини ҳам хола тасодифан олмаган. У Муқимхонов ва Зоҳидийларининг маданийроқ қилиб айтганда «ҳарамхонаси»га мудирлик қилса керак. Субут ўрганган ҳужжатлар Муқимхоновининг Зоҳидийга алоқадорлиги ҳақида бевосита далолат бермаса ҳам, у ишлайдиган идоранин Зоҳидийга ошкора мойиллигини яққол кўрсатади. Зоҳидийга сердаромад бизнес қилиб, катта миқдорда мўмай фойда олинн учун ҳамма шаронт яратиб қўйилган. Илгарн Муқимхоновининг қайнотаси «Эгалик қилган» соҳилар секки-аста Зоҳидий тасарруфига ўтган. Шубҳа-

сиз, бунда Муқимхоновнинг бевосита иштироки, ёрдами шундоққина сезилиб турибди. «Жиян» берган «Маълумотнома» Зоҳидийнинг фирмалари хориждан сифатсиз, эскирган, табнийки, арзон озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа маҳсулотларни атайлаб юқори нархларда олганлиги, сўнгра бу ёққа келтирилиб, яна ҳам қимматроқ сотилганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар бор. Яна қанча гаплар... Наҳотки, Зоҳидий ана шу маълумотлар ошкор этилишидан қўрқмайди? Ёки таваккал қилиб, мақолани бирон жойда чоп эттириб юбориш керакми? Ҳали хомроқ эди. Меъёрига етказиб улгурмади. Тахририятда ишинтишар. Муҳими, маълумотлар аниқ шарҳланган ва нуسخалари илова қилинган...

Дарвоқе, Субут Асифага «Бошқа жойга кўчамиз», деган кундан бир ҳафтача олдин шаҳарининг «Темирйўлчилар» мавзёсидаги илгари, талабалик йилларида яшаган бир хонадонга борган ва хонадон соҳиби кекса темирйўлчи Абдимавлон ака билан бир хонани ижарага олишга келишган эди.

«Ўзингиз галабалик ўртоқларингиз билан яшаган хона бўш турибди. Мана калит, истасангиз шу бугуноқ кўчиб келинг», деган эди Абдимавлон ака.

Субут калитни олди ва хонага мақоланинг хомакни нуسخасини, маълумотлардан олинган кўчирмаларни қолдириб, калитни яна уй эгасига ташиаб кетди. «Ҳозирча шу ерда тура турсин, ҳар аҳтимолга қарини». Кейин шу ерга кўчиш тараддудига тушди. «Яхшиям кўчиб улгурмаган эканман. Акс ҳолда... Ишқилиб... Агар Зоҳидийнинг одамлари кузатишган бўлса, ўша ҳовлига борганимни кўрмаган бўлишим-да... Мабодо кўришган бўлса... тамом. Йўқ, тамом эмас. Ҳужжатларининг асосий қисми бошқа, яна ҳам ишончли жойда. У жойни икки дунёдаям топишолмайди».

Субут шундай деб ўйлади-ю, қишлоққа бориб келганида автобусда ўтирган ўсинишини эслаб юраги шувиллаб кетди. «Кўрган бўлса-чи? Яна қишлоққа бориниб, укаларимга бирон зиён-заҳмат етказишмаган бўлсин. Йўқ. Укалари бу гаплардан, ҳатто Субутнинг қамалганидан беҳабар. Хабар топишганда югуришиб келишарди. Асифа айтмишган бўлсин, ишқилиб. Билмай туришгани маъкул.

Яна Зоҳидий ҳақида ўйлаб кетди. «Агар бўйшимга олсам, шеригим Зоҳидийнинг одами эди, десам-чи? Буни нима билан исбот қиламан?»

Дарвоқе, яқинда тайинланган, журналистлар доирасида анча илгаридан танини кекса адвокат ҳам «Шериклар ҳақида индамай турганингиз маъқул» дея доно маслаҳат берди. Субутнинг назарида бу «оқловчи» жашоблари ҳам унинг гиёҳвақдлик молдаси сандоси билан шуғулланганига астойдил ивионар, ҳимолни эса номинга ҳўжакурсии учун олиб бораётган эди. «Буям сотилган, — деб ўйлади Субут. — Сотилмаганда-чи? Адвокатнинг ганига ким кулоқ соларди. Адвокатларнинг аксарияти судья билан судланувчи ўртасидаги «олди-берди»га воситачилик қилиб кун кўради. Кўни саводсиз. Прокуратурадан ёки милициядан ҳайдалиб, ипкис қолган кимсалар...» Субут бир-икки ўткис адвокатларни биларди. Аммо улар катта пул сўрашади. Шу боис «Адвокатнинг борми», деб сўрашиганида «Йўқ», деб қўнқолганди. Қонунга биноан бенил «тайинланган» адвокатнинг аҳволи эса мана бунақа: аҳмоқона маслаҳатлар билан бошининг қотиради...

«Мен учун энг яхши адвокат — Зоҳидийнинг ўзи», деб ўйлаганди Субут биринчи кунидёқ. «Прокурор ҳам, судья ҳам ўша. Ўшанига ёнишиб олиш керак». Янаям ким билади? Балким... Зоҳидийнинг бу тухматдан умуман хабари йўқдир? Балким буни Муқимхонов улонгиргандир, Субутни ўз йўлидан олиб ташлаш мақсадида? Йўқ, Муқимхонов оддий ошлавий можарони бу қидар қабих йўл билан ҳал қилмаса керак. Янаям ким билади?..

Эрталаб яна сўроқ. Яна калтак. Яна совуқ яккахона. Кеч-қурун яна сўроқ. Субут юрولмай қолди. Учинчи кунни уни сўроққа қўлтиғидан суяб олиб келишди.

— Бўпти, розиман, қанақа қоғоз бўлса, қўл қўйининга тайберман, — деди Субут эти жунжикиб, тишлари тақиллаб.

— Ҳуда яхши, — деди терговчи. — Мана бу бошиқа ган. Яхшиликни тушунадиган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Мен ҳам сенни хурсанд қилмоқчиман. Иқрорномага қўл қўйсангиз... ҳозирча гаров эвазига ҳибедан бўнатамиз.

— Менда... гаровга қўядиган пул йўқ-ку?

— У ёғидан хотиржам бўлинг. Дунёда савобталаб, яхши одамлар қўн...

Субут «Ким экан ўша савобталаб одам», деб сўрай олмади. Мажоли етмади. Боини айлана бошлади. Курсига беҳол чўкиб, узатилган қоғозларни ўқиб ўтирмасдан қўл қўйди. Қўл қўйиб бўлгач, кўнгли беҳузур бўлиб, ҳушидан кетиб қолди.

## 26

Икки кун олдин бир суҳбат ва бир учрашув бўлган эди.

— Ваъда вафоси билан улуг, — деди Зоҳидий Муқимхоновга сим қоқиб, салом-алиқдан сўнг.

— Айтилган сўз — отилган ўқ, — деди унга жавобан Даврбек. Биз ваъда бериб, унутиб юборадиганлардан эмасмиз.

— Ундай бўлса яхши. Янги курси, хорижга илк расмий савфар, хуллас, ювиладиган нарсалар ҳам кучайиб кетди, чамамда.

— Албатта, ювамиз.

— Раҳмат, лекин ювишдан олдин сиз билан бирров гаплашиб оладиган бир маслаҳат ҳам бор эди.

— Айтаверинг, — деди Даврбек курси узра ястаниб:

— Телефоннинг гани эмас. Кўришсак...

— Келинг!

— Хизматхонанинг гани ҳам эмас.

— Қадерда кўривамиз? Қачон?

— «Метрополь» меҳмонхонасининг ўнинчи қаватида бир емакхона бор. Алюҳида хужраларга эга. Ўша ерга бир шўлачой айтсам. Неччида бўшайсиз?

— Неччида десаңгиз бўшайверамиз, акахон. Ўзимиз хон, ўзимиз бек, ўзларининг дуойи шарофатлари билан. Ҳозир борайми?

— Ҳай-ҳай, ҳаяжонланмасинлар. Маъқул десаңгиз, соат кеч соат саккизда кутаман.

— Хўн бўлади, ака...

Нимқоронги шинам хонадаги суҳбат нималардан бошланганини айтиб ўтирмай, энг муҳим ва қизиқ ўрнига тўхталайлик.

— Алқисса, бул побакор менинг шаънинга баъзи бир гаплар айтиб юборган экан, — деди Зоҳидий. — Бошида унчалик эътибор бермагандим. Кеча хорижлик шериклар қўнғироқ



қилиб, баъзи олди-сотдиларимиз билан боғлиқ ҳужжатлар йўқолгани, бу ҳол текшириш чоғида аён бўлиб қолганини айтди.

— Демак, фақат бу ерда эмас, у ёқларда ҳам кавлаштириб юрган экан-да? Қизик, хорижда... қанақа қилиб?

— Ёмон одамлар ҳамма жойда бор, азизим. Хориждан ҳам исрик топган. Мен... ўша хориждаги шериги собиқ қайнотангиз эмасмикин, деган хавотирдаман.

— Йў-ўғ-е, у одам ўзи омон қолганига шуқр қилиб юрган бўлса керак.

— Сиз собиқ қайнотангизни яхши билиб улгурмагансиз чоғи, биродарим. У одам осонликча таслим бўлиб, тақдирга таш бериб кетадиганлардан эмас... Хориждаги шерикларингизнинг фирмасидан ҳужжатлар катта нул эвазига сотиб олинган...

— Демак, масала биз ўйлагандан кўра мураккаброқ экан-да?

— Худди шундай. Энди нима қилиш ҳақида бош қотирайлик. Мен бир режа ўйладим... Аслида... ишни аввалроқ ўйлаш керак экан. Лекин... ўша, мухбир йигит қанақа ўзи? Бўйбаёвгина дейишганди, анча пухта чиқиб қолди-ку. Тергондаям осонликча жон бермаётган экан.

— Ҳа, анча ишчиқ, у. Билишимча, бизнинг собиқ «отамиз» унга беш-олти сўм ваъда қилган...

— Агар уни чиқариб олиб, найзасини «отангиз»нинг ўзига қаратиб юборсак, нима дейсиз? Кўпармикан?

Муқимхонов «Кўнмаса керак», демоқчи эди. Лекин Афи-фага берган ваъдаси эсига тушиб, тилини тийди. Ўйлаган га-нининг тескарини айтибди.

— Кўнмай қаёққа борарди?

— Демак, бу ишни, яъни кўндиршни Сиз ўз зиммангизга оласиз! Биз мухбирни қамоқдан чиқарамиз.

— Мен уни кўндиршни зиммамга ололмайман. Бу масалага аралашмаганим маъқул. Аммо хонимни кўндирман. Агар мухбир қамоқдан чиқса...

— Тушунмадим... Бунинг нима алоқаси бор?

— Соҳибжамол хоним «Эримни қамоқдан чиқарган куни Абдуҳалим акамларнинг ихтиёрида бўламан», деб ваъда берган.

— Қанақасига, ҳали уни ажратиб юборганингиз йўқмиди?

— Ажратишга ажраталмиз. Лекин... Соҳибжамол хоним ҳам ажралишдан аввал мухбир йиғитга нисбатан одамгарчилик қилишни истайди. «Яхшилигига яхипилик қайтарайин» деяпти.

— Шунақами ҳали, — ўйлади Зоҳидий. Кейин рози бўлди. — Жуда яхши! Агар шартимизга кўнса, биз у йиғитни ҳали лия қайтадан бахтиёр бўлиб кетилинга кўмаклашамиз. Ҳозирча... уни ҳибсдан қутқарайлик-чи. Демак... Соҳибжамол хоним шунақа деди дег-а! Ажойиб-ку! Мен Сиз уни кўндиришга қийналсангиз керак, деб ўйлагандим. Ўзи рози бўлибди-да-а? Эрига одамгарчилик қилмоқчи бўлаётгани ҳам мақтовга лойиқ. Ўзи... шу десагиз шунақа хотишлар қавми жуда мард, бир сўзга бўлади. Яхши! Зўр! Аёл кишининг ўзи рози бўлиб, майл билдирганига нима етсин? Иншратнинг ганги бўлакча бўлади. Дарвоқе, Сиз яна қизғанмаётирсизми? Севги-муҳаббат дегашдек...

— Қизиқмисиз, Абдуҳалим ака, Сиздан алийманми? Хотиним эмас-ку!

Шу лаҳзада Зоҳидий қалтис бир савол берди:

— Хотинингиз бўлганда-чи?

— Энди... ака... унақа савол берманг-да...

— Узр, узр, ҳазилладим. Дарвоқе, хотин масалаида яхши бир мужда эшитдим. Бор гапми шу?

— Сал-пал...

— Маҳкам ушланг, азизим. Бунақа имконият ҳар кунни бўлмайди.

—Хўп, ака!

## 27

Субут ҳибсхонанинг тиббий қисмида ҳушига келди. Бир неча соат давомида қилинган узлуксиз муолажалардан сўнг ўзини бирмунча тетик ҳис қилди. Хаёлига келган биринчи фикр: «Афтидан мени чиқариб олмақчи бўлаётган одам шифокорларга ҳам яхши ҳақ тўлаган бўлса керак. Қизиқ. Ким экан у? «Жияи»ми? Зоҳидийми? Қайси бири? Нима учун?»

Каравотта қулайроқ ўришиб олини учун гавдасини сал кўтармоқчи бўлди. Афсуски вужуди зилдай оғир, на оёқ-қўлини, на

бонини қимирлата оларди. Фақат мияси тиниқ инларди. Биринчи хотини бир вақтлар ҳазил қилиб бўлса-да, нақадар ҳаққоний таъкидлаганидек унинг «Бор-йўқ бисоти бўлган» ана шу аъзоси мудом ўз вазифасини шараф билан уйдалаётганди. Биринчи хотинининг ганини элаш баробарида қизалоғи Муниса кўз ўнгиди намоён бўлди. Охириги марта қинлоққа, тўйга кетиндан олдин боғчага кўрган борганди. Ҳали кичкина. Ҳали моҳр кўелмаган. Бефарқдек туюлди. Эҳтимол, бувисини «Отанг ёмон» деган гаплари таъсиридир бу. Боғчада хотинига ҳам дуч келди. Негадир исенқ кўринди. Йўқ, бу Афифа билан ораларидаги айрим англашилмовчиликлар туфайли эмасди. Ва бу ҳатто кўпчилик эркакларга хос «Кўз очиб кўрган» аёлига нисбатан ҳеч қачон буткул сўниб кетмайдиган майлнинг таъсири ҳам эмасди. Бу балким қисм, ёлғиз фарзанди шу аёлнинг қўлида бўлгани ва худога шукрки, ҳеч нарсага зорикмай, соғлом ўсаётгани учун, қанақадир миннатдорчилик туйғусимиди-ей. Хуллас, Субут илқ сўранди. Хотини ҳам ёмон муомала қилмади. Қизига тайинли ёрдам қилолмаётганини юзига солмади. Ҳатто «Ўзингиз, онлангиз тинчми, фарзандлик бўлмадингларми», деб ҳам сўради. Ана аёлнинг марди! «Ўзингиз-чи, ўзингиз турмуш қилмадингизми», деб сўрамоқчи бўлди Субут. Бироқ бу саволга ўрин йўқ эди. Қолаверса, бу савол ўрғидаги илқ сўхбатни бузиб қўйини, «Мени битта болам билан ким оларди», деган ўкинчни ва кўнолроқ жавобни келтириб чиқарини мумкин эди.

Шу боис Субут бу саволни бермади. Аксинча, ўртасидаги илқликни сақдан учун ҳазиломуз қилиб, «Ёлариб, гўзаллашиб кетибсиз», деди. Бу хил эътироф ҳар қандай аёлга ёқинини у яхши биларди. «Маҳобат қиланисиз-да», деб кулиб қўйди хотини ич-ичидан севиниб турган бўлса ҳам. «Мен қинлоққа кетаётгандим, укам тўй қилаётган экан». «Қайси бири?» «Каттаси. Бургут укам». «Бизнинг номимиздан ҳам табриклар қўйинг». «Раҳмат, сиз ҳам уйдагиларга салом денг».

Оқ халатни елкасига ташлаб олган терговчи кирди. Қуюқ сўрашди.

— Мана бу бир миллион сўм гаров тўлангани ҳақидаги ҳужжат, мана бу эса шаҳардан чиқиб кетмаслик тўғрисида тилхат. Ҳаммаси қонуний. Сиз тилхатга ҳоҳир қўл қўя олмасизми? Йўғ-

а? Демак, мен тилхатни қолдираман. Сал соғайганингиздан сўнг имзо чекасиз ва уйга бемалол кетаверасиз. Келишдик?

— Гаров иулини ким тўлаганини билсак бўладими, — деди Субут заиф овозда.

— Ким бўларди, окахои, хотинингиз-да! Бу дунёда инсонга хотиндан кўра яқинроқ дўст борми?

Субут миясида пайдо бўлган «Қайси хотиним, бунча пулни қаердан тонди», деган маънисиз саволларни тилига чиқармади. Маънос жилмайди. Терговчининг ҳазиломуз гапиданми, ё озод бўлажаги ҳақидаги хабарданми...

Терговчи кетди. Субут кўнгли ҳарқалай сал тинчлангани боисми ё ҳали ҳолсиз бўлгани учунми, мудради. Шу кўйи бир неча соат ухлади. Бир маҳал кўзини очиб, қаршисида Аффифа ўтирганини кўрди.

— Салом, — деди ношилиб.

— Яхшимисиз, — деди Аффифа унинг иссиқ, лекин мажолсиз кўлини ушлаб.

— Сиз гаровга пул топширибсиз, — деди Субут. — Раҳмат. Аммо... Яна қарз олдингизми?

— Йўқ, — деди Аффифа овозини пасайтириб. — Пулни бир киши олиб келиб берди. «Дўсти бўламан», деди. Фақат пулни кимдан олганимни ҳеч кимга айтмаслигимни илтимос қилди. «Ўзлари чиққанларидан кейин ҳисоб-китоб қилармиз», деди.

— Кўрниниши қанақа, илгари ҳеч кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман!

— Сарғишроқ юзёли, ориқ, бўйдор йигит эмасми, — деди Субут «Жиян»нинг кўринишини тасвирлаб. — Ёши ўттиз бешларда...

— Йўқ. Бу қорароқ, ўрта ёшли одам.

— Шунақами?.. Ким экан?.. Майли, эрта-индин аниқ бўлиб қолар. Чиқай-чи...

— Қачон чиқасиз?

— Оёққа турган куним... Аммо... гаров эвазига чиқиш бу буткул озод бўлди, дегани эмас. Лекин «Болта тушгунча кунда дам олар» дейишади...

— Ўйланманг, ҳаммаси яхши бўлади, насиб эҳса, — деди Аффифа далда беришга уриниб. Лекин ўзининг тушкун кайфиятини яширолмади. Субут буни ачинишдан деб тушунди.

— Үна одам шунақа дедими?

— Йў-ўқ, у одам ҳеч нарса демади. Айтдим-ку, «Чиксалар, кейин гапланиамиз» дедилар деб.

Афифанинг кўзларидан ёш қалқиди. Чехрасидаги чуқур изтироб, ҳадик ва ўйчанлик тобора равшанроқ зоҳир бўлди ва Субут хотинини нимадир ичдан кемираётганини англади. Кўллариини кучсизгина сиқиб:

— Инама бўлди, Афифа, инамага хафасиз? — деб сўради. Афифанинг кўзларидаги хавотир кучайиб кетди.

— Йўқ-йўқ! Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди шошилиб. Афтидан у ўзини қийнаётган муаммони Субут билан баҳам кўрмоқчи эмасди. — Ўзим ишунчаки сал кўнглим бузилиб кетди.

— Сиз ўқинманг. Ҳамма азоблар, қийинчиликлар ортда қолади. Ростини айтсам... сизни ҳам қийнаб юбордим-а? Эҳтимол...

Афифа кўзда ёши билан сишиқ жилмайди.

— Эҳтимол ўшандай юраверганинг маъкул эди, демоқчисиз. Қўйишг... Мен ўзим кетдим-ку...

— Ишқилиб... агар шу гаинигиз чин бўлса, энди сира-сира қайтмаслигингиз керак у ерга... Мабодо мен бу ердан чиқолмаган тақдиримда ҳам...

— Унақа демаиғ, ҳали чиқиб оқланиб кетасиз. Яхши ишларда ишлайсиз. Катта-катта китоблар ёзасиз...

— Сиз шунга ишонасизми, Афифа?

— Албатта, ишонаман...

Афифа яна нимадир демоқчи бўлди. Иккиланди. Чайналди. Кўзларини номаълум бир нуқтага тикиб бироз ўйланиб турди. Кейин барибир ўша гаини айтди.

— Ўша нулни олиб келган одам айтдики, «Биз Субут акага ёмонлик қилмаганимиз, у киши бекорга биздан шубҳаланиб юрибди, аслида у кишини тутиб берганлар ўна, у кишини бизга қарши гиж-гижлаб юрган жиноятчилар, Субут акага айтнинг, улардан узоқ юрсин, улар ёмон, хавфли одамлар...»

Субут ҳаммасини тушуниди. Демак – Зоҳидий! Демак, Субут «Ҳамхона» орқали айттирган гаилар ўз таъсирин кўрсатган. Яхши. Зоҳидий аҳмоқ эмас. У ҳозирча Субутни гаров эвазига чиқаришга қарор қилган. Кейин савдолашади. Субутдиги маъ-

лумотларини, ёзган мақоласини қўлидан олишга ҳаракат қилди. Сўнгра ўзининг собиқ устозига қарши урушининг иккинчи босқичини бошлайди. Эҳтимол... аллақачон бошлангандир ҳам. Бироқ ҳал қилувчи зарбаларга киришинидан олдин у Субутини тинчлантириши керак. Хўш, қанақа қилиб «тинчлантиради»? Шунчаки, манови «ёрдами» ва яна бироз нул эвазига сотиб оладими? Ё жиддийроқ, мудҳишроқ режа тузганмикин?

— Сизга у бошқа ҳеч нарса демадими, Афифа? Нима деган бўлса, ҳаммасини гапириб бериш. Бу жуда муҳим...

— Йўқ, бошқа ҳеч нарса демади, — деди Афифа кўзларини галати жовдиратиб. Бундан Субут тушундики, Афифа ҳамма гапни айтмаётир. Нега?

Субут бироз асабийлашгани боис толиқиб қолди. Боши айланди, кўнгли беҳузур бўлди. Иситмаси чиқа бошлади. Ҳамшира кириб кетма-кет иккита укол қилди. Врач келди. Афифани палатадан чиқарди. «Янаги ҳафтагача оёққа туриб кетади. Хавотир олманг», деди.

Субутнинг уколлар таъсирида иситиши тушиб, уйқуга кетди. Палатага адвокат кирганини сезмади.

## 28

Муқимхонов ўша кунни Зоҳидий билан учрашувдан қайтар экан, погаҳон аламланди ва «Афифани унга беришга рози бўлиб тўғри қилдимми», деб ўйлади. Шубҳасиз, бу одам керакли, у билан алоқани узмаслик керак. Лекин «Ҳа», деганда, «Лаббай», деб ёнига туриб боравермаслик, айтган шартининг барчасига кўнавермаслик керак. Уятсиз, сурбет, имонсиз кимса! Хўш, нулдан бироз қараниб юборган бўлса, қарашибди-да. Шунга дарҳол шарменлик қилиш шартмиди? Зоҳидий бўлмаса, бошқаси қарашган бўларди. Сурбетлик билми айтган гапларини қара. Ҳокимиятнинг нулдорлар бошқарар эмиш. Чучварани хом санаб юрибсан. Ҳокимият сенига ўхшаган нулдорларининг мишгасини битта зарб билан начақлаб ташлайди. Муҳтарам қайиотамини ҳам... У ўзича мен қочирдим, деб юрибди. Агар тегиниш идораларининг сукутли ризолиги бўлмаганда... Аблах! «Хотинингиз бўлганда, аярминдигиз», деган аҳмо-

қона ганини айтмайсанми! Ҳазил эмиш. Бунақа ҳазил учун...

Марказий хиёбон яқинидаги шинам емакхона қарнисида мавнигани тўхтатиб, ҳайдовчига икки ниша «Иарзан» олиб чиқишни буюрди. Уйга кириб, ҳайдовчига жавоб берди. «Нарзан»дан биттасини очиб, биллур фишжонга қўйиб, ҳузур қилиб симирди. Ечиниб, ётоқхонага ўтди. Италияча бежирим каравот устига чўзилди. Девордаги «Сув париси» суратига тикилиб, ўйга толди. Қайнотасини эслади. У яхши одам эди. Мана шуидай шоҳона уйни «ғинг» демасдан бериб кетди. Қизининг талоғини ҳам. Эҳтимол, ўша пайтда кўзига ҳеч нарса кўринмагандир. Жон ширин. Лекин барибир... Зоҳидийдан дурустроқ эди у. Қизик, қаёқларда, нима қилиб юрган экан». «Кўнғироқ қилиб тураман. Ота-бола бўлиб қоламиз», деганди. Кўнғироқ қилмади. Яншириган жойини онкор этишдан қўрқаётгандир. Дарвоқе, Зоҳидийнинг тахминига кўра, у араб мамлакатларидан бирида экан. «Ўша ёқда аввалдан бир фирма очган эди. Анча нулларни ўшанга ўтказган. Қари тулки қочинга тўғри келишини аввалдан билган-да», деди у. Спрасини айтганда, Зоҳидийнинг ўзи ҳам хорижда ўшанақа фирмалардан бир нечтасини очиб, нуллардан ўтказиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

Зоҳидий Субут Сокиндан нега бунчалик қўрқаяпти. Қўлдан нима келарди, дейди-ю ичида титраб турибди. Наҳотки, бу журналист уни шу даражада қўрқитадиган маълумотларни қўлга киритган бўлса? Зоҳидийнинг «Бу ишда унга қайнотангиз ёрдам беряпти», деган гани қанчалик тўғри? Мабодо, чиндан ҳам Субут билан бирланган бўлса, қайнотам вақти келиб, менга ҳам ҳужум қилмасмикни? Қилади. Агар Зоҳидий билан яқин алоқада эканини билиб қолса, нубҳасиз ҳужум қилади. Шунинг учун ҳам Зоҳидийдан узоқлашни керак. Уч-тўрт сўм ўтказиб қўйган бўлса... Бунинг эвазига Даврбек қанча-қанча ёрдам берган-ку. Вилоятларда тўрт-бешта катта-катта корхоналарни сув текни қилиб олиб берган. Экспорт-импорт бўйича берилган кўмак-чи? Бундай чуқурроқ суриштириб кўрилса, Зоҳидий Даврбекдан ҳали қанча қарадор экани маълум бўлиб қолади. Шунинг учун Зоҳидийни энди ҳисобдан чиқариш керак. «Ишлашамиз», деб менга маҳтал бўлиб юр-

ган бойваччалар мингта. Ана кечаги қорадарёлик йигит. «Сангзор» конларини ишлатиш учун рухсатнома сўраб юрибди. «Агар шу масалани ҳал қилиб берсангиз, фойдага шерик бўласиз, ака» деди. Сангзор маъдаилари битмас-туганмас даромад манбаи. Бу йигит янгича фикрлайдиган тадбиркорлардан. Зоҳидий бўлса эски ўғри. Унинг услуби кўпол усул. Ҳамма нарсани пул ва зўравонлик билан ҳал қилиш мумкин, деб ўйлайди. У даврлар ўтяпти. Энди кенгроқ, янгича фикрлаш керак.

Афифага сим қоқмоқчи бўлди. Телефон гўнагини олиб, рақам терди. Негадир ганиришга ботинмади. Унга инебатан номардлик қилдим, деб афсусланди. Лекин Афифа Зоҳидий айтганидай ҳақиқий мард аёл экан. Субутин кутқарини учун ҳар қанақа оғир шартга рози бўлаяпти. Нима бу? Севгимми? Ўша қаланғи-қасанғи йигитини шу даражада қаттиқ яхши кўрадимми? Ёки шунчаки, ўзининг оддий инсертнарастлигини фидойилик қилиб кўрсатмоқчи бўлаяптими? Йўқ! Бу аёл ҳақида ундай ёмон фикрларга бориши керак эмас. Ахир у Даврбекни ҳам кечириб, яна бағрини очди-ку. Бу кечирини фақат берган пули учун эмасди. Даврбек – Афифа кўз очиб кўрган биринчи эркек. Шунинг учун қалбида меҳрми, яқинликми, шмадир бор. Буни Даврбек сезган. Ана шу сезги бугун уни ноўнғай ҳолатга солмоқда эди. «Афифага инебатан воҳақлик қилдим. Ҳалиям қайтарсаммикан? Зоҳидийнинг олдида нима деган одам бўламан? Бебурд, ёлғончи экан, демайдими?» Йўқ, боника йўл топиш керак. Афифани унинг кўлига тушириб бўлмайди...»

Кийиниб кўчага чиқди. Такси ушлаб дала-ҳовлига кетди.

## 29

Шаҳардаги энг ҳашаматли ва шунга яраша қиммат хусусий шифохоналардан бири ҳисобланадиган бу маскан асосан кундузги муолажаларга мўлжалланган, аммо ўнтакча ётқизиш даволайдиган палатаси ҳам бор эди. Палаталар бир кинилик бўлиб, иссиқ ва ҳамма шарт-шароитлар муҳайё: қулай ва озода ўрни, телевизор, радио, совутгич, юнишини бўлмаси... Айниқса, кунини кеча сонук авиатахонадан чиқиб келган Субутга бу ер чинакам



жаниятнинг ўзи бўлиб кўриди. Қувончи ва ташвишини яширолмади.

— Бу ерда ётишнинг ўзи кунга бир дунё пул турса керак, — деди «ҳамроҳ»ига. «Ҳамроҳ» — «Фуар» фирмасининг, аниқроғи, Зоҳидийнинг ҳуқуқшуноси уни тинчлантирди.

— Сиз ҳеч нарсага ўйламай даволанинг, дам олинг. Бизга сизнинг соғлигингиз керак. Пул топиладиган нарса.

— Раҳмат, агар шунчалик бўлса, — деди Субут.

— Фақат битта фикр, — деди ҳуқуқшунос. — Ҳадемай Сизнинг олдингизга айрим ҳамкасбларингиз ташриф буюришади. Агар айбга буюрмасангиз... Ҳозирча бирор хил баёнотдан тийилиб туришингиз лозим.

Субут «ҳамроҳ»га энсаси қотиб қараб қўйди. Кейин киноя қилди:

— Уларни, умуман ҳеч кимни бу ерга киргазмасликнинг иложи йўқми?

Ҳуқуқшунос кинояни тушунмадими ё тушунмасликка олдимни тўғри жавоб берди:

— Бу сизнинг хоҳишингизга боғлиқ. Истамасангиз, ҳеч кимни қабул қилманг. Навбатчига тайинлаб қўйсангиз бас, нашта ҳам кирюлмайд.

— Сиздан ва сизлардан бошқа, албатта, — деди Субут киноясини давом эттириб. — Яхши! Шунингга ҳам раҳмат. Жаноб Зоҳидийга меннинг алангали саломим ва қизғин миннатдорчилигимни етказиб қўйинг.

— Албатта, етказаман! У киши соғайганингиз ҳамано сизни қабул қилишга тайёр ва илгари келинганмиздек, тузалиб, касалхонадан чиққунигизга қадар ҳеч қанақа пожонз хатти-ҳаракатлар қилмайсиз, деган умидда.

— «Кимнинг аравасига минсанг, ўшнинг кўшиғини айтасан», деган ҳикматга амал қиламиз энди, — деди Субут. — Аммо...

— Мен сизни тушушим, — деди ҳуқуқшунос овозини насайтириб. — Сиз «буюртмачи» томондан хавотир олаясиз. Кўрқманг, улар сизга тажовуз қилишолмайди. Сиз билан «мулоқот» қилган шахс хорижга, ўз хўжайини олдига қочиб кетган. Умуман биз сулҳ тарафдоримиз. Вакилларимиз музокара олиб боришяпти. Ҳўп, хайр бўлмаса!

Субут индамади, бош ирғади.

Субут Муқимхонов қайнотаси билан Зоҳидий ўртасидаги зиддият найтида ҳар икки томонга ўйнаган ва Зоҳидий енгиб чиқиши аниқ бўлгач, ён босган, деган хулосага келди. Хужжатларни ўрганиш баробарида буни тасдиқловчи кўплаб далилларга дуч келди. «Фуар» ҳамда Зоҳидийга қарашли фирма-лар экспорт ва импорт, яъни хорижга маҳсулот сотиши ва ўзимизда бозори чаққон маҳсулотларни катта миқдорларда олиб келишда алоҳида имкониятга эга бўлган. Расман буни сезди-масликка, турли усуллар билан ниқобланган уринилган бўлса-да, бу «Қора кўрианинг» оқ ишлар билан қавилгани шундоққи-на сезилади. Шубҳасизки, бунда Муқимхоновнинг бевосита ёрдами бўлган. Бекорга эмас, албатта. Бинобарин, Зоҳидий фош этилса, Муқимхоновнинг ҳам хаёли очирилиши турган гап. Демак, Субутнинг қамалиши ва озод этилиши ёлғиз Зоҳидий учун эмас, Муқимхонов учун ҳам керак бўлган. Субут «Хуқуқшунос»дан «Мени қачон қанақа қилиб оқлайсизлар», деб сўрамади. Бу саволга у барибир жавоб беролмасди. Чунки, оқланиш-оқланмаслик, Субутнинг ўзинга, бундан буён ўзини қандай тутишига боғлиқ. Субутнинг эса ҳозирги вазиятда Зоҳидийнинг шартини бажаришдан бошқа иложи йўқ эди. Майли, у ўша латъати мақолани ҳам, тўплаган маълумотларни ҳам Зоҳидийга топширади. Эвазига оқланиб, шу тўхмат бало-сидан қутилса, бас. Аммо кейин улар тиш қўйишармикан? Чеккан азиятлари, сарфлаган маблағлари аламини олиш, умуман «Катта тижорат сирлари»дан воқиф бўлган ортиқча гувоҳ-дан халос бўлиш учун бошқа мудҳиш кирдикорларга қўл уриш-масмикан? Ё оқланиб олгач, хорижга қочиб кетин керакми? Қаерга боради қочиб? У ерда «тоға-жиан»лар чангалига туш-майдими? Дарвоқе, «Жиян» қаёққа қочиб бўлди? Хуқуқшу-носнинг гапи рост бўлса, хорижда, тоғасининг ёнида. Аммо наҳотки улар шунчалик тез ва осонликча таслим бўлишган? Ёки бу вақтинчалик чекиншимикан? Агар шундай бўлса, улар вақти келиб, Субут билан ҳам «ҳисоб-китоб» қилишлари му-қаррар. Ахир улар Субутга ишонинди. Унга берилган маълумотларни олиш учун анча-мунча чиқим, ташвиш, харажат қилишган...

Нима қилмоқ керак? Орқага ҳам, олдига ҳам йўл йўқ. Қонундан, ҳуқуқ идораларидан ҳимоя сўрасинми? Прокурорга ёзган хатининг исзиз кетгани бу ҳаракатнинг бесфойдалигини кўрсатиб турибди. Матбуот-чи? Матбуотнинг аҳволи эса мана бунақа ҳибсдалигида сўроқларнинг бири чоғида тергончи унинг юзига газета билан урди:

— Мана, ўқи, — деди у. — «Садо» газетасида сени «мақтаб, ҳимоя қилиб» ёзишибди!

Субутнинг озурда кўнглида ялт эгиб умид уйғонди ўша лаҳзада. «Наҳотки, рост бўлса», деб ўйлади. «Қалам учидати заҳар»ни ўқиғач эса беихтиёр хўнграб юборди. Умрида биринчи марта бировнинг олдига, бунинг устига рақиб қаршида хўнграб йиғлади. Ўксиб-ўксиб йиғлади. Йиғлаш баробарида ногаҳон Тоғай Муроднинг қайси бир асарига «Оқнинг тўла қон бўлса ҳам душманинг олдига тунурма», деган гани элади. Йиғландан тўхтади. Ўксиниши йўқолди. Кўз ёшлари қуриди. Кейин ўзини тутиб олди. Терговчининг «Ҳа, алам қилдимми?», деган саволига:

— Йўқ, алам қилганидан эмас, бугунги матбуотнинг аҳволига ачинганимдан йиғладим, — деб жавоб берди...

Ҳамшира кириб ҳасли бўлинди.

— Хотинингиз билан қизингиз кўрган келишибди!

— Хотиним? — ҳайрон бўлди, Субут. — Қизим? Ҳа-я, майли, киргизинсин, айтинг.

Бироздан сўнг улар кириб келишди. Субут қизчасини бағрига босди. «Хотини» билан қўл-бериб сўрашди. Бироз поқулай аҳволга тушди. Лекин ичида хурсанд бўлди. Миннатдорлик билан нигоҳ ташлади унга.

Ҳали тузукроқ сўрашиб улгурмай, эшикда яна ҳамшира кўринди. Субутни имлаб, даҳлизга чақирди.

— Яна бир аёл наstdан қўнғироқ қилаяпти. «Хотиниман» дейди, — кулимсиради ҳамшира. Субут тушунди: Афифа.

— Айтинг, бироз кутиб турсин...

Палатага қайтиб кирди. «Қизалоғи» билан сўрашди. Хотинига «Яхшимисиз», деди. У маъюслашгандек туюлди. Сизди, шекилли. Ҳаял ўтмай, «Бизлар кетақолайлик»ка тушди. Демак, сезибди. Майли. Хайр-хўш қилди. Қизига «Яна кел»,

деди. У онасига қаради. Онаси «Майли, келамиз», деди. Чиқишди. Беш дақиқалардан сўнг Афифа келди. Субутнинг бағрига отишди. Йиғлади, кулди. «Худога шукр, қутулдингиз», деди. Субут «Ҳали тўла қутилганим йўқ», демасди. Аффифани сочларини силаб «Уҳ» тортди.

Афифа анча ўтирди. Субут унинг юзига термулди. Чиройига тўйгиси келди. Янаям, гўзаллашганини айтди. Афифа «Кўйинг, мени, ўзингиз тезроқ соғайинг», деди.

«Майли, — деди Субут, тезроқ соғайингга ҳаракат қиламан. Энди, борақолинг».

«Эртага келаман, нима олиб келай, кўнглингиз нима тусайди», деди Афифа.

«Ҳеч нарса керак эмас, ҳаммаси етарли». «Хурмо олиб келайми?» «Майли...»

Афифа кетди. Бироздан сўнг Субут яна хаёлларга берилди. Наҳотки, бир тўғри йўл, тўғри чора тополмасам, деб кўнгли гашиланди. Нима қилиш керак?.. Нима қилмоқ керак? Осмои узоқ — ер қеттиқ. Бўйсунини керакми? Қабоҳатга бўйин эгиш, номардлар қаршисида тиз чўкиш керакми?

«Аллақачон тиз чўкиб бўлдинг-ку», дерди вужудидаги бир овоз.

«Йўқ, — деди бунга жавобан фикрида Субут, — мен ҳали тиз чўкканим йўқ. Ҳали... ҳали ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин. Мен иродасизлик қилдим. Бироқ бировлар ўйлаганчалик кўрқоқ, бебурд, бетайини одам эмасман. Йиғит киши номард қаршисида ҳеч қачон тиз чўкмайди. Бир бошга бир ўлим, деб кўйиншибди-ку...»

Ўлимни ўйлаган заҳоти кўз ўнгиде қизи, хотини ва Афифа гавдаланди. Ўзини эмас, уларни ўйлади. Менга бир нарса бўлса, ҳоллари не кечади, кимларга кунин қолади, дея ўксиди.

«Ўлганга қийин, болам, тириклар бир кунини кўради...» Онасининг сўзларини эшди. Йўқ, ўлишга ниҳоятма. Ким сени ўласан, деяпти. Ваҳимали хаёлларни ҳайда. Наҳотки уч-тўртта хом калла, чаласавод олибсотарга бас келолмагани...

Оғир ўйларнинг ниҳояси йўқ эди.

Афифа улкан тошойна қаршида ўтириб, паринпон сочларини тарамоқда. Сочлари ёйилган ҳолида ҳам бағоят гўзал эди. У ҳеч қачон ўз қиёфасига маҳлиё бўлган эмас. Гарчанд ўз гўзаллигини биларди. Болалик чоғларидан, ўйинқароқ бўлиб, кўчада ўйнаб юрганида ногоҳ кўзи тушиб қолган ҳар қандай ўткинчи бейхотиёр «Вой, манави қизалоқнинг чиройлилигини қаранглар», деган кезларданок у гўзал эканини билар, бутидан қувонар, яна ҳам хушрўй бўлиши келиб, онасига «Аяжон, сочинми кўнгироқ қилинг», деб хархаша атар, аяси эса «Шунисига ҳам кўз тегмасин, болам», деб қўлига кўзмунчоқ, бўйинга тумор тақарди. Кейинроқ, бўйи етаётганда ўсмир йиғитчалар суқланиб, тенгқур қизларнинг бириси ҳавас, бошқаси ҳасад билан кўз ташлайдиган бўлгач, у ўз хуснига гурур ва алланечук ҳадик билан қарай бошлади. Зеро, у нарвардигор ўзига бекиёс малоҳат берганини эди анча-мунча тушунар ва шунга мутаносиб бир толе ҳам ато этганиман, инқилиб, дед озгина ташвишга ҳам тушар эди.

Ташвини бежиз эмасди. Ҳали мактабни битирмаёқ маҳаллининг безори болаларидан, йигирмага кирмаёқ аллақачон қамалиб келишга улгурган Мириғўлат ган ота бошлади. Рўйхушлик бермаганига қарамай, «Барибир сени оламан», деб дағдаға қилди. Қинилоқ йиғитлари ўртасида «Мен Афифа билан юраянман, у меники», деб мақтаниб ҳам юрди. Гарчанд бу мақтанишга даярли ҳеч ким айтарли эътибор бермаган, Мириғўлатнинг ўзи эса темирйўл бекатида бировни пичоқлаб, ўн икки йилга кесилиб кетган бўлса ҳам, ана шу арзинмаган ган Афифанинг ҳаётида кичик, лекин оғриқли жароҳат бўлиб қолди. У «Акамнинг ўртоғи шунинг учун ҳам гапирмаган», деб ўкинди. Агар у гапирганида... қачонлар турмуш куриб, бир этак бола туғиб, кан-катта хотин бўлиб юрармиди. Айтганча, нега шу пайтгача бўйида бўлмашти? Субутининг аввалги хотинидан қизи бор-ку. Айб Афифада бўлса керак. Йў-ўр-с, ҳали унча кўл вақт ўтмади-ку. «Болам бўлса, қиз бўлармикан? Ўзимдай чиройли бўлармикан?..» деб ўйлади. Хаёлидан уялди. Нега бутун бунақаман? Нега ўз хуснига ўзим маҳлиё бўлалман? Нега ойна ёнидан кеттим келмайди?..

Нафсиламбрини айтганда, Афифа кейинги ҳафталарда бироз озиб, хинча тортиб, юзлари ранглар бўлиб, яна ҳам гўзал-

лашди. Бир хил аёллар шўх-шодон, бахтиёр бўлса, чиройли кўринадди. Аммо яна бир тонфа борки, уларга маъюслик ярашади. Гўё ғам-кулфат қуёш чехрасини бекитмоққа уринаётган булутлар сингари ана шу гўзалликка соя солимоқчи бўлади-ю, сира бунинг уддасидан чиқолмайди. Худо берган асл маллоҳат, табиий чирой булутлар бағрини тилкалаган шамсу анжор сингари янада тишиқ, янада ярқироқ бўлиб балқийди.

Афифа ҳусни ортганини сезган лаҳзадаёқ Субутни эслади. Шу тонда кўрса эди, деб илҳақ бўлди. Бағрига киргисен, эркаланиб, сингиб кеттиси келди. Соғинч эди бу! Севган, севганда ҳам мушсу муштинларлик билан, илтиғу илтизор севган аёлининг муҳаббатини эди бу. Ғалати бир ҳолат ҳис этарди Афифа. У Субутни фақат аёл эркакин севганин ёхуд хотин ўз суюкли эринин, умр йўлдошинин яхши кўрганни каби эмас, шунга қўнимча равишда қанақадир илоҳий бир муҳаббат билан: худди фарзанд отасинин, синигил акасинин мушфиқ бир селги билан ардоқлагани сингари қалбига, жисмига яқин оларди. Худди ўзининг, ўз вужудининг бир қисминдек ҳис эта бонлагашди. Айни пайғда у ўзининг вужудини бегуноҳ ва пок ҳолатда ана шу одамга бахш этолмаганидан армонланар, умр гулшанининг тоза гулларинини унга ва фақат унга ҳидлатолмаганидан ўкинар, нафис баданига бегона қўллар, бегона вужудлар тегиб булганганидан сўнгини уни учратганидан афсусланар ва илтифоқо ичидиғи ҳеч кимга раво кўрилмаган энг мушис, энг самимий меҳрин унга, фақат унга берганини ўйлаб тасалли тонар эди. Гарчад унинг вужудига Даврбек ва яна аллакимлар кирган, ифлослаштирган бўлса ҳам бирортаси юралтига, кўнгили мулкига қадим босолмаган. Бу мулкнинг мустаҳкам дарвожисини у Субутга очди. Субутни киргизди шу метин қалъалишг тўрига. Киргиздино яна мангута бекитди. Токи унга энди бонқа ҳеч ким, ҳеч қачон киролмасин. Бу салтанатининг ягона ҳукмдори, шохди жаҳонни Субут бўлиб қолади...

Шу ҳақда у кўн ўйлар, кўзларини сўзлари билан, теъарағида гирдиқаналак бўлишлари билан Субутга аиллатиниға урилар, назарида тил билан тушунтиролмаётгандек баъзан хафа бўлиб кетарди. «Ўзи-чи, ўзи буни билармикан, тушунармикан», дея тушлар баъзан Субутнинг чехрасинга узоқ-узоқ термуларди.

Инсон табияти, феъли мураккаб бир дуйё экан. Айни дамда Афифа Даврбекка Субутнинг тамоман акси, деб номусини ўғирлаган бир разил душман, деб ҳам қарай олмади. Негадир ҳарчанд уринмасин, ундан нафратланишга, кзига тушурадиган даражада қаҳрланишга ўзида куч тополмас, «Бунга асос йўқ», деб ўйларди. «Ўйланаман», деб ваъда бериб, бажармаган бўлса, буни анаддий жиноят деб аташ инсофдан эмас-ку. Ахир у Афифани зўрлаган, куч билан, зўравонлик билан маҳв этгани йўқ-ку. Афифа ўзи шунга рози бўлди-ку. Алдандими, ваъдаларга, ялтироқ буюмларга учдими, ишқилиб, қаршилиқ кўрсатгани йўқ-ку. Тўғри, ишонди, кутди. Ёши сал каттароқ бўлса ҳам келишган, обрўли, бой-бадавлат бир одам экан, шаръий хотинликка олса, майли, розиман, деди. Қисмат экан. Буюрмаган экан. Аммо уни Даврбек сиймосида алдаб, чув туширган тақдир Субутдек мард, ақли, истеъдодли йигитга рўбарў қилди-ку. Камбағал, қувғинди, чорасиз бўлса ҳам, бир сўзлик, айтган ганини, берган ваъдасини ҳалол бажарадиган одам на-сиб қилди-ку. Толе, дегани, бахт дегани шунинг ўзи эмасми? Кемтик бўлса ҳам, машаққатли бўлса ҳам...

Бир вақтлар ўсмирлик чоғларида дугоналари билан муҳаббат, турмуш ҳақида орзу-ҳавас билан мунозара юргизганларида беихтиёр айтган бир ганини эслади: «Яхши кўрмайдиган одамга тегиб, юз йил умр кечиргандан кўра, севган одамнинг билан бир лаҳза бирга бўлганинг миң марта афзал». Бу ганини у ўзи тўқимаганди, албатта. Қасрдадир, кимдандир эшитган. Балким китобда ўқиган, балким телевизорда ё кинода эшитган. Нима бўлгандаям, шу ган унга маъқул келгани, кўнглидан жой олгани учун доимо айтиб юрарди. Ҳозир шу ганини эслаб нима учундир: «Субут акам билан бахтиёр яшадик», дея ўтган замон феълида фикрлади.

Бунинг сабаби ҳам, кўнглидан кечаётган узундан-узун ўйлар боиси ҳам бугунга белгиланган учрашув бўлса керак. Бу учрашувга у сира иккиланмай рҳилик берди. Ҳолбуки, аввалроқ Даврбекка, Субутни қутқариш эвазига ўзини қурбон қилишга рози эканини айтишдан олдин узоқ ўйланган ва иккиланган эди. Адвокат ва терговчининг Субут ўн беш йилга қамалини мумкинлиги ва шунақа муҳлатга кесилса, умуман қайтиб ке-

тини гумон экани ҳақидаги ваҳимали гапларидан сўнг қатъий қарор қилди: Субутни ҳибсдан халос қилиш учун нафақат тани, балким жони керак бўлса ҳам алмайди! Майли, шу ифлослар унинг вужудини топташсин, ахлатларга, нажосатларга булғашсин. Майли, у шундан кейин бир умр шармандаи шарми-сор бўлиб, кўчаларда сазойи қилинсин, майли...

Холасининг гаплариши элади. Ўшанда унинг Даврбек билан хунторлик қилиб юравериш кераклиги ҳақидаги «маслаҳати»га жавобан Афифа: «Бу шармандалик-ку», деганида койинди:

— Вой, қизим жоним-эй, шармандалик, деганинг нимаси, «Ўнса нетар, ювса кетар», деган мақол бор. Ким билиб ўтирибди? Сендай ҳурилиқо, ҳусида танҳо, гўзаллар гўзали бир ялангоёқ эрининг иззатини қилиб, киздан ўтолмай юриши янги замонга тўғри келмайди. Ҳуси — бу бебаҳо бойлик... Уни муносиб баҳосига сотиш керак, жоним. Одамларнинг ганига эътибор қилиб ўтирма. Одамлар шунақа, бор бўлсанг кўролмайдн, йўқ бўлсанг беролмайди...

Майли, бу қисматга кўникса бўлар, деб ўйлаганди у. Даврбек унга расман уйланмаса ҳам ҳарҳолда яхши кўради. У бўйдоқ эркак. Эҳтимол вақти келиб... Субут уни танилаб кетса, уйланар ҳам. Афифа Субутни қанчалик севмасин, у билан турмуши омонатлигини ич-ичидан сезар, ҳис қилар эди. Тўғри, Субут ҳам севади. Лекин Афифа такрор-такрор ўйлайдики, бу севи қанақадир нотабиий, бахтиқаро бир жувонга бўлган раҳм-шафқатнинг ифодасига ўхшаб кўринади. Субутнинг оғи-тасавури севи, турмуш, оила, деган ҳамма учун оддий, оддий тушуничалардан баледроқ, балким, унинг учун муҳимроқ фикр, мақсадлар билан банддек туюлади. Бирга янаётганларидан бери довақил бирор марта «Бўйинида бўлдим», деб сўрамади. Балким Афифадан бола кўриниши истамас. Дастлабки пайтлар қизи, биринчи хотини ҳақида умуман гапирмас, мабодо Афифа сўз очса, суҳбатини бошқа мавзуга буриб юборар эди. Аммо... кейинроқ қизи ҳақида тез-тез гап очадиган, ҳатто биринчи хотинини қандайдир аяб, хурмат билан тилга оладиган бўлди. «Икки-уч киши оғиз солган экан, рози бўлмапти. Мен фарқандим учун яшайман, бошқа бахтнинг кераги йўқ дегпти», дея мақтагандай ҳам қилиб қўйганди. Қиншлоққа, тўйга бориб келганидан кейин



укаенининг бир «маслаҳатини» ҳам, Аффифанинг кўнглига келади, демай айтиб берди. «Укам «Биринчи хотинингизин ҳам ташлаб қўймаг, ака, ҳар иччук фарзандингиз бор. Ҳозир икки хотинлик айб бўлмай қолди», деб айтди, дея кулди. «Ҳозир укалар акаларга ақл ўргатадиган бўлиб кетган», деди. Бу ганин аччиқланмай, ижирғанмай, қанақадир ўйчанлик билан, маъқуллагандай қилиб айтди.

Кеча касалтхонга бориб, ҳамширанинг «Қанақа хотинисиз, ахир хотини билан қизи олдида ўтирибди-ку», деган ганинни эшитгач, Аффифа худди тирмашиб-тирманшиб тепаликка чиққан ва ногоҳ юмалаб кетган одамнинг аҳволига тушди. Бир хаёли ўша тўнғеъл ҳамширага паспортини кўрсатиб, ҳақиқий хотини ким эканини исботлаб бермоқчи бўлди. Лекин бунинг фойдаси йўқлигини тушунди. Одамлар ҳозир паспортидаги хотин – хотин эмас, севимли хотин – хотин эканини яхши билишади.

Хафа бўлди. Ажралиб кетган хотин қанақасига юзисизлик қилиб кўрганни келади. Субут аканинг шунга мойиллиги борлигини аввалдан билган-да, деб ўйлади. Ичкарига киргач, Субутнинг ўзига инебатан муносабатини кўриб, кўнглининг ғубори ёзилди. Йўқ, бу одам мени севади. Севмаса... Мендек булғаниб қолган бир қизни ошкора бағрига олмас, бунинг учун маломатларга қолиб юрмас эди. Ахир шунчаки раҳми келган бўлса, уйлаимасдан ҳам ғамхўрлик кўрсатиб юраверини мумкин эди-ку. Ундай қилмади. Шаръий хотинликка олди. Никоҳдан ўтиб, бирга яшашти. Бу Субут Аффифанинг номуси учун ўз обрўсини қурбон қилгани эмасми? Сен бўлсанг, шундай одамнинг юзига яна оёқ қўйдинг. Арзимаган қийинчиликларга чиндай олмай, яна Даврбек билан хушторлик қилдинг. Субут ювиб, иоклаган вужудингизни, шаънингизни яна сотдинг, булғадинг. Кошки Даврбек шунга арзиса... У сени яна сотмоқчи-ку. Буни Субут учун, унинг озодлиги учун, деб изоҳламоқчи бўлаяпти. Агар сени чиндан ҳам ўзи айтганчалик яхши кўрса, сени ўртага қўймай ҳал қилолмасмиди шу ишни. Қўли узун, қаёққа узатса етади-ку. Йўқ. Унақа қилмади. Сенинг шитмосингизни ҳам ўз номусингиз эвазига адо этмоқчи. «Фақат бир марта, дейди. Кейин умрбод бирга бўламиз», дейди. Эртага яна бир чигал ишни счиш учун яна кимгадир сотмайдимиз?

Афифа холасиникида янаб юрган кезларида « Кўрқинчи Тохрои» деган бир китоб ўқиганди. Унда мансабга кўтарилиш учун ўз қайлиғининг номусини, қизлигини сотган бир налид одам бор. Даврбекнинг ишлари ҳам ўшаникига ўхшамаяптими? Китобдаги бахтиқаро фожина охир-оқибат ўз мурод-мақсадига етишади. Афифа-чи, бахтига эришармикан?

Нима қилсин? Даврбек айтган одамнинг банарасига тунуриб, манови жирканч саройга ўт қўйиб, бошини олиб чиқиб кетсинми? Қасрга боради? Бу одам, Даврбек айтганидай, яна аламини Субутдан олмайдами? Уни яна қамоққа тиқиб ташламайдими?

«У жуда қудратли, хавфли одам. Истаса, ўлдиртириб юбориши ҳам мумкин», деганди Даврбек. Яна ўлдиртириб юбормайдами Субутни?..

Соатга қаради. Учрашув белгиланган муҳлат тобора яқинлашмоқда эди.

### 31

Субут Афифани кузатар экан, унинг феруза кўзларида тегран бир гина, мубҳам бир араз кўргандек бўлди. Бунинг сабаби биринчи хотинимга дуч келгани. деб ўйлади Субут. Шубҳасиз, Афифа унинг келинига мени рухсат берган, деб ўйлайди. Ўзини ҳақоратланган, юзига оёқ қўйилган, деб ҳисоблайди. Гина ва аразининг тагида ана шу иддао бор. Зеро, унинг ўрнида ҳар қандай аёл ҳам аразлаган бўлар эди. Нега тушунтирмадим, нега изоҳламадим, деб ич-этини еди. Ахир Афифа Субутни чиқариб олиш учун шунча елиб-югуриб, аллақандай насткашларга мустар, муҳтож бўлиб юрса-ю, бу ерга келиб... уни бошқа аёл, бунинг устига собиқ хотини билан дийдорлашайтганини билса. Шунинг сабабидан ҳузурига киролмай маҳтал бўлиб ўтирса, алам қилмайдами? Алам қилади, албатта!

Ногаҳон палатадаги телефон жиринглади.

— Ҳозир Сиз билан жаноб Зоҳидий гапашнадилар, — деган овоз эшитилди. Бир зумдан сўнг гўшақда Субутга таниш бўлган ингичка лекин жарангдор сас янгради:

— Саломатликлари қалай энди, биродари азиз?

— Шукр, тузукман.

— Касалхонани тезроқ тарк этиб, фаол ижодий ишга киришни керак, мухтарам дўстим! Ватан Сиздаи оташин асарлар кутмоқда.

— Насиб бўлса, чиқиб қолармиз.

— Бардаммисиз, ишқилиб? Эгилганингиз, синганингиз йўқми? «Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди», дейдилар-ку?

— Бардамман...

— Баракалло! Кўришгунча хайр.

Субут ярим кечадаги бу ногаҳоний қўнғироқдан ҳайрон бўлди. Ички бир сезги билан хавотир олди, шубҳаланди. Шубҳаларни ҳайдаб, ухламоқчи бўлди. Ўринга чўзилиб, кўзларини юмди...

Субут ухлай олмади. Тун бўйи юмшоқ ўриндиқ бамисоли ажриқзор бўлиб туюлди. Туриб кийинди. Даҳлизга чиқди. Кимсасиз. Зиналарни бир-бир босиб нагта тушди. Ташқари эшик ҳайтовур очиқ экан. Қор ёлмаган бўлса ҳам кўча совуқ. Эти жулжикди. Лекин жисми тетиклашди. Катта йўлга чиқди. Бўм-бўш. Узоқда бир машина чироғи кўринди. Таваккал қўл кўтарди. Машина иккилангандек сал ўтиб тўхтади. Субут яқин борди. Ёши улуғроқ, соқоли одам экан.

— Сайхонга элтиб кўйсангиз, — деди.

— Шу маҳалда Сайхонда нима бор, ука, — деди оғриниб.

— Уйга, ўша ерда яшайман.

— Касалхонадан чиқдингизми? Эрталабгача сабр қилсангиз бўларди.

— Зарурат бўлиб қолди, амакн, — деди Субут.

— Ҳа, майли, — деди ҳайдовчи — Ўтирақолинг.

— Қанча оласиз, — деди Субут чўнтагини пайнаслар экан.

— Ўтиринг, ўтиринг, кўнгилдан чиқариб бирон наржа берармиз.

— Майли...

Машина елдек илгариледи. Сайхонга етиб келганларида тун ярмидан оғиб кетганди. Субут муқолишида тушди. Бироз юриб, дарвоза ёнига келди. Бир зум иккиланиб турди. «Уйдамикин? Холасиникигами ё бошқа бирон жойга кетмаганмикан. Эҳ, хомкалла, боя касалхонадан қўнғироқ қилса бўлмасмиди. Ахир палатада телефон ҳам бор эди-ку! Уйда бўлса, ухлаб ётгандир.

Субутнинг бу маҳалда келганини кўриб, хурсанд бўлармикан ё койийдими?.. «Сизни ранжитганим учун, сиздан узр сўрагани келдим», деса ишонармикан?»

Кўнгироқни босди. Узоқ-узоқ босди. Жавоб бўлмади. Мустаҳкам дарвозадан бирои тирқиш излди. Ичкарига қарамоқчи бўлди. Тирқиш тонмади. Яна кўнгироқ чалди. Яна сукупат. Ногаҳон димоғи бадбўй ҳид сезди. Куйганининг ҳидими? Газми? Алҳазар! Наҳотки... бирои кор-ҳол кз берган? Нима қилиш керак? Қора тошлар қонланган биринчи қаватда на бир дераза, на бир туйнук бор. Иккинчи қават баланд. Ҳид кучайди. Куйинди ҳиди. Ичкарида нимадир ёнапти. Орқароққа чекиниб, томга разм солди. Мустаҳкам руҳ тунукада ҳеч бир ўзгариш сезмади. Қоронғида элас-элас тутун чиқаётгандек кўринди. Ёнапти! Деразалардан бирининг ортида қизғиш олов кўзига ташлангандек бўлди. Аниқ! Ёнапти! Афифа газни ўчиришни унутиб, ухлаб қолган бўлса керак. Ё, нарвардигор! Кўнгли бекорга безовта бўлмаган экан-да? Нима қилиш керак? Кўшииларни уйротсинми? Икки томондагилар ҳам қинда шаҳарга кўчиб кетишган-ку. Ўт ўчирувчиларга хабар қилиш керак. Қандай қилиб? Қасрдан? Кўча охирида дўкон борлиги эсига тушди. Гандираклар ўша томонга чоңди. Ҳали буткул қувватга кирмагани учун ҳарсиллаб қолди. Қулоқлари шанғиллаб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Дўкон ёниқ. Қоровул кўринмайди. Деразани қоқди. Ҳеч ким йўқ. Кўчанинг икки томонидаги эшиклардан бир-иккисини тақиллатди. Жавоб бўлмади. Дарвоза ёнига қайтиб келди. Қўлаиеса ҳид кучайган, кўча томонидаги деразаларининг барчасида қизғиш олов яққол кўринар, тунука томдан сезилар-сезилмас тутун чиқар, дафъатан қараганда, бу мўрининг дудига ўхшар, шу боис «қора тош қаср» сиргдан қараганда ҳамон мустаҳкам ва салобатли бўлиб турар, ичкаридаги ёнғин. астойдил разм солиб қаралса, деярли билинмас эди. «Бу қалъа ичидаги ёнғин ҳам сезилмайдиган қилиб қурилган экан», деб ўйлади Субут алам ва изтироб билан. «Нима қилиш керак, эй, худо?» Бироз нафасини ростлаб олгач, беихтиёр шаҳарга элтувчи катта йўл томон юрди. Йўл анча узоқ эди. Чоңди. Яна боши айланиб, кўзи тинди, бадани қизиб терлаб кетди. Кейин совқотиб қалтирай бонлади. Юраги беҳузур

бўлди. Йўлга яқин қолганда, оёғи чуқурга тушиб, қоқилиб кетди. Юзтубан йиқилди. Кўзидан ўт чақнади. Пенюнаси ғурра, оёғи-бурни қон бўлди. Атзойи бадаи қақнади. Ўрнидаи туринга уриди. Мажоли етмади, тўрт оёқлаб эмаклаб, йўл бўйига чиқди. Бор кучини тўшлаб, тикка турди. Йўловчи машинага қўл кўтарди. Машина тўхтади. Субут унга қараб яна бир қўл силкиб, олдинга интилди-ю, беҳуш бўлиб йиқилди. Машинадаги икки киши уни маст, деб ўйланди, шекилли, яқин келмай, бироз пайсаллаб туриди. Бири иккинчисига қараб:

—Мастга ўхшамайди, машина уриб кетган, ё безорилар қалтаклашган бўлса керак милицияга хабар берамиз, — деди.

Улар жўнаб кетишди. Шаҳарга кираверишдаги милиция постиди тўхтаб, Сайхон лқнида йўлда бир одам йиқилиб ётганини айтишди. Кўн ўтмай милиция машинаси етиб келиб, Субутни шаҳардаги «Гез ёрдам» шифохонасига элтиб тоншириди.

Муолажадан сўнг ўзига келган заҳоти Субут Сайхонда далаҳовли ёнаётганини, ўт ўчирувчиларга хабар бериш зарурлигини айтди. Ҳамширалар буни алаҳсираш, деб, анчагача эътибор беришмади. Охири биттаси «01»га қўнғироқ қилди.

...Ўт ўчирувчилар Сайхонга келиб, қилати мағарага туюқ бўлинди. Ҳашаматли кўрвон, ичкаридан тарқалган куйинди ҳидини ҳисобга олмаганда, сираим ёнганга ўхшамасди. Темир дарвозадан ичкарига киришнинг иложи бўлмиди. Темир деразаларнинг қори ойналарини сиқдириб очинди-ю, улар ортидаги нулат парвожарларни кесишга асбоб топилмади. Шунинг учун парвон кўйиб, тунука том орқали ошиб тунишга тўғри келди. Ҳартугул ҳовлига чиқилмадиган икки табақали темир эшик ичкаридан бекитилмаган экан. Аке ҳолда ичкарига кириш учун темир кесадиған ускуна ёхуд портловчи молдлар шилатишга тўғри келар эди. Хулас, бионинг ички, ёғочдан ишланган қисми бутунлай кўйиб, кўмирга айланган, иморатнинг оловга чидамли махсус гинглардан, темир ва бетондан тикланган гавдаси ва оқ тунука томи бутун эди. Биюбарин, ичи адойи тамом бўлган бу қонюна сиртдан ҳеч наржа бўлмагандек, ҳамон гўзал, салюбатли кўринарди. Хоналардаги аҳвол ҳам шушдай эди. Ёғоч ва бонқа бўш, қулдиган жиҳқилар, матолар ёшиб кетган. Ўтта чидамли нарсалар эса жой-жойида, бус-бутун турибди. Иккинчи қаватдаги ошхонага яқин, ётоқхоналардан бирида

тамоман ёниб, қон-қора туста кирган суякларигина қолган икки жасад топилди. Уларнинг бири сариқ рангли дамашқий металл каравот устида, иккинчиси эса ерда чўзилиб ётар эди. Сирасини айтганда, бу ерда бўлар иш бўлган, ўт ўчирувчиларнинг жасоратли хизматига ҳожат қолмаган эди. Шу боис улар сал кечроқ етиб келган махсус ускуналар ёрдамида темир дарвозани ўйиб очинди ва милиция ҳамда прокуратурага хабар қилинди.

Криминалистлар ёнғин ва жасадларнинг ўлими сабабларини аниқлашга киришдилар.

## 32

*«Азиз севгилим, Субут аки!*

*Бу сизга ёшдан биринчи ва эҳтишол, сўнгли мактубим. Илгирироқ, мактабдан ўқиган кезларим мен кўп хат ёзганмин. Акаларим армиядан хизмат қилганидан, душонлиримдан бирортаси бошқа жойга кўчиб кетганидан астойдил иштиёқ билан мактублар битирдим. Бу ўзимга ёқарди. У ёшни сўрасангиз, болаликдан мен ҳам оз-оз ўзвеччиликка қизиққанмин.*

*Тақдир менга берган уст-ма-уст зарблардан сўнг сизни учратишим, мени болалигимданги содди ҳавас, този туйғуларимга қайтаргандек бўлди. Сиз мен учун фақат оддий бир мард йигит, жасур халоскор эмидингиз. Сиз мен учун орзуларимнинг кеч бўлса ҳам, оғриқли, азобли бўлса ҳам, ушшилиш эдингиз. Сиз ижодкор бўлганингиз учун, одамлар қалбини, руҳиятини тушунадиган киши бўлганингиз учун ҳам менга икки карра, билким юз карра яқинроқ эдингиз. Сиз – айнан мен излаган, хатлимда таъаввур этган, лекин эришишга асло умид қилолмаган юккак бир юлдуз эдингиз. Йўқ-йўқ, юлдуз эмас, сиз мен учун чинакам Қуёш эдингиз. Чунки Сизнинг меҳрингиз, муруват ва шифқатингиз менинг маъзликларда, қаҳритон изгирилларда қолган вуждимни, руҳимни иситди. Совуқлар уриб кетган жисмида янги умидларни ундирдингиз, кўкартирддингиз. Мени тирилтирддингиз, ҳаётга қайтардингиз...*

*Аммо мен... Сизнинг муҳаббатингизга, шончингизга муносиб бўлолмадим. Турмуш қийинчиликларига чидай олми-*

дим. Тоза, мусоффо бўлолмадим. Яна енгилтаклик қилдим. Бир виқтлир «Ўлдим-қуйдим», деб алдиб, беномус қилиб кетган одамнинг «садиқаси»га учиб, яна Сизга хиёнат қилдим. Бошда буни хиёнат, деб ўйламагандим. Ўша одам ўзи пиширган ошни ўзи ичи қолгин, мен ўшаники бўлиқолай, сиз эси ўзингизга муносиб, ўзингиздек пок, бегуноҳ бошқа бир аёлни, ҳақиқий бахтингизни топиб оларсиз, деб ўйлидим. Чунки бошданоқ ўзимни Сизга муносиб, тенг кўролмадим. «Ит теккан», қўлдан-қўлга ўтган, тишиландиқ бир аёл эканлими, бу бирибир қачондир Сизга милол келишини, ҳатто бир кунмас-бир кун иччиқ устиди юзимга ҳам солишингиз мумкинлигини ўйлидим. Шундай бўлгач, яхшиси севмасам ҳам, ич-ичимдан нафратланиб юрсам ҳам ўша «Кўз очиб кўрган» одамга тега қолай, деб ўйлидим. Сиздан яхшиликча ажрлишига иҳд қилдим...

Лекин буни Сизга айтишига журъатим етмади. Чунки Сизни тобора кучлироқ севётганимни, Сиздан ажрлиб қолишни тасаввур ҳам этолмаслигимни тушундим. Сизнинг севингиз ҳам, меҳрингиз ҳам фақат раҳм-шафқат туфайли тугилмаганини, бу чинакам муҳаббат эканини тобора равшанроқ сезардим. Юзларимга, кўзларимга термулиб тўймагликларингизни, бу ҳаётда аёл сифитиди фақат ва фақат мени хоҳлашингизни, бунга қизингизга бўлган эгаллик меҳри, аввали хотинингизнинг чандон уринишлири ҳам асло халиқит бери олганини ҳис қилардим. Ҳолбуки, эркак одам бошига иш тушса, омади қайтиб, иши ўнгидан келмаса, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Лекин Сиз нақадар қийин иҳволга тушганингизга қаримасдан, менинг дилимни заррача оғритмасликка, авайлишига, кўнглимни кўтаришига ҳаракат қилардингиз. Ҳатто... Менинг ўша одам билан учраганимни сезган, гумон қилган пайтингизда ҳам буни билдирмасликка уриндингиз. Фақат насиҳат қилдингиз, огоҳлантирддингиз. Мен гумроҳ бўлсам, насиҳатларингизни, огоҳлантиришларингизни назар-писанд қилмадим. Очкўз, назари паст одам сингари нуқул қорнимни, эғнимни, икки-учта ялтироқ тошни ўйлидим, ҳолос. Сизнинг оч-яланғоч бўлишингизга қарамай эр-

тадин умидвор бўлиб, тушкунликка тушимай яшашимиздин баъзан аччиқланирдим, баъзан кулардим. Холим айтингидек, бу беш кунлик дунё ўтиб кетади-ку, булун, ёшлигинида яшиб қолишинг керак-ку, дердим. Сизнинг бу оддий нарсани тушунмаганингизга ҳайрон қолардим. Эртанга қариб, ҳеч кимга керак бўлмай қолган пийтинидиги фировонлигини нима зарурати бор, деб ўйлардим.

Энди билсам, одам қорни учун, эгни учун, эртанга қолиб кетадиган ялтироқ совуқ тошу темирлар учун эмас, билки бошқа нарсалар учун яширкан. Сиз ана шу нарсаларнинг нима эканини биларкансиз. Биларкансизу менга тушунтирмаган, эҳтимол, тушунтири олмаган экансиз. Ҳозир шу топда ана шу нарсаларнинг биттагини, атыги бир донасини тушунгандек бўлиб ўтирибман. Ўзим тушунмаяман-у нима эканлигини сизга тушунтириб беролмасам керак. Аслида буни Сизга изоҳлашимнинг ҳожати йўқ. Сиз буни мендан кўра минг чандон яхши биласиз.

Бир гапингиз ҳозир қулоқларим остида янграб тургандек: «Бугунги замонда ҳамма нарса пулга сотилапти, ҳамма нарсани пулга харид қилиш мумкин, деганлар янгилишадилар. Шундай нарса борки, уни етти мамлакатнинг хирожига ҳам сотиб олиб бўлмайди. Унинг эвазига бутун дунёнинг олтин-жавоҳирини тўлаганга ҳам харид қилолмайсан. Уни тортиб ҳам ололмайсан. Инсонни эзиб, янчиб, ўлдириб ҳам ўша нарсангизни тортиб олиш мумкин эмас. Уни инсон фақат ва фақат ўз ихтиёри билан, ўз хоҳиши билан бериши мумкин».

«Ўша нарса нима?» деб сўриганимди, «Бу нарсанинг нима эканини ҳар бир одамнинг ўзи билиди. ўзи белинайдми», дедикиз.

Мен бугун ўзимдаги ўша нарсангизни нима эканлигини билдим ва уни ўз ихтиёрим билан Сизга топширишга қарор қилдим. Йўқ, бу севгим эмас. Севгим, вужудим, руҳим таломан Сизники эканини айтиб ўтирмаганим ҳам бўлади. Бу – умрим, ҳаётим, жоним ҳам эмас. Уни ҳам ҳозир Сизга ҳеч иккиланмай топширишга розиман. Тўғри, бир вақтлар иккиланганман, жисмиمنى Сиздан айри тасаввур этишга уринганман. Аммо энди ўша иккиланмишларим учун минг бор тиз чўкиб, узрлар сўришга тайёрман...



Бу – бошқа нарса. Бунинг нимчилигини тушунтиришдан ожизман. У менинг ақлимдан, тасаввуримдан жудаям биландди. Балким сиз биларсиз, ўзингиз тушуниб оларсиз. Гўзал баҳор кунларида, ҳаёт яшанган ёз чоғларида, маънос куз паллиларида ҳув ўша учрашиганимиз сўлим боғни кезганингизда мени ҳам бир лаҳзанига эсларсиз, висол лиззатидан масрур кунларимизни ёдга оларсиз, «Ҳаётда адашман, қоқилиб-сурилиб, бахтини топман, лекин уни сақлаб қололмаган шўрлик бир қиз бор эди», дея хотирларсиз, деган умиддаман.

Мен сизни қолдираётган нарса, эҳтимол, ани шу оддий умиднинг ўзидир.

Қайда бўлсам ҳам, қийметгачи сизники, фақат сизникиман. Мени унутманг, жоним, азизим, севгим...

Бу мактуб шошилиб, ҳаяжонланиб, йиғлаб-йиғлаб ёзилгани сезилар, унда кўз ёш излари бор эди.

Бу кўз ёшларни Афифа мактубини ёзаётганда тўкканми ёки Субут ўқийётгандами?.. Зеро, мактубни ўқиган ҳар қандай одамнинг кўзи ёшланиши табиий эди. Унда теран бир андуҳ, аламли ўкинч, айни пайтда инсонни ғурурлантирадиган, унинг муаллифига нисбатан юракда самимий хайрихоҳлик уйғотадиган юпанч бор эди. Шу боис менинг ҳам кўзимда ёш қалқди. Дастлаб воқеалар мантиғидан келиб чиқиб, кўнглимда пайдо бўлган «Бу мактубни Афифанинг шаънини ҳимоя қилиш учун... Субутнинг ўзи ёзмаганмикан», деган бемаъни бир фикрни кескин рад этдим. Йўқ, унақа бўлиши мумкин эмас. Бу хатни Афифанинг ўзи ёзган, унда ўз қисмати устидан бешафқат, айни чоғда мардона ҳукм чиқарган мағрур аёлнинг қалб кечинмалари гоёт аниқ акс этиб турибди, дедим.

— Хатни Афифа ўша куни ёзиб, ночта қутисига ташлаган. Мен уни кейинроқ олдим, — деди Субут.

Ундан «Афифа хатни қанақа манзилга жўнатган», деб сўрамадим. Бунинг нима аҳамияти бор? Муҳими, бу хат Афифа ҳақида шу пайтгача эга бўлган тасаввуримни буткул ўзгартирди. Мен бошда уни бир қадар хушламай, айрим ўринларда нописандлик билан тасвирлаганимдан уялиб кетдим. Кўз ўнгимда

у ошпоқ либосга буркаиган масъум ва мунис келинчак бўлиб, бир умрга муҳрланиб қолди.

### 33

Субут касалхонадан чиққач, яна анча вақт терговга қатнаб, сўроқ бериб юрди. Шу орада таҳририятта бир неча бор келди. Биринчи келишида бояги мактубни кўрсатди. Иккинчи келишида таҳририятдан бир тавсифиома сўради. Прокуратурага тақдим қилмоқчи экан. Биз тавсифиомани ёзиб бердик. У миннатдорлик билдириб олиб кетди.

Сўнги бор келганида анча очилиб-ёзилиб суҳбатлашиб ўтирди. Мен уни ўтган ишлар ҳақида саволга тутинига истиҳола қилиб, ўзи айтган гапларни тинглаб, чеҳрасига разм солиб кузатиб ўтирдим. Назаримда у мен бир-икки ой олдин кўрган – фикрлари тарқоқ, тушқун ва ҳорғин Субутнинг тамоман акси эди. Бироз озгани учунми, бўйи аввалгидан баландроқ, қадди тикроқ, кўзлари маънодор ва ишончли, усти-боши ҳам текис, бежирим. Бир оғиз қилиб айтганда, унинг вужудидан қатъийт ёғилиб турар, ўз мақсадини аниқ биладиган ва унга эришини учун ҳар қандай қийинчиликни енгинига қодир бўлган ўктам йигит каби тавассурот қолдирар эди.

Наҳотки, инсон қисқа вақт мобайнида бу қадар ўзгаришни мумкин? Бунга сабаб нима? Кулфат, қийинчиликлар уни тобладимми? Ғам қаритади, қайғу йиқитади, дердилар-ку. Демак, бу гап ҳаммага инсбатан айтилмаган экан-да. Иродаси бор ва уни мудом чиниқтира оладиган, ҳаётнинг маъно-моҳиятини яхши тушунадиган кишилар машаққатлар қарнисида эсаки-рамас экан. Қайтага аксинча, жисмидаги, руҳидаги куч ва имкониятларни кўпроқ сафарбар қилиб, янада чидамли, янада куранчан бўлиб қолар экан. Илгариги қисқа учрашувларимизда Субутнинг кўзлари нажот излаб, марҳамат кутиб жовдираб турганини кўрганман ва унга бирор ёрдам беролмаслигимдан уялиб нигоҳимни олиб қочган эдим. Бугун унинг дидил, журъатли боқинини кўриб, ўша мутелик ва аялдан асар ҳам қолмаганини, бу йигит ҳаётдан қандай талаб-истаги борлигини аниқ билиши ҳамда ўз олдига қўйган мақсадига эриша-

жагига қатъий ишонишига амин бўлдим. Кайфиятим кўтарилди. Зеро, ана шуидай одамлар билан учрашганинда мароқланасан, руҳинг кучланади. Аммо...

Мароқли суҳбатимизни хиралаштиришни мумкин бўлган бир сабаб ҳам бор эди ва мен бу ҳақда атайлаб гап очмай ўтирардим. Кутилмаганда Субутнинг ўзи гапни ўша мавзуга буриб юборди:

— «Садо»да чиққан «асар»ни ўқигандирсиз?

— Ўқидим, — дедим. Субут яқинда босилган «Қора қасрдаги қатл» номли мақолани айтаётганди. Унда «Сайхон» қишлоғидаги муҳташам дала-ҳовлилардан бирида содир этилган сирли жиноят ҳақида, асосан тахмин ва тўқимага асосланиб ҳикоя қилинар, гап орасида «Ушбу қимматбаҳо қасрнинг собиқ журналист, бугунги кунда гиёҳванд молдалар савдосида айбланиб, тергов қилинаётган Субут Сокининг рафиқаси А. немли аёлга тегишли экашлиги одамни чуқур мушоҳадага толдиради ва ногоҳ ўйлайсанки, бир вақтлар бизга ҳамкасб ҳисобланган, тузуккина қалам соҳибишнинг «Оқ ажал» домига илиниб қолганлиги тасодифий ҳолмикан», деган мужмалроқ жумла бор эди. Субут ана шу жумлага эътибор қаратди:

— Бу билан нима демоқчи бўлаётганини тушундингизми? Мени ана шу жиноятга алоқадор, дейишмоқчи.

— «Садо»чилар сизга нега бунча ёнишиб олишган, аввалдан бирон хусумат бўлмаганми, — деб сўрадим Субут ҳақида илгарироқ босилган фелъетонни эслаб.

— Қанақа хусумат бўларди, шунчаки, «Садо» ким яхшироқ ҳақ тўласа, ўшанинг ноғорасига ўйнайдиган бемаза бир нашрга айланиб қолган. Мен ундаги тухматларга эътибор бермай қўйдим. Номини ҳам ўзимча «Кесакдан чиққан садо» деб юраман.

Биринчи гап, хатни олиб келганида ундан ёнишнинг ва ўша тонилган жасадлар шахси, ўлими сабаблари ҳақида фикрини сўрамагандим. Бугун мавзу ўша масалага бурилганидан фойдаланиб, сўрадим:

— Сизнингча қанақа бўлган ўзи?

— Ҳозирча аниқ айтолмайман. Вақти келиб, ҳаммаси ойдинланади. Мен бу сирнинг тагига етишга қатъий аҳд қилдим. Чунки бу менинг, айниқса, Афифанинг шайни билан боғлиқ. Унинг шайини, албатта, оқлангим шарт...

— Ҳарҳолда бирон тахмин, фараз борми сизда?

— Албатта. Фараз кўн. Ҳақиқатга яқини шуки, ёнғин қотилликнинг изларини йўқотиш учун атайлаб уюштирилган. Зоҳидийни аввал бошқа жойда ўлдиришиб, кейин бу ёққа олиб келишган. Зоҳидийга кўшиб, мени ҳам бадшоҳ қилиш мақсадида Афифани ўлдириб, кейин иккаласини бир хонага киритиб, бинони ёқиб кборишган. Мен бу ишни кимлар қилганини ҳам тахминан биламан. Вақти келиб, ошкор этишга ҳам имкон бўлар...

— Ўзингизнинг ишларингиз нима бўлди? — деб сўрадим энди бу саволнинг мавриди келганини англаб.

— Ўзимнинг ишим яхши. Яқинда қутиламан. Тергов тўхта-тилади.

Сўнгра у хайрланиб чиқиб кетди. Унинг қатъият тўла нигоҳи анчагача кўз ўнгимдан кетмади. «Субут бу воқеанинг тағига ета олармикан, умуман бу жумбоқнинг ечими борми?» деб ўйладим. Назаримда, бу жула ҳам мубҳам, чигал тугун эди.

Мени бу воқеада ҳаммадан кўра таажжубга солган нарса... Зоҳидийдек шунчалик молу давлатга, куч-қудратга эга бўлган одамнинг бу қадар оддий, аянчли ва тасодифий ўлим топиши эди. Наҳотки, у қасрга ёлғиз келган, туну кун ёнидан жилмайдиган тансоқчилари қаерда қолган? Хўн, айтайлик, уларни «Халақит бермасликлари учун» ўз уйида қолдирган бўлса, наҳотки улар лоақал хўжайинининг хавфсизлигини лоақал сирдан, масофадан туриб қўриқлашмаган бўлса, наҳотки улардан бироқтаси ёнғинни сезишмаган? Ахир ораликдаги масофа у қадар узоқ эмас-ку? Ёки бу қатл ва ёнғин чиқдан ҳам Субут айтганидек ким томонидандир ғоят усталик билан режалантирилган ва пухта амалга оширилганмикан? Бунинг учун қўриқчи ва тансоқчилар ҳам «керакли найт»да ўз ўрнида бўлмаганми? Улар бартараф этилганми? Жасадлар бошқа жойдан олиб келинганми? Қаердан? Шундай бўлса, бу ишни ким уюштирган? Муқимхоновми? Унинг хорижда ҳижратда юрган қайиотасими? Ҳарқалай ўша одамнинг Зоҳидийга ютқазиб, тақдирга тап бериб кетишига ишонини қийин эди.

Субутга мақола ёздирмоқчи бўлган малла йигитнинг кутилмаганда ғойиб бўлиши ҳам тасодиф эмасди, назаримда. Хуллас, мураккаб саволлар кўн. Уларга жавоб тонишни Субут уд-

далай олармикан? Шубҳасиз, бу ундан узоқ ва машаққатли кураш олиб боришни талаб қилади. Лекин ҳамонки, Субут курашига бел боғлаган экан, буида унинг ёлиб чиқишани кутмоқ ва умид қилмоқ керак, деган тилак билан воқеага нуқта қўймоқчи бўлдим. Бироқ...

## 34

Орадан бир неча ой ўтгандан кейин «Сўз» газетасида «Ёнаётган аёл» номли бир асар босилди. Унда айнан бўлмаса-да, деярли ўша мудҳиш воқеа ҳақида сўз бораётганди. Ажабо, асарга «Тўфон Саботли» деб имзо чекилган. Мен, дарҳол бу имзо Субут Сокишининг янги тахаллуси эмасмикан, деган ўйга бордим. Шош-пиша асарини ўқишга тутидим. Ундан мени ҳамон қийнаб келаятган саволларга жавоб тонгандек бўлдим. Дафъатан «Нега «ҳикоя»? Негача мақола ёхуд лоақал воқеи ҳикоя эмас, дея таажжуб ва таассуфга тушдим. Чунки бу ҳикоя кўпроқ мақолага ўхшарди. Ёки Субут воқеанинг моҳилтига тўласинча етолмай умумий мулоҳазаларга, бадний тўқимага зўр бердим? Ҳикоянинг янги тахаллус билан чош эттириганининг сабаби ҳам шундамикан?

Шу тахлит экин саволларининг жавобини таҳлил этгани асносида яна янги-янги саволлар туғилаверди. Бунга Субутнинг ўзидан жавоб олиш мумкин, деб ўйладим ва ҳикояни қайтадан ишонилмай ҳар бир сўз, ҳар бир жумла тагидаги маънони аниглашга ҳаракат қилиб ўқий бошладим. «Ҳикоя» анчагина катта бўлгани боис ундаги воқеа баёнларини ташлаб, муаллиф мулоҳазалари, хулосалари акс этган қисмларини келтирмади.

## 35

### «ЁНАЁТГАН АЁЛ»

Сиз ёнаётган аёлни кўрганмишсиз? Ҳойнаҳой кўргансиз. Бизнинг ҳаётда бундай ҳодиса аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб туради. Илгарини бу ҳодисани яширишган. Зеро, ўзига ўт қўйган ҳар бир аёлнинг хатти-ҳаракати мавжуд тузумга қарини қара-

тилган исён, деб қабул қилинган. Аслида ўша шўрииг қурғур ожиза мавжуд тузум, унга қарини иорозилик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган. Ана шу даҳшатли қарорга келишга уни ҳаётдаги энг оддий, жўи ҳодиса — оиладаги нотингчилик, золим эрнинг зугумидан тўйиб кетини мажбур этган, холос.

Ўз жонига қасд қилган аёлнинг гўрига ғишт қаланига шонилманг! У азиз умрининг азиз оиларидан воз кечар экан, буни кимгадир қасддан, кимгадир иорозилик матиосида қилмайди. Биринчи галда, у ўз жонини азоб-уқубатдан кутқарини мақсадида қўл уради, бу ишга...

Мен бир аёлни билардим. У ҳаётни нақадар қаттиқ севарди. Барча аёллар сингари она бўлишни истаган. Унинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор эди...

Уни қизалоқлик чоғидаёқ алданди. Унинг мусаффо орзуларини поймол этишди. Уни аёл учун энг муқаддас ҳисобланган номусдан маҳрум этишди. У нафсе бандалари қўлида қурбои бўлди. Нсга у ўз шайни, номуси учун кураша олмади? Чунки у ёлғиз эди.

Ёлғизлашиб қолган эди у нафсе, фаҳиш, зино қаршисида. Чунки бизу сиз уни ёлғизлаштиб қўйган эдик. Биз унинг ифйос кимсалар чангалида хору полон эканини кўриб турар эдик. Аммо кўрмасликка олардик. Биз унинг фожиасига лоқайд бўлиб, жимгина кузатиб турардик. Ўз лоқайдлигимизни ва ожизлигимизни «Замонанинг зайлн экан» деган шармандали баҳона билан изоҳлар эдик.

У кўзларини жовдиратиб биздан нажот кутар, биз аса кар, кўр ва гунг эдик. Бокира, покиза бир қизининг фожиасига тинч ва хотиржам қараб туришга ўзимизда куч тона олган эдик. Биз ўйламас эдикки, ўша қизалоқнинг ўрнида сизнинг, менинг, унинг қизи, синглиси, хотини, ҳатто онаси бўлиши мумкин эди...

У ҳеч кимдан нажот йўқлигини англаб етгач, ихтиёридаги энг сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлди. У ўзига ўт қўйди. Бу ўт, бу олов алангасида унинг жисминини ўкинч-армонлари, афсуе-надоматлари, ожизлиги-ю, чорасизлиги, хуллас, барча занф жиҳатлари ёниб кетди. Бу олов чексиз қудрат соҳибасига айлантирди. Ёнаётган аёл — буюк қудрат соҳибаси!

Айни пайтда у ана шу олов алангасида сизу бизнинг ориятимизни, ғуруримиз, эркаклик шаънимизни ҳам ёндириб, куйдириб кулга айлантириб кетди. Энди биз бундай ориятни Самандар мисоли қайта тирилтира олармиканмиз? Ёки ҳиссиз, ғурурсиз, қун-қуруқ тараша мисоли вужудимизни уйдан ибрат олиб, ёндириб юборганимиз маъқулмикан. Шундагина ёниб, ором олармикан «бизнинг» музга айланган кўнглимиз. Ана шундагина эрирмикан бағримиздаги тошлар, очилармикан бизнинг сўқир кўларимиз? Шунда равшан тортармикан бизнинг мудроқ виждонимиз? Шояд...»

«Ҳикоя», деб аталган бу публицистик мақола қаттиқ ҳаяжон билан ёзилгани сезилиб турар эди. Унда муаллиф ўзининг бутун қаҳрини, захрини, аламини тўкиб солганди.

Ушбу ишони чоп этган нашр таҳририятига ҳам тасаннолар айтиш жоиз. Бунақа гапларни ўтказиб юборган муҳаррирга ҳам офарин. Мана, бўларкан-ку! Муаллиф юрагидан отилган гапларни, фикрларни айнан ифодалаш мумкин экан-ку...

Таҳририятга сим қоқиб, ҳафсалам нир бўлди. «Тўфон Саботли», деганлари яқиндагина ишга келган ёш қаламкаш экан.

— Ана шуни ҳисобга олиб асар сал бўшроқ бўлса ҳам муаллифни рағбатлантириш учун босдик, — дейишди.

Тамом. Субут Сокин ҳақида боннка ҳеч қасрдан, ҳеч қанақа маълумот ололмадим. Бирон кунни ўзи келиб қолади, ҳаммасини яна қайта бошдан, муфассал суҳбатлашиб оламиз, дея кутардим-у бироқ Субут тунмагур сира кела қолмасди.

Нуқул «Ўша кунги ёнғин чоғида Афифа омон қолган, Субут уни бежавотир жойга яширишга улгурган, сўнгра ўзининг тергов билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун шифохонга ётган, тузалиб, оқланиб чиққач эса Афифа билан бирга узоқ-узоқларга бош олиб кетган», деган ишонини қийин бўлган хулоса ҳаёлимда айланаверади. Шундай бўлса, қанийди. Ахир, ҳаётда қанақа мўъжизалар рўй бермайди, дейсиз.

Аммо...

Бироз ўтиб, Бойкент туманига хизмат сафарига борганимда йўл-йўлакай Сайхонга кириб, ўша маълум ва машҳур дала-ҳовли — «Қора қаср»ни ўз кўзим билан кўрдим. У сиртидан илгари мен сизга тасвирлаб берганимдан кўра ҳам муҳ-

ташам ва салобатли бўлиб туюлади. Мустаҳкам дарвозанинг кулфи бузиб ташлагани учун зулфига сим ўраб қўйилган экан. Ҳамроҳим маҳалла раиси менинг ичкарига киришга қизиқаётганимни кўриб, симни ечди. Ҳовлига кирдик. Ичкаридаги манзара сиртдаги салобат ва ҳаниаматнинг тамоман акси эди. Дабдурустдан бу ерда қачондир одам яшаганига, ишонгинг келмас, қоп-қора кўмирга айланган ёғочлар, қийшайиб қолган том, синиб кетган тўсин ва устунлар, хуллас, танландиқ бир вайрона қаршисида турардик. Шу заҳоти ҳаёлимга, «Бу маконни қайта қуриш — бошқа, текис жойда иморат тиклашдан кўра ўн, юз чандон қийин бўлади», деган фикр келди. Ёлғиннинг нақадар вайронкор кучга эга эканидан даҳшатта тушдим. «Ўт балосидан асра» деганлари бежиз эмас. Лекин бу иморатни барибир кимдир, қачондир қайта қуриши, унда тамоман янги одамлар яшани зарурлиги хусусида ўйладим.

Субутни сўрадим. Маҳалла раиси яқин-ўртада уни бу ерда кўрмаганини айтди. Шу ерлик бошқа одамлардан ҳам тайинли бир маълумот ололмадим. Шаҳарда ҳам суриштиришларим беҳуда кетди. Кимдир уни «Қамалиб кетган» деса, яна биров «Оқлашиб чиққан, оиласи билан ярашиб, бошқа юртга кетиб қолган», деди. Ўзини тополмагач, бу гапларнинг қай бири тўғри эканини аниқлаш имкони бўлмади. Шу боис «Қайда юрса ҳам, омон бўлсин» деган дуо билан ушбу ҳикояга нуқта қўйдим.



*Адабий-бадний нашр*

**ҲАБИБ ТЕМИРОВ**

**ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ**

*Қисса*

**Муҳаррир**

**Дилрабо МИНГЪОЕВА**

**Бадний муҳаррир**

**Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Техник муҳаррир**

**Елена ДЕМЧЕНКО**

**Мусаҳҳиҳ**

**Нилуфар ЖАББОРОВА**

**Компютерда саҳифаловчи**

**Феруза БОТИРОВА**

Босишга 10.11.2006 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 5,25. Шартли босма тобоғи 8,82.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 252.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» bosмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



Ҳабиб Темиров 1954 йилда Кўшработ туманидаги Жўш қишлоғида туғилган. Ҳаётнинг турли жабҳаларида, чунончи, журналистикада, ишлаб чиқаришда, сиёсат соҳасида меҳнат қилган. Айни пайтда «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. «Хиёбондаги одам», «Қуёш ботаётган пайт» номли қиссалари, қатор ҳикоялари нашр этилган. Унинг асарларида муҳаббат ва хиёнат, эзгулик ва қабоҳат кураши, инсон қалби ва руҳиятидаги мураккаб эврилишлар фавқуллодда ҳодисаларга, қизиқарли саргузаштларга бой тарзда акс этади. Зеро адиб шахсан ўзи бошидан кечирган ёки бевосита гувоҳ бўлган воқеаларни тасвирлайди.



978-9943-08-012-6